<p>Султашова Воралхан Генжебаевна</p> 	<p>11.00.04</p>	<p>30.11.2016/V2016.4.G66</p> <p>Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини барқарор олиш учун агроиқлимий ва агроэкологик ресурсларни комплекс баҳолаш</p> <p>Комплексная оценка агроклиматических ресурсов и агроэкологических условий территории Республики Каракалпакстан для получения устойчивой продуктивности сельскохозяйственных культур</p> 	<p>Абдуллаев Аъло Каюмходжаевич</p>	<p>Гидрометеорология илмий-текшириш институти</p>
<p>Абдукаримова Элноза Исматиллаевна</p>	<p>13.00.01</p>	<p>30.11.2016/V2016.4.Ped428</p> <p>Бўлажак мусиқа ўқитувчиларини мактаб таълимига тайёрлаш тизимини такомиллаштириш</p> <p>Совершенствование системы подготовки будущих учителей музыки к школьному образованию</p>	<p>Халилов Фахриддин Нуриддинович</p>	<p>Жиззах давлат педагогика институти</p>
<p>Болтаева Шаҳло Тошпулатовна</p>	<p>13.00.01</p>	<p>30.11.2016/V2016.4.Ped429</p> <p>Бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини ташкил этишнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш</p> <p>Совершенствование педагогических механизмов организации творческой деятельности учащихся начального образования</p>	<p>Ибраимов Холбой Ибрагимович</p>	<p>Навоий давлат педагогика институти</p>
<p>Михлиев Азиз Ғайбуллаевич</p>	<p>13.00.01</p>	<p>30.11.2016/V2016.4.Ped430</p> <p>Компетенциявий ёндашув асосида академик лицей ўқувчиларида тарихий тафаккурни ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш</p> <p>Совершенствование технологии развития исторического мышления у учащихся академических лицеев на основе компетентного подхода</p>	<p>Ходжаев Бегзод Худойбердиевич</p>	<p>Тошкент давлат педагогика университети</p>
<p>Шамсиева Дилором Мардоновна</p>	<p>13.00.01</p>	<p>30.11.2016/V2016.4.Ped431</p> <p>Педагогик олий ўқув юртларида рус адабиётини ўқитиш жараёнида ўқув материалларининг ўзлаштирилишида таксономиянинг асосий категориялари</p> <p>Таксономия основных категорий в усвоении учебного материала в процессе обучения русской литературе в педагогических вузах</p>	<p>Абдуллаева Шахзода Абдуллаевна</p>	<p>Навоий давлат педагогика институти</p>
		<p>13.00.00 ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ</p>		

1	2	3	4	5
Ширматов Сирожиддин Таджиidinovich	13.00.01	30.11.2016/В2016.4.Ped432 Глобал ахборотлашув шароитида шахснинг мулоқот маданиятини ривожлантириш диалектикаси (талабаларни инглиз тилидаги мулоқотга тайёрлаш мисолида)	Рузиева Дилноза Исомжоновна	Тошкент давлат педагогика университети
		Диалектика развития культуры личностного общения в условиях глобальной информатизации (на примере подготовки студентов к общению на английском языке)		
Пулатова Паридахон Мухитдиновна	13.00.03	30.11.2016/В2016.4.Ped433 Махсус мактаб ўқувчиларига экологик таълим-тарбия бериш технологиясини такомиллаштириш (ақли заиф ўқувчилар мисолида)	-	Тошкент давлат педагогика университети
		Совершенствование технологии экологического обучения и воспитания учащихся специальных школ (на примере умственно отсталых учащихся)		
Неъматов Бобирбек Илхомжонович	13.00.04	30.11.2016/В2016.4.Ped434 Болалар-ўсмирлар спорт мактаби шуғулланувчиларини югуриш техникасига ўргатиш услубийтенинг илмий-амалий асосларини такомиллаштириш	Саломов Рахматилла Саломович	Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти
		Совершенствование научно-практических основ методики обучения технике бега занимающихся в детско-юношеской спортивной школе		
Мусаева Нодира Низомовна	13.00.05	30.11.2016/В2016.4.Ped435 Узлуксиз касб-хунар таълими тизимида ўқитиш узвийлигини таъминлаш технологияси	Мирзахмедов Ботир	Бухоро муҳандислик- технология институти
		Технология обеспечения непрерывности обучения в системе непрерывного профессионального образования		
Хасанов Абдушоҳид Абдурашидович	13.00.05	30.11.2016/В2016.4.Ped436 Касб-хунар коллежларида ўқувчиларни фанлараро алоқадорлик воситасида касбий фаолиятга тайёрлашнинг методик тизимини такомиллаштириш	Иноятов Улуғбек Илясович	Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти
		Совершенствование методической системы подготовки к профессиональной деятельности учащихся профессиональных колледжей на основе средств межпредметных связей		

1	2	3	4	5
		<div style="background-color: #4a90e2; color: white; padding: 10px; text-align: center;"> 14.00.00 ТИББИЁТ ФАНЛАРИ </div>		
<p>Шамсутдинова Элвира Фаридовна</p>	<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">14.00.01</p>	<p>30.11.2016/V2016.4.Tib780 Ўсмирлик ёшида сурункали эстроген етишмовчилиги ҳолатларида гормонал даволашнинг самарадорлиги ва хавфсизлигини клиник-биокимёвий асослаш</p> <p>Клинико-биохимическое обоснование эффективности и безопасности гормональной терапии хронических эстрогендефицитных состояний в подростковом возрасте</p>	<p>Иргашева Севара Уткуровна</p>	<p>Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази</p>
<p>Адамбаев Зуфар Ибрагимович</p>	<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">14.00.13</p>	<p>30.11.2016/V2016.4.Tib781 Умуртқа каналнинг иккиламчи стенозида неврологик ўзгаришлар (клиник хусусиятлари, ташхислаш ва даволаш)</p> <p>Неврологические нарушения при вторичном стенозе позвоночного канала (клиника, диагностика и лечение)</p>	<p>-</p>	<p>Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали</p>
		<div style="background-color: #6b5a3d; color: white; padding: 10px; text-align: center;"> 16.00.00 ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ </div>		
<p>Рўзимуродов Муҳиддин Ахрорович</p>	<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">16.00.03</p>	<p>30.11.2016/V2016.4.V38 Ўзбекистонда бруцеллёз касаллигига қарши самарадор усул ва воситаларни яратиш</p> <p>Разработка эффективных методов и средств борьбы с бруцеллёзом в Узбекистане</p>	<p>Маматкулов Иброҳим Ҳомидович</p>	<p>Ветеринария илмий-тадқиқот институти</p>
		<div style="background-color: #e74c3c; color: white; padding: 10px; text-align: center;"> 17.00.00 САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ </div>		
<p>Нишанова Камола Солижон қизи</p>	<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">17.00.05</p>	<p>30.11.2016/V2016.4.San41 XX аср Ўзбекистон санъат музейларининг долзарб муаммолари ва ривожланиш тенденциялари</p> <p>Актуальные проблемы и тенденции развития художественных музеев Узбекистана XX века</p>	<p>Акилова Камола Балтабаевна</p>	<p>Миллий рассомлик ва дизайн институти</p>

1	2	3	4	5
		19.00.00 ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ		
<p>Уразбаева Дилбар Абдуллаевна</p>	<p>19.00.04</p>	<p>30.11.2016/В2016.4.Р73 Онкологик бемор аёлларнинг шахсий эмоционал соҳасига таъсир этишнинг психологик механизмлари</p> <p>Психологические механизмы влияния на личностно-эмоциональную сферу женщин с онкологическими заболеваниями</p>	<p>Нишонова Замира Таскараевна</p>	<p>Тошкент давлат педагогика университети</p>
<p>Назаров Матяқуб Муртозаевич</p>	<p>19.00.05</p>	<p>30.11.2016/В2016.4.Р74 Ҳарбий хизматчи кадрлар оиласида никоҳдан қониқишнинг ижтимоий-психологик омиллари</p> <p>Социально-психологические факторы удовлетворенности браком в семье кадрового военнослужащего</p>	<p>Самаров Рустамжон Садриддинович</p>	<p>Тошкент давлат техника университети</p>

ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯЛАРИ ҲИМОЯСИ ТЎҒРИСИДА ЭЪЛОНЛАР¹



Физика-математика фанлари бўйича докторлик диссертациялари ҳимояси тўғрисида эълонлар

Арзикулов Фарходжон Нematжонович. «Бэр типидagi Йордан оператор алгебралари ва уларнинг ўлчовли операторлар назариясига татбиқлари», 01.01.01–Математик анализ (физика-математика фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5. FM 120.

Илмий маслаҳатчи: Аюпов Шавкат Абдуллаевич, физика-математика фанлари доктори, академик.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Математика институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги 14.07.2016.FM.01.01 рақамли илмий кенгаш.

Расмий оппонентлар: Кусраев Анатолий Георгиевич, физика-математика фанлари доктори, профессор; Зокиров Ботир Сабитович, физика-математика фанлари доктори; Кудайбергенов Каримберган Кадирбергенович, физика-математика фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: Россия фанлар академияси Сибирь бўлими Математика институти.

Диссертация йўналиши: назарий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: Йордан Банах алгебралари синфи доирасида Бэр Йордан Банах алгебралари ва уларнинг қобиқ Банах алгебраларини тавсифлаш ҳамда улар устида Бэр типидagi абстракт ўлчовли операторлар Йордан алгебраларини қуришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Бэр Йордан Банах алгебраси таърифига эквивалент бўлган алгебраик шартлар топилган;

Бэр Йордан Банах алгебрасидаги барча проекторлар тўплами тўла ортомодуляр панжара ташкил қилиши ва ҳар қандай комплекс ёки ҳақиқий Капланский алгебрасининг ўз-ўзига қўшма қисми Бэр Йордан Банах алгебраси бўлиши кўрсатилган;

бир вақтнинг ўзида фактор бўлувчи ва минимал проекторларга эга бўлган Бэр Йордан Банах алгебралари тўлиқ таснифланган;

ҳар қандай кучсиз ёпиқ тескариланувчи Йордан оператор алгебрасининг қобиқ C^* -алгебраси фон Нейман алгебраси бўлишлиги исботланган;

кучсиз ёпиқ тескариланувчи Йордан оператор алгебрасидаги проекторларда аниқланган ўлчовни давом эттириш мумкин бўлган шу алгебранинг қобиқ фон Нейман алгебрасидаги проекторларда аниқлаган барча ўлчовлар топилган;

маълум шартлар бажарилганда ҳақиқий Капланский алгебрасининг ўз-ўзига қўшма қисмининг қобиқ C^* -алгебраси комплекс Капланский алгебраси бўлиши исботланган;

Бэр Йордан Банах алгебрасига бириктирилган абстракт ўлчовли ва локал ўлчовли операторлар Йордан алгебралари Бэр Йордан алгебралари бўлишлиги кўрсатилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Бэр Йордан Банах алгебралари таснифи ва ишлаб чиқилган Йордан аннуляторларини қўлловчи усуллар Россия Фанлар академияси Владикавказ илмий маркази Жанубий Математика институтининг № 0120042006 «Функционал фазоларда чизиқли чегараловчи операторларни ва оператор алгебраларни стандарт ва ностандарт усуллар ёрдамида тадқиқ қилиш» лойиҳасида I_2 типидagi Бэр Йордан Банах алгебраларини таснифлашда қўлланилган

¹ Диссертация ҳимоялари ҳақидаги материалларнинг журналда эълон қилиниши диссертация ижобий баҳоланганини аниқламайди.

(Владикавказ илмий маркази Жанубий Математика институтининг 2015 йил 7 сентябрдаги № 147-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши Бул қийматли анализ усулларида фойдаланиб, I_2 типдаги Бэр Йордан Банах алгебраларининг тўлиқ таснифини олинишига хизмат қилган;

бир жинсли Бэр Йордан Банах алгебралари синфи бўйича олинган натижалар Россия Фанлар академияси Владикавказ илмий маркази Жанубий Математика институтининг №01200805081 «Функционал фазоларда чегараловчи операторларни, оператор алгебраларни ва операторли тенгламаларни тадқиқ қилиш» лойиҳасида бир жинсли Бэр Йордан Банах алгебраларини функционал тасвирлашда қўлланилган (Владикавказ илмий маркази Жанубий Математика институтининг 2015 йил 7 сентябрдаги №147-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши бир жинсли Бэр Йордан Банах алгебраларини айрим оператор-қийматли функциялар Йордан алгебраларининг тўғри йиғиндиси кўринишда тасвирлашга хизмат қилган;

I типдаги Бэр Йордан Банах алгебралари ва бир жинсли Бэр Йордан Банах алгебралари бўйича олинган натижалар Россия Фанлар академияси Владикавказ илмий маркази Математика институтининг № 0197-2014-0001 «Банах панжараларидаги ночизиқли операторларнинг айрим синфларини тартиб анализи» лойиҳасида I типдаги Бэр Йордан Банах алгебраларини тўлиқ таснифлашда қўлланилган (Владикавказ илмий маркази Жанубий Математика институтининг 2015 йил 7 сентябрдаги № 147-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши I типдаги Бэр Йордан Банах алгебраларини тўлиқ таснифлашга ва улар учун изоморфизмгача аниқликда кардинал қийматли инвариантларни олишга хизмат қилган;

тескариланувчи Бэр Йордан Банах алгебрасининг таснифи ва Бэр шартининг Йордан аналоглари қўлланилган усуллар АҚШ Атлантика технологиялар ва тадқиқотлар институтининг STEM 1515-2016 гранти лойиҳасида Риккарт Йордан Банах алгебрасининг қобик C^* -алгебрасини ўрганишда қўлланилган (Сент-Жонс университетининг 2016 йил 22 августдаги маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши тескариланувчи Риккарт Йордан Банах алгебрасининг қобик C^* -алгебраси Риккарт C^* -алгебраси бўлишлигини исботлашга хизмат қилган.

Халхўжаев Ахмад Мияссарович. «Панжарадаги икки ва учта бир хил заррачали системаларга мос Шредингер операторларининг муҳим ва дискрет спектрлари ҳақида», 01.01.01–Математик анализ (физика-математика фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.FM86.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Самарқанд давлат университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Ўзбекистон Миллий университети, 14.07.2016. FM.01.01.

Илмий маслаҳатчи: Лақаев Саидахмат Норжигитович, физика-математика фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: Малышев Вадим Александрович, физика-математика фанлари доктори, профессор; Ғанихўжаев Расул Набиевич, физика-математика фанлари доктори, профессор; Рахимов Абдуғофир Абдумажидович, физика-математика фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: Миссури университети (АҚШ).

Диссертация йўналиши: назарий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: панжарадаги жуфт-жуфти билан қисқа масофада ўзаро таъсирлашувчи икки ва учта бир хил заррачали (фермионлар ёки бозонлар) системаларга мос икки ва уч заррачали Шредингер операторларининг муҳим ва дискрет спектрларини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ихтиёрий ўлчамли панжарада қисқа масофада таъсирлашувчи иккита бир хил заррачали (фермионли) системага мос Шредингер оператори муҳим спектридан ташқаридаги хос қийматларининг мавжуд бўлишлик шартлари топилган;

ихтиёрий ўлчамли панжарада қисқа масофада таъсирлашувчи иккита бир хил заррачали (фермионли) системага мос Шредингер оператори муҳим спектридан ташқаридаги хос қийматлари сонининг чеклилиги исботланган;

панжаранинг қўшни тугунларида таъсирлашувчи иккита бир хил заррачали (фермионли) системага мос Шредингер оператори параметрларининг барча қийматларида хос қийматлар

сони ва жойлашув ўрни аниқ топилган;

уч ўлчамли панжарада жуфт-жуфти билан қисқа масофаларда ўзаро таъсирлашувчи уч заррачали (заррачалар бозон бўлган ҳол) системага мос Шредингер операторининг муҳим спектридан чапдаги хос қийматлари сони учун асимптотик формулалар олинган;

уч ўлчамли панжарада жуфт-жуфти билан қисқа масофаларда ўзаро таъсирлашувчи уч заррачали (заррачалар бозон бўлган ҳол) системага мос Шредингер оператори учун система квазиимпульсининг ноль нуқта атрофидаги нолдан фарқли қийматларида муҳим спектридан чапдаги хос қийматлари сонининг чеклилиги кўрсатилган;

илк бор бир ва икки ўлчамли панжарада жуфт-жуфти билан бир нуқтада (контакт) таъсирлашувчи уч заррачали системага мос Шредингер оператори муҳим спектридан ташқарида хос қийматларининг мавжудлиги исботланган;

бир ва икки ўлчамли панжарада жуфт-жуфти билан бир нуқтада (контакт) таъсирлашувчи уч заррачали системага мос Шредингер оператори муҳим спектридан чапда хос қийматлари сонининг чеклилиги кўрсатилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Диссертация тадқиқоти жараёнида олинган илмий натижалар қуйидаги йўналишларда амалиётга жорий қилинган:

панжарадаги икки заррачали системага мос Шредингер операторлари хос қийматини аниқлаш усуллари QJ130000.2426.01G11 «Eigenvalue problem for the two particle Schrodinger operator on lattice» грант лойиҳасида икки ва уч заррачали дискрет Шредингер операторлари учун қўлланилган (Малайзия технология университетининг 1 ноябрдаги маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши қаралаётган икки заррачали операторларининг асосий хоссаларини тадқиқ этиш ва махсус экзотик потенциалли уч заррачали система гамилтонианларининг муҳим спектрини тавсифлаш имконини берган;

икки заррачали дискрет Шредингер операторлари учун олинган натижалардан LRGS/TD/2011/UKM/ICT/03/02 «Investigations of the Roles of the Third Variables in Analysing Statistical relationship functions» грант лойиҳасида ранги бирга тенг умумлашган Фридрихс моделлари учун қўлланилган (Малайзия Кебангсаан университетининг 26 октябрдаги маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши оператор хос қийматлари учун Пюизо қаторларини олиш имконини берган.

Апаков Юсупжон Пулатович. «Учинчи тартибли каррали характеристикали тенгламалар назариясига доир ва уч ўлчовли фазодаги айрим масалалар», 01.01.02–Дифференциал тенгламалар ва математик физика (физика-математика фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/V2014.3-4.FM87.

Илмий маслаҳатчи: **Джураев Тўхтамурот Джураевич**, физика-математика фанлари доктори, академик.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Наманган муҳандислик-педагогика институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги 14.07.2016.FM.01.01 рақамли илмий кенгаш.

Расмий оппонентлар: Джаналиев Мувашархан Танабаевич, физика-математика фанлари доктори, профессор; Ўринов Ахмаджон Қўшоқович, физика-математика фанлари доктори, профессор; Хасанов Ақназар Бекдурдиевич, физика-математика фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Амалий математика ва автоматлаштириш институти, РФА Федерал давлат бюджет илмий ташкилоти.

Диссертация йўналиши: назарий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: учинчи тартибли каррали характеристикали вақт бўйича иккинчи ҳосилага эга бўлган тенгламалар учун аналитик ва фундаментал ечим қуриш назариясини ривожлантириш, уч ўлчовли фазода параболо-гиперболик ва каррали характеристикали тенгламалар учун чегаравий масалаларнинг бир қийматли ечимга эгаллигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аналитик ва фундаментал ечимларни учинчи тартибли каррали характеристикали вақт бўйича иккинчи ҳосилага эга бўлган тенгламалар учун махсус функциялар ёрдамида қурилган;

илк бор учинчи тартибли каррали характеристикали вақт бўйича иккинчи ҳосилага эга бўлган тенгламалар учун чегаравий масалаларни Фурье усулида ечиш алгоритми ишлаб

чиқилган;

потенциаллар назарияси учинчи тартибли каррали характеристикали вақт бўйича иккинчи ҳосилага эга бўлган тенгламалар учун тўлиқ асосланган;

учинчи тартибли каррали характеристикали вақт бўйича иккинчи ҳосилага эга бўлган тенгламаларга қўйилган чегаравий масалалар ечишда Грин функциялари қурилган;

учинчи тартибли каррали характеристикали вақт бўйича иккинчи ҳосилага эга бўлган бузилувчи тенглама учун чегаравий масалаларни ечишга Фурье алгоритми татбиқ қилинган;

уч ўлчовли фазода параболо-гиперболик тенгламалар учун Трикоми ва Геллерстедт масалаларининг бир қийматли ечимга эга эканлиги кўрсатилган;

уч ўлчовли фазода чегаравий масалаларни ечишда Фурьенинг тўғри ва тескари интеграл алмаштириши мавжудлигининг зарурий ва етарли шартлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

учинчи тартибли каррали характеристикали вақт бўйича иккинчи ҳосилага эга бўлган тенгламага қўйилган чегаравий масаланинг ошкор ҳолдаги ечим қуриш усулидан «Эластиклик ва пластикликнинг фундаментал муаммолари» мавзусидаги 114030440003 рақамли хорижий грантда учинчи тартибли тенгламага қўйилган янги коррект масалани ечишда қўлланилган (Сибирь давлат аэрокосмик университетининг 2016 йил 10 майдаги 38/1208-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланиши аналитик ечимини ҳосил қилиш имконини берган;

Грин функциясини қуриш ёрдамида қўйилган масаланинг қурилган ечимидан «Учинчи тартибли тенгламаларга вақт бўйича интегралли шартлар билан чегаравий масалалар» мавзусидаги 1.3.1 рақамли Мақсадли федерал дастурни амалга оширишда, «Инновацион Россия илмий ва илмий-педагогик кадрлар» (2009–2013) хорижий грантда учинчи тартибли тенгламага қўйилган янги чегаравий масаланинг ечимини қуришда фойдаланилган (Шимоли-Шарқий федерал университетининг 2016 йил 5 майдаги 71-277-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланиши масаланинг ечимини интеграл тенгламага келтиришга хизмат қилган;

чегаравий масалани ечишда учинчи тартибли каррали характеристикали вақт бўйича иккинчи ҳосилага эга бўлган тенглама учун таклиф этилган Фурье усулининг алгоритмидан «Аралаш типли нолокал дифференциал тенгламалар ва уларнинг динамик системаларда қўлланилиши» мавзусидаги (2013–2015) давлат рақами 01201361965 хорижий грантда янги чегаравий масалаларни ечишда фойдаланилган (РФА Амалий математика ва автоматлаштириш институтининг 2016 йил 4 майдаги 01-12/84-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланиши қўйилган масаланинг ошкор ҳолдаги ечимини қуришга хизмат қилган.

Хаётов Абдулло Рахмонович. «Дифференциалланувчи функциялар фазоларида квадратур ва интерполяцион формулалар хатоликлар функционаларининг оптимал аппроксимацияси», 01.01.03–Ҳисоблаш математикаси ва дискрет математика (физика-математика фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.FM131.

Илмий маслаҳатчи: Шадиметов Холматвай Махкамбаевич, физика-математика фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Математика институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Ўзбекистон Миллий университети, 14.07.2016.FM.01.01.

Расмий оппонентлар: Erich Novak, профессор; Алоев Рахматилло Джураевич, физика-математика фанлари доктори, профессор; Солеев Аҳмаджон, физика-математика фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Сантьяго де Компостела университетининг Математика институти (Испания).

Диссертация йўналиши: назарий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: гильберт фазоларида оптимал квадратур формулалар, ярим нормани минималлаштирувчи интерполяцион сплайнларни қуриш ва уларнинг оптимал хатолик функционаллари нормаларини ҳисоблашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

$W_2^{(m, m-1)}(0,1)$, $K_2(P_m)$ ва $L_2^{(m)}(H)$ фазоларида квадратур ва интерполяцион формулалар

хатолик функционаллари экстремал функциялари топилган;

$W_2^{(m, m-1)}(0,1)$, $K_2(P_m)$ ва $L_2^{(m)}(H)$ фазоларда квадратур ва интерполяцион формулалар хатолик функционаллари нормалари ҳисобланган;

$W_2^{(m, m-1)}(0,1)$ ва $K_2(P_m)$ фазоларда оптимал квадратур формулалар ҳамда даврий n ўзгарувчилик функциялар фазосида $L_2^{(m)}(H)$ оптимал интерполяцион формулалар коэффицентлари учун Винер-Хопф типидagi чизиқли алгебраик тенгламалар системаларига келтирилган;

олинган системалар ечимлари мавжудлиги ва ягоналиги шартлари топилган;

$(d^{2m}/dx^{2m})-(d^{2m-2}/dx^{2m-2})$ ва $(d^{2m}/dx^{2m}) + 2\omega^2(d^{2m-2}/dx^{2m-2}) + \omega^4(d^{2m-4}/dx^{2m-4})$ дифференциал операторлар дискрет аналоглари қурилган ва уларнинг хоссалари исботланган;

$L_2^{(m)}(0,1)$ фазосида мусбат коэффицентли оптимал квадратур формулалар қурилган ва оптимал хатолик функционали нормаси ҳисобланган;

$W_2^{(m, m-1)}(0,1)$ ва $K_2(P_m)$ фазоларда Сард маъносида оптимал квадратур формулалар қурилган ҳамда $m=1,2$ ва 3 ҳолларида қурилган оптимал формулалар хатоликлари баҳолари олинган;

$L_2^{(m)}(0,1)$, $W_2^{(m, m-1)}(0,1)$ ва $K_2(P_m)$ фазоларида ярим нормани минималлаштирувчи интерполяцион сплайнлар ҳосил қилинган;

Соболевнинг $L_2^{(m)}(H)$ даврий n ўзгарувчилик функциялар фазосида оптимал интерполяцион формулалар қурилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

$W_2^{(m, m-1)}(0,1)$ ва $K_2(P_m)$ фазоларда қурилган Сард маъносида оптимал квадратур формулалар «Optimal Quadrature Formulas for the Space H^1 » мавзусидаги DFG – Priority Program 1324 рақамли хорижий грантида шу фазоларда 0 индексли Фурье коэффицентларини сонли ҳисоблаш учун қўлланилган (Йена университети Математика институтининг 2016 йил 14 сентябрдаги маълумотномаси, Германия). Илмий натижанинг қўлланиши H^1 фазода Фурье интеграллари учун қурилган оптимал квадратур формулаларнинг натижаси билан солиштиришга имкон берган;

$W_2^{(m, m-1)}(0,1)$ фазосидаги квадратур формулалар хатолик функционалининг топилган экстремал функцияси ва $(d^{2m}/dx^{2m})-(d^{2m-2}/dx^{2m-2})$ операторнинг қурилган дискрет аналогли «Approximation of integral and differential operators and applications» мавзусидаги 174015 рақамли хорижий грантида $W_2^{(m, m-1)}(0,1)$ фазосида Фурье интеграллари учун квадратур формулалар хатолик функционали экстремал функциясини топишда қўлланилган (Сербия фан ва санъат академияси Математика институтининг 2016 йил 6 июндаги маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши Фурье коэффицентлари учун оптимал квадратур формулалар қуриш имконини берган.

Ахмедов Акром Бурханович. «Пластина ва ясси қобиқларнинг ноклассик масалаларини сонли ечиш усулларини ишлаб чиқиш», 01.02.04–Деформацияланувчи қаттиқ жисм механикаси (физика-математика фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5. FM 136.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент давлат техника университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент давлат техника университети ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги 16.07.2013.Т/ФМ.02.02 рақамли илмий кенгаш.

Расмий оппонентлар: Хусанов Бахтиёр Эргашбоевич, физика-математика фанлари доктори, профессор; Сафаров Исмоил Иброхимович, физика-математика фанлари доктори, профессор; Индиаминов Равшан Шукурович, физика-математика фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти.

Диссертация йўналиши: назарий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: Пластина ва ясси қобиқларнинг ноклассик масалалари сонли ечиш усулини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

дифференциал операторлари қўшма ва қўшма бўлмаган спектрал масалаларини сонли ечиш усули ишлаб чиқилган;

такимлаштирилган вариацион яқинлашиш ва дифференциал кўчириш усуллари ишлаб чиқилган;

мураккаб шаклли юк кўтарувчи конструкциялардаги ўта хавфли ички кучланиш соҳалари аниқланган ва ушбу ҳолатларни бартараф этиш усуллари ишлаб чиқилган;

ўта баланд иншоотларда динамик сўндиргичлар ёрдамида резонанс амплитудаларини икки баробар камайтириш усули ишлаб чиқилган;

пластинанинг маҳкамланиш усулига мос аэродинамик флаттер ҳодисасида критик тезликлар бир неча ўн баробарга фарқланиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

мураккаб шаклли ясси қобиклар ва мураккаб шаклли пластиналар учун спектрал масалаларни сонли ечиш бўйича олинган натижалар 15-026 «Юк таъсиридаги авиация иншоотларини чекли элементлар усулида автоматлаштирилган лойиҳалаштиришни ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш» грант лойиҳасида қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган самолётларнинг юк кўтарувчи элементлари мустаҳкамлигини аниқлашда қўлланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2016 йил 2 июндаги 0313/348-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши мураккаб шаклли соҳаларни изопериметрик координата системаси ёрдамида анъанавий соҳаларга акслантириш орқали самолётларнинг қанотлари, кимёвий моддалар учун мўлжалланган баклари ва шпангоутларининг устуворлиги ҳамда мустаҳкамлигини ҳисоблаш аниқлигини 30–35% га ошириш имконини берган.

Абдужаббаров Ахмаджон Адилжанович. «Аксиал-симметрик компакт гравитацион объектлар атрофидаги заррачалар ва электромагнит майдонлар», 01.03.01–астрономия ва 01.04.02–назарий физика (физика-математика фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 28.04.2016/В2016.2.FM31.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ядро физикаси институти ва Астрономия институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги 14.07.20116.FM.01.05 рақамли илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш.

Илмий маслаҳатчи: Ахмедов Бобомурат Жураевич, физика-математика фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: Мусаханов Мирзаюсуф Мирзамахмудович, физика-математика фанлари доктори, профессор, академик; Туракулов Зафар Ялкинович, физика-математика фанлари доктори; Абишев Медеу Ержанович, физика-математика фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: Физика институти (Чехия Республикаси Опава шаҳри).

Диссертация йўналиши: назарий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: қора ўралар сояларини тавсифловчи назарий формализм тузиш ва айланувчи қора ўралар атрофида юқори энергетик жараёнларнинг физик қонуниятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор қора ўралар соялар шаклини тавсифлашда координатага боғлиқ бўлмаган янги формализм тузилган, бунда айланувчи қора ўраларнинг сояларини 0,1% аниқлик билан тавсифлаш учун қатор полиноми коэффицентларининг дастлабки бештаси етарли экани аниқланган ва соя шаклининг сиқилиш параметрлари шовқин сигналига нисбатан турғунлиги кўрсатилган;

қора ўра соясининг ўлчами электромагнит нурланишнинг плазма муҳитида синиши ҳисобига камайиши кўрсатилган;

ўта юқори энергетик жараёнларда юқори самарадорликка эришиш учун ҳодисалар горизонтининг бўлмаслиги ва гравитацион объектнинг кучли айланиши даркорлиги кўрсатилган;

зарраларнинг юқори энергияларга эришиши қўшимча зарядланган зарраларга таъсир этувчи электромагнит жараёнларнинг ҳисобига рўй бериши мумкинлиги кўрсатилган;

Хоржава моделида энергия ажралиш механизмлари орасида Пенроуз жараёни орқали қора ўрадан энергия ажралиб чиқиши ҳақиқатга яқинроқлиги кўрсатилган, бундан ташқари Хоржава модели қўшимчасининг таъсири заррачалар чексизликкача тезлашишининг олдини олиши кўрсатилган;

релятив юлдузнинг электромагнит энергия кувватини йўқотишида ғалати юлдузнинг компактлик таъсири муҳим эканлиги кўрсатилган;

умумий нисбийлик назарияси доирасида ғалати юлдуз худди шундай айланувчи нейтрон юлдузга нисбатан кўпроқ энергия йўқотиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Компакт гравитацион объектлар атрофида зарралар ҳаракати ва электромагнит майдонлар учун олинган ифода ва натижалар асосида:

Кехагиас-Сфетсос экстремал очиқ сингулярлик атрофида зарраларнинг юқори энергетик жараёнлари ва уларнинг узоқдаги кузатувчи томонидан қайд этилиши бўйича олинган хулосалар «Компакт объектлар релятивистик астрофизикасида халқаро назарий ва кузатув тадқиқотлар тармоғи билан интеграллашувни қўллаб-қувватлаш» (Европа Иттифоқи ва Чехия Республикасининг давлат бюджети тизимли фондлари томонидан молиялаштирилган ва CZ.1.07/2.3.00/20.0071 рақами билан қайд этилган, 2010–2014) дастури доирасида очиқ сингулярлик атрофида аккрецион дискларни моделлаштиришда ишлатилган (Опавадаги Силезия университетининг 2015 йил 23 апрелдаги маълумотномаси). Ушбу моделлаштириш натижасида галактикалар марказида пайдо бўлувчи релятив джетларнинг табиатини тушунтиришга эришилган;

қора ўраларнинг соялари ва уларга плазма муҳитининг таъсири Деҳли марказий университети (Ҳиндистон) Назарий физика марказида олиб борилувчи илмий лойиҳалар доирасида компакт гравитацион объектлар атрофида фотонларнинг ҳаракатини ҳисоблашда фойдаланилган (Деҳли марказий университетининг 2016 йил 20 сентябрдаги маълумотномаси). Ушбу ҳисоблашлар натижасида Борн-Инфельд гравитация назарияси доирасида олинган қора ўраларнинг сояларини ҳисоблаш имконини берди;

Нейтрон юлдузлари секинлашишининг унинг атрофидаги магнитосфераси ва уларнинг компактлик параметрига боғлиқлигини ифодаловчи ифодалар Ҳиндистоннинг Пуна шаҳридаги Университетлараро астрономия ва астрофизика марказида олиб борилаётган илмий тадқиқотларда нейтрон юлдузлар магнитосферасини моделлаштиришда жорий қилинган (Университетлараро астрономия ва астрофизика марказининг 2016 йил 21 сентябрдаги маълумотномаси). Ушбу моделлаштириш ва ҳисоблашлар натижасида нейтрон юлдузлар сиртидаги магнит майдон қийматини аниқлаш имконини берди.

Олимов Лутфиддин Оманович. «Поликристалл кремний донаторликлараро чегаралари: микротузилмаси, заряд ҳолатлари ва $p-n$ – ўтишлари», 01.04.10–Яримўтказгичлар физикаси (физика-математика фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/B2014.5.FM165.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Андижон давлат университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Физика-техника институти ва Самарқанд давлат университети, 14.07.2016.FM/T.12.01.

Илмий маслаҳатчи: Алиев Раимжон Усманович, техника фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: Имамов Эркин Зуннунович, физика-математика фанлари доктори, профессор; Дадамирзаев Мухаммадjon Ғуломқодирович, физика-математика фанлари доктори; Исмаилов Қанатбек, физика-математика фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Фарғона давлат университети.

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: поликристалл кремний ва $p-n$ – тузилмалар электрофизик ва фотоэлектрик характеристикаларининг ҳажмий нуқсон ва донаторликлараро чегара соҳаларидаги локаллашган киришмалар ҳолатларига боғлиқлик қонуниятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

донаторлик ҳажмида киришмаларнинг нотекис тақсимланиши, хусусан, ҳар бир киришмалар концентрацияси донаторлик марказидан сиртга ортиб бориши, донаторликлараро чегара соҳаларида микробўшлиқ ва бўртиқлардан иборат ғадир-будир сирт ҳосил қилиши асосланган;

икки туташган донаторлик кенлиги нанометрларни ташкил қилиши кўрсатилган бўлиб, тузоқлар ионланиш энергияси ҳисобига температура ўзгариши жараёнида локаллашган тузоқлар ионланиши аниқланган, бунинг натижасида потенциал тўсиқ баландилигини $\sim 0,3 \div 0,9$ эВ оралиқларда ўзгариши ва заряд ташувчилар концентрациясининг камайиши кўрсатилган;

донадорликлараро чегара электрик хоссаларини аниқлаш имконини берувчи икки туташган донадорликнинг кўп қатламли модели ва эквивалент электрик схемаси ишлаб чиқилган;

донадорликлараро чегара соҳаларида адсорбция ва десорбция ҳодисалари аниқланган;

чуқур сатҳли киришмали ҳолатларда электрон-ковак жуфтликлари ҳосил бўлиши ҳисобига бир жинсли ва p-n – тузилмали поликристалл кремний ҳамда p-n – тузилмали монокристалл кремнийда киришмали иссиқлик вольтаик ва фотовольтаик эффектларининг намоён бўлиш қонуниятлари аниқланган;

донадорликлараро чегара соҳадаги p-n – ўтиш модели таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Поликристалл кремний донадорликлараро чегараларида микротузилма, заряд ҳолатлари ва p-n – тузилмали монокристалл кремнийда киришмали эффектларини тадқиқ этиш асосида:

электрон ва ковак ўтказувчанлик ҳосил қилувчи кремний кристаллида легирланувчи киришмаларнинг диффузия жараёнини ўтказиш бўйича «Диффузион қурилма»га Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти (UZ IAP 04767, 23.09.2013 й.) олинган. Ишлаб чиқилган диффузион қурилманинг қўлланилиши бир жараённинг ўзида кремний кристаллида изотип ва турли типлар олиш имконини берган;

кўёш нурланишининг иссиқлик энергиясини электр энергияга ўзгартиргич яратиш бўйича «Энергия ўзгартиргич»га Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти (UZ IAP 04815, 05.12.2013 й.) олинган. Мазкур ихтиронинг қўлланилиши анъанавий ўзгартиргичга нисбатан 10% катта ток олиш имконини берган;

киришмали иссиқлик вольтаик ва фотовольтаик эффектларнинг намоён бўлиш механизмлари ва кукунли металлургия асосида ишлаб чиқилган поликристалл кремний олиш технологияси Ф3–ФА–Ф158 «Кичик ўлчамли нотекис киритмали органик ва ноорганик грануллашган яримўтказгичлар асосидаги системаларда энергия ўзгартириш жараёнлари», ОТ–Ф2–002 «Поликристалл, аморф ва нанокристалл стимуллашган номувозанатли заряд кўчиш жараёнлари» грант лойиҳасида поликристалл кремний донадорликлараро чегара соҳасида киришмаларнинг адсорбция ва десорбция ҳодисалари ва p-n ўтишлар олишнинг технологик режимларини аниқлашда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг 2016 йил 10 октябрдаги ФТК-03-13/677-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши органик ва ноорганик грануллашган яримўтказгичлар асосидаги системаларда энергия ўзгартириш жараёнлари, поликристалл, аморф ва нанокристалларда заряд кўчиш жараёнларини аниқлаш имконини берган.

Рахмонов Зафар Равшанович. «Икки қарра ночизиқли муҳитда иссиқлик тарқалиш жараёнини математик моделлаштириш», 05.01.07–Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи (физика-математика фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.06.2015/В2015.2.FM226.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўзбекистон Миллий университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент ахборот технологиялари университети ва Ўзбекистон Миллий университети, 14.07.2016.Т.29.01 рақамли бир марталик илмий кенгаш.

Илмий маслаҳатчи: Арипов Мерсаид, физика-математика фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: Музафаров Хафиз Азизович, физика-математика фанлари доктори, профессор; Хужаёров Бахтиёр Хужаёрович, физика-математика фанлари доктори, профессор; Керимбеков Акылбек Керимбекович, физика-математика фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: квазичизиқли параболик типдаги тенгламалар ва уларнинг системалари билан ифодаланувчи нолокал чегаравий шартга эга бир жинсли ва бир жинсли бўлмаган муҳитларда иссиқлик тарқалиши жараёнларининг чизиқсиз математик моделлари сифат хоссаларини сонли ва аналитик тадқиқ этиш, ночизиқли чегаравий масалаларни сонли ечиш учун дастурий воситалар мажмуини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ночизиқли чегаравий шарт билан берилган манбага эга бўлмаган бир жинсли муҳитда иссиқлик тарқалиши модели учун вақт бўйича глобал ва глобал бўлмаган ечимларга эга бўлиш

шартлари аниқланган;

ўзгарувчан зичликнинг чизиқсиз масалаларнинг вақтга кўра глобал ечимга эга бўлишлик ва эга бўлмаслик шартларига таъсири аниқланган;

Нейман масаласи шаклида ифодаланувчи математик моделларнинг секин ва тез кечувчи диффузия ҳоллари учун Фуджита типдаги критик экспонента қиймати топилган;

иккинчи тур чегаравий масала билан тасвирланувчи математик моделлар учун тез ва секин диффузия ҳолларида ечимнинг глобал мавжудлик критик экспонентаси топилган.

бир жинсли ва бир жинсли бўлмаган муҳитда секин кечувчи иссиқлик ўтказувчанлик масаласининг умумлашган ечимлари учун қуйи ва юқори баҳолар қурилган;

эталон тенгламалар усули ёрдамида икки ва уч карра ночизиқли иссиқлик ўтказувчанлик масалаларининг турли автомателъ ечимлар асимптотикаларининг бош ҳадлари олинган.

ўзгарувчан зичликли иссиқлик ўтказувчанлик моделларининг сифат хоссаларини ўрганиш учун ҳисоблаш схемалари, алгоритмлар, дастурий воситалар комплекси ишлаб чиқилган ҳамда ночизиқли масалаларнинг ечимлари Visual Studio (C#) муҳитида визуаллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Диссертация тадқиқоти жараёнида олинган илмий натижалар қуйидаги йўналишларда амалиётга жорий қилинган:

бир жинсли ва бир жинсли бўлмаган муҳитда секин кечувчи иссиқлик ўтказувчанлик масаласининг умумлашган ечимлари учун олинган қуйи ва юқори баҳолар Ф-4-30 «Оператор тип коэффицентли дифференциал-оператор тенгламалар учун ички ва чегаравий масалалар» грант лойиҳасида математик физиканинг ноклассик тенгламалари учун ички чегаравий масалаларнинг корректлигини исботлашда қўлланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2016 йил 3 ноябрдаги ФТК-03-13/743-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши Колмогоров-Фишер типдаги биологик популяция тенгламалари ва системаларини сонли ечиш имконини берган;

бир жинсли бўлмаган муҳитда иссиқлик тарқалиш жараёни математик моделини ифодловчи параболик типдаги икки карра чизиқсиз тенгламалар учун қўйилган нолокал чегаравий масалаларнинг автомателъ ечимлари асимптотикалари Ф-4-30 «Оператор тип коэффицентли дифференциал-оператор тенгламалар учун ички ва чегаравий масалалар» грант лойиҳасида ички чегаравий масалаларнинг ечимлари хоссаларини аниқлашда қўлланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2016 йил 3 ноябрдаги ФТК-03-13/743-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши ички чегаравий масалаларнинг корректлигини асослашга имкон берган;

ўзгарувчан зичликли муҳитда иссиқлик тарқалишини тасвирловчи математик моделларнинг сифат хоссаларини сонли ўрганиш учун таклиф этилган ҳисоблаш схемалари, ишлаб чиқилган алгоритмлар ва дастурий воситалар комплекси Ф-4-30 «Оператор тип коэффицентли дифференциал-оператор тенгламалар учун ички ва чегаравий масалалар» грант лойиҳасида математик физиканинг ноклассик тенгламалари учун ички чегаравий масалаларни сонли моделлаштиришда қўлланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2016 йил 3 ноябрдаги ФТК-03-13/743-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши чизиқсиз чегаравий масалаларнинг сонли ечимларини визуаллаштиришга хизмат қилган.

Садуллаева Шахло Азимбаевна. «Икки карра ночизиқли реакция-диффузия системалари жараёнларини математик моделлаштириш», 05.01.07–Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи (физика-математика фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 14.07.2016/В2016.3.FM279.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент ахборот технологиялари университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент ахборот технологиялари университети ва Ўзбекистон Миллий университети, 14.07.2016.Т.29.01 рақамли бир марталик илмий кенгаш.

Илмий маслаҳатчи: Арипов Мерсаид, физика-математика фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: Абдурахимов Бахтиёр Файзиевич, физика-математика фанлари доктори, профессор; Нормуратов Чори Бегалиевич, физика-математика фанлари доктори, профессор; Имомназаров Холмат Худойназарович, физика-математика фанлари доктори, профессор.

Етақчи ташкилот: Самарқанд давлат университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: автомобиль усуллари ёрдамида ютилиш ёки манбага эга бўлган муҳитда икки карра ночизиқли ўзгарувчан зичликка эга бузилувчан параболик тенгламалар системаси билан аниқланган реакция-диффузия, иссиқлик, суюқлик ва газларнинг тарқалиши, фильтрация жараёнларини математик моделлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

икки карра ночизиқли ўзгарувчан зичлик муҳитидаги реакция-диффузия системаси ва тенгламалари учун иссиқлик тарқалиш тезлигининг чеклилиги (ИТТЧ) ва фазовий локаллашиш ҳодисалари, blow-up хоссаларга эга ечим асимптотикаси топилган;

манба ва ютилишга эга бўлган икки карра ночизиқли реакция-диффузия модели учун Коши масаласининг глобал ечими қурилган;

икки карра ночизиқли тенгламалар ва системалар синфи учун уларнинг ечимлари ҳамда фронтларини баҳолаш усуллари, автомобиль тенгламалар ва системаларнинг компакт юритувчилик умумлашган ечимларининг асимптотик ифодалари ишлаб чиқилган;

икки карра ночизиқли манба ёки ютишга ва конвектив кўчиш хусусиятига эга бўлган реакция-диффузия тенглама ва системалар учун Зельдович-Баренблатт типидagi ечимлар топилган ва улар ёрдамида фазовий локализация ва ИТТЧ хоссалари ўрганилган ва критик экспонентани топиш алгоритми ишлаб чиқилган;

ўрганилган ночизиқли математик моделлар хоссалари ёрдамида яқинлашувчи итерацион жараёнлар қурилган;

ташқи омиллар ва қаралаётган муҳит хоссаларини (ўзгарувчан зичлик, муҳитни ўтказувчанлиги, конвектив кўчиш ва бошқ.) ҳисобга оладиган бир ёки бир қанча ночизиқли тенгламалар системалари сонли моделлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Диссертация тадқиқоти жараёнида олинган илмий натижалар қуйидаги йўналишларда амалиётга жорий қилинган:

икки карра ночизиқли реакция-диффузия тенгламаси асосида Коши масаласининг глобал ечими учун олинган натижалар DMS-1401316 гранти лойиҳасида ночизиқли масалаларнинг глобал ечимини қуришда фойдаланилган («California State University»нинг 2016 йил 29 октябрдаги маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланиши ночизиқли жараёнларни визуаллаштиришга хизмат қилган;

икки карра ночизиқли реакция-диффузия системалари ечимлари мосланган манбали Кортевег-де Фриз тенгламаси ОТ-Ф1-002 «Штурм-Лиувилл операторларининг квадратик дастаси учун тўғри ва тескари спектрал масалалар» грант лойиҳасида ночизиқли тенгламалар ва системалар синфи учун уларнинг ечимларини қуриб олиш ва хоссаларини аниқлашда қўлланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2016 йил 3 ноябрдаги ФТК-03-13/744-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланиши Коши масаласи глобал ечимининг мавжудлигини исботлаш имконини берган;

ночизиқли парчалаш ва фильтрация масаласи учун ҳайдаш усули, ечиш алгоритми ва модели ФА-Ф4-Ф042 «Ғовак муҳитда бир жинсли бўлмаган суюқлик фильтрацияси гидродинамик моделини ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш» гранти лойиҳасида ночизиқли жараёнларни математик моделлаштириш, уларнинг ечимларини қуриб олиш ва ечим хоссаларини ўрганишда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2016 йил 10 ноябрдаги 33-8/6160-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланиши тўлқин тарқалиш тезлиги чеклилик эффекти, фазовий локализация, ғовак муҳитда бир жинсли бўлмаган суюқлик фильтрацияси масалаларини ечишда, жумладан кольмация ва суффозия билан ҳисобланган суспензияларни топиш имконини берган.



Кимё фанлари бўйича докторлик диссертациялари химояси тўғрисида эълонлар

Аронбаев Сергей Дмитриевич. «Экотоксикантларни сорбцион концентрлаш ва аниқлашда пиво олишда қўлланиладиган ачитқи хужайраси девори асосида олинadиган биосорбентлар», 02.00.02–Аналитик кимё

(кимё фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.К43.

Илмий маслаҳатчи: Насимов Абдулла Мурадович, техника фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Самарқанд давлат университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Ўзбекистон Миллий университети, 14.07.2016.К.01.02.

Расмий оппонентлар: Шабилалов Азод Ахмедович, кимё фанлари доктори, профессор; Бабаев Бахром Нуриллаевич, кимё фанлари доктори; Сманова Зулайхо Асаналиевна, кимё фанлари доктори, доцент.

Етакчи ташкилот: Тошкент кимё-технология институти.

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: *Saccharomyces cerevisiae* ачитқи хужайра девори биомассасидан олинadиган биосорбентлар ёрдамида табиий шароитда оғир металллар ионлари, радионуклидлар ва бошқа экотоксикантларнинг кичик миқдорларини концентрлаш ҳамда сувли муҳитда оғир металлларни аниқлаш усулларини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор *Saccharomyces cerevisiae* ачитқи хужайра девори асосида олинган сорбентлардан оғир металллар гуруҳлари, радионуклидлар ва токсинларни аналитик мақсадларда концентрлаш учун қўлланилган;

сорбентлар ёрдамида дастлабки биосорбцион концентрлашдан фойдаланиб, уларнинг РЭМ ва ундан кичик миқдорларини сувли муҳитда инверсион-вольтамперометрия аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

илк бор тажриба ёрдамида ачитқи хужайра деворлари биополимерлари функционал гуруҳларининг оғир металллар ионларининг ўзига хос ва ўзига хос бўлмаган боғланишларига қўшган ҳиссаси аниқланган;

биосорбентларнинг миқдорий десорбцияси ва регенерациясини амалга ошириш «эритма-биосорбент» гетероген системасида ион алмашинув жараёнининг сольватацион-координацион механизми аниқланган;

илк бор комплекс ҳосил қилувчи металл ионининг нисбий электроманфийлиги сорбентнинг бирламчи сорбцион қобилиятини таққослаш учун муҳим кўрсаткич эканлиги кўрсатилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Ачитқи хужайраси девори асосида олинadиган биосорбентлар ёрдамида табиий шароитда оғир металллар ионлари, радионуклидлар ва бошқа экотоксикантларнинг кичик миқдорларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кадмий, кўрғошин ва мис ионларини гуруҳлаб, инверсион-вольтамперометрик усулда дастлабки биосорбцияли концентрлаш ёрдамида аниқлаш усули Навоий тоғ-металлургия комбинатида жорий этилган («НТМК» АЖнинг 2016 йил 13 октябрдаги 01-01-07/10960-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган усулнинг сезгирлиги ионларни топиш аниқлиги сақлаб қолинган ҳолда 1–2 тартибга (аниқлашда хато < 10%) ошириш имконини берган.

ачитқи хужайраси девори асосида биосорбент олиш технологияси Ўзбекистон-Чехия қўшма корхонасининг «Pulsar-Group Brewer» МЧЖга жорий этилган («Pulsar-Group Brewery» МЧЖнинг 2016 йил 22 мартдаги 92-сон маълумотномаси). Синтез қилинган биосорбентларни қўллаш орқали оқава сувлардан оғир металллар концентрациясини бошланғич миқдорига нисбатан 2,5 марта камайтиришга эришилди;

оғир металллар ионларининг биосорбциясида иштирок этган функционал группаларини

аниқлашда физикавий ва физика-кимёвий усулларда таҳлил қилиш тадқиқотлар натижаси ҳамда натив биосорбент олиш технологияси ва унга магнитбошқарувчи хусусият бериш модификациясини амалга оширишнинг тадқиқотлар натижаси Исроил-Канада медицина тадқиқотлари институтининг илмий лойиҳаларида (0394567 ва 034582) фойдаланилган (2016 йил 2 сентябрдаги 514789239-сон маълумотномаси). Илмий-тадқиқотлар натижалари янги микро-организм штамлари ва иммунодиагностикум яратиш имконини берган.

Зиядуллаев Одилжон Эгамбердиевич. «Ароматик ацетилен спиртлари ва уларнинг винил эфирлари синтези», 02.00.03–Органик кимё (кимё фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 28.04.2016/В2016.2.К138.

Илмий маслаҳатчи: Икрамов Абдувахоб, техника фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент кимё-технология институти, Ўзбекистон Миллий университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Ўзбекистон Миллий университети, 14.07.2016.К.01.02.

Расмий оппонентлар: Абдушукуров Анвар Кабирович, кимё фанлари доктори, профессор; Мухиддинов Баходир Фахриддинович, кимё фанлари доктори, профессор; Азизов Умархон Мухтарович, кимё фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат университети.

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: янги усуллар ёрдамида танланган ароматик ацетилен спиртлари ҳамда винил эфирларини маҳаллий хомашё ва чиқиндилар асосида синтез қилиш, уларни ишлаб чиқариш технологияларини яратиш ҳамда мақсадли қўлланилиш соҳаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

КОН+ТГФ ва NH_3 +КОН+ CH_3OH гомоген-каталитик системаларда, магний органик бирикмалар асосида ва диазотирлаш реакциялари ёрдамида янги ароматик ацетилен спиртлари синтез қилинган ҳамда ароматик ацетилен спиртларини синтез қилиш нисбий самарадорлик қатори ва усули аниқланган;

кетонлар молекуласининг тузилиши, $>\text{C}=\text{O}$ гуруҳи атрофида тўғри тармоқланган ва ҳажмдор радикалларнинг ароматик ацетилен спиртлари синтези жараёнига ҳамда маҳсулот унумига таъсири аниқланган;

илк маротаба ароматик ацетилен спиртларини юқори асосли каталитик система ($\text{MOH}-\text{CsF}-\text{DMCO}$) ва гетероген-каталитик компонентлар ($\text{MOH}/\text{C}_{\text{фаол}}$) иштирокида ацетилен билан виниллаш, айрим тўйинмаган карбон кислоталар билан этерификация реакциялари асосида янги винил эфирлари синтез қилинган;

илк бор магний органик бирикмалар асосида ароматик ацетилен спиртлари, гетероген-каталитик усулда ароматик ацетилен спиртлари ва винил эфирлари синтез қилиш технологиялари яратилган;

илк бор синтез қилинган ароматик ацетилен спиртлари нефть-газ саноати, пўлат ва металл конструкцияларида биокоррозия жараёнига қарши биоцидлар сифатида қўлланилган;

нефть ва газ таркибидаги олтингургуртли бирикмаларни ажратиб олишда синтез қилинган ароматик ацетилен спиртлари ва винил эфирларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Синтез қилинган ароматик ацетилен спиртлари ва винил эфирлари асосида биологик фаол бирикмалар яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ацетилен спиртларини олиш усулига Ўзбекистон Республикасининг ихтирога патенти (№IAP 05066, 21.07.2015 й.) олинган. Ишлаб чиқилган усул янги катализаторлар асосида спиртларни олишда маҳсулот унумини сезиларли даражада оширишга хизмат қилган;

нефть ва газни қайта ишлаш корхоналарида металл қурилмаларнинг биологик емирилиш жараёнига қарши яратилган янги ингибиторлар «Муборакнефтегаз» УШҚда жорий этилган (2016 йил 11 февралдаги №714/43-67-сон маълумотномаси). Мазкур тадқиқотлар нефть таркибини биокимёвий таҳлил қилиш ва нефть-газни қайта ишлаш металл конструкциялари эксплуатацион самарадорлигининг ошишига имкон яратган;

ароматик ацетилен спиртлари винил эфирлари нефть ва нефть маҳсулотлари таркибидаги олтингургуртли бирикмаларни ажратиб олувчи препаратлар сифатида Бухоро нефтни қайта

ишлаш заводида жорий этилган (2016 йил 28 мартдаги №30-19/1145-сон маълумотномаси). Ушбу тадқиқотлар нефтнинг техник кўрсаткичларини пасайтирувчи олтингугуртли бирикмалар миқдорини камайтириш ва маҳсулот сифатини ошириш имконини берган.

Хаитбаев Алишер Хамидович. «Госсипол янги ҳосилаларининг синтези, тузилиши ва биологик фаоллиги», 02.00.03–Органик кимё; 02.00.10–Биоорганик кимё (кимё фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.К60.

Илмий маслаҳатчи: Долимов Давронбек Нигманович, кимё фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўзбекистон Миллий университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Ўзбекистон Миллий университети, 14.07.2016.К.01.02.

Расмий оппонентлар: Абдуғофуров Ибрагимжан Азизович, кимё фанлари доктори, профессор; Ташмухамедова Айниса Каримовна, кимё фанлари доктори, профессор; Мавлянов Саидмухтор Максудович, кимё фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Тошкент фармацевтика институти.

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: госсипол молекуласи асосида структурирани аналогларини белгиланган параметрлар асосида модификациялаш, биологик фаоллиги ва физик-кимёвий хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор пахтада эркин радикалларнинг ҳосил бўлиши аниқланган ҳамда госсиполнинг 2-оксibenзальдегид, 2-оксинафтальдегид ва пиридоксалнинг 100 дан ортиқ янги азометинли ҳосилалари, гидразинга ўхшаш фармакофор гуруҳга эга бўлган бирикмалар (эфедрин, сальсолин, карбазол ва дифениламин) синтез қилинган;

госсиполнинг янги ҳосилаларининг везикуляр стоматит вирусига ва триптофан бирикмаларининг вирусга қарши фаоллиги кўрсатилган, шунингдек *E.coli*, *St.aureus*, *X.malvasearum*, *B.subtilis* каби бактерияларга қарши юқори биологик фаолликни намоён қилувчи янги доривор моддалар синтез қилинган;

госсиполнинг Шифф асосларининг супрамолекуляр ва металлкомплекслари (Cu^{2+} , Ni^{2+} ва бошқа металл ионлари) аниқланган;

диаминогоссипол икки хил усулда олинган ва унинг асосида турли табиатга эга бўлган альдегидлар ёрдамида Шифф асослари синтез қилиниб, квант-кимёвий ҳисоблаш усуллари ёрдамида молекуляр-динамик кўрсаткичлари, электрон тузилиши аниқланган;

ГКМАТнинг мегосин ва тагосин билан супрамолекуляр комплексларини интерферониндуцирловчи фаоллиги госсипол, мегосин ва тагосинларга нисбатан устунлиги исботланган;

мегаферон таркибидаги мегосин ва ГКМАТ миқдорини идентификация қилиш, аниқлаш ва ажратиш учун ЮССХ усули ишлаб чиқилган ва мегафероннинг супрамолекуляр комплекси таркиби ҳамда моддаларнинг кристалланиш даражалари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Маҳаллий хомашё асосида олинадиган доривор препаратларнинг янги авлодини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

синтез қилинган янги антигерпетик препарати Universidad De Malaga томонидан «Thermophilic and halophilic extremophiles in Eurasian Environments» илмий лойиҳасида фойдаланилган (Universidad De Malaga (Испания)нинг 2016 йил 23 октябрдаги маълумотномаси). Илмий тадқиқотлар натижаси янги антигерпетик доривор препаратларни ажратиш, сифат ва миқдорий таркибини аниқлаш ҳамда айрим вирусларга қарши фаоллигидан фойдаланиш имконини берган;

супрамолекуляр комплексларни синтез қилиш услублари «Фарғонаазот» АЖ фаолиятига жорий этилган («Фарғонаазот» АЖнинг 2016 йил 24 октябрдаги 10/5078-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқотлар натижаси дори воситаларининг янги авлодини яратиш имконини берган;

глицерризин кислотасининг моноаммоний тузи билан мегосиннинг супрамолекуляр комплексини олиш бўйича олинган натижалар Ф-6-05 «Полифенол ва тритерпеноидларнинг янги ҳосилаларининг антибиотиклар таъсирига резистент бўлган патоген бактерияларга қарши фаоллик таъсир механизмини ўрганиш» илмий лойиҳасида (ЎЗМУ, 2012–2016 йй.) герпесга қарши янги дори воситасини яратишда фойдаланилган (Фан ва технологияларни

ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2016 йил 12 октябрдаги ФТК-03-13/685-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши янги дори воситаси «Мегаферон»ни синтез қилишга хизмат қилган;

тагосиннинг супрамолекуляр комплексини олиш бўйича олинган натижалар А-11-10 «Митохондриал касалликларга қарши дори препаратини яратиш ва ишлаб чиқиш» илмий лойиҳасида (ЎЗМУ, 2014–2016 йй.) антибактериал хоссали дори воситаларини олишда фойдаланилган (Фанва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2016 йил 12 октябрдаги ФТК-03-13/685-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши антибактериал хоссага эга бўлган янги дори препаратини яратишга хизмат қилган.

Эшмаматова Нодира Бахромовна. «Таркибида N, P, S тутган бирикмалар асосидаги олигомер коррозия ингибиторларининг синтези ва физик-кимёвий хоссалари», 02.00.04–Физик кимё (кимё фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.К63.

Илмий маслаҳатчи: Акбаров Хамдам Икрамович, кимё фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўзбекистон Миллий университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Ўзбекистон Миллий университети, 14.07.2016.К.01.02.

Расмий оппонентлар: Шарипов Хасан Турапович, кимё фанлари доктори, профессор; Гуро Виталий Павлович, кимё фанлари доктори; Сидиков Абдужалол Сидикович, кимё фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат университети.

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: металлларни коррозиядан самарали ҳимоялайдиган янги олигомер ингибиторларни яратиш ҳамда улар таъсирининг физик-кимёвий хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор таркибида азот, фосфор, олтингугурт тутган аддуктлар тиомочевина, мочевина, меламин ва гексаметилендиамин ҳамда олигомер типидagi ингибиторлар фосфор кислотаси асосида синтез қилинган;

металлларни коррозиядан самарали ҳимоялашда олигомер ингибиторларнинг ҳимояланиш ва таъсирлашиш механизми таклиф этилган;

юқори самарали ҳимояланишда коррозия токи ва тезлиги, ҳимоялаш даражаси, тормозлаш коэффициентининг ҳароратга ҳамда ингибиторларни қўллашда турли концентрациялардаги оптимал шароитлари аниқланган;

металллар коррозиясида электрокимёвий, гравиметрик усулларда турли азот тутган органик бирикмалар ҳамда фосфор кислотаси асосидаги аддуктлар ва олигомерларни ингибирланган системаларда адсорбцияланиш мувозанат константаси ва электродларнинг тўла қопланиш даражалари аниқланган;

синтез қилиб олинган олигомерларнинг пўлат сиртида турли муҳитларда бошланғич моддадан таркиби ва структурасидан фарқ қиладиган ҳимоя қаватлар ҳосил қилиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Таркибида азот, фосфор тутган олигомерлар металлларни коррозиядан сақлашда ингибиторлар сифатида қўлланилганда олинган илмий натижалар асосида:

олигомер бирикмалар ва уларнинг композициялари «Навоийазот» АЖда амалиётга татбиқ этилди («Навоийазот» АЖнинг 2016 йил 10 июндаги №02/3966-сон маълумотномаси). Бунда фосфор тутган бирикмалар ингибитор сифатида айланма иситиш системаларида пўлатнинг ҳимоя қатламини таъминлаб, коррозиядан сақлаш имконини берган;

ингибиторларни синтез қилиш, турли муҳитларда самарадорлигини аниқлаш устида олиб борилган илмий тадқиқотлардан ЁФ-7-1 рақамли «Маҳаллий хомашё асосида металллар коррозияси ингибиторларининг янги авлоди» (ЎЗМУ, 2014–2015 йй.) илмий лойиҳасида олигомер ингибиторлар олишда фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2016 йил 21 октябрдаги ФТК-0313/703-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқотлар натижасида металлларнинг хизмат муддатини узайтирувчи ингибиторлар

яратилган.

Бекчанов Давронбек Жумазарович. «Поливинилхлорид асосида азот ва фосфор тутган ионитларнинг олиниши ва физик-кимёвий хоссалари», 02.00.04–Физик кимё; 02.00.06–Юқори молекуляр бирикмалар (кимё фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 28.04.2016/В2016.2.К85.

Илмий маслаҳатчи: Мухамедиев Мухтаржан Ганиевич, кимё фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўзбекистон Миллий университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Ўзбекистон Миллий университети, 14.07.2016.К.01.02.

Расмий оппонентлар: Шарипов Хасан Турапович, кимё фанлари доктори, профессор; Рахмонбердиев Гаппор, кимё фанлари доктори, профессор; Рўзимурадов Олим Нарбекович, кимё фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти.

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: поливинилхлоридни модификациялаб, таркибида азот ва фосфор гуруҳларини тутувчи анионит ва полиамфолитлар олиш ҳамда уларнинг физик-кимёвий ва сорбцион хоссаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор мунчоқсимон поливинилхлорид асосида анионалмашувчи сорбент олишнинг мақбул шароитлари аниқланган;

реакциянинг модификацияланаётган поливинилхлориднинг ғовакли структурасига боғлиқлиги ҳамда гетероген жараёнлар кинетикаси қонуниятларига бўйсунуши исботланган;

мунчоқсимон поливинилхлорид асосида олинган анионитни фосфит кислота билан модификациялаб, таркибида азот ва фосфор гуруҳлари тутган комплекс хоссага эга бўлган ионалмашувчи материал олинган ва улар олинишининг мақбул шароити ишлаб чиқилган;

ионитларнинг юқори сорбцион хоссага, термик ва механик барқарорликка эга экани ҳамда олинган параметрлари бўйича саноатда қўлланадиган АН-31 анионитдан фарқ қилмаслиги аниқланган;

анионит ва поликомплексонлар хромат, мис, ванадий, никель, индий ионлари ва йодга нисбатан юқори сорбцион хоссага эга экани ҳамда таркибида мис (II), никель (II), рух (II) ва кобальт (II) ионларининг мураккаб эритмасидан динамик шароитда металл ионлари ажратишиб, полиамфолитнинг мис (II) ионларига нисбатан селективлиги юқори экани аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Мунчоқсимон поливинилхлорид асосида ионитлар олиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

мунчоқсимон поливинилхлорид асосида таркибида азот ва фосфор гуруҳларини тутган янги полиамфолит олиш учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (16.05.2016 й. № IAP 05232). Илмий тадқиқотлар натижасида импорт ўрнини босувчи янги полимер сорбентларни синтез қилиш имкониятлари яратилади;

янги полимер сорбентлар газларни тозалашда қўлланадиган метилдиэтанолламин таркибидаги ифлослантирувчи термик барқарор тузларнинг миқдорини камайтириш учун «Фарғонаазот» АЖда амалиётга татбиқ этилган («Фарғонаазот» АЖнинг 2016 йил 26 июлдаги 37/3768-сон маълумотномаси). Бунда маҳаллий хомашё асосида олинган сорбентларга эга бўлган ускуна метилдиэтанолламин таркибидаги термик барқарор тузлар миқдорини 1,5% га камайтириш имконини беради.

Гафуров Махмуджон Бакиевич. «Алкалоидлар ва олеанан қатори тритерпенларининг (глицирризин кислотаси) ҳосилалари синтези ва биологик фаоллигини аниқлаш», 02.00.10–Биоорганик кимё (кимё фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.К72.

Илмий маслаҳатчи: Далимов Давранбек Нигманович, кимё фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Биоорганик кимё институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Биоорганик кимё институти ва Ўзбекистон Миллий университети, 14.07.2016.К/В/Т.13.01.

Расмий оппонентлар: Мавлянов Саидмухтор Мақсудович, кимё фанлари доктори,

профессор; Рамазонов Нурмурод Шералиевич, кимё фанлари доктори, катта илмий ходим; Абдушукуров Анвар Кабирович, кимё фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Тошкент кимё-технология институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: ацетилхолинэстеразининг антидот таъсири азот тутган фосфорорганик қайтар ингибиторлари ҳамда яллиғланишга қарши фаолликка эга айрим препаратлар билан глицирризин кислота ҳосилалари асосида кенг терапевтик таъсири бўлган дори воситаларини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

айрим алкалоидлар ва азот тутган гетероҳалқали бирикмаларнинг (морфолин, пиперидин, гексаметиленмин, анабазин, лупинин, эпилупинин) метил, метилтион ва фенилфосфон кислоталари билан ацетилхолинэстеразининг фаол марказига мос келувчи мураккаб эфирлари ва тузлари синтез қилинган;

метилтионфосфонат молекуласида икки ва ундан ортиқ асимметрик марказлар бўлиши ЯМР-спектрида диастереомер анизохронлик эффектини пайдо бўлишига олиб келиши аниқланган;

ацетилхолинэстераза ферментининг ўта фаол қайтар ингибиторлари аниқланган;

моддаларнинг тузилиши билан фаоллиги орасидаги боғлиқлик ҳамда метилтионфосфонатларнинг антидотлик хоссалари аниқланган;

глицирризин кислотаси (ГК) тузлари билан АХЭнинг самарали қайтар ингибиторлари бўлган дезоксипеганин гидрохлорид (ДОП ГХ) ва галантамин алкалоидларининг турли нисбатда супрамолекуляр комплекслари олинган;

ГК моноаммонийли тузи (ГКМАТ) ва ДОП ГХнинг комплекси (2:1) юқори антихолинэстераз фаолликка эгаллиги ва кам заҳарли эканлиги кўрсатилган;

ГК ва унинг тузлари асосида олинган супрамолекуляр комплексларнинг сувли муҳитда гель ҳосил қилиш жараёни механизмлари, мицеллалар ҳосил бўлиш критик концентрацияси аниқланган;

ГК тузларининг ацетил салицил кислотаси (АСК) ҳамда унинг аналоглари гидролизига каталитик таъсир этиши аниқланиб, унинг назарий тахмин қилинган механизми таклиф этилган;

ГКМАТ ва АСК (4:1) комплексининг юқори интерферон индукция қилиш хусусиятига эгаллиги аниқланиб, унинг асосида яллиғланишга қарши «ГЛАС» дори воситаси яратилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Ферментнинг фаол марказини тадқиқ этиш ва асаб касалликларини даволашда қўлланиладиган АХЭ ингибиторлари ва маҳаллий ўсимлик хомашёси асосида дори воситаларининг кам дозали, кенг таъсир доирасига эга препаратлар яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

холинэстеразага қарши фаолликка эга бўлган О-изобутил-О-2-/N-пиперидил/изопропил-метилтионфосфонатнинг хлоргидратига Давлат патент идорасининг ихтирога патенти, (28.03.1994 й., №1109) олинган. Илмий тадқиқот натижасида бу препарат АХЭ ферментини фосфорорганик заҳарлардан ҳимоя қилиш учун антидот восита яратиш имконини берган.

маҳаллий ўсимлик хомашёси асосида яллиғланишга қарши «ГЛАС» препаратининг таблетка дори шакли ишлаб чиқилган. «ГЛАС» субстанцияси ва дори шакли учун барча меъёрий техник ҳужжатлар тайёрланган («Вақтинчалик фармакопея» мақоласи лойиҳаси, лаборатория регламенти 14.10.2009) ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармасига (ДВТТСНҚББ) топширилган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фармакология қўмитаси кенгашининг қарорига кўра тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат берилган ва қайд этишга тавсия этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фармакология қўмитасининг 2016 йил 14 октябрдаги 29/03-1172-сон маълумотномаси). «ГЛАС» препарати хориждан олиб келинаётган ўхшаш таъсирга эга бўлган дори воситалари ўрнини босади.



Биология фанлари бўйича докторлик диссертациялари ҳимояси тўғрисида эълонлар

Ибрагимов Фазил Ахмедович. «Онкологик касалликларни даволашда соядан олинган оқсил препаратининг биологик фаоллиги», 02.00.10–Биоорганик кимё (биология фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.В68.

Илмий маслаҳатчи: Кадырова Дильбар Абдуллаевна, биология фанлари доктори.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Биоорганик кимё институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Биоорганик кимё институти, Ўзбекистон Миллий университети, 14.07.2016.К/В/Т.13.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш.

Расмий оппонентлар: Саитмуратова Огульджан Худайбергеновна, биология фанлари доктори, доцент; Бугланов Анатолий Аюшевич, биология фанлари доктори; Гафур-Ахунов Мирза Аллаярович, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Иммунология институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: соядан оқсил комплекси ажратиш, унинг физик-кимёвий, фармако-токсикологик тавсифлари, саратонга қарши фаоллигини ўсманинг ҳар хил турларида *in vivo*, биопсия материалида кўкрак беши, эндометрия ва йўғон ичак саратонини *in vitro* аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

соядан оқсил комплекси ажратиб олинган ва унинг физик-кимёвий, фармакологик ҳамда токсикологик хоссалари аниқланган;

оқсил 12,7-79,0 қДа молекуляр массага эга полипептидлар комплекси таркиб топганлиги, рI -4,1; 4,2; 4,5 ва 4,7 лардаги изоэлектрик нуқтага эгалиги исботланган;

масс-спектрометрия усули билан оқсил комплексида протеазалар Кунитц ингибитори аниқланган;

оқсил комплексининг *in vitro* ва *in vivo* шароитларида хавфли ўсмага, шамоллашга қарши фаоллиги ҳамда иммунмодулловчи ва антиканцероген хоссалари аниқланган,

соя дуккакларида олинган полипептидлар комплекси асосида «Биокор-0,2г» препарати яратилган ва унинг таблетка кўринишидаги дори шакли ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Маҳаллий ўсимлик хомашёси асосида саратонга қарши дори воситаларини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

соя кунжарасидан саратонга қарши фаолликка эга оқсил ва уни ажратиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (IAP 04501, 2012). Илмий тадқиқот натижалари онкологик касалликларни даволаш учун «Биокор-0,2г» таблетка дори шаклини ишлаб чиқиш имконини берди;

соядан ажратилган ўсмага қарши фаолликка эга оқсил комплекси бўйича натижалар EMBL р86527 маълумотлар базасида рўйхатдан ўтказилган (<http://www.ebi.ac.uk>). «Биокор-0,2г» препарати АКАТОЛ, АКАТОН, меланома В-16 ва Саркома 180 каби пайвандланган ўсма штамларида ўсмага қарши фаоллик намоен қилган ва саратон тўқимасининг ўсишини секинлаштирган. «Биокор-0,2г» препарати 5-фторурацил берилган ўсма ташувчи ҳайвонлар иммун тизимининг қайта тикланишига ёрдам бериши, ўсмага қарши препаратларнинг даволовчи таъсирини яхшилаши ва ўсма-ташувчи ҳайвонлар иммунитетини ошириши тасдиқланган. Тадқиқот натижалари ўсимлик оқсиллари асосида онкологик касалликларни даволашда янги йўналиш ва самарали доривор воситалар яратиш имконини беради.

Ҳашимова Нигора Рустамовна. «Ўзанинг фитопатогенларга қарши чидамлик механизмининг шаклланиши ва уни табиий бирикмалар асосида бошқариш», 02.00.10–Биоорганик кимё (биология фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.В3.

Илмий маслаҳатчи: Ахунов Али Ахунович, биология фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Биоорганик кимё институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Биоорганик кимё институти ва Ўзбекистон Миллий университети, 14.07.2016.К/В/Т.13.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш.

Расмий оппонентлар: Тилиябаев Заитжон, биология фанлари доктори, профессор; Турдикулова Шахлохон Уткуровна, биология фанлари доктори, доцент; Цеомашко Наталья Евгеньевна, биология фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: Микробиология институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: ғўзада ҳимоя жараёнлари шаклланишининг биокимёвий механизмларини аниқлаш, селекция материалининг фитопатогенларга нисбатан чидамлилигини баҳоловчи тест тизимини яратиш, глицирризин кислотаси препаратлари асосида муҳитнинг биотик омилларига нисбатан ғўзанинг чидамлилигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

V.dahliae, *Foxysporium* замбуруғлари таъсири остида чидамли ва чидамсиз ғўза навларининг фитопатогенлар билан зарарланган жойларида кислороднинг фаол шакллари ва оксидловчи стресснинг локал зонасини юзага келтирувчи анион пероксидаза, полифенолоксидаза ва фенилаланин аммиак-лиаза иштирокидаги бирламчи ҳимоя реакцияларининг шаклланиш механизми асослаб берилган;

илк бор ғўзанинг резистентлик даражасини прогнозлашга имкон берувчи иммунферментли таҳлил асосида ғўзанинг замбуруғли касалликларга чидамлилигини баҳолаш тест-тизими ишлаб чиқилган;

ғўза етиштириш амалиётида муҳитнинг биотик ва абиотик омилларига чидамлиликни оширувчи ДАГ-1 ва ДАГ-2 препаратларини қўллаш асосида табиий асосга эга препаратлардан носпецифик чидамлилик индукторлари сифатида фойдаланишнинг мутлақо янги концепцияси ишлаб чиқилган;

ДАГ-1 препарати таркибидаги салицил кислотанинг ғўзада фитопатогенларга нисбатан чидамлилигини бошқарувчи асосий хусусияти аниқланган, ғўзада индуцирланган системик чидамлилик шаклланишида салицил кислотанинг сигнал молекуласи сифатида иштирок этиши исботланган;

препаратларнинг табиий фитогормонлар таъсирига мос келувчи кичик 10^{-7} М концентрацияда экиш олдида чигитларга ишлов бериш, ғўза ўсимлигининг ўсиш ва ривожланишини стимулловчи ва ҳимояни пролонгирловчи таъсири аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Ќўзанинг турли навларида фитоиммунитет ферментларининг физик-кимёвий, биологик хоссаларини ўрганиш ҳамда фитопатогенларга қарши чидамлиликни индуцирловчи глицирризинатларнинг таъсир механизмини аниқлаш асосида:

ғўзанинг хитин-махсус пероксидазалари гомоген ҳолда ажратиб олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти (31.12.2012 й., №ІАР 04619) олинган. Илмий тадқиқот натижасида иммунофеммент таҳлил усули билан ғўзанинг вильтга чидамлилигини баҳолаш тест тизими яратилган;

ғўза навларининг вильтга чидамлилигини баҳолаш тест тизимига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти (27.02.2015 й., №ІАР 05005) олинган. Илмий тадқиқот натижасида олинган тест тизими апробациядан ўтказилган ва ғўзанинг турли навлари ва тизмаларини вилтга чидамлилигини аниқлаш имконини берган;

маҳаллий хомашёдан олинган глицирризин кислотанинг салицил кислотаси билан супрамолекуляр комплекси ва глицирризин кислотанинг моноаммонийли тузининг индукторлар сифатида қўлланилиш технологиясига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти (30.10.2015 й., №ІАР 05090) олинган. Илмий тадқиқот натижасида ДАГ-1 и ДАГ-2 препаратларининг паст концентрацияси (10^{-7} М) ғўзани фитопатогенларга нисбатан чидамлилигини оширувчи ва фитоиммунитетнинг асосий ферментларига пролонгирловчи хусусиятининг таъсир механизмини исботлашга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси ўсимликларни муҳофаза қилиш ва кимёлаштириш воситалари бўйича Давлат комиссияси томонидан ДАГ-1 ва ДАГ-2 препаратлари рўйхатга олинган ва

гувоҳномалар олинган (23.01.2015 й., №1А 946 ва 09.02.2016 й., №1А 1156). Илмий тадқиқот натижасида ДАГ-1 ва ДАГ-2 препаратларини чигитларга экиш олдидан ишлов беришда фойдаланилган.

Шахмурова Гульнара Абдуллаевна. «Экспериментал шароитда фитоэқдистероидларни меъёрий ва турли патологик ҳолатларда иммуногенезга самарадорлигини баҳолаш», 14.00.36–Аллергология ва иммунология; 14.00.17–Фармакология ва клиник фармакология (биология фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.В126.

Илмий маслаҳатчилар: Батирбеков Акрам Анварович, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Сиров Владимир Николаевич, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент давлат педагогика университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Иммунология институти ва Тошкент тиббиёт академияси, 14.07.2016.Тиб.16.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш.

Расмий оппонентлар: Залялиева Марьям Валиахмедовна, биология фанлари доктори, профессор; Нуралиев Неккадам Абдуллаевич, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Аминов Салохитдин Джураевич, тиббиёт фанлари доктори, доцент.

Етакчи ташкилот: Бухоро давлат тиббиёт институти.

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: маҳаллий хомашёдан ажратиб олинган фитоэқдистероидларни меъёрида ва иккиламчи иммун танқисликда иммунмодулловчи сифатида экспериментал баҳолаш ҳамда амалий фойдаланиш имкониятларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор фитоэқдистероидлар иммунмодулловчи ва иммунрағбатловчи воситалар сифатида ҳамда уларнинг кимёвий структурасининг иммунотроп таъсири билан ўзаро алоқадорлиги аниқланган;

эқдистерон ва туркестерон, шунингдек таркибида фитоэқдистероидлар жамланган *Silene viridiflora*, *Silene brahuica* ва *Ajuga terkestanica* дан олинган препаратлар ҳайвонлар организмидаги иммун жараёнларни рағбатлантириши аниқланган;

интакт ҳайвонларда стресс, узоқ муддат жисмоний ҳаракат, токсик гепатит, нур касаллиги ва анемияда ривожланадиган иккиламчи иммун танқислигида иммунитетнинг марказий ва периферик органларидаги ҳужайралар умумий сонининг ортиши, эритро- ва лейкопозининг стимуляцияси аниқланган;

фитоэқдистероидлар иммун жавобда антигенлар рақобати феноменини бекор қилиши, қон ҳосил қилувчи илдиз ҳужайралар пролиферацияси стимуляция қилиши ва тимус ҳужайраларининг митоз фаолиятини кучайтириши аниқланган;

илк бор фитоэқдистероидларнинг патология олди ва патологик ҳолатлар функционал-метаболик кўрсаткичларига иммунотроп ва фармакокоррегирловчи таъсирининг ўзаро боғлиқлиги исботланган;

фитоэқдистероидлар юқори оқсил синтезловчи фаоллиги ҳисобига иккиламчи иммун танқислик ҳолатларида ҳужайравий иммунитет ва фагоцитоз фаолиятини рағбатлантириши, биокимёвий ва физиологик жараёнларни бошқариши аниқланган;

фитоэқдистероидларнинг полифункционал восита сифатида жараёнларни рағбатловчи, оқсил-анаболик хусусиятли ва иммун тизимидаги иккиламчи иммун танқислик ҳолатларини коррегирловчилиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Экспериментал шароитда фитоэқдистероидларнинг меъёрий ва турли патологик ҳолатларда иммуногенезга самарадорлигини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

таркибида фитоэқдистероидлар жамланган препаратларнинг антителигенез жараёнлари, иммунитет кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш юзасидан ишлаб чиқилган «Фитоэқдистероидлар иммунмодулловчи восита сифатида қўлланишининг истиқболлари» услубий қўлланма Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 28 августдаги 83/36-сон маълумотномаси). Услубий қўлланма фитоэқдистероидлар янги хусусиятларини очиш ҳамда уларнинг патологик ҳолатларда функционал-метаболик кўр-

саткичларга иммунотроп ва фармакокоррегирловчи таъсир механизмини аниқлаш имконини беради;

фитоэкдистероидларнинг энг самарали иммунрағбатловчи таъсири плазматик хужайраларнинг оқсил синтезловчи фаолиятининг продуктив даврида намоён бўлиши ва иммун жавобда антигенлар рақобати феноменини бекор қилиши асосида антителолар сонини орттириши соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 1 ноябрдаги 8н-д/66-сон маълумотномаси). Илмий натижада иммун тизимида ўзгаришлар билан кечадиган беморларда ҳамда спортчиларнинг интенсив машқ ва мусобақа жараёнидаги ҳолатларини оптималлаштиришга, сурункали касалликлар ремиссия даврини узайтиришга ва дори-дармонга бўлган муҳтожликни камайтириш имконини беради.

Зайнитдинова Людмила Ибрахимовна. «Ғарбий Ўзбекистон конларининг кам миқдордаги сульфид маъданларига фильтрацион ишлов беришнинг микробиологик технологиялари», 03.00.04–Микробиология ва вирусология (биология фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 14.07.2016/В2016.3.В35.

Илмий маслаҳатчи: Арипов Тахир Фатихович, биология фанлари доктори, профессор, ЎЗР Фанлар академияси академиги.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Микробиология институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Ўзбекистон Миллий университети ва Микробиология институти, 14.07.2016.В.01.03.

Расмий оппонентлар: Мавлоний Машхура Эгамовна, биология фанлари доктори, профессор, ЎЗР Фанлар академияси академиги; Давранов Кахрамон Давранович, биология фанлари доктори, профессор; Ахунов Али Ахунович, биология фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: таркибида олтин бўлган хомашё уюм шароитда суюқликда эритиб ажратиб олишда микроорганизмлар ривожланишини аниқлаш ҳамда *Acidithiobacillus ferrooxidans* бактериясини жадаллаштириш жараёни учун қўллашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

юқори уран концентрациясига чидамли маҳаллий бактерия штамлари олинган ҳамда хужайраларнинг ИК-спектрлари асосида уран ионлари таъсирида хужайра моддалари таркибининг ўзгаришлари аниқланган;

илк бор Кокпатас кони маъданлар уюмида суюқликда эритиб ажратиб олиш жараёнида микроблар хилма-хиллиги, термофил архейлар кўрсатилган, ушбу маъданнинг аншлифида сульфидларнинг микробиологик парчаланиш жараёни аниқланган;

илк бор сувда эрувчан полимерлар бактериал намлантирилган эритмаларда қўлланилганда, маъданга микроорганизмларнинг бирикиши ошди ва шунга кўра олтин ажралиши исботланган;

Кокпатас конида олтинсульфидли маъдан уюмини қайта ишлашга яроқлилиги, шунингдек Қизилқум уран маъдани бактериал суюқликда эритиб ажратиб олиш учун уранли геологик жойлашиши аниқланган;

илк бор фойдаланишдан четга чиқарилган (яроқсиз) скваженаларни бактериал эритма асосида бир мартали насос билан қайта ишлаш имконияти кўрсатилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Геокимёвий фаол, адаптацияланган, турғун темир оксидловчи ацидофил *A.ferrooxidans* К-1 ассоциацияси Навоий кон металлургия комбинатида амалиётга жорий этилган (Навоий кон-металлургия комбинатининг 2016 йил 28 октябрдаги 02-03-04/11672-сон маълумотномаси). Илмий натижада сульфидли маъданларга микроорганизмларнинг қўлланилиши сульфат кислотасининг ишлатилишини камайтириш ва металл ажратиб олиш фоизининг ошиш имконини берган. ГМЗ-3 (Учқудуқ) базасидаги Кокпатас конида сульфидли маъданларнинг биооксидланиши бўйича олиб борилган ярим саноат тажрибалари олтинни ажратиб олиш дастлабки 27,7% дан 53,76% гача ошишига хизмат қилди. Шу билан бирга, эксплуатациядан чиқарилган Кетмончи саноат ҳудуди қудуқларида ажратиб олинган ассоциация кенг масштабли қўлланилганда қолдиқ уран миқдорини ажратиб олиш ва микроорганизмларнинг табиий шароитларда ўстириш параметрларини аниқлашга имкон берди. Кетмончи конидаги қайта ишланган ҳудудида «пушпул» бирлаштирилган узлуксиз режимда ўтказилган саноат

тажрибаси синовлари варианты натижаларига кўра бактериялар металл олиб чиқишини оширгани кўрсатилган.

Нарбаева Хуршида Сапарбаевна. «Полифункционал хусусиятларга эга шўрга чидамли ғўза ризобактериялари ва улар асосида комплекс таъсир этувчи биопрепарат», 03.00.04–Микробиология ва вирусология (биология фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.В87.

Илмий маслаҳатчи: Джуманиязова Гульнора Исмаиловна, биология фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Микробиология институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Ўзбекистон Миллий университети ва Микробиология институти, 14.07.2016.В.01.03.

Расмий оппонентлар: Назаров Ренат Саидович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор; Ахмедова Захро Рахматовна, биология фанлари доктори, профессор; Мамбетуллаева Светлана Мирзамуратовна, биология фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: шўрланган тупроқларда ғўза етиштириш учун янги шўрга чидамли полифункционал хусусиятларга эга ғўза ризобактериялари асосида комплекс таъсир этувчи янги биопрепарат яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

шўрланган тупроқлардан ғўза ризосферасидан янги шўрга чидамли ризобактерия штамлари ажратилган ва натижада 4 та фаол штамлар кислота ҳосил қилиш фаолликлари бўйича скрининг қилинган;

илк бор 4 та янги шўрга чидамли ғўза ризобактерия штамларининг полифункционал хусусиятлари: юқори концентрацияли хлоридли (NaCl , MgCl_2) ва сульфатли (Na_2SO_4 , MgSO_4) токсик тузларга чидамлилиги, қийин ўзлаштириладиган минерал (кальций (III) фосфат) ва органик (фитин) фосфатларни парчалаш, турғун хлорорганик пестицидларни (ГХЦГ, ПХБ) деструкция қилиш, ғўза фитопатогенларига қарши антагонистик фаоллиги, ўсишни жадаллаштириш ва илдиз ҳосил қилиш фаолликлари аниқланган. Ризобактерияларнинг тур мансублиги – *Bacillus subtilis BS-80*, *Bacillus licheniformis BL-83*, *Paenibacillus polymyxa PP-113*, *Paenibacillus amylolyticus PA-118* аниқланган;

илк бор 4 та шўрга чидамли ғўза ризобактерия штамлари асосида комплекс таъсир этувчи RIZOKOM-1 биопрепарати яратилган;

илк бор лаборатория шароитида полифункционал хусусиятга эга ризобактерияларни ўстириш шароити оптималлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Комплекс таъсир этувчи RIZOKOM-1 биопрепаратини яратиш ва жорий қилиш жараёнида олинган илмий натижалар асосида:

полифункционал хусусиятларга эга бактериялар штамми учун Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги томонидан ихтиро патенти (2013 й., №ІАР 04712) олинган. Натижада яратилган янги озика муҳити саноат шароитида биопрепаратни олиш имконини беради;

қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида Сирдарё вилоятининг Мирзаобод райони «Сувчи Мироб даласи» фермер хўжалигининг шўрланган тупроқларида ғўза ўсимлигида 2014–2015 йилларда комплекс таъсир этувчи RIZOKOM-1 биопрепарати жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2016 йил 15 октябрдаги 02/20-3326-сон маълумотномаси). RIZOKOM-1 биопрепаратини қўллаш натижасида шўрланган тупроқларнинг унумдорлиги ва пахта ҳосилдорлиги ошган ҳамда қўшимча 12–14,6 ц/га ҳосил олишга ва рентабеллик даражасини 25–28% га ошишига имкон берган.

Батошов Авазбек Рисқулович. «Жануби-шарқий Қизилқум қолдиқ тоғларининг флораси», 03.00.05–Ботаника (биология фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 14.07.2016/В2016.3.В174.

Илмий маслаҳатчи: Тожибаев Комилжон Шаробитдинович, биология фанлари доктори.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди

институту.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти, Ўзбекистон Миллий университети, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, 14.07.2016.В.15.01.

Расмий оппонентлар: Хасанов Фурқат Орунбаевич, биология фанлари доктори, профессор; Мадумаров Толибжон Абдумаликович, биология фанлари доктори, профессор; Мавлонов Хударган, биология фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: жануби-шарқий Қизилқум қолдиқ тоғлари флорасининг конспектини тузиш ва Тоғлиўртаосиё провинцияси таркибида ботаник-географик район сифатидаги мустақил ўрнини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жануби-шарқий Қизилқум қолдиқ тоғлари флорасининг 69 оила, 355 туркум ва 781 турдан иборат бўлган конспекти тузилган, шулардан 412 тур тадқиқот ҳудуди учун илк бор келтирилган;

флоранинг таксономик таркиби ва турларнинг ареал типлари бўйича тақсимланиши аниқланган, етакчи оилалар ва ўсимлик қопламанинг қиёсланиши асосида жануби-шарқий Қизилқум қолдиқ тоғлари флорасининг бошқа қолдиқ тоғлардан фарқланиши исботланган;

жануби-шарқий Қизилқум қолдиқ тоғларини ботаник-географик тавсифи келтирилган ва флоранинг келиб чиқиши тоғли минтақалар билан боғлиқлиги исботланган ҳамда Нурота округи таркибида Нурота олди ботаник-географик районининг мустақил ўрни очиб берилган;

юксак ўсимликлар, камёб, йўқолиб бораётган ва эндем турларнинг давлат кадастри амалга оширилган;

флоранинг маълумотлар электрон базаси ва турларининг тарқалишини акс эттирувчи ГАТ хариталари тузилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Жануби-шарқий Қизилқум қолдиқ тоғлари флорасини тадқиқ қилиш доирасида олинган натижалар асосида:

флора конспекти, ГАТ хариталар ва маълумотларнинг электрон базаси табиатни муҳофаза қилиш фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2016 йил 9 февралдаги № ОЭ-02/19-625-сон маълумотномаси; Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш Республика давлат инспекциясининг 2016 йил 9 февралдаги №19-04/90-сон маълумотномаси). Маълумотлар муҳофаза этиладиган турлар таркибини аниқлаштириш, камёб, йўқолиб бораётган ва эндем турларни муҳофаза қилиш, давлат кадастрини юритиш ва табиатни муҳофаза этишга қаратилган самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланилган;

юксак ўсимликларнинг 69 оиласига мансуб 1255 гербарий намуналари, хусусан, ҳудуд учун камёб, эндем, Ўзбекистон флораси учун янги бўлган тур намуналари Ўрта Осиёда гербарий намуналари сони бўйича етакчи бўлган республика «Ноёб объекти» – Марказий гербарийга (TASH) тақдим этилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2016 йил 20 сентябрдаги №5/1255-1172-сон маълумотномаси). Бу намуналар мазкур ҳудуддан йиғилган гербарий фондини бойитишга хизмат қилиб, турлар таркибини аниқлаштириш, оила ва туркумларини систематик таҳлил қилиш ҳамда Ўзбекистон флорасининг электрон маълумотлар базаси – FLORUZ ахборот-таҳлил тизимини шакллантириш давомида фойдаланилган.

Дусчанова Гулжан Мадримбаевна. «*Climacoptera Botsch. (Chenopodiaceae)* туркум турлари вегетатив органларининг шўрланишга мослашиш хусусиятлари», 03.00.05–Ботаника (биология фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 14.07.2016/В2016.3.В54.

Илмий маслаҳатчи: Бутник Антонина Анатольевна, биология фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти, Ўзбекистон Миллий университети, Генетика ва ўсимликлар экспериментал

биологияси институти, 14.07.2016.В.15.01.

Расмий оппонентлар: Печеницын Владимир Петрович, биология фанлари доктори, профессор; Шамсувалиева Лайля Абдрахимовна, биология фанлари доктори, профессор; Белолитов Игорь Владимирович, биология фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Гулистон давлат университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: *Climacoptera Botsch. (Chenopodiaceae)* туркуми турларини шўрланишга боғлиқ ҳолда морфогенези, онтогенези ва вегетатив органлари анатомик тузилишининг мослашиш хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор турли шароитларга боғлиқ ҳолда *Climacoptera* туркуми турларининг онтогенези ва морфогенезидаги турларга хос мосланиш белгилари аниқланган;

ассимиляцияловчи органлардаги мезофиллнинг турли типлари, яшаш муҳитига боғлиқ ҳолдаги ксеро- ва галоморф белгиларнинг мутаносиблиги, шунингдек ўзгарган яшаш шароитидаги баргнинг реакцияси аниқланган;

Climacoptera туркуми турлари ўқ органлари структураларининг шаклланиши тавсифланган ва структуралар тараққиётининг йўналиши пояда бирламчи боғламдан аномал поликамбиалликка, илдизда диархдан иккиламчи йўғонлашишга ўтиши аниқланган;

турли хил экологик шароитларда марказий цилиндрни ҳимоялашда бирламчи ва иккиламчи пўстлоқнинг структуравий аҳамияти исботланган;

Climacoptera туркуми турлари ер устки қисмида алкалоидлар миқдори ва озуқавий қиймати аниқланган;

Climacoptera туркуми турлари адаптациогенези умумий йўналиши: ўсишнинг тупбарглиги, мезобазитон ва базитон шохланганлиги, кранц-тузилмали баргнинг суккулентлиги, поя ва илдизнинг поликамбиаллиги аниқланган;

Мирзачўлда тарқалган турларда тупроқ шўрланишининг сульфат-хлоридли типига оид галоморф белгилар, Устюртда тарқалган турларда эса тупроқ шўрланишининг хлорид-сульфатли типига оид ксероморф белгилар устунлик қилиши аниқланган;

Climacoptera туркум турларининг галоморф ва ксероморф белгилари ҳамда уларни ем-хашаклик сифатлари асосида инқирозга учраган яйловлар фитомелиорациясида фойдаланишга тавсия қилинган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Climacoptera Botsch. (Chenopodiaceae) туркум турлари вегетатив органларининг шўрланишга мослашиш хусусиятлари бўйича олинган натижалар асосида:

Climacoptera туркумининг *C. lanata*, *C. longistyllosa*, *C. ferganica*, *C. affinis* ва *C. intricata* турлари фитомелиорант ва ем-хашак ўсимлиги сифатида шўрланган ерлар учун жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2016 йил 3 октябрдаги 02/20-1215-сон маълумотномаси). Илмий натижалар шўрланган ҳудудларда агрофитоценозлар яратишда чорвачилик учун қимматли ем-хашак сифатида *Climacoptera* туркуми турларини ҳосилдорлигини ошириш имконини берган;

Climacoptera туркуми турларининг шўрланишга мослашиш хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар Германиянинг Фридрих Шиллер номидаги Йена университети қошидаги Умумий ботаника ва ўсимликлар физиологияси институти АР 54/11-1 «*Arabidopsis thaliana* да КАК ёруғликни бошқарувчи махсус-ген эксперсияси ва уни транскрипция ва трансляция ёрдамида бошқарилиши» лойиҳасининг илмий-тадқиқот ишларида қўлланилган (Германия, Фридрих Шиллер номидаги Йена университети қошидаги Умумий ботаника ва ўсимликлар физиологияси институтининг 2015 йил 23 ноябрдаги маълумотномаси). Илмий натижалар стресс шароитларда ем-хашак ўсимликларнинг анатомик тузилиши асосида уларнинг чидамлилигини аниқлаш имконини берган.

Абдуллаев Икрам Искандарович. «Термитлар популяцияларининг экологияси ва уларнинг табиий ҳамда урбанлашган экотизимлардаги аҳамияти», 03.00.06–Зоология (биология фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.В.91.

Илмий маслаҳатчи: Хамраев Алоиддин Шамсиддинович, биология фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Урганч давлат университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти, Ўзбекистон Миллий университети, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, 14.07.2016.В.15.01.

Расмий оппонентлар: Сулаймонов Ботиржон Абдушукирович, биология фанлари доктори, профессор; Ахмедов Мадаминбек Хатамович, биология фанлари доктори, профессор; Дадаев Сайдулла, биология фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: Ўзбекистоннинг табиий ҳамда урбанлашган экотизимларидаги *Anacanthotermes* авлоди термитлар популяцияси экологиясини комплекс аниқлаш ва термитлар сонини назорат қилишнинг самарали биологик усуллари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор дунё фаунаси учун термитларда нематоданинг янги *Caenorhabditis sp.* тури аниқланган;

Anacanthotermes авлоди термитлари сўлак безида лактаза ферменти фаоллиги аниқланган;

илк бор термит танаси, уя камералари ва озукасидан 24 турдаги замбуруғлар ажратиб олинган ва тур таркиби аниқланган;

марокаш чигирткасидан ажратиб олинган, термитларга қарши курашда қўлланиладиган *Beauveria tenella* (Del) Siem BD-85 штаммининг вирулентлиги оширилган;

илк бор кунгабоқар пояси, *Beauveria tenella* (Del) Siem BD-85 ва *Bacillus thuringiensis* штаммлари асосида термитлар миқдорини бошқариш хусусиятига эга бўлган патогенли ем-хўрак яратилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Термитлар популяцияларининг экологияси ва уларнинг табиий ҳамда урбанлашган экотизимлардаги аҳамияти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

термитларга қарши яратилган заҳарли ем-хўрак Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари Давлат комиссиясининг «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ишлатиш учун рухсат этилган пестицидлар ва агрохимикатлар рўйхати»га киритилган (25.02.2013 й., № 2-2/1-28);

термитларга қарши заҳарли ва патогенли ем-хўрак Республика термитларга қарши кураш маркази томонидан «Ичон-Қалъа» давлат музейи кўриқхонаси, аҳоли тураржой бинолари ва очиқ майдонларда қўлланилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2016 йил 15 апрелдаги 02/90-542-сонли маълумотномаси). Термитлардан зарарланишни 90 %, популяцияларда термитлар миқдорини 80% гача пасайишига эришилган ҳамда қанотли табақаларининг уядан кўчиб чиқиш мигарциясини кескин қисқартириш имконини берган;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 2 февралдаги 27-сон «Республикада термитларга қарши курашиш ишларини жадаллаштириш ва уларнинг зарарини бартараф қилиш тўғрисида»ги қарорига асосан «Термитларга қарши кураш тизимига оид тавсиялар» тайёрланиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига жорий қилинган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2016 йил 15 апрелдаги 02/90-542-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиялар Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё маркази томонидан татбиқ қилиниб, очиқ майдонларда термитлар тарқалишининг олдини олиш ва тураржой биноларида термитлар зарарини камайтириш имконини берган;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 2 февралдаги 27-сон «Республикада термитларга қарши курашиш ишларини жадаллаштириш ва уларнинг зарарини бартараф қилиш тўғрисида»ги қарорига асосан бакалаврият таълим йўналишлари учун «Биозарарланиш» дарслиги чоп қилинган (ҳаммуаллифликда);

A.ahngerianus ва *A. turkestanicus* турларининг тарқалиши бўйича тадқиқот натижалари дунё термитлар фаунаси систематикасини такомиллаштириш мақсадида Америка табиат тарихи музейи нашриёти орқали чоп қилинган «Дунё термитлари ҳақида илмий рисола»га киритилган.

Жабборов Абдурашид Райимович. «Ўзбекистонда қушлар келтириб чиқарадиган биозарарланишлар ва уларнинг олдини олишда эко-технологик усуллари такомиллаштириш»,

03.00.06–Зоология (биология фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.В58.

Илмий маслаҳатчи: Шерназаров Элмурод, биология фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Самарқанд давлат университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти, Ўзбекистон Миллий университети, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, 14.07.2016.В.15.01.

Расмий оппонентлар: Ахмедов Мадаминбек Хатамович, биология фанлари доктори, профессор; Бакаев Савриддин Бакаевич, биология фанлари доктори, профессор; Дадаев Сайдулла, биология фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Бухоро давлат университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: қушлар томонидан содир этилаётган биозарарланишларни аниқлаш ва уларнинг олдини олишда эко-технологик усулларни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалиги экинлари майдонлари ва аэродром ҳудудларида қушлар томонидан келтириб чиқариладиган биозарарланишларнинг даражаси ва динамикаси аниқланган;

чуғурчиқлар популяцияси ва турлараро акустик-коммуникатив муносабатларда акустик сигналларнинг биологик аҳамияти ҳамда чумчуқсимонлар акустик репеллент сигналларининг филогенетик негизи аниқланган;

биоакустик изланишлар натижасида илк бор тилла ранг куркунак (*Merops apiaster* L.) ва кўк куркунак (*Merops superciliosus* L.) репеллент сигналларининг юқори босқичи – офат сигналлари мавжудлиги топилган ва бу репеллент сигналлар воситасида куркунакларни асаларичилик хўжаликларида чўчитиш ҳайдаш усули илмий асосланган;

илк бор майна офат сигналларининг қушларга турлараро – интерспецифик таъсир этиши аниқланган;

аэродром территориясида қушларнинг самолётлар учун хавфли миграцияси ва вазиятларини прогноз қилишнинг эко-технологик услублари ишлаб чиқилган;

илк бор Ўзбекистон шароитида қушлар сенсор тизимларининг ўзига хос хусусиятларини инobatга олган ҳолда оптико-акустик репеллент мажмуа яратилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Ўзбекистонда қушлар келтириб чиқарадиган биозарарланишлар ва уларнинг олдини олишда эко-технологик усулларни такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

оптико-акустик репеллент мажмуа – «Қушларни чўчитиш ҳайдаш учун қурилма»си қишлоқ хўжалиги экин майдонларига ва аэродром ҳудудларига жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2016 йил 19 октябрдаги 02/22-1225-сон маълумотномаси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг 2016 йил 26 июлдаги ПС31-5716-114-сон маълумотномаси). Репеллент мажмуа аэродром ҳудудларида қушлар ва самолётлар тўқнашуви сонини кескин қисқартириш, бундан ташқари боғдорчилик, ғалла экинлари ҳосилини қушлар томонидан зарарланишининг олдини олиш имконини берган;

«Қушларни қўрқитиш қурилмаси» асаларичилик хўжаликларида жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2016 йил 2016 йил 19 октябрдаги 02/22-1225-сон маълумотномаси). Қурилма ишчи асалариларни куркунаклардан ҳимоялаш ва асаларичилик хўжаликлари рентабеллигини ошириш имконини берган;

иқтисодий тармоқларга қушлар томонидан етказиладиган зарарланишлар ва уларнинг олдини олиш тавсиялари асосида «Биозарарлантириш асослари» дарслиги чоп қилинган (ҳаммуаллифликда) (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 6 февралдаги 45-сон буйруғи). Дарслик қишлоқ хўжалиги менежменти, ўсимликларни ҳимоя қилиш, мевачилик ва узумчилик йўналиши ва ихтисосликлари бўйича таълим олаётган бакалавр ва магистрларни мамлакатимиз шароитида биозарарланишларнинг келиб чиқиши, моҳияти ва ундан ҳимояланиш йўллари бўйича билим ва кўникмаларини ошириш имконини берган.

Абдуллаев Гаффаржон Рахимжонович. «Стресснинг ривожланишида митохондриялар функциясининг бузилиши ва уни антигипоксантилар билан коррекциялаш», 03.00.08–Одам ва ҳайвонлар физиологияси (биология фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.В101.

Илмий маслаҳатчи: Алматов Карим Тажибаевич, биология фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Наманган давлат университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Ўзбекистон Миллий университети, Микробиология институти, 14.07.2016. В.01.03.

Расмий оппонентлар: Матчанов Азат Таубалдиевич, биология фанлари доктори, профессор; Ражамурадов Зайнитдин Турабович, биология фанлари доктори, профессор; Туляганов Рустам Турсунович, биология фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: Андижон давлат университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: сурункали эмоционал оғриқ стресси ривожланиш динамикасида оқ каламушлар организмидаги газ-кислород алмашинуви, бош мия, буйрак усти безлари ва тимусдаги айрим физиологик кўрсаткичларининг ўзгариши, энергетик ва липид алмашинуви, липолитик ферментлар фаоллигининг ва ЛПО жараёнларининг ўзгаришини, уларнинг танасига катацин ва бензонал киритилганда қандай ўзгаришларга учрашини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сурункали эмоционал-оғриқли стресс таъсирида турли аъзолардаги ҳужайра ва митохондрия мембраналарининг структура ва функцияларининг бузилиш хавотирланиш, резистентлик ва ҳолсизланиш босқичларида бир-биридан фарқлигининг молекуляр механизми аниқланган;

стресснинг хавотирланиш босқичида фосфолипазаларнинг гидролитик фаолликларига нисбатан трансфераза фаолликларини кучайиши липид ва фосфолипидларнинг миқдорини, «ионокатлам»ларни мембранада кўпайишига ва ҳужайрадаги метаболизмининг кучайишига олиб келиши исботланган;

стресснинг хавотирланиш босқичида ҳужайрада катехоламин ва адениннуклеотид (АД) лар синтезининг кучайиши митохондрияларда нафас олиш ва оксидланишли фосфорланиш ҳамда организмда газ-кислород алмашинувининг ошишига боғлиқлиги аниқланган;

фосфолипазаларнинг трансфераза фаолликларини ошиши ҳужайранинг структура ҳамда функцияси, митохондрияда АТФ синтези, организмда газ-кислород алмашинувининг соғлом ҳайвонлардаги кўрсаткичларга яқинлашишига олиб келиши резистентлик босқичида содир бўлиши исботланган;

стресснинг ҳолсизланиш босқичида фосфолипазаларнинг гидролитик фаолликларини ошиши ҳужайраларда фосфолипидлар синтезини секинлаштириши натижасида мембраналарда «монокатлам»ларнинг ҳосил бўлиши, митохондриянинг ички мембранасидан цитохром с чиқишининг кучайиши аниқланган;

катацин ва бензонал ҳайвонлар организмига киритилганда, сурункали эмоционал-оғриқли стресс таъсирида ҳужайра ва митохондриялардаги энергия ва липид алмашинувидаги ўзгаришларни меъёрга яқинлашиши ёки тенглашиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Стресснинг ривожланишида митохондриялар функциясининг бузилиши ва уни антигипоксантилар билан коррекциялаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

стресс даврида тўқима ва митохондриялардаги липидлар, фосфолипидлар миқдорининг ЛПО жараёни ва фосфолипазалар фаолликлари ўзгариши аниқланган бўлиб, бу илмий натижалардан Amity university (Ҳиндистон) тадқиқотчи олимлари ўзларининг илмий ишларида фойдаланишмоқда (Amity university (Ҳиндистон)нинг 2016 йил 30 сентябрдаги маълумотномаси). Маълумотлар тўқималардаги липид, холестерин, фосфолипид ва лизофосфолипидлар миқдорининг ўзгариши, липолитик энзимларнинг фаолликларини кучайиши ва ЛПО жараёнининг фаоллашуви стресснинг патологик таъсир механизмини белгилашда асосий омиллардан бири эканлигини кўрсатди;

стресснинг ривожланишида организм тўқима ва митохондрияларида липидлар алмашинувининг, ЛПО жараёнларининг ва митохондрияларда фосфолипазалар фаолликларининг ўзгариши бўйича олинган натижалар ОТ-ФЗ-109 «Атеросклероз муаммоси этиопатогенезининг янги томонларини илмий асослаш, уни босқичма-босқич реабилитацияси дастурини ва олдини олиш, даволаш услубларини иммунокорректорлар, табиий ва сунъий физик омиллардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқиш» илмий лойиҳасида (НамДУ, 2007–2011 йй.) эмоционал стресс таъсирида юзага келадиган атеросклерознинг турли босқичларида липидлар алмашинувини

ва липолитик энзимларнинг ўзгаришларини аниқлашда фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2016 йил 9 ноябрдаги ФТК-03-13/780-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши атеросклерознинг турли босқичларида липид ва фосфолипидлар алмашинувининг издан чиқишини иммунокорректорлар билан даволашга хизмат қилган.

Зайнабиддинов Анвар Эркинжонович. «15-ацетоксиазометин атизин ва 15-гидроксиазометин атизин дитерпеноид алкалоидларининг инотроп таъсирини қиёсий тавсифлаш», 03.00.08–Одам ва ҳайвонлар физиологияси (биология фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.06.2015/В2015.2.В166.

Илмий маслаҳатчи: Усманов Пулат Бекмуратович, биология фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Биоорганик кимё институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Ўзбекистон Миллий университети ва Микробиология институти, 14.07.2016.В.01.03.

Расмий оппонентлар: Мирходжаев Улугбек Зокирович, биология фанлари доктори, профессор; Кучкарова Любовь Салижановна, биология фанлари доктори, профессор; Матчанов Азат Таубалдиевич, биология фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Андижон давлат университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: 15-ГАА ва 15-ААА дитерпен алкалоидларининг инотроп эффектларини тавсифлаш ва 15-АААда антиаритмик ва манфий инотроп фаолликлари орасида боғлиқлик мавжуд эмаслигининг сабабини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

15-ГАА ва 15-ААА алкалоидларининг инотроп таъсирининг ўзига хос жиҳатлари, уларнинг структуралар билан ўзаро алоқалари ва уларнинг мусбат ва манфий инотроп фаоллигининг асосида ётувчи асосий механизмлар аниқланган;

15-АААнинг антиаритмик фаоллиги ошишини таъминловчи С-15 углерод атомидаги ОН-гурухини C_3O -гурухига алмаштириш йўли билан 15-ГАА структурасининг модификацияси унинг манфий инотроп фаоллигини кучайтирмасдан, аксинча, пасайишига олиб келиши аниқланган;

15-ААА паст концентрацияларда (3–8 мкМ) ва кўзғатишнинг паст частоталарида (0,1-1 Гц) мусбат инотроп таъсирни намоён қилса, нисбатан юқори концентрацияларда (>8 мкМ) ва кўзғатишни юқори частоталарида (>1 Гц) фақат манфий инотроп таъсири аниқланган;

15-АААнинг мусбат инотроп таъсири β -адренорецепторлар ва потенциалга боғлиқ Ca^{2+} каналларининг фаоллашувига боғлиқ бўлмаган Ca^{2+} -ташувчи тизимлар томонидан таъминланувчи саркоплазматик ретикулумдаги Ca^{2+} ионларининг концентрациясининг ошишига боғлиқлиги аниқланган;

15-ГАА ва 15-АААларнинг манфий инотроп таъсири асосан Na^+ -каналларининг блокадасига боғлиқ бўлиб, у Ca^{2+} -ташувчи тизимлар функциясининг бузилиши билан бирга кечиб, кейинчалик кардиомиоцитларда Ca^{2+} ионларининг миқдори пасайиши ва уларнинг қисқариш фаоллиги тушиб кетиши аниқланган;

15-ААА ва 15-ГАА алкалоидларининг манфий инотроп фаолликлари орасидаги фарқлар, уларнинг структурасидаги ўзига хос жиҳатлар ва кардиомиоцитлардаги Ca^{2+} пасайиш даражасини белгилаб берувчи Na^+ -каналлари блокадасининг турлича самарадорлигига боғлиқлиги исботланган;

15-ААА инотроп ва антиаритмик таъсири орасида бевосита корреляциянинг мавжуд эмаслиги, эҳтимол, унинг Na^+ каналларини блокранишига таъсири кам бўлиши, шунингдек унда мусбат инотроп фаолликнинг мавжудлигига боғлиқ эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Маҳаллий хомашёдан антиаритмик воситаларнинг янги авлодини яратиш учун ишлаб чиқилган структуравий-функционал тавсияномалар асосида:

самарали антиаритмик препаратлар олишни таъминловчи ва уларнинг манфий инотропли фаоллигини пасайтиришга ёрдам берувчи дитерпеноидли алкалоидларни структуравий модификациялашнинг нисбатан оптимал бўлган ёндашувлар «Узфармсанот» ДАК фаолиятига жорий этилган («Узфармсанот» ДАКнинг 2016 йил 14 ноябрдаги БА-06/2069-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқотлар натижаси юрак етишмовчилигида, мусбат инотроп

эффекти аниқланган 15-ААА алкалоидининг бу хоссаси, унинг манфий инотроп фаоллигини чегаралаб, ўзининг антиаритмик таъсирининг ошишига ёрдам берувчи янги антиаритмик воситаларни яратиш имконини беради;

15-ацетоксиазометин атизин ва 15-гидроксиазометин атизин дитерпеноид алкалоидларининг инотроп таъсири бўйича олинган натижалар ФА-Ф5-Т084 «Митохондриялар ион транспорти ва метаболит жараёнлар биорегуляторларининг меъёр ва патологиядаги таъсирини тавсифлаш» илмий лойиҳасида (БКИ, 2012–2016 йй.), яъни митохондрияларда $\text{Na}^+/\text{Ca}^{2+}$ -алмашинувчи тизими орқали кирувчи Ca^{2+} ионларига таъсир этиб, улардаги Ca^{2+} ионлари гомеостазини регуляция қилишда фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг 2016 йил 22 ноябрдаги ФТК-03-13/828-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши митохондрияларда $\text{Na}^+/\text{Ca}^{2+}$ -алмашинувчи тизимини дисфункцияси туфайли уларда Ca^{2+} гомеостази бузилишларини регуляция қилиш имконини берган.

Исағалиев Муроджон Тўйчибоевич. «Тоғ ва тоғ олди тупроқларининг экологик-генетик хусусиятлари ва унумдорлигини тадқиқ этиш (Фарғона водийси мисолида)», 03.00.13–Тупроқшунослик (биология фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 12.05.2015/В2015.1.В150.

Илмий маслаҳатчи: Юлдашев Гулом Юлдашевич, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, Андижон қишлоқ хўжалик институти ва Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти, 14.07.2016. Qx/В.24.01.

Расмий оппонентлар: Мирзажонов Қирғизбой Мирзажонович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор; Турсунов Хамза Хамдамович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор; Исақов Валижон Юнусович, биология фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат аграр университети.

Диссертация йўналиши назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: морфогенетик ва ландшафт-геокимёвий тадқиқот усуллари асосида тоғ ва тоғ олди тупроқларига мажмуавий тавсиф бериш, экологик-генетик хусусиятларига кимёвий элементларнинг миграция, аккумуляция ва дифференциациясининг таъсирини оналик жинси-тупроқ-ўсимлик занжирида амалга ошириш ҳамда унумдорлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Фарғона водийси тоғ ва тоғ олди тупроқ ҳосил бўлиши жараёнлари ёғинлар, суғориш сувлари, рельеф ва бошқалар таъсирида ҳозирги экологик-генетик ва тупроқ-геокимёвий хусусиятларни олганлиги исботланган;

турли хил шароит ва жинслар устида шаклланган қўнғир тоғ-ўрмон ва тоғ жигарранг тупроқларининг морфогенетик, биогеокимёвий, физик-кимёвий, кимёвий хоссалари ва геокимёвий барьерлари аниқланган;

тупроқ ва оналик жинсларида Rb, Cs, Cr, U, Sc, La, Hf, Sb, Ce, Sm, Tb, Yb, Lu, Thларнинг педогеокимёси ва фон миқдорлари аниқланган;

тоғ ва тоғ олди тупроқларнинг гумуслилик ҳолати, гумификация ва минерализация жараёни гумус фульватли-гумат типга мансублиги ҳамда $\text{C}_{\text{гк}}:\text{C}_{\text{фк}}$ нисбати 1–2 оралиғида тебраниши исботланган;

янги икки томонлама педогеокимёвий барьерлар ажратилиб, барийли, магнийли, молибденли ва бошқа педогеокимёвий провинция аниқланган, шу асосида тупроқ ва оналик жинсининг генетик, геокимёвий ва экологик-генетик ҳолати ва хусусиятлари исботланган;

тупроқларнинг вертикал минтақавийлик чегараларида гидротермик кўрсаткичлар водийнинг шимолий ва жанубий қисмларида йиллик ўртача ҳароратни 1,85°C га кўтарилиши, натижада аридланиш жараёнини ортиб бораётганлиги, тупроқ генезиси, хоссаларига ҳамда элементар ландшафт блокларига муҳим таъсир кўрсатиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Фарғона водийси тоғ ва тоғ олди тупроқларининг экологик-генетик хусусиятлари ва унумдорлигини тадқиқ этиш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

Фарғона водийси тоғ ва тоғ олди тупроқлари минтақасидаги кўп йиллик иқлим ҳамда тупроқда содир бўлаётган экологик ўзгаришлар ва бунинг натижасида аридланиш жараёнининг ортиб бораётганлиги, тупроқ-геокимёвий провинцияси, барьерлари ҳамда оғир металллар, радионуклидлар билан ифлосланиши тупроқ муҳофазасига доир масалаларга аниқлик киритишда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси 28.10.2016 й. №РФ-02/21-6332-сон маълумотномаси). Тупроқда, уни ҳосил қилувчи оналик жинсларида, ўсимликларда макро- ва микроэлементлар миқдорлари, миграцияси ва аккумуляцияси ҳамда экологик хусусиятлари аниқланган, бундан ташқари тоғ ва тоғ олди тупроқларида барийли (КК 1,71–6,63), молибденли (КК 1,63–4,64) ва бошқа провинциялар ишлаб чиқилган ҳамда бир қатор макро- ва микроэлементлар учун ишланган фон миқдорларидан тупроқ-геокимёвий аномалиялар ва провинциялар ишлаб чиқиш учун қабул қилинган;

тадқиқот натижалари Ф5-008+(Ф5-007+Ф5-006) рақамли «Суғориладиган тупроқларнинг эволюцияси ва тупроқ унумдорлигини бошқаришнинг назарий асосларини тадқиқ этиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг бажарилишида фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 10.10.2016 йилдаги №ФТК-0313/672-сон маълумотномаси). Бунда водийнинг суғориладиган тупроқлари унумдорлигини кўрсатувчи морфологик белгилар, гумуслилик ҳолати, кимёвий таҳлил натижалари, биомикроэлементлар билан таъминланганлик даражаси, суғориш, агроирригацион қатламлар тупроқ генезиси, хоссаларига ва элементар ландшафт блокларига муҳим таъсири ҳамда олинган физик-кимёвий ва бошқа таҳлил маълумотларидан фойдаланилган.

Набиева Гулчехра Мирэргашевна. «Деградацияга учраган яйлов тупроқлари ва уларнинг унумдорлигини ошириш технологияларини такомиллаштириш», 03.00.13–Тупроқшунослик (биология фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.В46.

Илмий маслаҳатчи: Гафурова Лазизахон Акрамовна, биология фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўзбекистон Миллий университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, Андижон қишлоқ хўжалик институти ва Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти, 14.07.2016. Қх/В.24.01.

Расмий оппонентлар: Ташкузиев Маъруф Мансурович, биология фанлари доктори, профессор; Турапов Ибрагим, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор; Юлдашев Гулом, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Самарқанд қишлоқ хўжалик институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: яйлов тупроқларининг морфогенез хусусиятлари, тупроқларнинг таркиби ва хоссаларини аниқлаш, уларни деградацияга олиб келувчи омилларга боғлиқ ҳолда ўзгаришларини миқдорий тавсифлаш ҳамда унумдорлигини ошириш технологияларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор деградацияга учраган арид минтақаси тупроқлари хоссаларини комплекс ёндашувлар асосида тупроқ ҳосил бўлиш жараёнлари аниқланган;

оч тусли бўз тупроқлар тарқалган ярим чўл яйловлар минтақаси тупроқларининг ҳозирги ҳолати ва уларнинг морфогенетик, агрокимёвий, агрофизикавий хоссалари, гумус ҳолати, микробиологик ва ферментатив фаоллиги аниқланган;

бута, ярим бута ва ўтсимон ўсимликларни етиштириш ва янги агробιοтехнологиялар қўллаш натижасида яйлов тупроқларининг гумификация коэффиценти, ферментлар билан таъминланганлик даражаси ва нисбий биологик фаоллиги ҳамда уларнинг унумдорлик ҳолати яхшиланган;

деградацияга учраган яйловларнинг диагностик кўрсаткичлари аниқланган ва тупроқ

унумдорлиги элементлари ўртасидаги ўзаро корреляцион боғлиқликлар аниқланган;

ЕМЗ ва ГАТ технологиялар маълумотларидан фойдаланган ҳолатда деградацияга учраш даражаси, ўсимликлар қопламнинг ареали ва тавсифи ҳисобга олинган ҳолда бешта агрогуруҳларга ажратилган ҳамда ГИС хариталари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Деградацияга учраган яйлов тупроқлари ва улар унумдорлигини ошириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:

яйлов экинлари унумдорлик элементларини КЭР-УБН такомиллаштириш технологияларидан фойдаланиш бўйича тадқиқотлар натижалари «Шўрланган тупроқ шароитида ғўзанинг С-6524, С-6541, Дустлик-2 ва Чимбой-5018 механизмларини ўрганиш» фундаментал лойиҳа доирасида фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 10.11.2016 йилдаги ФТК-0313/803-сон маълумотномаси). Бунда илмий натижаларнинг қўлланилиши тупроқ унумдорлик элементлари ва уруғ унувчанлиги мазкур технология асосида оптималлаштирилган.

яйлов тупроқлари унумдорлигини оширишда ресурстежамкор уруғни қобиқлаш, гидрогел қўллаш, «Микроўстиргич» биопрепаратидан фойдаланиш ва *Agropyron desertorum* L. ем-хашак ўсимлиги уруғига ПЭР-УБН билан ишлов бериш технологиялари 2012–2015 йилларда Навоий вилоятининг, Нурота туманидаги «Абдурахмон бобо» ва «Муҳиддин бобо» фермер хўжаликларида 5 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 26.10.2016 йилдаги 01/20-3432-сон маълумотномаси). Натижада эркак ўти ўсимлик уруғларидан гектарига 0,5–1,5 центнер қўшимча ҳосил олинган ва иқтисодий самара гектарига 1201–3020 минг сўмни ташкил этган.

ГАТ технологиялардан фойдаланилган ҳолда Навоий вилоятининг Нурота туманида 653 042 гектар ер майдонининг таназзулга учраш ҳолатини аниқлаш бўйича мониторинг кузатувлари асосида электрон хариталар тузишга жорий этилган («Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси қошидаги «Тупроқ бонитировкаси» «Ўздаверлойиҳа» давлат корхонасининг 10.11.2016 йилдаги 01-10/556-сон маълумотномаси). Бунда яйлов тупроқларини мониторинг қилиш натижасида деградацияга учраган ерлар майдони аниқланган.

Турдиалиев Авазбек Турдиалиевич. «Марказий Фарғона ерларидаги арзик-шоҳли, шох-арзикли қатламлар генезиси, физик-кимёвий ва биогеокимёвий хусусиятлари», 03.00.13–Тупроқшунослик (биология фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.06.2015/В2015.2.В169.

Илмий маслаҳатчи: Юлдашев Фулом Юлдашевич, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Фарғона давлат университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, Андижон қишлоқ хўжалик институти ва Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти, 14.07.2016.Қх/В.24.01.

Расмий оппонентлар: Тошқўзиев Маруф Мансурович, биология фанлари доктори, профессор; Турсунов Хамза Хамдамович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор; Исақов Валижон Юнусович, биология фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Самарқанд қишлоқ хўжалик институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: Марказий Фарғонада шакланган суғориладиган шўрланган педолитли ўтлоқи саз тупроқларининг агрокимёвий, мелиоратив ва педогеокимёвий хусусиятлари ҳамда унумдорлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор суғориладиган ўтлоқи саз тупроқларнинг генетик қатламларида арзик-шоҳли, шох-арзикли қатламлар чуқурлигини саёзлашиб бориши марказ томон кўтарилиб, ер юзасига яқинлашиб бориши аниқланган;

педолитли қатламлар ва тупроқда қатор микро- ва макроэлементлар учун фон миқдори ишлаб чиқилган;

кислородли икки томонлама барьерлар тавсифи такомиллаштирилган;

молибденли кучсиз, ўртача, кучли аномалиялар очилган ва унга мос равишда провинциялар аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Марказий Фарғона ерларидаги арзик-шоҳли, шоҳ-арзикли қатламлар генезиси, физик-кимёвий ва биогеокимёвий хусусиятларини тадқиқ этиш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

Марказий Фарғона тупроқларида педолитли қатламларнинг юза, саёз ва чуқур ётиши, ушбу қатламларни сув, макро ва микроэлементлар учун педогеокимёвий барьер ролини ижро этиши ҳамда молибденли провинцияни тупроқни шўрланиш даражасига боғлиқ эканлиги, тупроқларда микроэлементларнинг фон миқдорларини ишлаб чиқилиши, тупроқ унумдорлигини оширишда саёз ва юза жойлашган педолитли қатламларда минерал ўғитлар учун барьер ролини ижро этувчи механизм ишлаб чиқилганлиги бўйича олинган натижалар асосида ишлаб чиқаришга тавсия этилган иши Фарғона вилоятининг арзик-шоҳли қатламларга эга бўлган экин майдонларида жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 04.10.2016 й. №02/32-1216-сон маълумотномаси). Бунда тупроқ унумдорлиги сақланиб, тупроқларнинг сув сақлаш қобилияти, агрофизик-агрокимёвий хусусиятлари яхшиланган, минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлиги ортган ҳамда вегетация даврида суғориш меъёрлари белги-ланиб, сувни беҳуда сарфланишини олди олиниб, тежаш имконияти яратилган;

тадқиқот натижалари ОТ-ЕФ-3-011 рақамли «Мевали боғларнинг шираларини ўрганиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг бажарилишида фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг 08.11.2016 й. №ФТК-03-13/778-сон маълумотномаси). Бунда Марказий Фарғонанинг суғориладиган ўтлоқи саз тупроқларида арзик-шоҳли, шоҳ-арзикли қатламлар чуқурлигини саёзлашиб бориши марказ томон кўтарилиб, ер юзасига яқинлашиб боришидан, илк бор аниқланган педолитли қатламларни жойлашувидан ва бошқа маълумотлардан фойдаланилган.

Буриев Забардаст Тожибаевич. «Ѓўзада (*Gossypium* spp.) патогенларга чидамликни белгиловчи *MIC-3* кластер генлар оиласини клонлаш, тавсифлаш ва молекуляр эволюциясини ўрганиш ҳамда бу генларнинг ғўза биотехнологиясидаги аҳамияти», 03.00.14–Геномика, протеомика ва биоинформатика (биология фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 14.07.2016/В2016.3.В.158.

Илмий маслаҳатчи: Абдурахмонов Иброҳим Юлчиевич, биология фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Геномика ва биоинформатика маркази.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти, Ўзбекистон Миллий университети, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, 14.07.2016.В.15.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш.

Расмий оппонентлар: Мухамедов Рустам Султонович, биология фанлари доктори, профессор; Турдикулова Шахло Уткуровна, биология фанлари доктори; Ризаева София Мамедовна, биология фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Микробиология институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: *MIC-3* генларини ғўза геномидаги таркиби, тузилиши, хромосомалардаги ўрнини ҳамда аллотетраплоид ва уларнинг аждодларига яқин бўлган диплоид геномлардаги дубликация механизмлари ва молекуляр эволюцияланиши кўламини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

биринчи марта ғўзанинг 15 та аллотетраплоид ва диплоид геномларидан *MIC-3* суперген оиласига мансуб 169 та индивидуал ген аъзолари клонланган, секвенс қилинган ва тавсифланган;

ушбу 169 та *MIC-3* ген аъзолари таҳлили асосида 15 та ғўза генотипларида 4 тадан 16 тагача ген аъзолари мавжудлиги ва улар 2–10 тагача субоилаларга бўлиниши аниқланган. Барча *Gossypium* турларида 169 та *MIC-3* генлари кетма-кетликлари филогенетик жиҳатдан умумий миқдорда 17 та геномларга хос бўлган субоилаларга ажратилган;

аллотетраплоид геномларида аниқланган *MIC-3* генларининг таҳлили асосида A_t ва D_t геномларга хос бўлган 42 та гаплотип кетма-кетликлари исботланган. *MIC-3* генларига хос SNP маркерлари яратилган ҳамда гаплотип, субоила гуруҳлари асосида A_t геномда 9 та тахминий

MIC-3 локуслари ва D_1 геномда 3 та тахминий локуслар аниқланган;

биринчи марта геномларга хос бўлган *MIC-3* генларидан олинган махсус SNP маркерлар яратилган ва *MIC-3* генлари ζ узанинг 4- ва 19-гомелогик хромосомаларида кластер ҳолида жойлашганлиги аниқланган;

биринчи марта ζ узанинг 15 та тетраплоид ва диплоид генотипларида *MIC-3* генларининг нуклеотидлар алмашинуви тезлиги ва молекуляр эволюция жараёнлари аниқланган;

MIC-3 генларини кодловчи ДНК кетма-кетликларидаги синоним (K_s) ва носиноним (K_a) нуклеотидларни ўртача сонини баҳолаш асосида «ҳамкорликдаги» бошланғич эволюция амалга ошганлигига қарамай *MIC-3* генлари «туғилиш ва ўлим» эволюцион модели остида 1-экзонда тозаловчи ва 2-экзонда дивергенция селекцияси таъсирида эволюцияланиб борганлиги аниқланган;

илк бор «генларни амплификацияланиши» *MIC-3* генларининг барча дубликацияланган нусхаларини сақланиб қолишини таъминловчи механизм сифатида эканлиги ва ζ узани ҳимояланиш жараёнида генларнинг янги функцияларини «шарпали ўлжа» модели остида пайдо бўлиши аниқланган;

ҳар хил геномларда *MIC-3* генларининг дубликацияси турли тезликларда содир бўлиши исботланган. Аллотетраплоид геномларда ҳар ~ 1 миллион йилда, A/F-геномларда ҳар ~ 2 миллион йилда ва D геномларда ҳар ~ 8 миллион йилда битта дубликация содир бўлиши аниқланган;

MIC-3 генларининг экспрессияси таҳлиliga кўра *Fusarium* ва *Verticillium* вилтига чидамли генотипларида бу генларнинг фаол эканлиги аниқланган;

биринчи марта ζ узидида *MIC-3* гени илдиз-специфик промоторини тутган 2,5 кб узунликдаги регионнинг генлараро спейсер кетма-кетликлари клонланган, секвенсланган ва тавсифланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

MIC-3 кластер генлар оиласини тавсифлаш ва молекуляр эволюциясини ўрганиш ҳамда уларни ζ ўза биотехнологиясида қўллаш доирасида олинган натижалар асосида:

ўсимлик ҳужайраларида ген экспрессиясини сусайтирувчи кичик интерференция берувчи РНК (siRNA) усули учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патентлари (12.01.2011, №IAP 04300; 02.06.2011, №IAP 04383; 23.05.2011, №IAP 04360; 23.05.2011, №IAP 04361) олинган. Илмий тадқиқот натижалари ўсимликлар биотехнологиясида генлар, жумладан *MIC-3* генлари фаоллигини аниқлаш, вектор конструкциялар трансформацияси орқали янги линиялар олиш имконини берган;

MIC-3 кластер генлари АҚШ Қишлоқ хўжалиги департаменти томонидан молиялаштирилган №6064-21000-014-00-D «Маркерларга асосланган ва анъанавий селекция ёрдамида ζ узани генетик яхшилаш ва генларни *Gossypium* нинг экзотик турлари орасидан гибридлаш» лойиҳаси доирасида фойдаланилган (2013–2018) (АҚШ Қишлоқ хўжалиги департаментининг 2016 йил 26 сентябрдаги маълумотномаси). *MIC-3* кластер генларидан фойдаланган ҳолда нематодаларга чидамли линияларни олиш ҳамда ζ узанинг патогенларга чидамлилигини янада ошириш имконияти яратилган.



Техника фанлари бўйича докторлик диссертациялари ҳимояси тўғрисида эълонлар

Юнусов Ҳайдар Эргашович. «Целлюлоза ва унинг ҳосиласи асосида нанотузулишли кумуш тутган бактерицид препаратларнинг олиниши, хоссалари ва ишлаб чиқариш технологиясини яратиш», 02.00.05–

Целлюлоза ва целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш кимёси ва технологияси; 02.00.12–Нанокимё, нанофизика ва нанотехнология (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.Т279.

Илмий маслаҳатчи: Саримсаков Абдушкур Абдухалилович, техника фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Полимерлар кимёси ва физикаси илмий-тадқиқот маркази.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Умумий ва ноорганик кимё институти, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Полимерлар кимёси ва физикаси илмий-тадқиқот маркази, Тошкент кимё-технология институти, Тошкент давлат техника университети, 14.07.2016.К/Т.14.01.

Расмий оппонентлар: Негматов Сайибжон Содиқович, техника фанлари доктори, профессор, академик; Рахмонбердиев Гаппар, кимё фанлари доктори, профессор; Каримов Аминжон, кимё фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Биоорганик кимё институти.

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: полимер таркибли кумуш тутган бактерицид препаратлар ва тиббий материалларнинг олиниши, тузилиши, физик-кимёвий, тиббий-биологик хоссаларини аниқлаш ва уларни ишлаб чиқариш технологиясини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ултрабинафша нурлар таъсирида натрий-карбоксиметилцеллюлоза эритмасида кумуш ионларининг қайтарилиш шароитлари ва полимер матричасида кумуш нанозарраларининг шаклланиш механизми аниқланган;

кумуш катионларининг фотокимёвий қайтарилиши туфайли турли шакл ва ўлчамга эга бўлган кумуш нанозарралари шаклланишида карбоксиметилцеллюлоза полианионларининг барқарорлаштириш самарадорлиги аниқланган;

илк бор натрий-карбоксиметилцеллюлозадаги карбоксилат анионлари кумуш катионлари учун қопқон вазифасини ўтаб, кумуш ионлари фотокимёвий қайтарилганда Мотт-Герни назариясига биноан, «нанореактор» вазифасини бажариши кўрсатилган;

илк бор барқарорлаштирилган кумуш нанозарралари тутган карбоксиметилцеллюлоза эритмалари, гидрогеллари, плёнкалари ва пахта толаси асосидаги материаллар олинган ва уларнинг таркиби, тузилиши, физик-кимёвий ҳамда тиббий-биологик хоссалари аниқланган;

илк бор кумуш нанозарралари тутган карбоксиметилцеллюлоза эритмалари, гидрогеллари, плёнкалари ва пахта толаси асосидаги материаллар бактерицид фаоллиги билан турли шакл ва ўлчамдаги кумуш нанозарралари орасидаги корреляцион боғлиқликлар аниқланган;

илк бор барқарорлаштирилган кумуш нанозарралари тутган карбоксиметилцеллюлоза эритмалари, гидрогеллари, плёнкалари ва пахта толаси асосидаги материалларининг дезинфекцияловчи, бактерицид, замбуруғга қарши фаоллиги тиббий-биологик синовлар орқали аниқланган;

барқарорлаштирилган кумуш нанозарралари тутган, бактерицид хоссали карбоксиметилцеллюлоза эритмалари, гидрогеллари, плёнкалари ва пахта толаси асосидаги перепаратлар ва материалларни олиш технологиялари яратилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Полимер таркибли оригинал бактерицид препаратлар ва материалларнинг янги шакллари ҳамда ишлаб чиқариш технологияларини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Биопарчаланувчан кумуш нанозарралари тутган бактерицид препаратлар ва материаллар олиш усулларига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти (18.07.2016 й. №IAP 05250) олинган. Натижада маҳаллий хомашё асосида импорт ўрнини босувчи экспортга мўлжалланган яра ва куйган яраларни даволовчи бактерицид хоссага эга биопарчаланувчан полимер таркибли препаратлар ва материалларнинг янги авлодларини олиш имкониятлари яратилди;

таркибида барқарорлаштирилган кумуш нанозарралари тутган полимер эритмаси асосида бактерицид хоссали ич кийим яратилди, уларнинг техник шартлари «Ўзстандарт» агентлигида (Ts05957837-24:2014, №112-001255/18.04.2014 ва Ts05957837-25:2014, №01-008603/27.05.2014) рўйхатга олинди;

кумуш нанозарралари асосида полимер таркибли «Полиардез» дезинфекцияловчи эритмаси, ташкилот стандарти «Ўзстандарт» агентлигида (Ts05957837-27:2015, №112-002792/20.02.2015) рўйхатга олинди ва кумуш нанозарралари асосида полимер таркибли «Полиардез» дезинфекцияловчи эритмасини олиш бўйича технологик регламент ва уни қўллаш бўйича йўриқнома ишлаб чиқилди;

«Silver technology» МЧЖ корхонасида лицензион шартнома асосида ер ости ва усти жамоат

транспортлари, меҳмонхоналар ва жамоат иншоотларини дезинфекциялаш учун мўлжалланган, қуввати ойига 2,0–3,0 тонна бўлган полимер таркибли «Полиардез» дезинфекцияловчи эритмасини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди («Ўзфармсанот» ДАКнинг 2016 йил 11 августдаги МД-06/1465-сон маълумотномаси). Йилига 36 тонна полимер таркибли «Полиардез» дезинфекцияловчи эритмасини ишлаб чиқаришдан олинган иқтисодий самара 684 миллион сўмни ташкил этди.

Давлатов Расулжон Маматқулович. «Оқсилли толаларни модификациялаш учун самарадор композициялар ва уларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш», 02.00.07–Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси ва технологияси (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 14.07.2016/В2016.3.Т731.

Илмий маслаҳатчи: Исмаилов Ровшан Исраилович, кимё фанлари доктори, доцент.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» ДУК.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Умумий ва ноорганик кимё институти, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Полимерлар кимёси ва физикаси илмий-тадқиқот маркази, Тошкент кимё-технология институти, Тошкент давлат техника университети, 14.07.2016.К/Т.14.01.

Расмий оппонентлар: Ибодуллаев Ахмаджон Собирович, техника фанлари доктори, профессор; Мухитдинов Баходир Фахритдинович, кимё фанлари доктори, профессор; Собиров Баходир Бойпулатович, техника фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: Наманган муҳандислик-технология институти.

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: табиий оқсилли толаларни модификациялаш учун сувда эрийдиган тўртламчи аммоний тузлари асосида полимер композиция яратиш ва уларни олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

эркин-радикал полимерланиш қонуниятларига асосан мономер тўртламчи аммоний туз N,N-диметил-аллил-β-метакрилоилгидроксиэтил аммоний бромиднинг инициатор иштирокидаги полимерланиши ва улар асосида оқсилли толаларни модификациялаш учун композициялар яратишнинг мақбул шароити аниқланган;

сувда эрувчан полимер композицияларнинг функционал гуруҳлари ва унинг алоҳида компонентларининг оқсил толаларнинг, хусусан, жун ва ипак толаларининг структура, физик-механик хоссалари ва технологик кўрсаткичларига таъсири кўрсатилган;

оқсил толасининг механик хоссаларини яхшиланиши, тола юзасида мавжуд бўлган шикастни бартараф этиш, шунингдек алоҳида кератин макромолекулалари кучланишининг релаксацияси ва унинг устмолекуляр шаклланиши билан боғлиқ ҳолда ўзгариши аниқланган;

табиий оқсилли ипак толаси билан β-метакрилоилэтил-N,N-диметилметилкарбоксаммоний иодиднинг пайванд сополимерланиш жараёнини амалга ошириш шароитлари аниқланган ва табиий оқсилли ипакни кимёвий модификациялашнинг технологик тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Табиий оқсилли толаларни модификациялаш учун сувда эрийдиган тўртламчи аммоний тузлари асосида полимер композициялар яратиш ва уларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

табиий оқсилли жун ва ипак толасини модификациялашда қўлланиладиган полимер композицияларга технологик регламентлар ишлаб чиқилган ва тасдиқланган («Ўзбекенгилсанот» ДАКнинг 2016 йил 28 октябрдаги ДМ-19-сон маълумотномаси). Ушбу ишлаб чиқилган регламентларга асосан жун ва ипак толасини тўртламчи аммоний тузлари асосидаги композиция эритмалари билан бойитиш орқали яхши бўялувчан ва мустақкам оқсилли тола олиш имконияти яратилди;

сувда эрувчан юқори молекулярли катион сирт-фаол моддалар асосидаги композиция эритмаси билан модификацияланган табиий оқсилли жун ва ипак толаси олиш технологияси «Ўзбекенгилсанот» ДАК тизимида, жумладан «Хоразм гиламлари» МЧЖ ва «Нурли тонг silk» МЧЖда ишлаб чиқаришга жорий қилинган («Ўзбекенгилсанот» ДАКнинг 2016 йил 6 октябрдаги ИХ-15-сон маълумотномаси). Мазкур ишланманинг амалиётга жорий этилиши оқсилли

жун ва ипак толаларни самарали композит ва модификаторлар билан ишлов бериш асосида уларнинг структураси, физик-механик хоссалари ва сифатини яхшилаш ҳамда тола ипларининг зурилигини 20% га камайтириш имконини беради.

Солиев Рустамжон Хақимжанович. «Кескин континентал иқлим шароитларда фойдаланиладиган автомобиль йўллари учун модификацияланган герметик композицион мастикаларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш», 02.00.07–Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси ва технологияси (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 28.04.2016/В2016.2.Т114.

Илмий маслаҳатчи: Негматов Сойибжон Садиқович, техника фанлари доктори, профессор, ЎЗР Фанлар академияси академиги.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» ДУК.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Умумий ва ноорганик кимё институти, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Полимерлар кимёси ва физикаси илмий-тадқиқот маркази, Тошкент кимё-технология институти, Тошкент давлат техника университети, 14.07.2016.К/Т.14.01.

Расмий оппонентлар: Умаров Абдусалом Вахитович, техника фанлари доктори, профессор; Рискулов Алимжон Ахмаджанович, техника фанлари доктори, профессор; Ибодуллаев Ахмаджон, техника фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Андижон машинасозлик институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: композицион материаллар ва улар асосида герметикловчи мастикалар олишнинг оптимал таркиби ва самарали технологиясини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

автомобиль йўллари ва аэродромларнинг асфальтобетон қопламалари ёриқлари ва бетон қопламалари деформацион чокларини герметиклаш учун минус 30 дан плюс 170°C гача бўлган ҳарорат оралиғида ишлатиладиган, маҳаллий хомашё ва турли хил саноат чиқиндиларидан физик-кимёвий ва механик хусусиятларга эга бўлган герметикловчи композицион материаллар ва улар асосида мастикалар яратилган;

автомобиль йўлларида асфальтобетон қопламаларининг ёриқларини ва бетон қопламаларининг деформацион чокларини тўлдирувчи герметикловчи композицион мастикалар яратиш учун маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосида органоинерал ингредиентларнинг нисбати, таркиби ва структураларига боғлиқ ҳолда композициянинг физик-механик хоссалари аниқланган;

физик-кимёвий модификацияланган ва механик фаоллаштирилган органоинерал ингредиентларни қўшиш йўли билан герметикловчи композицион материаллар ва улар асосида олинадиган мастикаларнинг физик-механик ва эксплуатацион кўрсаткичларини яхшилаш усуллари ишлаб чиқилган ҳамда уларнинг иссиқ ва совуққа чидамлилиги яхшиланган;

асфальтобетон қопламаларнинг ёриқлари ва бетон қопламаларнинг деформацион чокларини герметиклаш учун яратилган композицион материалларнинг физик-механик хоссаларига технологик кўрсаткичларнинг таъсири аниқланган;

юқори физик-механик ва эксплуатацион хоссаларга эга ҳамда шунга мос равишда кескин континентал иқлим шароитларида ишчанлигини ва узоқ муддат ишлашини таъминловчи герметикловчи композицион материаллар ҳамда улар асосида мастикалар олишнинг технологик тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Маҳаллий хомашёдан олинган янги композицион герметикловчи материаллар ва улар асосида мастикалар олиш усуллари ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида: композицион битумлар олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№IAP 04849, 2014). Олинган композицион битумлар асфальтобетон хусусиятларини яхшилаш ва автомобиль йўлларидан узоқ муддатга фойдаланиш имконини беради;

автомобиль йўлларининг асфальтобетон қопламалари ёриқлари ва бетон қопламалари деформацион чокларини тўлдириш учун композицион герметикловчи мастикалар олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти

олинган (№IAP 04848, 2014). Ушбу усул бўйича темир-бетон йўлларнинг деформацион чокларини ва асфальтобетон йўлларининг ёриқлари мастикалар ёрдамида герметикланганда, уларнинг ишлаш қобилиятини 2,5–3 маротабага ошириш имконияти яратилади;

йўл ва аэродром қопламаларининг деформацион чоклари ва ёриқлари учун сув ўтказмас композицион материалларга техник шартлар (TSh-14-22:2010) ишлаб чиқилиб, «Ўзстандарт» агентлиги томонидан рўйхатга олинган ва амал қилиш муддати 2018 йил 31 декабргача узайтирилган («Ўзстандарт» агентлигининг 2016 йил 4 ноябрдаги 05/4167-сон маълумотномаси). Ушбу техник шартлар маҳаллий хомашё ва турли хил саноат чиқиндиларидан фойдаланиб, четдан келтириладиган МБР-100 ва МБР-120 русумли битумли мастикаларга нисбатан юқори физик-механик хоссаларга эга бўлган янги таркибли герметик композицион материаллар ишлаб чиқариш имконини беради.

кескин континентал иқлим шароитида фойдаланиладиган автомобиль йўллари учун модификацияланган герметик композицион мастикаларни олиш технологиясини ишлаб чиқариш бўйича олинган илмий натижалар VII Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида (2014) «Шарқий» халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўллари сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш фойдаланиш (ХДААЙСИТФ) давлат ташкилоти билан амалиётга жорий қилиш юзасидан шартнома тузилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг 2016 йил 7 ноябрдаги ФТК 0213/750-сон ва «Шарқий» ХДААЙСИТФ давлат ташкилотининг 2016 йил 25 августдаги 954-сон маълумотномалари). Натижада «Бейнеу–Бухоро–Самарқанд–Тошкент–Андижон» магистрал автомобиль йўлининг 10 кмни қуриш ва таъмирлаш жараёнида 10 тонна композицион герметикловчи мастикалар қўлланилиб, автомобиль йўлларида узоқ муддат фойдаланиш имкони яратилди.

Салиханова Дилноза Саидакбаровна. «Пахта мойларини тозалашда қўлланиладиган янги композицион ишқорий кўмир ва гил адсорбентларини ишлаб чиқиш», 02.00.11–Коллоид ва мембрана кимёси (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.Т121.

Илмий маслаҳатчи: Агзамходжаев Анварходжа Атаходжаевич, кимё фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Умумий ва ноорганик кимё институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Умумий ва ноорганик кимё институти, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Полимерлар кимёси ва физикаси илмий-тадқиқот маркази, Тошкент кимё-технология институти, Тошкент давлат техника университети, 14.07.2016.К/Т.14.01.

Расмий оппонентлар: Кадиров Юлдашхон, техника фанлари доктори, профессор; Аминов Собир Нигматович, кимё фанлари доктори, профессор; Юсупов Фарход Махкамович, техника фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: Фарғона политехника институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: маҳаллий хомашё асосида янги ишқорий кўмир ва гилли адсорбентлар яратиш ҳамда уларни қўллаш орқали прессланган ва экстракцияланган пахта мойларини тозалаш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

паст кул миқдорига эга бўлган 2БПК маркали Ангрен кўмирини дастлабки Na_2CO_3 эритмаси билан тўйинтириб, сўнгра ҳавосиз шароитда пиролиз усулида термик ишлов бериш орқали самарали ишқорий кўмир адсорбентини олишнинг шарт-шароитлари ишлаб чиқилган; каолинли адсорбентларни фаоллантиришни ЎЮЧли нурлантириш орқали амалга ошириш, анъанавий (конвектив) қиздириш усулига қараганда жараёни 2,5–3,0 баробар тезлаштириши ва ғоваклигини 1,2–1,4 баробар ошириши аниқланган;

юқори миқдорда кальцийга бой «Жаҳон» кони бентонитини хлорид кислотаси билан фаоллантирилганда анъанавий сульфат кислотасини қўллашга нисбатан олинган адсорбентнинг пахта мойини оқлаш кўрсаткичи 1,1–1,3 баробар ошиши аниқланган;

илк бор пахта мойини ишқорий рафинациялашда анъанавий қиммат NaOH эритмаси ўрнига, арзон Ca(OH)_2 ни сувли эритмасини қўллаш орқали нейтрал мой совунланишининг ва ишқорий реагент сарфининг камайиши исботланган;

илк бор экстракцияланган пахта мойини канцероген 3,4-бензо(а)пирен ва углеводород

қолдиқларидан ишлаб чиқилган ишқорий кўмир адсорбенти ёрдамида тозалаш аниқланган; ишқорий кўмир ва гил адсорбентларнинг пахта мойи таркибидаги зарарли ва канцероген моддаларни танлаб ютиш хусусиятлари аниқланиб, улар асосида янги самарали композициялар ишлаб чиқиш технологияси яратилган;

пахта мойини икки босқичда гилмоёли ва ишқорий кўмир адсорбентларни рециркуляцион оқимда қўллаш орқали тозалаш ва оқлаш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Маҳаллий хомашёлардан ишқорий кўмир ва гил адсорбентлари ишлаб чиқариш ва уларни пресс ва экстракцион усулда олинган мойларни оқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тўқ рангли пахта мойларини ишқорий рафинация қилиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан ихтирога патент олинган (№ IAP 2013 0308, «Ўсимлик мойларини рафинациялаш усули»). Натижада пахта мойини рафинациялашда қимматбаҳо NaOH ўрнига Ca(OH)₂ (оҳак сути) 10% ли эритмасини қўллаб, мойни тозалаш самарадорлигини ошириш исботланган;

маҳаллий хомашёлар асосида олинган ишқорий кўмир ва гил адсорбентлари «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси тизимида, жумладан «Беруний Ёғ-гар» ва «Фарғона ёғ-мой» акциядорлик жамиятларида пресс ва экстракцион усулда олинган ёғларни оқлаш жараёнларида қўлланилиб, амалиётга татбиқ этилган («Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компаниясининг 2016 йил 3 ноябрдаги ВД-ёғ/1394-сон маълумотномаси). Ушбу натижаларни амалиётга жорий қилиш ёғ-мой корхоналарига четдан келтириладиган адсорбентлар нархидан 2 баробар арзон маҳаллий адсорбентларни ва юқори сифатли пахта мойини олиш имконини берган.

Дехканов Зулфикахар Киргизбаевич. «Марказий Қизилқум фосфоритларини этанол иштирокида нитрат кислотали бойитиш технологиясини ишлаб чиқиш», 02.00.13–Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 18.11.2015/В2015.3-4Т561.

Илмий маслаҳатчи: Намазов Шафоат Саттарович, техника фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Умумий ва ноорганик кимё институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Умумий ва ноорганик кимё институти, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Полимерлар кимёси ва физикаси илмий-тадқиқот маркази, Тошкент кимё-технология институти, Тошкент давлат техника университети, 14.07.2016.К/Т.14.01.

Расмий оппонентлар: Джусипбеков Умирзак Жумасилович, техника фанлари доктори, профессор, Қозоғистон Республикаси Миллий Фанлар Академияси мухбир аъзоси; Эркаев Актам Улашевич, техника фанлари доктори, профессор; Хамракулов Зоҳид Абдусаматович, техника фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: «Аммофос-Максам» АЖ.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: Қизилқум фосфоритларини нитрат кислотаси билан этанол иштирокида бойитиш, ҳосил бўлган кальций нитрат ва фосфоконцентратни қаттиқ азоткальцийли селитра ҳамда комплекс фосфорли ўғитларга қайта ишлаш технологиясини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

биринчи мартаба Марказий Қизилқум фосфоритларини нитрат кислотаси билан кислота меъёри ва фосфоритнинг этанолга оғирлик нисбатига боғлиқ равишда бойитиб, ҳосил бўлган кальций нитратни этанол эритмаси билан ажратиш олиш мумкинлиги исботланган ва технологик тизими яратилган;

нитрокальцийфосфат бўтқасини рНни 3 гача аммонийлаштириш орқали P₂O₅ ни суюқ фазага йўқолишини тўлиқ бартараф қилиш усули ишлаб чиқилган;

3 та учлик: Ca(NO₃)₂ - C₂H₅OH - H₂O; NH₄NO₃ - C₂H₅OH - H₂O; Ca(NO₃)₂ - NH₄NO₃ - H₂O ва 3 та бинар Ca(NO₃)₂ - H₂O; NH₄NO₃ - H₂O ва C₂H₅OH - H₂O системаларидан иборат мураккаб таркибли Ca(NO₃)₂ - NH₄NO₃ - C₂H₅OH - H₂O системалардаги компонентларнинг ўзаро таъсирлашуви бўйича янги маълумотлар олиниб, улар асосида эрувчанлик диаграммалари қурилган ҳамда карбонатли фосфоритларни нитрат кислотаси билан бойитиш жараёнида этил спиртини (ЭС)

қўллаш мумкинлиги исботланган;

аммоний-нитрат-кальцийли эритмасининг физик-кимёвий хоссалари аниқланиб, унга бентонит моддасини қўшиш орқали яхши товар хоссаларига эга бўлган донадор кальцийли селитра олиш мумкинлиги кўрсатилган;

аммоний-нитрат-кальцийли эритмани CO_2 ва NH_3 ёрдамида NH_4NO_3 ва CaCO_3 га конверсия қилишнинг мақбул шароитлари аниқланган;

кимёвий бойитилган фосфоконцентратни ЭФК, РК- ва НРК- ўғитларга қайта ишлаш асосида янги турдаги комплекс ўғитлар олиш технологияси яратилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Марказий Қизилқум фосфоритларини нитрат кислотаси билан этанол иштирокида бойитиш, ҳосил бўлган кальций нитрат ва фосфоконцентратни қаттиқ азоткальцийли селитра ҳамда комплекс ўғитларга қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Марказий Қизилқум фосфоритларини этанол иштирокида нитрат кислотаси билан бойитиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан ихтиро патенти олинган (№IAP 04973 «Юқори карбонатланган фосфоритларни бойитиш усули»). Натижада паст навли Марказий Қизилқум фосфоритидаги кальций модулини 2,84 дан 1,5–1,7 гача камайтириш ва шу орқали уни қайта ишлашда ишлатиладиган ўта танқис сульфат кислотаси сарфини 30% га қисқартириш имконияти яратилади;

паст навли Марказий Қизилқум фосфоритларини нитрат кислотаси билан этанол иштирокида бойитиш технологияси «Самарқандкимё» акциядорлик жамиятида амалиётга татбиқ этилиб, юқори сифатли янги фосфорит хомашёси олинган («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2016 йил 14 июлдаги 03-2342/14-сон маълумотномаси). Ушбу натижаларни амалиётга жорий қилиш фосфоконцентрат таннархини амалдаги ювиб куйдирилган фосфорит концентратидан 1,4 баробарга арзонлаштириш имконини беради

Жуманова Миясар Ортиқовна. «Ангрен қўнғир кўмири асосида комплекс ўғитлар ва ўсимликлар ўсиш стимуляторларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш», 02.00.13–Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 31.03.2016/В2016.1.Т474.

Илмий маслаҳатчи: Намазов Шафоат Саттарович, техника фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Умумий ва ноорганик кимё институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Умумий ва ноорганик кимё институти, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Полимерлар кимёси ва физикаси илмий-тадқиқот маркази, Тошкент кимё-технология институти, Тошкент давлат техника университети, 14.07.2016.К/Т.14.01.

Расмий оппонентлар: Тухтаев Сайдиохрал, кимё фанлари доктори, профессор, ЎзР Фанлар академияси академиги; Жуманиязов Махсуд Жаббиевич, техника фанлари доктори, профессор; Эркаев Ақтам Улашевич, техника фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Фарғона политехника институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: оксидланган Ангрен қўнғир кўмири, Қизилқум фосфоритлари, аммофос, супрефос, фосфогипс чиқиндиси ҳамда бентонитлар асосида органик минерал ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ангрен қўнғир кўмирини нитрат ва сульфат кислоталари аралашмаси билан оксидлаш жараёнининг таркибида гумин кислоталарини 4,1 % дан 61,62 % гача кўтариб, азот оксидларнинг йўқотилиши энг кам (3,49%) бўлишини таъминлайдиган мақбул шароити аниқланган;

илк бор оксидланган Ангрен қўнғир кўмиридан натрий, калий ва аммоний гидроксид эритмалари ёрдамида гумин кислоталарни ажратиш олиш кинетикаси ва гуматларнинг физик-кимёвий хоссалари аниқланган;

оксидланган қўнғир кўмир ва Марказий Қизилқум фосфоритларидан механокимёвий ҳамда кислотали ишлов бериш орқали органик минерал ўғитлар олиш имкониятлари аниқланган ва ўғитларни донадорлаш учун пресслаш усули ишлаб чиқилган;

аммофос ва супрефос ишлаб чиқаришнинг ярим маҳсулотлари, фосфогипс чиқиндиси

ҳамда оксидланган қўнғир кўмир асосида янги турдаги органик минерал ўғит олишнинг мақбул шароитлари аниқланган;

юқори миқдорда гумин кислоталари тутган донадорланган кўмиргумин бентонитли ўғит олиш технологияси яратилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Ангрен қўнғир кўмирини нитрат ва сульфат кислоталари иштирокида оксидлаш, ҳосил бўлган оксидланган кўмир ва маҳаллий хомашёлар асосида органик минерал ўғитлар технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар V Республика инновацион ғоя, технология ва лойиҳалар ярмаркасида («Ўзэкспомарказ», 2012) «Аммофос-Максам» акциядорлик жамияти билан амалиётга жорий қилиш юзасидан шартнома имзоланди (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2016 йил 28 сентябрдаги ФТҚ-0413/622-сон маълумотномаси) ва оксидланган Ангрен қўнғир кўмири ҳамда бентонит асосида органик минерал ўғит олиш технологияси «Аммофос-Максам» акциядорлик жамиятида амалиётга татбиқ этилди («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2016 йил 14 июлдаги 03-2343/14 сон маълумотномаси). Мазкур ишланманинг жорий этилиши қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган азотли, фосфорли ва калийли ўғитлар самарадорлигини 5–10% га ошириш, тупроқнинг физик-кимёвий ва мелиоратив ҳолатини яхшилаб, гумус миқдорини кўпайтириш ва Республика мизда юқори самарали, экспортбоп органик минерал ўғит ишлаб чиқариш имконини беради.

Каипбергенов Атабек Тулепбергенович. «Карбонат, бикарбонат ва натрий гидроксид асосида техник ювиш воситалари ва сесквикарбонат натрий олиш технологияси», 02.00.13–Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.06.2015/В2015.2.Т475.

Илмий маслаҳатчи: Эркаев Ақтам Улашевич, техника фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент кимё-технология институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Умумий ва ноорганик кимё институти, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Полимерлар кимёси ва физикаси илмий-тадқиқот маркази, Тошкент кимё-технология институти, Тошкент давлат техника университети, 14.07.2016.К/Т.14.01.

Расмий оппонентлар: Намазов Шафоат Саттарович, техника фанлари доктори, профессор; Дадаходжаев Абдулла Турсунович, техника фанлари доктори, профессор; Жуманиязов Махсуд Жаббиевич, техника фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: «Ўзоғирнефтгазлойиҳа» давлат институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: органик ва ноорганик фаол қўшимчалар иштирокида натрий карбонати, гидрокарбонати ва гидроксидлари асосида натрий сесквикарбонати, супер-ишқор ва техник ювиш воситаларини олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор натрий карбонати, бикарбонати, хлориди, сульфати ва сувдан иборат уч ва тўрт компонентли системаларни назарий таҳлил қилиш орқали натрий сесквикарбонат ҳосил бўлишнинг қулай шароитлари аниқланган;

натрий хлориди ва сульфатлари иштирокида натрий сесквикарбонатнинг синтез қилиш жараёнининг мақбул технологик кўрсаткичлари аниқланган, унга кўра жараён ҳарорати 60°C ва $\text{NaHCO}_3 : \text{Na}_2\text{CO}_3$ нисбати 0,15–0,25 оралиғида бўлганда натрий сесквикарбонатни кристалланиш майдони 7,5% дан 22,85% гача, маҳсулот чиқими эса 64,8% дан 83% гача ошиши исботланган ҳамда трона олишнинг янги технологияси яратилган;

техник ювиш воситаларининг физик-кимёвий хоссалари ва технологик омилларининг (зичлик, қовушқоқлик, ювиш қобиляти ҳамда кўпикнинг барқарорлиги) таркиби, нисбати ва компонентларнинг тури ўртасидаги боғлиқлиги аниқланган;

илк бор композиция таркибига кирувчи органик ҳамда ноорганик фаол қўшимчаларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ва уларнинг сода маҳсулотлари билан ўзаро таъсири ўрганилиб, яхши хусусиятларга эга бўлган техник фойдаланиш учун мўлжалланган кукунсимон ва суюқ ювиш воситалари композицияси яратилган;

каустик сода ишлаб чиқаришнинг шламли чиқиндисидан олинган чистолнинг юқори физик-кимёвий ва товар хусусиятларга эга эканлиги кўрсатилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Маҳаллий хомашёлар асосида натрий сесквикарбонат ва техник ювувчи воситалар олишнинг самарали технологияларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

натрий сесквикарбонат, супер-ишқор, техник кукунсимон ва суюқ ювиш воситалар олишнинг ташкилот стандартлари ишлаб чиқилиб, «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган (Ts 15510698-06:2016, Ts 15510698-05:2016, Ts 15510698-02:2016, Ts 15510698-01:2016). Натижада натрий сесквикарбонат, ювувчи ва тозаловчи воситаларни маҳаллий хомашёлардан ишлаб чиқариш имкони яратилди;

техник ювиш воситаларининг суюқ композициялари ва техник ювувчи восита олишга оид ишлаб чиқилган технологиялар «Кўнғирот сода заводи»да амалиётга татбиқ этилган («Кўнғирот сода заводи» УКнинг 2015 йил 19 сентябрдаги 3266-11-сон маълумотномаси). Ушбу натижаларни амалиётга жорий қилиш валюта эвазига республикамизга импорт қилинадиган техник ювувчи ва тозаловчи воситаларни четдан олиб келинишини камайтириш имконини беради.

Бекназаров Ҳасан Сойибназарович. «Янги олигомер антиоксидант ва коррозия ингибиторларини маҳаллий хомашёлардан олиш технологияси», 02.00.14–Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 28.04.2016./В2016.2.Т107.

Илмий маслаҳатчи: Джалилов Абдулахат Турапович, кимё фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент кимё-технология институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент кимё-технология институти, 14.07.2016.Т.08.01.

Расмий оппонентлар: Мухамедиев Мухтар Ганиевич, кимё фанлари доктори, профессор; Қодиров Тўлқин Жумаевич, техника фанлари доктори, профессор; Ашуров Нигмат Рустамович, техника фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат техника университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: таркибида азот, фосфор ва олтингугурт тутган олигомерлардан кўп функцияли антиоксидантлар, коррозия ингибиторлари олиш технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

госсиполнинг олигомер таркибли ҳосилалари, полиметиленди(тио)-амидофосфатлар, эпихлоргидрин билан ди(тио)амидофосфатлар олигомерлари ва диметилтерефталатнинг полиэтиленполиамин билан олигомерлари асосидаги органик кимёвий қўшимчаларнинг физик-кимёвий хоссалари ва тузилиши аниқланган;

олинган N-, S- ва P-сақловчи олигомер ингибиторларининг полимер материаллар ва металл маҳсулотларининг физик-кимёвий ва механик хоссаларига таъсири аниқланган;

госсипол асосида синтез қилинган олигомерли антиоксидантларни эффективлиги фенол асосидаги ишлаб чиқаришда кенг қўлланиладиган антиоксидантлар билан таққосланган ва уларнинг сифат ва миқдор таъсири ҳамда кимёвий боғлардаги фарқлари асосланган;

олинган олигомер таркибли коррозия ингибиторларининг металлларда хлорид ва сульфид кислота муҳитларидаги ингибирлаш хоссалари аниқланган;

металларни коррозиядан ҳимояловчи олигомер таркибли коррозия ингибиторларини ҳамда полимерлар барқарорлигини ошириш учун антиоксидант маҳсулотларини олиш технологиялари яратилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Олигомер таркибли антиоксидантлар ва коррозия ингибиторларини олиш ҳамда уларни синтез қилиш технологияси ва қўлланилиши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

антиоксидант хоссасига эга бўлган олигомер стабилизаторни олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (IAP 04208, 2010). Мазкур ихтирога патент юқори самарага эга бўлган антиоксидант олиш имконини беради;

олигомер коррозия ингибиторини олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (IAP 03969, 2009). Мазкур ихтирога патент металллар коррозиясини олдини олиш имконини беради;

занглаш олигомер ингибиторини олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал

мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (IAP 03613, 2008). Мазкур ихтирога патент металлларни занглашдан ва юзасида тузлар йиғилишининг олдини олиш имконини беради; ишлаб чиқилган олигомер антиоксидантлар ва коррозия ингибиторлари «Ўзкимёсаноат» АЖ корхоналарида полимер материалларини барқарорлигини оширишда ва сув айланма системаларида коррозияга қарши жорий этилган («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2016 йил 10 майдаги 05-1522/М-сон маълумотномаси). Полимер композицияларида қўлланиладиган ингридиентни олигомер антиоксидантга алмаштириш ва сув қувурларини ҳимоя қилиш 7% ортишига эришилган.

Муродов Музаффар Муродович. «Целлюлоза сақловчи хомашёлар асосида композицион полимер материаллар олиш технологиясини ишлаб чиқиш», 02.00.14–Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 31.03.2016/В2016.1Т105.

Илмий маслаҳатчи: Раҳмонбердиев Ғаффор Раҳмонбердиевич, кимё фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» ДУК.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент кимё-технология институти, 14.07.2016.Т.08.01.

Расмий оппонентлар: Магрупов Фарход Асадуллаевич, техника фанлари доктори, профессор; Сайфутдинов Рамзиддин Сайфутдинович, техника фанлари доктори, профессор; Миркомиллов Шавкат Миромиллович, техника фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: таркибида целлюлоза сақловчи хомашёлар асосида кимёвий қайта ишлашга яроқли бўлган композицион полимер материаллар олиш технологиясини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

терақ дарахтидан кимёвий қайта ишлашга яроқли бўлган целлюлоза ва унинг асосида нитроцеллюлоза (коллоксилин) яратилган;

топинамбур ўсимлигининг поя қисмидан реакцион фаол бўлган целлюлоза олиш имкониятлари кўрсатилиб, унинг асосида карбоксиметилцеллюлоза ҳамда ацетатцеллюлоза олинган;

тўқимачилик корхоналарининг толали чиқиндилари асосида кимёвий қайта ишлашга яроқли бўлган целлюлоза ишлаб чиқилган;

терақ дарахти, топинамбур ўсимлиги пояси ҳамда тўқимачилик корхоналарининг толали чиқиндиларидан олинган целлюлозалари асосида техник карбоксиметилцеллюлозанинг ҳар хил соҳалар учун ишлатиладиган бир нечта маркалари яратилган;

топинамбур ўсимлиги целлюлозаси асосида фармацевтика ва озиқ-овқат саноати учун юқори тозалikka эга бўлган КМЦ олиш технологияси яратилган;

саноат миқёсида Na-КМЦнинг бир нечта маркаларини «Моноаппарат» усулида ишлаб чиқариш технологияси яратилган;

топинамбур ўсимлигининг пояси асосида олинган целлюлозалардан сифатли ёзув қоғозлари олиш технологияси яратилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Маҳаллий хомашёлар асосида композицион полимер материаллар олиш ва ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

олинган целлюлозадан карбоксиметилцеллюлоза (Na-КМЦ) олишнинг «Моноаппарат» усулида олиш технологиясига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (IAP 04359, 2011). Мазкур ихтирога патент бир нечта босқичларни ўзида жамлаган ягона жиҳоз орқали барча сифат кўрсаткичи юқори бўлган Na-КМЦ олиш имконини беради;

маҳаллий хомашёлардан юқори молекуляр массага эга бўлган Na-КМЦ олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (IAP 04989, 2014). Мазкур ихтирога патент алмашилиш даражаси асосий модда миқдори, полимерланиш даражасининг юқорилиги ва препаратнинг ишлатилиш соҳасини кенгайтириш

имконини беради;

тераққотчи целлюлозаси ҳамда пахта линти асосида термик деструкцияга чидамли бўлган Na-КМЦ олиш технологиясига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (IAP 04359, 2009). Мазкур ихтирога патент бурғилаш эритмаларини стабилловчи стабилизатор сифатида ишлатилиши турли деструктив омилларни бартараф этиш имконини беради;

топинамбур поясидан олинган целлюлоза асосида «Ўзкимёсаноат» АЖ корхоналарида карбоксиметилцеллюлоза, қоғоз ва қоғоз маҳсулотларини ишлаб чиқариш жорий этилган («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2016 йил 10 ноябрдаги 01/3-24/D-сон маълумотномаси). Целлюлоза асосида карбоксиметилцеллюлозани ишлаб чиқариш самарадорлиги мавжуд технологияга нисбатан 18–22% га ортишига имкон беради.

Нурқулов Файзулла Нурмунинович. «Таркибида фосфор-, олтингугурт-, хлор тутган олигомерларни маҳаллий хомашёлардан олиш технологияси», 02.00.14–Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 28.04.2016/В2016.2.Т659.

Илмий маслаҳатчи: Джалилов Абдулахат Турапович, кимё фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент кимё-технология институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент кимё-технология институти, 14.07.2016.Т.08.01.

Расмий оппонентлар: Махсумова Ойтўра Сиддиқовна, кимё фанлари доктори, профессор; Қодиров Тулқин Жумаевич, техника фанлари доктори, профессор; Амонов Мухтор Рахматович, техника фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: фосфор-, олтингугурт-, хлор тутган бирикмалар асосидаги янги олигомерларни, композицион полимер материаллар олишда қўллаш ва олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маҳаллий хомашёлар асосида фосфор-, олтингугурт-, хлор тутган олигомерлар олинган; олтингугурт тутган полисульфид каучуклари, фосфор-, олтингугурт сақловчи олигомер антипиренлари ва олтингугурт-, хлор тутган хлорсульфатланган полиэтиленларни физик-кимёвий хоссалари аниқланган;

синтез қилинган бирикмаларнинг хоссалари ва тузилиши аниқланган;

фосфор-, олтингугурт-, хлор тутган олигомерлар учун модификаторлар синтези, уларнинг модификацияси ва механик хоссаларга таъсири асосланган;

фосфор-, олтингугурт-, хлор тутган олигомерларнинг физик-механик, герметик, оловбардошлик ва антикоррозион хоссалари ҳамда ушбу олигомерларнинг қўлланилишидаги техник-иқтисодий самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Олигомер таркибли антипиренлар, герметиклар ва антикоррозион қопламаларини синтез қилиб олиш технологияси ва қўлланилиши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

олигомер антипиренларни олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (IAP05216, 2016). Мазкур ихтирога патент юқори самарага эга бўлган олигомер антипирен олиш имконини беради;

ишлаб чиқилган олигомерлар антипирен, герметик ва антикоррозион қопламалари «Ўзкимёсаноат» АЖ корхоналарида қурилиш материалларининг барқарорлигини оширишда ва металл системаларида коррозияга қарши жорий этилган («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2016 йил 28 июлдаги 05-2862/М-сон маълумотномаси). Ушбу натижалар бино ва иншоотларнинг, конструкциялар учун қопламалар, ёнғиндан сақловчи олигомерлар импортини қисқартиради ва газ қувурларини антикоррозион қопламалар ёрдамида ишлаш даврини 12% га узайтиради.

Рахимова Латофат Собиржоновна. «Поликонденсацион типдаги термо-, кимё-, радиацияга чидамли ион алмашгич полимерлар олишнинг илмий тамойилларини ишлаб чиқиш», 02.00.14–Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.Т27.

Илмий маслаҳатчи: Туробжонов Садриддин Махаммаддинович, техника фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент кимё-технология институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент кимё-технология институти, 14.07.2016.Т.08.01.

Расмий оппонентлар: Магруппов Фарход Асадуллаевич, техника фанлари доктори, профессор; Юнусов Мирахмат Пулатович, техника фанлари доктори, профессор; Мухамедиев Мухтар Ганиевич, кимё фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Умумий ва ноорганик кимё институти.

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: термо-кимё-радиацион барқарор поликонденсацион турдаги ион алмашинувчи полимерлар олиш технологиясини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

дифениламин ва фурфуролни поликонденсациялаш йўли билан оғир металл ионларига комплекс ҳосил қилувчи хоссали термо-кимёвий барқарор кучсиз асосли анионит олиш усули ишлаб чиқилган;

ионоген группаларни киритиш учун дифенилоксидни фурфурол билан поликонденсациялаб, янги полимер матрицаси яратилган;

дифенилоксид ва фурфуролнинг поликонденсация реакциясини бошланғич мономерлар, катализатор табиати ва концентрацияси, реакция температураси ва бошқаларга боғлиқлиги аниқланган;

олинган полимерни сульфурлаш ва фосфориллаш реакцияларининг технологик жараёни ишлаб чиқилган;

сульфокўмир билан олинган сульфокатионитнинг натрий, кальций, магний ионларига нисбатан сорбцион хоссалари, ишчи интервали, механик мустаҳкамлиги аниқланган;

фосфорли катионит таркибида мис ионлари тутган оқова сувлардан мис ионларини динамик шароитда сорбциялаш, катионитнинг регенерация технологияси такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Саноат сувларини тозалаш ва деминераллаш учун олинган ион алмашинувчи полимерлар, уларнинг синтез қилиб олиш технологияси ва қўлланилиши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

фурфурол ва дифенилоксид асосида олинган сульфокатионитнинг ташкилот стандарти Ts14825224-02:2016 ишлаб чиқилган. Мазкур стандартнинг тасдиқланиши сульфокатионитни ишлаб чиқаришнинг меъёрий асосини такомиллаштириш имконини беради;

фурфурол ва дифенилоксид асосида синтез қилинган янги фосфорли нордон катионит олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (IAP05133, 2015). Мазкур усул юқори радиацион барқарорликка эга бўлган катионит олиш имконини беради;

синтез қилиб олинган ион алмашинувчи полимерлар «Ўзкимёсаноат» АЖ корхоналарида оқова сувларни тозалаш ва сувни тайёрлаш жараёнларида юмшатиш учун жорий этилган («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2016 йил 1 ноябрдаги 01/3-3527/И-сон маълумотномаси). Олинган сульфокатионит ишлаб чиқариш шароитида артезиан сувини юмшатиш жараёнларида қўлланганда сувнинг қаттиқлиги 1,1 мг-экв/л гача камайтирилишига эришилди, саноат айланма сувларини тозалашда эса тозалаш чегараси ГОСТ талабларига жавоб берди. Олинган фосфорли нордон катионит оқова сув таркибидаги мис ионларини сорбциялашда қўллашга тавсия этиш имконини берди.

Тешабаева Элмира Убайдуллаевна. «Маҳаллий хомашёлар асосида эластомер композицияларни яратиш ва уларни олиш технологияси», 02.00.14–Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 31.03.2016./В2016.1.Т567.

Илмий маслаҳатчи: Ибодуллаев Аҳмаджон, техника фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент кимё-технология институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент кимё-технология институти, 14.07.2016.Т.08.01.

Расмий оппонентлар: Сайфутдинов Рамзиддин Сайфутдинович, техника фанлари доктори, профессор; Мухиддинов Баходир Фахриддинович, кимё фанлари доктори, профессор; Собиров Баходир Бойпулатович, техника фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: «Ўзкимёсаноат» АЖ қошидаги «Кимё-технология илмий тадқиқот институти» ДУК.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: бентонитни модификация қилиш, уни қўллаш асосида ҳар хил шароитларда ишлатилувчи резина-техника буюмлари олиш таркиби ва технологиясини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

олдиндан қўйилган хосса ва тузилишга эга бўлган тўлдирилган композицион эластомер материаллар ва улар асосида ҳар хил шароитларда ишлатилувчи резина-техника буюмлари олиш учун Ўзбекистон бентонитини модификация қилиш усуллари ишлаб чиқилган;

бентонитни термик ишлов бериш жараёнида физик-кимёвий хоссалари ва структураси ўзгариб, эркин радикаллар ҳосил бўлиши аниқланган;

термик ишлов берилган ва кимёвий модификация қилинган бентонит ва каучук структура тузилишлари орасидаги ўзаро боғланиш шароитлари аниқланган;

махсус хоссаларга эга бўлган резина қоришмаси тайёрлаш жараёни ва улар асосида резина-техника буюмлари тузилишини шакллантиришда кимёвий модификация қилинган бентонит заррачалари юзасидаги алигомер қатлам аҳамияти аниқланган;

умумий ва махсус каучуклар асосида олинган композицион эластомер материаллар пласто-эластиклик, реологик, технологик, физик-механик, динамик ва эксплуатацион хоссаларига модификация қилинган бентонит таъсири аниқланган;

Ўзбекистон бентонитини модификация қилиш, уни қўллаш асосида композицион эластомер материаллар ва ҳар хил шароитда ишлатилувчи резина-техника буюмлари олиш технологиялари яратилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Ўзбекистон бентонитини модификация қилиш технологияси, модификация қилинган бентонитни қўллаш натижасида олинган композицион эластомер материаллар ва улар асосидаги ҳар хил шароитларда ишлатилувчи резина-техника буюмлари олиш таркиби ва технологиялари «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти корхоналарида амалиётга жорий этилган («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2016 йил 4 ноябрдаги 05-3584/М-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг жорий қилиниши бентонитни қуритиш, термик ишлов бериш ва модификация қилиш технологиясини жорий қилишга, қуритилган бентонит асосида умумий шароитларда ишлатилувчи, термик ишлов берилган бентонит асосида ўртача мустаҳкамликка эга бўлган ва модификация қилинган бентонит асосида юқори мустаҳкамликка ва махсус хоссаларга эга бўлган резина-техника буюмлари олишда ишлатилиши ва хориждан олиб келтирилувчи каолин, БС-50 ва БС-75 тўлдиргичларини алмаштиришга, яратилган тўлдиргичлар асосида эластомер композиция ва улар асосида резина-техника буюмлари олиш технологик жараёнини яратишга имкон беради.

Файзуллаев Нормурот Ибодуллаевич. «Метандан олинган маҳсулотларнинг технологиясини ишлаб чиқиш», 02.00.14–Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.06.2015/В2015.2.Т478.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент кимё-технология институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент кимё-технология институти, 14.07.2016.Т.08.01.

Расмий оппонентлар: Маҳсумов Абдуҳамид Ғофурович, кимё фанлари доктори, профессор; Икромов Абдуваҳоб, техника фанлари доктори, профессор; Акбаров Ҳамдам Икромович, кимё фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: метанни қайта ишлаш учун юқори унумдорлик ва коксланишни камайтирадиган барқарор катализаторларнинг таркибини олиш технологиясини яратиш ҳамда жараёнларнинг технологик параметрларини, реакторларини моделлаштириш ва

оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

дифференциал реактор шароитида яратилган катализаторлар иштирокида реакцияларнинг кинетик қонуниятлари ва жараёнлар боришининг мақбул шароити аниқланган ҳамда реакцияларнинг бориш механизмлари таклиф этилган ва жараёнларни ифодаладиган кинетик тенгламалар танланиб, уларнинг адекватлиги асосланган;

метанни каталитик оксиконденсатлаш, ароматлаш, ацетиленни гидратлаш, гидрохлорлаш, ацетиллаш реакцияларининг бориши термодинамик жиҳатдан асосланган;

метанни қайта ишлаш жараёнларининг термодинамик асослари яратилган ҳамда кинетик ва иссиқлик баланс нозичиқли тенгламалари асосида катализаторнинг зич қатламида қурилманинг технологик параметрлари оптималлаштирилган;

ташқи диффузия режимида ишловчи бир поғонали адиабатик қурилмада метанни каталитик оксиконденсатлаш жараёни технологияси ишлаб чиқилган;

метандан С2- ва ароматик углеводородлар ҳамда ацетилендан винилхлорид, ацетон ва винилацетат синтези унумини оширишга имкон берувчи шароитлар, юқори танлаб таъсир этувчи ва ишлаш муддати юқори бўлган катализаторлар таркиби аниқланган ҳамда олиш технологияси ишлаб чиқилган;

этилен, суюқ ёқилғи, ацетон, винилхлорид ва винилацетат синтези технологик параметрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Метанни каталитик оксиконденсатлаб этилен, метанни ароматлаб суюқ ёқилғи, ацетиленни каталитик гидрохлорлаб винилхлорид ва хлоропрен, гидратлаб ацетон, ацетиллаб винилацетат синтези учун катализаторлар ишлаб чиқариш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

метанни каталитик оксиконденсатлаш ва ароматлаш ҳамда ацетиленни гидрохлорлаш, гидратлаш, ацетиллаш реакциялари учун янги таркибдаги юқори унумдорлик ва селективликка эга бўлган катализаторларнинг техникавий шартлари Давлат реестрига киритилган (Ts-16909155-02:2013; Ts-16909155-03:2013; Ts-16909155-04:2013; Ts-16909155-05:2013). Илмий натижалар маҳсулотларнинг сифатини ва технологик жараённи назорат қилишга имкон беради;

метанни каталитик оксиконденсатлаб этилен, метанни ароматлаб суюқ ёқилғи, ацетиленни каталитик гидрохлорлаб винилхлорид ва хлоропрен, гидратлаб ацетон, ацетиллаб винилацетат синтези учун танланган катализаторлар «Навоийазот» АЖда ишлаб чиқаришга жорий этилган («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2016 йил 1 ноябрдаги 01/3-3528-сон маълумотномаси). Иқтисодий самара хориждан олиб келинаётган катализаторларни маҳаллийлаштириш, янги моддалар олиш ва технологик жараёнларни оптималлаштириш имконини берди.

Эргашев Улуғбек Абдурасулович. «Мураккаб ва ўта мураккаб таркибли олтин сақлаган Қизилқум рудаларини қайта ишлаш самарадорлигининг илмий-техник асослари», 04.00.14–Фойдали қазилмаларни бойитиш (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 28.04.2016/В2016.2.Т708.

Илмий маслаҳатчи: Санақулов Қувондиқ Санақулович, техника фанлари доктори, доцент.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Навоий давлат кончилик институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Навоий давлат кончилик институти, Минерал ресурслар илмий-тадқиқот институти, Тошкент давлат техника университети ва Ўзбекистон Миллий университети, 14.07.2016. GM/T.10.01.

Расмий оппонентлар: Юсупходжаев Анвар Абдуллаевич, техника фанлари доктори, профессор; Искандарова Мастура Искандаровна, кимё фанлари доктори, профессор; Абдурахмонов Сойиб Абдурахмонович, техника фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: қўшимча олтин ажратиб олишни таъминловчи техник ва технологик ечимларга асосланган, олтин сақлаган сульфидларни тўлиқ очилишига йўналтирилган комбинациялашган қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қарама-қарши оқим декантациясида коллоид формада қоладиган олтиннинг рН муҳитга

боғлиқлиги илк бор аниқланиши ва биокекни ювиш жараёнидаги олтиннинг йўқотилиши 50% га камайтирилишга эришиш асосида биооксидли бойитиш технологияси ишлаб чиқилган;

арсенат ва темир оксисульфати коллоид эритмаси ҳосил бўлиб, бўтананинг суюқ фазасидаги Fe^{+3} тузларининг гидролизи (ювишда рН ўзгариб) бу бўтана суюқ фазаси қовушқоқлигининг ортишига ва биооксидлаш кеки шлам фракцияси чўкиши тезлигининг камайишига олиб келиши ҳамда қарама-қарши оқим декантацияси қуултиргичларида тиндирилишнинг ёмонлашиш сабаби аниқланган;

биооксидлаш жараёнидаги кўпик ҳосил бўлиш механизми асосида реакторлардаги пульпанинг кўмирли қисмини флотация факторлари ҳисобидан коллоидли ва майда дисперсли олтин зарраларини фракциялаш йўли билан олтинни бойитиш (флотоконцентрат билан солиштирганда 6–8 марта) усули тавсия этилган;

биооксидлаш маҳсулотларини цианлаш жараёнида роданидлар ҳосил бўлиши кинетикаси ва олтиннинг цианли комплекси билан рақобатли сорбциясидаги иштироки аниқланган ҳамда вақт мобайнида роданидлар миқдорларининг цианид натрий концентрацияси динамикасини ўзгаришига боғлиқлиги (10–12 соат), вақт тугаши билан эса жараённинг ўзгаришига таъсир кўрсатмаслиги ҳамда олтинни цианидли танлаб эритишдаги тезлигининг роданидлар юзага келиш тезлигидан катталиги аниқланган;

биооксидлаш маҳсулотларини сорбцияли цианлаш жараёнидаги ионалмашувчи смоланинг ҳолати асосида сорбентлар хоссасининг роданидлар билан захарланиши ҳисобига пасайиши кузатилди ва бу сорбция суюқ чиқиндиларида олтин миқдорининг ошиши ҳамда уни ажратиб олишнинг камайишига сабаб бўлиши аниқланган;

биооксидлаш маҳсулотининг оксидли куйдириш жараёнида ҳароратнинг олинадиган куйинди сифатига таъсир кўрсатувчи асосий омил экани, 650–743°C иссиқ ҳароратга қараганда 570–600°C да олтин ажратиб олиниши юқори бўлиши аниқланган ҳамда бу ҳолат 650–743°C иссиқ ҳароратда олтинни цианлашда халақит берувчи скородит қобиғи юзага келиши билан исботланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Мураккаб ва ўта мураккаб таркибли олтин сақлаган рудаларини қайта ишлаш асосида:

кислоталаш ёрдамида сульфидли олтинмишьякли рудалардан олтин ажратиб олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти (20.02.2012 й., IAP №04489) олинган. Илмий натижанинг амалиётга жорий қилиниши чиқиндига кетаётган олтин ҳажмини камайтириш имконини берган;

куйдириш ёрдамида мураккаб таркибли сульфидли олтинмишьякли рудалардан олтин ажратиб олиш усули ишлаб чиқилган куйдириш технологиясига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти (17.11.2015 й. IAP №05134) олинган. Илмий натижанинг амалиётга жорий қилиниши сульфидли олтинмишьякли рудалардан олтин ажратиб олиш даражасини ошириш имконини берган;

пульпадаги биооксид маҳсулотларини ювишдан олдин кислоталаш технологияси Навоий кон-металлургия комбинатининг Шимолий кон бошқармасига қарашли ГМЗ-3 корхонасида жорий қилинган (Навоий кон-металлургия комбинатининг 2016 йил 7 октябрдаги 02-02-10/10718-сон маълумотномаси). Мазкур технологияни амалиётга жорий қилиш натижасида қарама-қарши оқим декантацияси қуултиргичида тоза устки оқим маҳсулоти олинган;

биооксидлаш ва углеродли моддалар сақлаган, мураккаб ва ўта мураккаб таркибли олтин сақлаган рудаларни ва концентратларни комбинацион қайта ишлаш технологияси Навоий кон-металлургия комбинатининг Шимолий кон бошқармасига қарашли ГМЗ-3 корхонасида жорий қилинган (Навоий кон-металлургия комбинатининг 2016 йил 7 октябрдаги 02-02-10/10718-сон маълумотномаси). Мазкур технологияни амалиётга жорий қилиш натижасида амалдаги қайта ишланадиган рудаларнинг йиллик ҳажмини сақлаган ҳолда тайёр маҳсулотлар таннархини камайтириш имконини берган;

ишлаб чиқилган ҚСТК нейтралзация маҳсулотидан олтин ажратиш технологияси Навоий кон-металлургия комбинатининг Шимолий кон бошқармасига қарашли ГМЗ-3 корхонасида жорий қилинган (Навоий кон-металлургия комбинатининг 2016 йил 7 октябрдаги 02-02-10/10718-сон маълумотномаси). Илмий натижаларни амалиётга жорий қилиш натижасида ҚСТК нейтралзация маҳсулотидан кўшимча олтин ажратиш ва чиқиндилар билан қимматли маҳсулотнинг чиқиб кетиш олди олинган;

ишлаб чиқилган ҚҚОД контурида биооксидлаш маҳсулотларини қуюқланиш

унумдорлигини ошириш усули Навоий кон-металлургия комбинатининг Шимолий кон бошқармасига қарашли ГМЗ-3 корхонасида жорий қилинган (Навоий кон-металлургия комбинатининг 2016 йил 7 октябрдаги 02-02-10/10718-сон маълумотномаси). Илмий натижаларни амалиётга жорий қилиш натижасида биокекнинг қуюқланишидаги харажатларни камайтириш имконини берган;

ишлаб чиқилган «пульпада кўмир» схемасидан фойдаланиб, кекни сорбцияли цианлаш жараёнида олтин ажратиб олишни кўпайтириш технологияси Навоий кон-металлургия комбинатининг Шимолий кон бошқармасига қарашли ГМЗ-3 корхонасида жорий қилинган (Навоий кон-металлургия комбинатининг 2016 йил 7 октябрдаги 02-02-10/10718-сон маълумотномаси). Илмий натижаларни амалиётга жорий қилиш натижасида операциядан олтин ажратиб олиш даражасини 8–10 % га ошириш имконини берган.

Каримов Кудратилла Фуадович. «Совутиш техникаси, иссиқлик алмашилиш аппаратлари ва машиналарини такомиллаштириш», 02.00.16–Кимё технологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш жараёнлари ва аппаратлари (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.Т283.

Илмий маслаҳатчи: Зокиров Санат Гапурович, техника фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент давлат техника университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент давлат техника университети, «Илмий-техника маркази» МЧЖ, 14.07.2016.Т.02.01 рақамли илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш.

Расмий оппонентлар: Морозюк Татьяна, техника фанлари доктори, профессор; Мухиддинов Джалалиддин Носирович, техника фанлари доктори, профессор; Искандаров Зафар Самандарович, техника фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Тошкент кимё-технология институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: кўп компонентли совутиш агенти аралашмасининг кўндаланг ҳалқасимон ариқчали юзаларда пуфакли қайнашининг илмий-услубий асосини ва совутиш машиналарининг кўндаланг ҳалқасимон турбулизаторли трубадан ясалган иссиқлик алмашилиш аппаратини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

углеводород совутиш агентлари ва уларнинг ноазеотроп аралашмасининг R290/R600a/R600 кўндаланг ҳалқасимон турбулизаторли трубалар юзасида пуфакли қайнашидаги иссиқлик алмашилиш модели яратилган;

самарадор конденсатор, буғлатгич ва конденсатор-буғлатгич билан жиҳозланган бир босқичли ва каскад совутиш машиналарининг совутиш унумдорлиги, энергия сарфи бўйича тенгламалар олинган;

совутиш унумдорлигининг, сарфланаётган қувватнинг совутиш агенти турига, самарадор трубаларнинг ишлатилиш ўрнига (конденсаторда, буғлатгичда ва конденсатор-буғлатгичда) боғлиқлиги аниқланган;

совиш, исиш, қайнаш, конденсацияланишдаги иссиқлик алмашилишнинг ярим эмпирик моделлари яратилган;

ташқи томонида ҳалқасимон ариқчалар ичкари томонидан унга мос диафрагмаларга эга трубалардан ясалган иссиқлик алмашилиш аппаратларининг самарадорлиги кўрсатилган. Накаткаланган трубаларни буғлатгичларда ишлатиш термодинамик жиҳатдан фойдали, кўндаланг ҳалқасимон турбулизаторли трубалардан ясалган конденсатор ФИК $Re_b = 1500 \div 8000$ интервалда $1,06 \div 1,25$ ни ташкил қилиши аниқланган;

ҳалқасимон ариқча ва диафрагмаларга эга трубалардан ясалган иссиқлик алмашилиш аппаратли буғ-компрессион совутиш машиналарининг самарадорлиги кўрсатилган. Конденсаторда №3 труба ва буғлатгичда №4 труба қўлланилган энергетик самарадор совутиш машиналарининг ФИК $T_o = 213$ К да мос равишда $\eta_c = 0,60$ ва $0,59$ бўлиши аниқланган;

иссиқлик алмашилиш аппаратлари энергетик самарасини баҳолаш учун критерий яратилган;

бир каскадли буғ компрессион совутиш машинасини эксергетик таҳлил қилиш методикаси яратилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Иссиқлик алмашилишнинг аниқланган қонуниятлари ва иссиқлик алмашилишни жадаллаштиришнинг яратилган усули асосида қўндаланг ариқчалар кўринишидаги турбулизаторли буғлатгич аппарати «Нефт-газ ва кимё машинасозлиги заводи» АЖда жорий қилинган («Ўзбекнефтегаз» МХКнинг 2016 йил 9 июндаги 08/364-645-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши совуқлик ташувчи томонидан гидравлик қаршилиқ сезиларли ортмаганда иссиқлик алмашилишни 1,8–2,2 марта ошириш ва аппаратни тайёрлашдаги конструкцион материал сарфини қисқартириш, унинг габарит ўлчамларини кичрайтириш ёки буғлатгич орқали совуқлик ташувчини ҳайдаш энергияси сарфини, совуқлик ташувчи томонида куйқа ҳосил бўлишини камайтириш имконини берган. Тавсия этилган конструкциядаги труба силлиқ трубали буғлатгичларнинг йиғиш технологиясини бузмаслик, трубалар тўридаги трубалар сонини камайтирмаслик, трубалар диаметрини ўзгартирмаслик, ариқча ва диафрагмаларни накатка йўли билан ҳосил қилишда иссиқлик алмашилиш юзасини 8 % дан катта қийматга орттирмаслик, аппаратни узоқ вақт давомида ифлосликлардан махсус тозалаш тадбирларисиз ишлатиш, аппарат ишончилигини камайтирмаслик ҳамда яратилган аппаратни буғ-компрессион совутиш машинаси таркибида ишлатишда электр энергияни 1368,4 кВт/сутка миқдорида тежаш имконини берган.

Сафаров Жасур Эсиргапович. «Топинамбур туганаги ва наъматак меваси таркибидаги биофаол моддаларни сақлаган ҳолда қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш», 02.00.16–Кимё технологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш жараёнлари ва аппаратлари (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.Т322.

Илмий маслаҳатчи: Норқулова Карима Тўхтабаевна, техника фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент давлат техника университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент кимё-технология институти, 14.07.2016.Т.08.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш.

Расмий оппонентлар: Юсупбеков Нодирбек Рустамбекович, техника фанлари доктори, профессор, ЎЗР Фанлар академияси академиги; Қурбонов Жамшид Мажидович, техника фанлари доктори, профессор; Баракаев Нусратилла Раджабович, техника фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: Бухоро муҳандислик-технология институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: вакуумда инфрақизил нур ёрдамида қуритиш қурилмасида топинамбур туганаги ва наъматак мевасини қайта ишлаш технологиясини такомиллаштириш ҳамда қурилманинг энерготехнологик самарадорлигини ошириш ва биологик фаол моддаларни сақлашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ИҚ-қиздириш орқали вакуумда-қуритиш қурилмасида топинамбур туганаги ва наъматак меваларини қуриш жараёнининг кинетикаси аниқланган;

капилляр ғовак материалда намликнинг ҳаракатланиш модели ва қуритиш жараёнини бошқариш орқали маҳсулотда микроэлементларни тақсимланиши натижасида юқори сифатли маҳсулот олиш асосланган;

ИҚ-қиздириш орқали паст вакуум шароитида материалнинг ички қатламларида иссиқлик ва намликни узатилиши ҳамда қуритиш жараёнида дискрет режим учун иссиқликнинг ночизиқли тарқалишини ўзига хос афзалликлари аниқланган;

сорбция ва десорбция изотермасини қайта ишлаш усуллари орқали таҳлилий солиштирилган ҳамда ортогонал регрессия усули Поснов тенграмаси кўринишида асосланган;

таркибида қанд моддалари бўлган маҳсулотлардан кукун олиш учун совутиш системасига эга бўлган майдалагич конструкцияси ишлаб чиқилган;

топинамбур туганаги ва наъматак меваси таркибидаги биологик фаол моддаларни сақлаган ҳолда вакуумда ИҚ-қиздириш орқали қуритиш жараёни учун оптимал босим ҳамда ҳарорат аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Қуритиш усулини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

туганакли маҳсулотларни қуритиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти (23.07.2014 й., №ІАР 04936) олинган. Илмий тадқиқот натижаси қуритиш орқали хомашё таркибидаги биофаол моддалари сақланган маҳсулот олиш имконини

берди;

топинамбур туганаги ва наъматак меваси таркибидаги биофаол моддаларни сақлаган ҳолда қайта ишлаш технологияси «Ўзфармсанот» давлат акциядорлик концерни ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимларига кирувчи корхоналарда жорий этилган («Ўзфармсанот» давлат акциядорлик концернининг 2015 йил 30 ноябрдаги МД-06/1868-сон ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2015 йил 10 сентябрдаги 06/14-893-сон маълумотномалари). Вакуумда инфрақизил нур ёрдамида қуритиш технологиясини қўллаш натижасида ишлаб чиқариш қувватини 20 %гача ошириш имконини берган.

Абдурахимов Аҳрор Анварович. «Пахта мойи мисцелласини рафинациялаш жараёнини электрофизик жадаллаштиришнинг илмий-техникавий асосларини такомиллаштириш», 02.00.17–Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 18.11.2015/В2015.3-4.Т555.

Илмий маслаҳатчи: Қодиров Йўлдошхон Қодирович, техника фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент кимё-технология институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент кимё-технология институти, 14.07.2016.Т.08.01.

Расмий оппонентлар: Курбонов Жамшед Мажидович, техника фанлари доктори, профессор; Махсумов Абдухамид Гафурович, кимё фанлари доктори, профессор; Исабаев Исмоил Бабаджонович, техника фанлари доктори, доцент.

Етакчи ташкилот: «Тошкент ёғ-мой комбинати» АЖ.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: пахта мойи мисцелласини гидратациялаш ва ишқорий рафинациялаш технологияларини электрофизик жадаллаштиришни илмий-техникавий асосларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

гидратациялаш усули билан пахта мойи мисцелласидан фосфолипид чўкмасини ажратиб олиш натижасида нейтраллаш жараёнида рафинацияланган мойда сирт-фаол моддалар, фосфолипидлар (лецитин, кефалин ва бошқалар) миқдорининг камайиши аниқланган.

пахта мойи мисцелласини гидратациялаш жараёнини жадаллаштириш учун 0,5–0,6 Тл 10–15 дақиқа электромагнит таъсирида ишлов беришнинг етарли эканлиги исботланган;

электромагнит таъсир этириш билан бир қаторда пахта мойи мисцелласини ишқорий нейтраллаш жараёнида ишлатиладиган анъанавий натрий гидроксид эритмаси ўрнига натрий силикат сувли эритмасини қўллаш афзаллиги аниқланган;

пахта мойи мисцелласини силикат натрий эритмаси билан рафинациялаш жараёнида ҳосил бўладиган поликремний гели госсипол ва унинг ҳосилаларини самарали сорбциялаши, шунинг ҳисобига мойнинг қизил ранги пасайиши аниқланган;

пресслаш ва экстракциялаш усули билан олинадиган хом пахта мойи триглицеридларига йўлдош бўлган моддаларнинг ассоциацияларини парчалашда ўзгарувчан электромагнит кучларининг таъсири аниқланган;

ЭМТни ва силикат натрий эритмасини қўллаш орқали юқори интенсивликдаги пахта мойини мисцеллада гидратациялаш ва ишқорий рафинациялаш технологиялари яратилган;

саноат-синов тажрибаларида ўз тасдиғини топган пахта мойини мисцеллада гидратациялаш ва ишқорий рафинациялаш жараёнларини математик модели ҳамда оптимал шарт-шароит режимлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

пахта мойи мисцелласини гидратациялаш ва ишқорий нейтраллаш жараёнлари «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компаниясининг «Урганч ёғ-мой» ва «Қўқон ёғ-мой» акциядорлик жамиятлари корхоналарида ишлаб чиқаришга жорий қилинган («Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компаниясининг 2016 йил 14 ноябрдаги ВД-Ё/1447-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг ёғ-мой саноати корхоналарида жорий қилиниши рафинацияланган пахта мойи ишлаб чиқариш технологик линияларини такомиллаштиришга, амалда қўлланилаётган жараёнларни бир неча марта жадаллаштиришга, янги импорт ўрнини босувчи фосфолипидли сирт-фаол моддаларни маҳаллий хомашё асосида ишлаб чиқаришга, ажратиб олинадиган соапстокда қимматли нейтрал мой миқдорини ва ускуналардаги энергия

сарфларини камайтиришга ҳамда мойни нейтраллаш жараёнида янги ишқорий реагент ва электромагнит ишловини биргаликда қўллаш орқали олинаётган мой сифатини ва чиқиш миқдорини оширишга имкон беради.

Отениязов Рашид Идрисович. «Табиий-техноген характердаги гидрогеологик объектларни геоахборот моделлаштириш асосида қарорлар қабул қилишни қувватловчи тизим», 05.01.04–Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компьютер тармоқларининг математик ва дастурий таъминоти (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.Т166.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент ахборот технологиялари университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Тошкент ахборот технологиялари университети ва Ўзбекистон Миллий университети, 14.07.2016.Т.29.01.

Илмий маслаҳатчи: Усманов Ришат Ниязбекович, техника фанлари доктори.

Расмий оппонентлар: Хабибуллаев Иброхим Хабибуллаевич, техника фанлари доктори, профессор; Мухаммадиева Дилноз Тулкуновна, техника фанлари доктори, профессор; Жмудь Вадим Аркадьевич, техника фанлари доктори, профессор (Россия Федерацияси).

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат техника университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: турли хилдаги маълумотлар шароитида табиий-техноген характердаги гидрогеологик объектлар учун қарорлар қабул қилишга кўмаклашувчи геоахборот-аналитик тизим ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

табиий-техноген характердаги гидрогеологик объектлар маълумотларини тўплаш, сақлаш ва ишлов бериш, геоахборот технологиялар асосида моделлаштириш, интеллектуаллаштиришга мўлжалланган ахборот-аналитик компьютерлаштирилган тизим ишлаб чиқилган;

табиий-техноген характердаги гидрогеологик объектлар ҳолатларини қатъиймас тўпламлар назарияси тамойиллари асосида баҳолаш ва умумлаштиришга асосланган бошқарув қарорларини қабул қилиш моделлари ишлаб чиқилган;

табиий-техноген характердаги гидрогеологик объектлар тасвирларидан маълумот олиш, ишлов бериш жараёнларини параллеллаштириш алгоритми ва дастурий воситалари ишлаб чиқилган;

табиий-техноген характердаги гидрогеологик объектлар геоахборот модели тематик қатламлари орасидаги ўзаро боғланишларни акс эттирувчи электрон карталар яратиш асосида қарорлар қабул қилишга кўмаклашувчи компьютерлаштирилган тизимнинг алгоритмлари ва дастурий воситалари ишлаб чиқилган;

қатъиймас маълумотлар шароитида табиий-техноген характердаги гидрогеологик объектларни вазиятлари бўйича қайта тиклаш, локаллаштириш, огоҳлантириш ечимлари ва улар орасидаги ўзаро боғланишларининг баҳолаш моделлари, алгоритмлари ва дастурий воситалари ишлаб чиқилган;

табиий-техноген характердаги гидрогеологик объектларнинг тасвирларига тезкор параллель ишлов бериш алгоритмлари ҳамда растрли тасвирлар асосида ҳудудлар геоахборот модели ва вазиятни баҳолаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

геоахборот моделга асосланиб, тематик қатламлар орасидаги корреляцион боғланишлар харитасини яратиш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш алгоритми ҳамда дастурий мажмуаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Табиий-техноген характердаги гидрогеологик объектларнинг геоахборот ресурсларига ишлов бериш жараёнларини бошқариш тизими ва математик моделлари асосида:

табиий-техноген характердаги ҳудудлар ер қатламларида ва шўрланиш даражасини башоратлаш моделларининг инструментал дастурий воситалар мажмуи Қорақалпоғистон Республикаси шимолий зонасида Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимига кирувчи корхоналарнинг технологик тизими «Оролбўйи гидрогеологик экспедициясининг Қорақалпоғистон гидрогеологик станцияси» давлат корхонасига жорий қилинган (Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2015 йил 14 июлдаги 08-1266-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши табиий-техноген характер-

даги ҳар бир гидрогеологик объектларнинг мелиоратив ва экологик ҳолатини баҳолаш ҳамда башоратлаш имконини берган;

табiiй-техноген характердаги гидрогеологик объектларнинг мелиоратив ҳолатини таъминлаш жараёнининг геоахборот моделлари ва инструментал дастурий воситалар мажмуи Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тизими корхоналарида жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2016 йил 31 октябрдаги 33-8/5937-сон маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижалари табiiй-техноген характердаги гидрогеологик объектларнинг геоахборот карталарини яратиш ва мелиоратив ҳолатини баҳолаш алгоритмлари ҳамда башоратлаш моделларини амалда жорий этиш ҳисобига самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш тизимини шакллантириш ва экологик хавфсизлик даражасини 11.2 % га оширишни таъминлайди;

табiiй-техноген характердаги гидрогеологик объектлар тасвирларидан маълумот олиш ва ишлов бериш жараёнларини параллеллаштириш дастурий воситалари «Китоб-Шаҳрисабз ерости сув олиш иншоотлари» тизимига жорий этилган (Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2015 йил 24 ноябрдаги 01/574-сон маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижалари табiiй-техноген характердаги гидрогеологик объектларнинг мелиоратив ва экологик ҳолатини қайта тиклаш жараёнларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, техноген объектлар сонини камайтириш ҳисобига мелиорация ҳудудларининг самарадорлигини 58,7 % дан 66,08 % га оширишни таъминлашга хизмат қилади.

Ташманов Ержан Байматович. «Видеоахборот тизимларида телевизион тасвирларнинг сифат даражасини ошириш ва филтрлаш жараёнларининг математик моделлари», 05.01.07–Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 14.07.2016/В2016.3.Т.157.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент ахборот технологиялари университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Тошкент ахборот технологиялари университети ва Ўзбекистон Миллий университети, 14.07.2016.Т.29.01.

Илмий маслаҳатчи: Маматов Машрабжон Шахабутдинович, физика-математика фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: Петров Николай Никандрович, физика-математика фанлари доктори, профессор (Россия Федерацияси); Зайнидинов Хакимжон Насридинович, техника фанлари доктори, профессор; Нигматов Хикматулла, техника фанлари доктори, профессор (Россия Федерацияси).

Етакчи ташкилот: «UZTELECOM» акциядорлик компанияси.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: видеоахборот тизимларида телевизион тасвирларнинг сифат даражасини ошириш ва филтрлаш жараёнларининг растрли моделлари, усуллари ҳамда алгоритмларини хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар ёрдамида ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

видеоахборот тизимларида телевизион тасвирларга ишлов бериш шакли ва усуллари, ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда жараёнга талаб этилган чегаравий шартлар ва мезонларга мувофиқ Фурье, вейвлет ҳамда дискрет-косинусли ўзгартиришлар киритиш механизми ишлаб чиқилган;

пикселларнинг ўртача интенсивлигини берилган қийматларида рақамли телевизион тасвирлардаги сифат кўрсаткичини визуал баҳолаш ва тасвирнинг тиниқлик даражасини таъминлаш жараёнини бошқариш усули ишлаб чиқилган;

рақамли телевизион тасвирларга вақтий ва фазовий ишлов бериш жараёнларининг икки параметрли нозизиқли тизими, алгоритми ҳамда математик модели ишлаб чиқилган;

видеоахборот тизимларида тасвирларни сегмент ва контурларга ажратиш усули ҳамда динамик кўринишдаги рақамли телевизион тасвирларга ишлов бериш жараёнларининг энтропий кодлаш модели ишлаб чиқилган;

видеоахборот тизимларида рақамли телевизион тасвирларга ишлов бериш жараёнларида дифференциал ва дискрет ўйинлар назариясига асосланиб, тасвирдаги нуқсонларни барта- раф этиш масалаларини хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар ёрдамида ечиш алго-

ритмлари ҳамда усуллари ишлаб чиқилган;

ночизиқли ўйинлар масаласини шакллантириш ва дифференциал тенгламалар асосида статик ҳамда динамик телевизион тасвирларга компьютерли ишлов беришда тасвир тиниқлигини оширишнинг чизиқли ва ночизиқли филтрлаш усуллари ишлаб чиқилган;

видеоахборот тизимларида тасвирлардаги силжишлар, аддитив, импульсли ва адаптив гаусс типдаги нуқсонларни анизотроп филтрлаш ҳамда тасвирларнинг бўлимли силлиқ моделлари ёрдамида бартараф этиш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Рақамли телевизион тасвирларга ишлов бериш жараёнларини бошқариш тизими ва математик моделлари асосида:

чизиқли ва ночизиқли филтрлаш алгоритми ва моделларининг инструментал дастурий воситалар мажмуалари Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тизимида, жумладан «Тошкент радио телевизион эшиттириш маркази» давлат унитар корхонасида жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2016 йил 4 октябрдаги 02-8/5459-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижалари асосида дифференциал ўйинлар назариясига асосланган тасвирларни адаптив ва аддитив филтрлаш усуллари, дастурий воситалар мажмуалари тасвирдаги силжиш ва нуқсонларни 11% дан 26% гача камайтириш имконини берган;

телевизион тасвирларга ишлов бериш жараёнларнинг икки параметрли ночизиқли тизими ва математик моделини ишлаб чиқиш алгоритми «UZDIGITAL TV» МЧЖда жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2016 йил 4 октябрдаги 02-8/5459-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижалари асосида яратилган алгоритм видеоахборот тизимларида тасвирларни сегмент ва контурларга ажратиш ҳамда динамик кўринишдаги рақамли телевизион тасвирларга ишлов бериш жараёнларининг энтропияли кодлаш моделини ишлаб чиқиш имконини берган;

телевизион тасвирлар сифат кўрсаткичларини баҳолаш алгоритми ва тиниқлик даражасини таъминлаш жараёнини бошқариш усули «Ўзбектелеком» АКнинг рақамли телевизион тармоқларида жорий қилинган («Ўзбектелеком» АКнинг 2016 йил 4 октябрь 28-01/1420-сон маълумотномаси). Диссертация тадқиқотининг натижалари тасвирнинг тиниқлик даражасини 8,5 % га ошириш ҳисобига рақамли телевизион тасвирларга ишлов бериш жараёнларини бошқариш тизими самарадорлигини ошириш имконини беради.

Гуляев Ринат Амирович. «Пахта тозалаш корхоналарида пахта хомашёси ва толани намлашнинг комплекс технологиясини яратиш усуллари», 05.01.08–Тўқимачилик материалла-ри технологияси ва хомашёга дастлабки ишлов бериш (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.Т342.

Илмий маслаҳатчи: Лугачев Анатолий Евгеньевич, техника фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: «Paxtasanoat ilmiy markazi» акциядорлик жамияти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, 14.07.2016.Т.06.01.

Расмий оппонентлар: Корабельников Андрей Ростиславович, техника фанлари доктори, профессор (Россия Федерацияси); Мурадов Рустам Мурадович, техника фанлари доктори, профессор; Мухаммадиев Давлат Мустафаевич, техника фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: «Ўзстандарт» агентлиги Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий тадқиқот институти.

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: толали материалларнинг табиий хусусиятларини сақланиб қолинишини таъминлайдиган босқичма-босқич намлашнинг юқори самарали технология, ускуна ва усуллари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

пахтани жинлаш жараёнидан олдин намлашнинг янги қурилмалари ишлаб чиқилган; пахта толасини пресслаш жараёнидан олдин намлашнинг янги усуллари ва қурилмалари ишлаб чиқилган;

фаоллаштирилган ва тузли эритмалар қўлланилган ҳолда толали материалларни намлашнинг усуллари ишлаб чиқилган;

пахта хомашёси ва пахта толасини намлаш қурилмаларининг рационал технологик ва конструктив кўрсаткичлари аниқланган;

пахта хомашёси ва пахта толасининг дастлабки намликларини жинлашда олинадиган пахта маҳсулоти ва прессланаётган пахта толасининг сифат кўрсаткичларига таъсири аниқланган;

пахта хомашёсини жинлашдан, пахта толасини эса пресшлашдан олдин намлашнинг янги комплекс технологиялари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Пахта тозалаш корхоналарида толали материалларни намлашнинг комплекс технологиясини яратиш бўйича ишлаб чиқилган илмий натижалар асосида:

Технологик жараёндаги толали материалларни намлаш усулларига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг тўртта ихтирога патенти олинган («Толали материалларни намлаш усули ва уни амалга оширувчи қурилма», №IAP 02733–2005 й.; «Толали материалларни намлаш усули», №IAP 02731, №IAP 02732–2005 й.; №IAP 03995–2009 й.). Илмий натижалар босқичма-босқич пахта ва унинг толасини намлаш технологиясини яратиш имконини берган;

пахта хомашёсини жинлашдан, пахта толасини эса пресшлашдан олдин намлаш технологиялари ҳамда толали материалларнинг намлигини аниқлаш қурилмаси «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси корхоналарида, жумладан Тошкент вилояти Чиноз экспериментал ҳамда Бўка пахта тозалаш корхоналарининг технологик тизимига ва Ўзбекистон «Сифат» Марказининг бўлинмалари қошидаги лабораторияларида жорий этилган. («Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компаниясининг 2016 йил 30 мартдаги МА-Э/431ХК-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий этилиши пахта толаси assortиментининг сифатини 5 фоизга яхшиланишини, ўров ва боғлов материалларининг сарфини ва транспорт харажатларини 1,4 фоизга камайишини таъминлайди, намликнинг меъёрдан камлиги сабабли нархдан чегириш ҳолатларига барҳам берилади.

Норхуджаев Файзулла Рамазанович. «Металл қатламли композицияларни ишлаб чиқариш ва термик ишлов беришнинг назарий ва технологик асосларини яратиш», 05.02.01–Машинасозликда материалшунослик. Қўймачилик. Металларга термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металллар металлургияси (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.Т312.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент давлат техника университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент давлат техника университети ва Ўзбекистон Миллий университети, 14.07.2016.Т/ФМ.02.02.

Расмий оппонентлар: Рискулов Алимжон Ахмаджонович, техника фанлари доктори; Михридинов Рискидин Михридинович, техника фанлари доктори, профессор; Абдуллаев Фатхулла Сағдуллаевич, техника фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: «Агрегат заводи» акционерлик жамияти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: юқори мустақамликка эга бўлган металл қатламли композициялар ишлаб чиқариш ва термик ишлов беришнинг назарий ва технологик асосларини яратиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

металл қатламли композицияларни олиш технологияси ишлаб чиқилган;

металлнинг кристалланиш жараёнида ички зўриқиш кучлари юзага келишини ифодаладиган аналитик усул такомиллаштирилган;

юқори зарбли қовушқоқликка эга бўлган металл қатламли композицияларнинг оптимал таркиби ишлаб чиқилган;

суюқ қотишмани квази яримкристаллиги ва диффузия механизмини эътиборга олган ҳолда металл қатламли композицияларнинг шаклланиш механизми аниқланган;

металл қатламли композицияларнинг термик ишлов бериш режимлари ишлаб чиқилган;

металл қатлам ва нометалл композицияларнинг композициядаги оралиқ қатлам қалинлигига нисбатан функционал боғлиқлиги кўрсатилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Металл қатламли композицияларни ишлаб чиқариш ва термик ишлов бериш

технологиясини яратиш асосида:

машинасозликда ишлатиладиган асбоб ва деталлар юзасига иссиқ ҳолда пресшлаш усули билан ейилишга чидамли қопламлар қоплаш технологияси «Муборакнефтваз» давлат унитар корхонасида асбоб ва деталларнинг хизмат муддатини ошириш учун қўлланилган («Ўзбекнефтвазқазибчиқариш» акциядорлик компаниясининг 2016 йил 26 октябрдаги 8/2-АК-778ж-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган технологиянинг қўлланиши штамплаш асбобининг хизмат кўрсатиш муддатини беш марта ошириш имконини берган;

металл қатламли композицияларнинг оптимал таркиби «Alutex» қўшма корхонасида асбоб ва деталларнинг механик хоссаларини ошириш учун татбиқ этилган («Alutex» қўшма корхонасининг 2016 йил 29 сентябрдаги 259-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган ейилишга чидамли қоплама материалнинг оптимал таркибининг қўлланиши металл қатламли композицияларнинг механик хоссаларини яхшилаш имконини берган;

штамплаш, металл қирқиш ва шакл бериш асбоблари учун биметалл композиция «Alutex» қўшма корхонасида асбоб ва деталларнинг мустақамлигини ошириш учун татбиқ этилган («Alutex» қўшма корхонасининг 2016 йил 29 сентябрдаги 259-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган биметалл композициянинг қўлланиши асбобларнинг мустақамлигини 1,5–2 марта ошириш имконини берган.

Тураходжаев Нодир Джахонгирович. «Алюминий қотишмаларини суюқлантириш даврида сифатли структура шаклланишининг илмий-техникавий ечими», 05.02.01–Машинасозликда материалшунослик. Қўймачилик. Металларга термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.Т45.

Диссертация бажарилган муассасалар номи: Тошкент давлат техника университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент давлат техника университети ва Ўзбекистон Миллий университети, 14.07.2016.Т/ФМ.02.02.

Илмий маслаҳатчи: Грачёв Владимир Александрович, техника фанлари доктори, профессор (Россия Федерацияси).

Расмий оппонентлар: Рискулов Алимжон Ахмаджонович, техника фанлари доктори; Михридинов Рискидин Михридинович, техника фанлари доктори, профессор; Абдуллаев Фатхулла Сагдуллаевич, техника фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Навоий давлат кончилик институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: алюминий қотишмаларини суюқлантириш даврида сифатли структура шаклланишини таъминлайдиган технология ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

юкланаётган алюминий шихтасининг ҳароратини 200°C дан 500°C га ошириб, қотишма таркибидаги водород миқдорини 8–10 % га, оксид қўшимчалари миқдорини эса 14–16 % га камайтирадиган технология ишлаб чиқилган;

алюминий қотишмасини суюқлантиришда қотишма таркибидаги водороднинг миқдорини 15–18% га, оксид қўшимчаларининг миқдорини 20–22% га камайтирадиган углеродли флюс таркиби ишлаб чиқилган;

алюминий қотишмасини суюқлантиришда қотишма таркибидаги водороднинг миқдорини 40–43% га, оксид қўшимчаларининг миқдорини 55–58% га камайтирадиган 2000–2100°C ҳароратли углерод муҳитида ишлов бериш технологияси ишлаб чиқилган;

алюминий қотишмасини суюқлантиришда сифатли структура ҳосил қилиш учун шихтани суюқлантириш ва юқори ҳароратли ишлов бериш печининг конструкцияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Алюминий қотишмаларини суюқлантиришда сифатли структура шакллантириш бўйича ишлаб чиқилган технология асосида:

печга юкланаётган шихтанинг қиздириш технологияси «Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинати» акциядорлик жамиятига олинаётган қотишма структурасидаги водород ва оксид қўшимчаларининг миқдорини камайтириш учун татбиқ этилган («Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинати» акциядорлик жамиятининг 2016 йил 18 апрелдаги УР/893-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган технологиянинг татбиқ этилиши қотишма структурасидаги водород миқдорини 8–10 % га,

оксид қўшимчаларининг миқдорини эса 14–16% га камайтириш имконини берган;

ишлаб чиқилган ҳимоя воситаси (флюс) «Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металл комбинати» акциядорлик жамиятига ванна юзасидан суюқ металл таркибига нометалл қўшимчаларининг сингишининг олдини олиш учун татбиқ этилган («Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металл комбинати» акциядорлик жамиятининг 2016 йил 18 апрелдаги УР/893-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган ҳимоя воситаси (флюс) нинг қўлланиши структурасидаги водород миқдорини 15–18% га, алюминий оксидининг миқдорини 20–22% га камайтириш имконини берган;

углерод ёрдамида юқори ҳароратда ишлов бериш технологияси «Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металл комбинати» акциядорлик жамиятига суюқ қотишма таркибидаги газ ва оксид қўшимчаларини чиқариш учун татбиқ этилган («Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металл комбинати» акциядорлик жамиятининг 2016 йил 18 апрелдаги УР/893-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган технологиянинг қўлланиши алюминий қотишмасининг таркибидаги водород миқдорини 40–43% га камайтириш, алюминий оксидининг миқдорини 55–58% га камайтиришга имкон берган;

қуймаларнинг йўналтирилган кристалланиш технологияси «Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металл комбинати» акциядорлик жамиятига деталь юзасида ейилишга чидамли қобиқ ҳосил қилиш учун татбиқ этилган («Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металл комбинати» акциядорлик жамиятининг 2016 йил 18 апрелдаги УР/893-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган технологиянинг қўлланиши деталларнинг ейилишга чидамли қобиғини ҳосил қилиб, хизмат кўрсатиш муддатини ошириш имконини берган.

Максудов Равшан Хасанович. «Пахта саноати асосий технологик машиналари юритмаларининг рационал схемаларини яратиш ва параметрларини ҳисоблаш усуллари», 05.02.03–Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва робототехника тизимлари (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.Т318.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Тошкент давлат техника университети ва Ўзбекистон Миллий университети, 14.07.2016. FM/Т.02.02 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш.

Расмий оппонентлар: Рудовский Павел Николаевич, техника фанлари доктори, профессор (Россия Федерацияси); Баходиров Ғайрат Атаханович, техника фанлари доктори; Ахмадхўжаев Хамид Турсунович, техника фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Андижон машинасозлик институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: пахта саноати технологик машиналарини юритиш механизмлари ишчи органларининг янги самарали схемаларини яратиш, юқори сифатли пахта толаси олишни таъминлайдиган параметрларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

пахта бунтларини бузгич машинасининг ишчи органи ва барабани такомиллаштирилган ҳамда пахта ғарамини титувчи машинанинг ишчи орган чангини тозаловчи қурилма яратилган;

пахта саноати технологик машиналари ишчи органларининг керакли ҳаракат қонунларини таъминлайдиган янги схемадаги узатмалар конструкциялари яратилган;

ишлаб чиқилган тасмали узатмаларнинг турли ҳаракат узатиш схемаларига мос равишда тасмалар таранглиklarини аниқлашнинг янги услублари ишлаб чиқилган;

пахта саноати технологик машиналарининг таркибида тавсия қилинган янги схемадаги узатмаларни инobatга олган ҳолда машина агрегатлари ишчи органларининг ҳаракат қонунлари олинган;

ишчи органларининг ҳаракат қонунлари ва юкланишлари тажрибавий усулларда аниқланган ҳамда ҳаракат қонунларининг технологик жараёнга ва тола сифатига таъсир этиши бўйича рационал параметрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Пахта саноати технологик машиналарининг ишчи органларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий натижалар асосида:

технологик машиналарнинг ишчи органларини такомиллаштириш йўналишида Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг 2 та ихтирога патенти олинган («Пахта бунтларини бузгич машинасининг ишчи органи», №IAP 03181-2006 й; «Пахта бунтларини бузгич машинасининг ишчи барабани», №IAP 03129-2006 й.). Натижада босқичма-босқич пахта ғарамларидаги пахта хомашёсининг сифатини сақлаган ҳолда технологик жараёнга узатиб бериш имконини берган;

пахта ғарамларини титувчи машиналарнинг ишчи органларини такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган («Пахта ғарамини титувчи машинанинг ишчи органи чангини тозаловчи қурилма», №IAP 04272-2006 й.). Натижада пахта ғарамларини титувчи машинанинг ишлаш давомийлигини узайтириш имкони яратилган;

технологик машиналарининг қуритиш барабани, сепаратор, пахта регенератори, пахта тозалаш агрегатининг майда ва йирик чиқиндилардан тозалаш секциялари, аррали жин, тола тозалагич ва линтер машиналарининг янги такомиллашган юритмалари «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси корхоналарида, жумладан Андижон вилоятининг 1-Андижон, Пайтуғ 3-Андижон, Хўжабод пахта саноати корхоналарида, Фарғона вилоятининг Тошлоқ, 2-Қўқон, Риштон, Қўқон пахта саноати корхоналарида, Жиззах вилоятининг Зарбдор пахта саноати ва Тошкент вилоятининг Алимкент пахта саноати корхоналарида жорий этилган («Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компаниясининг 2016 йил 24 октябрдаги МА-02/1381-сон маълумотномаси). Диссертация натижалари бўйича тавсия қилинган янги схемадаги юритмалар ва ишчи органларининг пахта саноати корхоналарида қўлланилиши умумий тозалаш самарадорлигининг 5,1% га ошишини, тола ифлослиги ва нуқсонлар йиғиндиси 1,23% га, чигитнинг механик шикастланиши 1,46% га, тозаланган пахтадаги эркин толалар миқдори 0,56% га камайишини таъминлади.

Мирсаатов Равшанбек Муминович. «Пиллалар сифатини назорат қилишга мўлжалланган статистик усулларни ва автоматлаштирилган қурилмаларни ишлаб чиқиш», 05.03.01–Асбоблар. Ўлчаш ва назорат қилиш усуллари (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.06.2015/В2015.2.Т535.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланиш институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент давлат техника университети ва «Илмий-техника маркази» масъулияти чекланган жамият, 14.07.2016.Т.02.01.

Илмий маслаҳатчи: Юсупов Ахмаджон Юсупович, физика-математика фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: Мухитдинов Мухсин Муминович, техника фанлари доктори, профессор; Хакимов Ортигали Шарипович, техника фанлари доктори, профессор; Сединин Валерий Иванович, техника фанлари доктори, профессор (Россия Федерацияси).

Етакчи ташкилот: Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти.

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик

Тадқиқотнинг мақсади: ипакли пиллалар қобиғини қаттиқлиги бўйича сифат кўрсаткичларини назорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш ва автоматлаштирилган қурилмаларни яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қобиғининг қаттиқлиги асосида пиллаларнинг сифат кўрсаткичлари, жумладан пиллаларнинг ипакчанлиги, ҳажмий қаттиқлиги, пиллаларнинг етилганлик даражаси, пилла қобиғининг қалинлиги ва зичлигини аниқлаш усуллари ишлаб чиқилган;

ипакли пиллалар ҳажмини аниқлаш имконини берадиган, мураккаб шаклдаги жисмлар ҳажмини аниқлаш қурилмаси ишлаб чиқилган;

етилмаган ва катта солиштирма ҳажмли (кар) пиллаларнинг улушини аниқлаш усули ва қурилмаси ишлаб чиқилган;

топширилаётган партияларда пиллаларнинг ҳақиқий ипак миқдорини, етилганлик даражасини, пилла қобиғининг қалинлиги ва зичлигини пилла қобиғининг қаттиқлиги асосида юқорида аниқликда ҳисоблаш имконини берувчи учта қурилма ишлаб чиқилган;

ипакли пиллаларни кесмасдан ипакчанлигини аниқлашга мўлжалланган, пиллаларнинг солиштирма ҳажмини ўлчайдиган ФТИ-1М асбоби тирик пиллаларнинг (3 кг) ўзгармас массали

намуналарини олиш ва ўлчов цилиндридаги пиллалар қатламининг баландлигини автоматик тарзда ўлчаш ҳисобига такомиллаштирилган. Пиллалар ипакчанлигини аниқлашнинг тезкор усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Пиллалар сифатини назорат қилишга мўлжалланган усуллар ва автоматлаштирилган қурилмаларни ишлаб чиқиш асосида:

пиллаларни кесмасдан ипакчанлигини аниқлаш бўйича «Пиллаларнинг ипак миқдорини аниқлаш усули», «Тирик пиллалардаги ипак миқдорини аниқлаш усули», «Пилладаги ипак миқдорини аниқлаш усули», «Ипак миқдорини пилла қобиғининг қаттиқлиги бўйича аниқлаш усули» Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг 4 та ихтирога патенти олинган (UZ IAP05164, 22.01.2016 й.; UZ IAP05014, 19.01.2015 й.; UZ IAP04905, 08.05.2014 й.; UZ IAP04652, 15.01.2013 й.). Ишлаб чиқилган усуллар ва уларни амалга оширувчи қурилмалар топширилаётган партияларида тирик пиллалардаги ипак миқдорини юқорироқ аниқликда ўлчаш имконини берган;

пилла партияларидаги нуқсонли пиллалар улушини аниқлаш бўйича «Катта солиштирма ҳажмли пиллаларнинг фоиз улушини аниқлаш усули» Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (UZ IAP05003, 05.12.2014 й.). Ишлаб чиқилган усул ва уни амалга оширувчи қурилма пиллаларнинг сифат кўрсаткичларига салбий таъсир этувчи етилмаган ва кар пиллаларнинг партияларидаги улушини юқорироқ даражада аниқлаш имконини берган;

ипакли пиллалар сифат параметрларини аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган усуллар ва улар асосида яратилган қурилмалар, тирик пиллаларнинг солиштирма ҳажмини ўлчайдиган такомиллаштирилган ФТИ-1М асбоби ҳамда тирик пиллалар ипакчанликни аниқлашнинг тезкор усули қишлоқ хўжалигига, жумладан Тошкент вилоятининг Янгийўл Бош пиллахонасига (2011–2015 йй.) жорий қилинган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2016 йил 9 январдаги 02/35-26-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши топширилаётган пилла партияларида тирик пиллаларнинг сифат параметрларини, жумладан пиллаларнинг ўртача ҳажми, ҳажмий қаттиқлиги, етилганлик даражаси, ипакчанлиги, етилмаган ва катта солиштирма ҳажмга эга бўлган (кар) пиллаларнинг фоизли улушини аниқлашга хизмат қилган.

Ишназаров Ойбек Хайрилаевич. «Минерал хомашё ресурсларни қайта ишлашда энергия тежамкор технологияларни ишлаб чиқиш (кон-металлургия саноат мисолида)», 05.05.01–Энергетика тизимлари ва мажмуалари (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 28.04.2016/В2016.2.Т675.

Илмий маслаҳатчи: Камалов Толяган Сиражиддинович, техника фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: «Илмий-техника маркази» МЧЖ.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Тошкент давлат техника университети ва «Илмий-техника маркази» МЧЖ, 14.07.2016.Т.02.01.

Расмий оппонентлар: Арипов Назиржон Мукарамович, техника фанлари доктори, профессор; Морозюк Татьяна, техника фанлари доктори, профессор (Германия); Алимходжаев Камолиддин Тиллаходжаевич, техника фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: рудани бойитиш технологик жараёнида ростланувчи электр юритма ва электр кўрсаткичларини меъёрлаш асосида энергия самарадорлигини таъминловчи техник ечимларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

насос деталларнинг емирилишига таъсир этувчи асосий омилларнинг функцияси сифатида емирилишининг математик модели ишлаб чиқилиб, насос деталлари емирилишига таъсир этувчи муҳим омиллар аниқланган;

частотавий ростланадиган «асинхрон мотор–пульпа тортиб чиқарувчи насос» тизимининг энергия ва ресурстежамкор режимлари ишлаб чиқилган;

электр энергия истеъмолининг самарадорликка ва майдалашнинг иккинчи босқичида тегирмонни шарлар билан тўлдириш даражасига боғлиқлиги аниқланган;

энергиятежамкорлик самарадорлигини баҳолаш учун электр истеъмолини меъёрлаш ва моделлаштиришнинг комплекс услуги ишлаб чиқилган;

асосий технологик кўрсаткичлари асосида электр энергия истеъмолини башорат қилиш модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Рудани бойитиш технологик жараёнида ростланувчи электр юритмалар ва электр кўрсаткичларини меъёрлаш асосида энергия самарадорлигини таъминловчи техник ечимларни ишлаб чиқиш асосида:

пульпани тортувчи насос қурилмасининг частотавий ростланувчи электр юритмасининг математик модели, насос қурилмаларининг энергиятежамкор иш режимлари, насос қурилмасининг структура схемалари ва уни бошқариш алгоритми Навоий кон-металлургия комбинати корхоналарида, жумладан 2- ва 3-Гидрометаллургия заводларида технологик жараёни бошқариш ва назорат қилиш учун насос қурилмаларига қўлланилган (Навоий кон-металлургия комбинатининг 2016 йил 4 майдаги 02-07-07/5028-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланиши насос қурилмалари бўйича электр энергия сарфининг 5 фоизга камайишига хизмат қилган;

частотавий ростланадиган «асинхрон мотор – насос» тизими ва технологик жараёнларда электроэнергия истеъмолининг башорати масалаларининг ечимлари ФА-Ф5-Ф050 «Турбомеханизмларда содир бўладиган ўзаро алоқадор электрик, гидравлик ва механик жараёнларни тадқиқ қилиш ва моделлаштириш ҳамда электр юритмаларини рационал бошқариш тизимларини ишлаб чиқиш» грант лойиҳасида (2007–2011) турбомеханизм қурилмаларини частотавий ростлаганда энергетик параметрларини ва электр энергия истеъмолининг таркибий тузилмасини, комбинацияланган частота орқали бошқариладиган асинхрон электр юритмани ўзаро аниқлашда қўлланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2016 йил 20 сентябрдаги ФТК-03-13/596-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши насос ускуналарини хизмат кўрсатиш муддатини ошириш, технологик жараёнларда электр энергия сарфининг пасайиши ва унинг ресурстежамкор режимларини таъминлаш ҳамда технологик жараёнларнинг энергиятежамкор иш режимларини аниқ баҳолаш имконини берган.

Титова Жанна Олеговна. «Насос станцияларининг ҳолатларини ростлаш алгоритмлари ва усуллари», 05.05.01–Энергетика тизимлари ва мажмуалари (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.Т174.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент давлат техника университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Тошкент давлат техника университети ва «Илмий-техника маркази» МЧЖ, 14.07.2016.Т.02.01.

Илмий маслаҳатчи: Аллаев Кахрамон Рахимович, техника фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: Тягунов Михаил Георгиевич, техника фанлари доктори, профессор (Россия Федерацияси); Хашимов Арифжан Адилевич, техника фанлари доктори, профессор; Камалов Толяган Сирожиддинович, техника фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: «Гидролойиҳа» акциядорлик жамияти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: насос ва гидроэлектрик станцияларнинг асосий ва ёрдамчи энергетик жиҳоз ва қувурларидаги бехосдан ўтиш жараёнлари ҳамда беқарор режимларига салбий таъсири ва оқибатларини пасайтирувчи алгоритм, усул, услуб ва қурилмаларини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

насос станцияларининг энергетик жиҳозларидан фойдаланиш муддатини ҳисобга олган ҳолда электромеханик ва гидромеханик ўтиш жараёнларини босқичма-босқич ечиш алгоритми ишлаб чиқилган;

насос станцияларининг беқарор режимларидаги энергия тизимларининг ўтиш жараёнларини тадқиқ қилиш имкониятини берувчи «қувур-насос-электрдвигатель-электр тармоқ» тизими элементларини ҳисоблашнинг умумлаштирилган математик модели ва дастурий мажмуалари ишлаб чиқилган;

насос станцияларининг энергетик жиҳозлари ва қувурларини гидравлик зарбадан ҳимоялаш учун қайта ишга тушириш қурилмасини қўллашнинг янги усуллари ишлаб чиқилган;

насос станцияларининг энергетик жиҳозлари ишончлилигини ошириш учун насоснинг дискли занжирини пропорционал бошқариш қурилмаси ишлаб чиқилган;

ростлаш тизимли пурковчи насос ёрдамида турли хил баландликдаги дренаж ва оқава сувларни бир вақтда чиқариш услуги ишлаб чиқилган;

бинодан фильтрацияли, дренаж ва ёмғир сувлари ҳамда насос станцияси ҳудудига туташган қисмдаги сувларни пурковчи насос ёрдамида бир вақтда олиб ташлашнинг ростлаш тизими яратилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Насос станциялари иш режимларининг алгоритми ва усулларини яратиш бўйича олинган натижалар асосида:

насос станциялари ва насосларни беқарор иш режимларини ростлашнинг энергиятежамкор восита ва усуллари, насос станциялари қувурларига гидравлик зарбани камайтиришнинг самарали тизимлари қишлоқ ва сув хўжалиги тизимидаги қатор, жумладан Қарши магистрал канали фойдаланиш бошқармасининг 1–4 КМК, «Мирзачўл» насос станцияларини эксплуатация қилишда вилоятлараро бошқармасининг ДНС-1, ДНС-2, ДНС-3 ва «Ховост-Ғаллакор» насос станцияларида жорий қилинган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2016 йил 28 июндаги 04/31-700-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилишида насос станциялари шахсий эҳтиёжларига электр энергия сарфини ўртача 4% га камайтириш имкониятини берди;

бинодан фильтрацияли, дренаж ва оқава сувлари ҳамда насос станцияси ҳудудига туташган қисмдаги сувларни пурковчи насос ёрдамида бир вақтда чиқариб ташлаш учун ростлаш тизимлари қишлоқ ва сув хўжалиги тизимидаги қатор, жумладан Наманган насос станцияси, энергетика ва алоқа бошқармасининг «Туркистон 1-1» ва «Туркистон 1-2», Қашқадарё насос станциялари энергетика ва алоқа бошқармасининг «Пахтакор», «Гувалак», Жиззах насос станциялари энергетика ва алоқа бошқармасининг «Қораянтоқ» ва «ДМ-1», Қарши кичик насос станцияларини эксплуатация қилиш бошқармасининг «М-2-2» насос станцияларида жорий қилинган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2016 йил 28 июндаги 04/31-700-сон маълумотномаси). Илмий натижаларни қўлланилишида 1 йил муддат ичида сарфларни қоплайдиган, шунингдек сарфларни қоплаш нормативидан 6,5 баробар энергия самарадор пурковчи насосларни ишлаб чиқиш имкониятини берган;

насос станцияларининг энергетик жиҳозларидан фойдаланиш муддатининг давомийлигини ҳисобга олган ҳолда электромеханик ва гидромеханик ўтиш жараёнларининг босқичма-босқич ечиш алгоритми, босим ҳосил бўладиган насос станция қувурларидаги гидравлик зарбаларни аниқлаш ва ҳисоблаш дастурлари, «қувур-насос-электродвигатель-электр тармоқ» тизим элементларининг ўзаро боғлиқлик умумлаштирилган математик модели ОТ-Ф5-036 «Энергетикада электромеханик ва гидромеханик ўтиш жараёнларнинг ўзаро боғлиқликларини формаллаштириш» грант лойиҳасида (2007–2011) ўтиш жараёнларидаги энергетик параметрларни аниқлаш учун фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2016 йил 20 октябрдаги ФТК-03-13/700-сон маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижаларининг қўлланилиши насос станцияларининг асосий ва ёрдамчи энергетик жиҳозлари ва қувурларидаги бехосдан ўтиш жараёнига тушиш ва беқарор режимлардаги салбий таъсирларни камайтириш имкониятини берган. Гидравлик зарб 40% га, босим тушишининг давомийлиги 1,5 мартага камайган.

Мирзабаев Акрам Махкамович. «Электр тизимларининг статик турғунлигини таҳлил қилишнинг матрица усуллари ва алгоритмлари», 05.05.02–Электротехника. Электр энергия станциялари, тизимлари. Электротехник мажмуалар ва қурилмалар (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.06.2015/В2015.2.Т540.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент давлат техника университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Тошкент давлат техника университети ва «Илмий-техника маркази» МЧЖ, 14.07.2016.Т.02.01.

Илмий маслаҳатчи: Аллаев Кахрамон Рахимович, техника фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: Чемборисова Наиля Шавкатовна, техника фанлари доктори, профессор (Россия Федерацияси); Игамбердиев Хусан Закирович, техника фанлари доктори, профессор; Соколов Валерий Константинович, техника фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: «Энергия» координацион диспетчерлик маркази.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: мураккаб электр тизимларида кичик тебранишлар таҳлилининг матрицали усуллари ва алгоритмларини, статик турғунлик чегарасини аниқлашнинг соддалаштирилган усуллари ишлаб чиқиш ҳамда тизимларни киритиш технологиясининг негизда автоматик ростлагич моделларини синтезлашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

квадратик шаклда Ляпунов функциялари асосида электр энергетика тизимлари турғунлигининг зарурий ва етарли шартларини таъминлайдиган, квадратик шаклдаги матрицанинг биринчи асосий минорининг ($q_{11} > 0$) мусбатлигидан иборат бўлган, электр тизими статик турғунлигининг соддалаштирилган мезони ишлаб чиқилган;

мураккаб электр тизимининг статик турғунлиги тадқиқотларини оддий «генератор-шина» схемасига келтириш имконини берадиган квадратик шаклда Ляпунов функцияларини ва тугун кучланишлар тенгламаларини биргаликда қўллаш усули ишлаб чиқилган;

электр энергетика тизимлари динамик хусусиятларини тадқиқ қилиш имконини берувчи тизимларни киритиш технологияси асосида мураккаб электр тизимининг муаммоли матрицаси ишлаб чиқилган;

электр энергетика тизимлари режим параметрларининг кичик қўзғалишларда тебранишларни демпферловчи ва турғунлигини таъминловчи қутбларни ўзгартириш алгоритми ишлаб чиқилган;

тизимларни киритиш технологияси асосида электр энергетика тизимларида кичик тебранишларнинг демпферланиши ва турғунлигини таъминловчи ростлагичларнинг математик модели ва синтезлаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Электр тизимларнинг статик турғунлигини таҳлил қилиш матрица усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

Ляпунов функциялари, матрица усуллари ва алгоритмлари асосида яратилган статик турғунлик назорати усуллари ва алгоритмлари «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти «КУЧГЭС» унитар корхонасида жорий қилинган («Ўзбекэнерго» АЖнинг 2016 йил 15 июлдаги DU-OP-21/2628-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқотлар натижалари статик турғунлик захираси кўрсаткичини 1% камайтириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилади;

киритиш технологияси асосида синтез қилинган ростлагичлар ва қутбларни ўзгартириш алгоритми «Узэлтехсаноат» акциядорлик компанияси, «Chirchiq trans-formator zavodi» акциядорлик жамияти тизимига жорий қилинган («Ўзэлтехсаноат» АКнинг 2016 йил 14 октябрдаги 04-149-сон маълумотномаси). Натижада кичик тебранишларни демферланишини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштирилган ҳар бир ТДТН-25000/110/35 трансформатори чулғамига сарфланадиган хомашёни ва материалларни 5% иқтисод қилишга эришилади;

генераторлар мутлақ бурчагига асосланган мураккаб электр тизимидаги кичик тебранишларда ўтиш жараёнларининг математик модели ва муаммоли матрицасини яратишга доир янги илмий техник ечимлар ОТ-Ф5-036 «Энергетикада электромеханик ва гидромеханик ўткинчи жараёнларининг ўзаро боғлиқликларини формаллаштириш» (2007–2011) лойиҳасида электромеханик ўткинчи жараёнларни формаллаштиришда фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг 2016 йил 26 октябрдаги ФТК-0313/722-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши электромеханик ва гидромеханик ўткинчи жараёнларининг ўзаро боғлиқликларини формаллаштириш жараёнини энгиллаштирди ва илмий тадқиқотлар самарадорлигини оширишни таъминлашга хизмат қилади.

Юлдошев Исроил Абриевич. «Кристалли кремний фотоэлектрик батареялари асосида бириктирилган энергетик қурилмалар», 05.05.06–Қайта тикланадиган энергия турлари асосидаги энергия қурилмалари (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/ В.2014.3-4Т.252.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Физика-техника институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Физика-техника институти ва Самарқанд давлат университети, 14.07.2016. FM/Т.12.01.

Илмий маслаҳатчи: Турсунов Мухаммад Нишанович, техника фанлари доктори.

Расмий оппонентлар: Мухаммадиев Муродулла, техника фанлари доктори, профессор;

Хайриддинов Ботир Эгамбердиевич, техника фанлари доктори, профессор; Абдуқодиров Муҳиддин Абдурашидович, техника фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Фарғона политехника институти.

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: тўғри ва акслантирилган қуёш нурланиши учун оптимал параметрларга эга бўлган иссиқ иқлим шароитларига мўлжалланган фотоэлектрик батарея асосида бириктирилган энергетик қурилмаларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

фотоэлектрик батареяни қуёшга нисбатан оператив равишда ориентация қилишнинг интерфейс усули таклиф қилинган;

иссиқ иқлим шароитларига мослаштирилган қўшимча қуёш элементлари билан таъминланган фотоэлектрик батарея конструкцияси ишлаб чиқилган;

фотоэлектрик батареянинг ҳарорат динамикаси ўзгаришини аниқлашга имкон берувчи Solid Works Flow Simulation дастурида фотоиссиқлик қурилмасининг иссиқлик модели ишлаб чиқилган ва фотоиссиқлик батареяси ҳароратига сув оқими тезлигининг таъсири баҳоланган, фотоиссиқлик батареясининг иш ҳарорат режимининг барқарорлигини таъминловчи совитувчи трубклар учун материаллар тури ва уларнинг металл-лист асосидаги (иссиқлик ютувчи материал) абсорбернинг конструкция элементига боғлиқлиги аниқланган;

илк бор экспериментал фотоэлектрик батарея ўлчамларига мутаносиб акслантирувчи рефлекторларнинг қўлланилиши қуёш нурланиши оқим зичлигини 1,6 марта ва мос равишда қуёш элементлари қувватини 18% га, термобатареяда эса 47% ортишига олиб келган. Термоэлектрик батареяларнинг қўлланилиши ҳисобига қуёш элементининг ҳарорати пасайиши натижасида қуёш элементлари самарадорлигининг 2% га ортиши аниқланган;

юзаси тоза ва чангланган фотоэлектрик батареяда фойдали иш коэффициенти нисбий ўзгаришини аниқлашга имкон берувчи фотоэлектрик батарея юзасининг чанглиниш даражасини аниқлаш усули таклиф этилган;

бошқариладиган совитиш мосламасига эга фотоэлектрик қурилма ишлаб чиқилган, иккита айнан ўхшаш фотоэлектрик батареянинг эксплуатацион характеристикаларига мажбурий ҳаво совитишнинг таъсири ўрганилган ҳамда совитувчи ҳаво оқими тезлигининг фотоэлектрик батарея қувватига чизиқли боғлиқлиги аниқланган;

фотоиссиқлик батареяси электрик қувватини 38% га ўзгартирувчи полимер трубклар асосида совитиш мосламасига эга фотоиссиқлик қурилмасининг янги варианты ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 22 августдаги ПФ-4556-сон Фармони билан «Кремнийли фотоайлантирғичлар асосидаги қуёш нурланишини бевосита электр энергияга айлантирувчи ҳозирги замон тизимлари ишланмасини яратиш ва уларни ишлаб чиқиш» амалий тадқиқоти учун фан ва техника соҳасидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган. Илмий натижанинг амалиётга жорий қилиниши иссиқ иқлим шароитига мослаштирилган қўшимча қуёш элементлари билан таъминланган фотоэлектрик батарея конструкцияси ва фотоиссиқлик батареяси электрик қувватини 38% га оширувчи полимер трубклар асосида совитиш мосламасига эга фотоиссиқлик қурилмасининг янги варианты ишлаб чиқилган бўлиб, кунига 1,5 кВт қувватли электр энергияси ва 150 литр сувни иситиб бериш ҳисобига ёқилғи ресурсларини тежаш имконини берган.

Гуламов Азамат Эшанкулович. «Янги маҳаллий дурагай пиллаларни чувиш ва юқори сифатли хом ипак олиш технологиясини такомиллаштириш», 05.06.02–Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга дастлабки ишлов бериш (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.Т341.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Тошкент давлат техника университети ва Ўзбекистон Миллий университети, 14.07.2016. FM/T.02.02 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш.

Илмий маслаҳатчи: Алимова Халимахан, техника фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: Муқимов Мирабзал Мираюпович, техника фанлари доктори, профессор; Умаров Шавкат Рамазонович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори; Муродов Рустам

Муродович, техника фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон табиий толалар илмий-тадқиқот институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: янги маҳаллий дурагай пиллаларининг чувиш технологияларини такомиллаштириш асосида юқори сифатли хом ипак олиш ва ипак маҳсулотларининг турларини кенгайтириш усулларини яратиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

аралаш толалардан бикомпонентли йигирилган ип олиш усули ишлаб чиқилган; трикотаж маҳсулотларини олиш учун чийратма шойи ипларни тайёрлаш усули яратилган; комбинацияли «Ипаклайкра» ипларни олиш усули ишлаб чиқилган;

юқори сифатли хом ипак ишлаб чиқариш технологияси, чувилаётган пилла қобиғи хусусиятлари, шакли ва чарх параметрларининг таъсир этиш қонуниятлари аниқланган;

ҳалқаро давлат стандарти талабларига жавоб берувчи «А» синфига мансуб юқори сифатли хом ипак ишлаб чиқариш имконини берувчи замонавий зот ва дурагай пиллаларни чувиш параметрлари асосланган ва технологияси такомиллаштирилган;

ипакдан сифати яхшиланган кўз жарроҳлик ипини олишда икки ўтимга қисқартирилган технологик жараён ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Янги маҳаллий дурагай пиллаларни чувиш ва юқори сифатли хом ипак олиш технологиясини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий натижалар асосида:

соф пахта йигирилган ипга нисбатан сифати яхшиланган пахта-ипак йигирилган ипини ишлаб чиқариш янги технологияси бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган («Аралаш толалардан бикомпонентли йигирилган ип олиш усули», №ІАР04347-2008 й.). Натижада нисбий узилиш кучи ошган, соф пахтадан йигирилган ипга нисбатан маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларини яхшиланиши имкони яратилган;

«Ипаклайкра» ипини олиш усулини ишлаб чиқиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган («Комбинацияли ипларни олиш усули», №ІАР04441-2011 й.). Натижада олинган маҳсулотнинг эластиклик даражасини ва мустаҳкамлигини оширишга имконият яратилган;

хом ипакдан эшилган трикотаж ипи олиш усули бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган («Трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун чийратма шойи ипларни тайёрлаш усули», №ІАР04056-2009 й.). Илмий натижалар сифатли тирикотаж иплари олишнинг янги технологиясини яратиш имконини берган;

янги маҳаллий дурагай пиллаларни чувиш ва юқори сифатли хом ипак олиш технологияси «Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамияти корхоналарида, жумладан Фарғона вилоятининг «BESHARIQTEKSTIL» ҚК, «NURLI TONG SILK» МЧЖ, Наманган вилоятининг «VERIGROW» МЧЖ корхоналарида жорий этилган («Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамиятининг 2016 йил 24 октябрдаги БС-12-2922-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий этилиши маҳаллий дурагай пиллаларидан ҳалқаро стандарт талабларининг «А» синфига мос хом ипак олиш имконини берган ҳамда тоза пахта ипи билан солиштирилганда, пахта ипак ипининг сифатини 20–40% га оширишга эришилган.

Усманкулов Алишер Кадиркулович. «Иссиқлик-намлик алмашув жараёнларини тезлаштириш асосида юқори иш унумли пахтани қуритиш ускунаси ва технологиясини яратиш», 05.06.02–Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга дастлабки ишлов бериш (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.Т350.

Диссертация бажарилган муассасаноми: Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, 14.07.2016.Т.06.01.

Илмий маслаҳатчи: Парпиев Азимжон, техника фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: Ахмадхўжаев Хамид Турсунович, техника фанлари доктори, профессор; Рахмонов Хайриддин Кадирович, техника фанлари доктори; Сидиков Исамидин Хакимович, техника фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «SIFAT» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: иссиқлик-намлик алмашув жараёнларини жадаллаштириш асосида пахтани юқори иш унумли қуритиш ускунаси ва технологиясини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ички мосламалар конструкцияси такомиллаштирилган, янги юқори иш унумли пахта қуритиш барабани ва технологияси яратилган;

пахта, тола, тукли ва туксиз чигитларнинг иссиқлик ўтказувчанлиги ҳамда иссиқлик сиғимини намлик, ҳажмий зичлик ва қуритиш температурасига қараб ўзгаришини ҳисоблаш услуги ишлаб чиқилган;

тола массаси ва чигит ядросида иссиқлик, намликни фазовий ҳамда вақтли тақсимланишининг турли қонуниятлари асосида пахта толаси ва чигитини қуриш бир текислигини таъминловчи қуритиш режими ишлаб чиқилган;

иссиқлик тарқалиши назарияси асосида муҳитнинг кўп компонентлилигини ҳисобга олувчи нам пахтанинг самарали (келтирилган) иссиқлик ўтказувчанлигини ҳисоблаш услуги ишлаб чиқилган;

қуритиш вақтида чигит ядроси ва қобиғи ҳажмининг ўзгариши, ҳаво қатлами ҳосил бўлиши, уларга пахта бошланғич намлигининг таъсир даражаси аниқланган;

ҳаво температураси ва пахта компонентларининг намлиги ҳамда температурасининг ўзгаришини аниқлаб берувчи қонуниятлар асосида қуритиш барабанининг узунлигидан самарали фойдаланиш имконияти яратилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Иссиқлик-масса алмашув жараёнларини жадаллаштириш асосида юқори иш унумли қуритиш ускунаси ва технологиясини яратиш бўйича ишлаб чиқилган натижалар асосида:

ички мосламалари конструкцияси такомиллаштирилган пахта қуритиш барабанини яратиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган («Чигитли пахта қуритиш барабани-1», №ІАР03063–2006 й.). Натижада пахтани барабан юзаси, узунлиги бўйича бир текис титилган ҳолда тақсимланиш имконияти яратилган;

юқори иш унумли пахта қуритиш барабанини яратиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган («Чигитли пахта қуритиш барабани-2», №ІАР 03064–2006 й.). Натижада пахта ва ҳаво билан конвектив иссиқлик-намлик алмашинуви жараёнини жадаллаштириш имконини берган;

юқори иш унумли қуритиш ускунаси ва технологияси «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси корхоналарида, жумладан Пайтуғ пахта тозалаш корхонаси ва Чинобод пахта тозалаш корхоналарида таклиф этилган технологик регламент асосида жорий қилинган («Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компаниясининг 2016 йил 24 октябрдаги МА-02/1380-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий этилиши қуритгичда намлик олишни ўртача (нисбий) 64,2 фоизга ошишини ва толада нуқсонли аралашмалар миқдорининг 0,5 фоизга камайишини таъминлайди.

Хакимов Шерқул Шерғозиевич. «Пахта хомашёсини ифлосликлардан тозалаш жараёни самарали технологиясини ва тозолагичлар ишчи қисмларининг рационал конструкциясини яратиш», 05.06.02–Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга дастлабки ишлов бериш (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 28.04.2016/В2016.2.Т191.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, 14.07.2016.Т06.01.

Илмий маслаҳатчи: Турсунов Ҳамидулла Қўчқорович, техника фанлари доктори.

Расмий оппонентлар: Муродов Рустам Муродович, техника фанлари доктори, профессор; Эргашов Махаматрасул, техника фанлари доктори, профессор; Мухаммадиев Давлат Мустафаевич, техника фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «SIFAT» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: пахта хомашёсини майда ва йирик ифлосликлардан тозалашнинг юқори иш унумдорлигидаги самарали технологиясини, тозалагичларнинг янги ресурстежамкор ишчи қисмларини ҳамда кетма-кет технологияли тозалагич асосида тозалаш оқимини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

пахта хомашёсини йирик ифлосликлардан тозаловчи кетма-кет технологияли тозалагич яратилган;

пахта хомашёси таркибидаги майда ифлосликларни тозаловчи узун қозикли барабан яратилган ҳамда унинг технологик кўрсаткичлари аниқланган;

аррали барабан юзасидан пахта хомашёсини ажратувчи, йўналтирувчи барабан ва илдирувчи мослама яратилган;

янги тозалагичнинг ейилувчанлиги кам ишчи қисмларининг асосий технологик кўрсаткичлари аниқланган;

чигитли пахта хомашёсини майда ва йирик ифлосликлардан тозаловчи самарали тозалаш оқими яратилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Пахта тозалаш корхоналарида пахта хомашёсини тозалаш технологиясини яратиш бўйича ишлаб чиқилган илмий натижалар асосида:

пахта хомашёсини ифлосликлардан тозалаш технологик жараёнидаги қурилмаларга Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг бешта ихтирога патенти олинган («Пахта хомашёсини тозалагич», №IAP 03994-2009 й., №IAP 04054-2009 й.; «Пахта хомашёсини қуриштириш ва тозалаш агрегати», №IAP 03829-2008 й.; «Пахта хомашёси таркибидаги оғир аралашмаларни ушлагич», №IAP 04231-2010 й.). Бу пахта хомашёсини ифлосликлардан самарали тозалаш ускуналарини ишлаб чиқиш имконини яратган;

пахта хомашёсини ифлосликлардан тозалагич ишчи қисмига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган («Пахта хомашёсини тозалаш ва титиш барабани», №IAP 03913-2009 й.). Бу пахта хомашёсини майда ифлосликлардан самарали тозалаш имконини берган;

ишлаб чиқилган янги пахта тозалаш ускуна ва технологиялари «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси корхоналарида, жумладан «Сайхунобод пахта тозалаш» ОАЖда, «Шеробод пахта тозалаш» АЖда жорий этилган («Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компаниясининг 2016 йил 18 июндаги МА-Э/791-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий этилиши тозалаш ускуналарининг ишончли ишлашини, пахта толаси ассортиментининг бир синф юқорига ўтишини ва ишлаб чиқариш харажатлари 15–20 фоизга камайишини таъминлайди.

Имомқулов Қутбиддин Боқижонович. «Кам энергия сарфлаб тупроққа ишлов берадиган машиналарни яратиш», 05.07.01–Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.Т77.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти, Тошкент давлат техника университети, Тошкент ирригация ва мелиорация институти, Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети, 14.07.2016.Т.07.01.

Илмий маслаҳатчи: Тўхтақўзиев Абдусалим, техника фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: Маматов Фармон Муртозевич, техника фанлари доктори, профессор; Ахметов Адилбек Агабекович, техника фанлари доктори; Муродов Нусрат Муртазаевич, техника фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: «ВМКВ-Агромаш» АЖ.

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: тупроқ билан очиқ кесиш шароитида таъсирлашадиган иш органларига эга энергия ва ресурстежамкор тупроққа ишлов бериш машиналарини ишлаб

чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тупроқни очиқ кесиш шароитида ишлаётган уч ёқли ва тик пона кўринишидаги иш органлари таъсири остида деформациялаш ва парчалаш учун техник ечимлар ишлаб чиқилган;

тупроққа экиш олдидан ишлов берувчи ва иш органлари очиқ кесиш шароитида ишлайдиган энергиятежамкор чизел-култиваторнинг технологик ва конструктив схемалари ишлаб чиқилган;

тупроққа ағдармасдан чуқур ишлов берувчи кам энергия сарфига эга яссикескич-чуқур юмшаткичнинг технологик ва конструктив схемалари ишлаб чиқилган;

тупроқни очиқ кесиш шароитида ишлайдиган уч ёқли ва тик пона кўринишидаги иш органлари таъсири остида деформацияланиш ва парчаланиш жараёнлари учун математик моделлар ва аналитик боғланишлар мажмуаси яратилган;

тупроқ билан очиқ кесиш шароитида таъсирлашаётган иш органлари сифат ва энергетик кўрсаткичларини уларнинг параметрлари, ишлов бериш чуқурлиги ва ҳаракат тезлигига боғлиқ равишда ўзгариш тавсифлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Кам энергия сарфлаб тупроққа ишлов берадиган машиналарни ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

даладан бир ўтишда унинг юқори қатламини юмшатиб, текислаб уруғ экиш учун майин қатлам ҳосил қилиб кетадиган КМ-3,0 комбинациялашган машинанинг саноат нухаси ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси «Ўзагрошсервис» уюшмасининг 2016 йил 4 октябрдаги 02/13-2016-сон маълумотномаси). Олинган натижалар асосида ишлаб чиқилган комбинациялашган машинани қўллаш ерларга экишдан олдин ишлов беришда эксплуатацион харажатларнинг камайишини таъминлайди;

тупроққа асосий ва юза ишлов беришда қўлланиладиган энергия-ресуртежамкор чизел-култиватор ва яссикескич-чуқурюмшаткичлар ишлаб чиқилиб, улар Тошкент вилоятининг Янгийўл ва Қуйи Чирчиқ туманларидаги фермер хўжаликларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2016 йил 8 апрелдаги 02/23-511-сон маълумотномаси). Натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши ерларга ишлов беришда ёқилги сарфини 1,3–1,4 мартага, моддий харажатлар сарфини 19,1–22,8 фоизга камайиши ва иш унумини 1,3–1,5 мартага ортишига олиб келади;

тупроқни очиқ кесиш шароитида ишлайдиган уч ёқли ва тик пона кўринишидаги иш органлари таъсири остида деформацияланиш ва парчаланишига доир янги илмий-техник ечимлар ҚХФ-2-003 «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида турли технологик жараёнларни қўшиб бажарадиган мобиль энергия-ресуртежамкор агрегатларни яратишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» грант лойиҳасида (2012–2016 йй.) тракторнинг олди ва орқасига осиладиган секциялардан иборат ерларга экиш олдидан ишлов берувчи комбинациялашган машина иш органларининг тури ва шаклини танлаш, уларни рамада мақбул жойлаштириш, иш органлари орасидаги бўйлама ва кўндаланг масофалар, уларнинг ўрнатилиш бурчаклари ва қамраш кенлиги ҳамда агрегат ҳаракат тезлигини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2016 йил 7 октябрдаги ФТК 03/13-671-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши тупроққа ишлов берувчи янги машиналарнинг энергия ва материал ҳажмдорлигини камайтириш, иш органларининг мустақамлигини таъминлаш имконини берган.

Худаяров Бердирасул Мирзаевич. «Ўзапоёли далаларни пуштага экиш учун тайёрлашнинг илмий-техникавий ечимлари», 05.07.01–Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш (техника фанлари). Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 28.04.16/В2016.2.Т361.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент давлат аграр университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Тошкент автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти, Тошкент давлат техника университети, Тошкент ирригация ва мелиорация институти, Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети, 14.07.2016.Т.07.01.

Илмий маслаҳатчи: Маматов Фармон Муртазоевич, техника фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: Тўхтақўзиев Абдусалим, техника фанлари доктори, профессор; Байбобоев Набижон Ғуломович, техника фанлари доктори, профессор; Ахметов Адилбек Агабекович, техника фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: «БМКБ-Агромаш» АЖ.

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: ғўзапояли далада ғўзапояларни ётқизиш, улар устида янги пушта ва мавжуд пушталар ўрнида янги эгатларни ҳосил қилиш технологияси ва уни амалга оширадиган комбинациялашган агрегатни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ғўзапояли далаларни агрегат ёрдамида бир ўтишда пуштага экиш учун тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилган;

ғўзапояларни бир йўла ён эгатга ётқизиш ва устига тупроқ ағдариш орқали эски эгат ўрнида янги пушта, мавжуд пушта ўрнида эса янги эгат ҳосил қилишни амалга оширувчи комбинациялашган агрегатнинг принципиал схемаси ва конструкцияси яратилган;

ғўзапояларни эгилтириш ва пушта тупроғини бўлакларга ажратиш, уларнинг ҳар бирини ён эгатга алоҳида ағдариш, янги пушта ҳосил қиладиган самарали усул ишлаб чиқилган;

комбинациялашган агрегат ва унинг иш органларини ғўзапоя ҳамда тупроқ билан ўзаро таъсирлашиш жараёнларини ифодаловчи аналитик боғланишлар асосида иш органларининг рационал параметрлари аниқланган;

ғўзапояли далаларни пуштага экиш учун тайёрлашда эгилтиргич, сферик диск, ясси диск ва пуштаолгич каби иш органларидан ташкил топган комбинациялашган агрегат яратилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Ғўзапояли далаларни бир ўтишда пуштага экиш учун тайёрлаш технологияси ва уни амалга оширадиган комбинациялашган агрегатни ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

ғўзапояли даладан бир ўтишда ғўзапояларни эгатга ётқизиш устида янги пушта, мавжуд пушта ўрнида эса янги эгат ҳосил қилиш усули бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг учта ихтирога патенти олинган («Чопиқ экинларини пушта ва жўякларга экиш учун ерни тайёрлаш усули», №ИАР 02613–2005 й.; «Жўякларда ҳайдаладиган экинларни экиш учун ерни тайёрлаш усули» №ИАР 03071–2006 й.; «Тупроққа ишлов бериш ва экиш усули» №ИАР 04004–2009 й.). Илмий натижалар пахтачилик соҳасида анъанавий технологиянинг ўрнини босувчи энергия-ресурсстежамкор технологияларни яратиш имконини берган;

пахта далаларини шудгорламасдан экишга тайёрлашда қўлланиладиган тупроққа ишлов берувчи қуроллар бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг учта ихтирога патенти олинган («Тупроққа ишлов берувчи мужассамлашган қурол», №ИАР 03192–2006 й.; «Тупроққа ишлов бериш қуроли», №ИАР 03148–2006 й.; «Тупроққа ишлов бериш ва экиш учун мужассамлашган қурол», №ИАР 03618–2008 й.). Олинган натижалар асосида амалиётда алоҳида машиналар билан бажариладиган технологик жараёнларни бир ўтишда бажариб кетадиган комбинациялашган агрегатлар ишлаб чиқилган;

ғўзапояли далаларни пуштага экиш учун тайёрлаш технологияси ва комбинациялашган агрегат 2008–2014 йиллар давомида Қуйи Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ ва Бекобод туманларидаги фермер хўжалиқларида жорий қилинган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2015 йил 28 ноябрдаги 02/23–998-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши ёнилғи-мойлаш материалларини 3,3 марта, умумий меҳнат сарфини 3,5 марта ва фойдаланиш харажатларини 2,8 мартагача камайтириш, иш унумини 3,4 марта ошириш, тупроқ унумдорлигини яхшилаш имконини беради.

Курбанбаев Шухрат Эргашевич. «Маҳаллий минерал хомашёлар асосида ўтга чидамли қоплама ва теплоизоляция тўлдирувчилар яратиш», 05.10.02–Фавқулодда ҳолатларда хавфсизлик. Ёнғин, саноат, ядро ва радиация хавфсизлиги (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.Т209.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби.

ИК фаолият қўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Тошкент ирригация ва мелиорация институти, Тошкент архитектура-қурилиш институти ва Тошкент темир йўл муҳандислари институти, 16.07.2013.Т.23.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш.

Илмий маслаҳатчи: Мирзаев Сирожиддин Зайниевич, физика-математика фанлари

доктори.

Расмий оппонентлар: Тўлаганов Абдуқобил Абдунабиевич, техника фанлари доктори, профессор; Щипачева Елена Владимировна, техника фанлари доктори, профессор; Исмоилов Равшан Исроилович, кимё фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: маҳаллий минерал хомашёлар асосида ёнғинга қарши ҳимоя воситаларини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

вермикулит минерали асосида юқори дисперсли ўтга чидамли теплоизоляцияцион тўлдирувчилар яратилган;

вермикулит минерали асосида нисбатан паст ва юқори ҳароратда қавариқланувчи вермикулитлар, гидрофоб вермикулит, юқори қавариқланиш даражасига эга бўлган вермикулит ва яхши ғовақдорликка эга бўлган вермикулит турлари ишлаб чиқилган;

майин дисперсли вермикулит минералини ультратовуш таъсири ва кимёвий реагентлар билан модификациялаш орқали вермикулитнинг олов ва иссиқлик таъсиридан ҳимояловчи функциясини ошириш усули яратилган;

давлат стандартлари талаблари бўйича ёғоч қурилиш материалларининг қийин ёнувчан гуруҳга ўтишини таъминловчи майин дисперсли модификацияланган вермикулитлар асосида олов таъсиридан кўп босқичли ҳимояловчи янги таркиблар ишлаб чиқилган;

майин дисперсли модификацияланган вермикулитлар асосида оловдан ҳимояловчи силикат бўёқ маҳсулотини олиш технологияси ишлаб чиқилган;

қавариқланган вермикулит асосида ёнғинга қарши тўсиқлар сифатида ишлатишга мўлжалланган ўтга чидамли, иссиқдан сақловчи материаллар ишлаб чиқилган;

майин дисперсли вермикулит ва ортофосфат кислоталари асосида ўтга чидамли, янги таркибли ноорганик ғоваксимон материал яратилган;

майин дисперсли вермикулитлар асосида янги суюқ ўт ўчириш таркиблари яратилди ва ушбу таркиблар самарадорлигини баҳолаш бўйича қўшимча кўрсаткичларини аниқлаш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Маҳаллий минерал хомашёлар асосида ўтга чидамли қоплама ва теплоизоляцияцион тўлдирувчилар яратиш бўйича олинган натижалар асосида:

ёғоч қурилиш материалларини олов таъсиридан самарали ҳимояловчи янги таркибли бўёқ материални маҳаллий минерал хомашё – «Тебинбулоқ» вермикулити асосида ишлаб чиқариш «Ўз-ДонгЖУ Пэинт Ко» МЧЖ қўшма корхонасида жорий қилинган («O'zAvtosanoat» акциядорлик компаниясининг 2016 йил 17 октябрдаги №7/04-25-2340-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган оптимал хоссаларга эга бўёқ материали ёғоч қурилиш конструкциялари ва материалларининг оловбардошлилиги ошишини таъминлайди;

маҳаллий минерал хомашё – «Тебинбулоқ» вермикулити асосида ишлаб чиқилган ёғоч материалларини олов ва иссиқлик таъсиридан самарали ҳимояловчи бўёқ материали ва қопламалар Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги якка тартибдаги намунавий уй-жойлар қурилишида ва ишлаб чиқариш корхоналарининг турли биноларида қўлланилган (Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармасининг 2016 йил 26 октябрдаги №29/3-1-3456-сон маълумотномаси). Натижада объектларнинг ёнғин хавфлилиги даражаси 1,1–1,8 мартага, ёнғиннинг келиб чиқиш эҳтимоллиги 2–3 фоизга ва ёнғин зиён миқдорининг 1–2 фоизга камайишига эришилган;

антипирен хоссали модда ва аралашмалар билан модификацияланган юқори дисперсли инерт тўлдирувчилар асосида олов таъсиридан ҳимояловчи таркибларни яратиш ва улар асосида қурилиш конструкциялари ва материалларининг оловбардошлилигини ошириш усуллари №КА-14-003 «Саноат чиқиндилари асосида олинган ресурстежамкор антипиренлар билан ишлов берилган оловбардош қурилиш ашёларини яратиш ва тадқиқ этиш» лойиҳасида (2015–2017 йй.) янги антипирен таркибларнинг ёғоч материални оловга бардошлилик самарадорлигини оширишда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2016 йил 24 октябрдаги №ФТК-0313/707-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши ёғоч материалларини оловга бар-

дошлилигини самарали оширувчи комбинациялашган хоссали янги антипирен таркибларни яратиш имконини берган.



Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича докторлик диссертациялари ҳимояси тўғрисида эълонлар

Избасаров Баҳром Эргашевич. «Ѓўза ва унга издош экинлардан юқори ҳосил етиштириш ҳамда тупроқ унумдорлигини ошириш тадбирлари (Жиззах чўли шароитида)»,

06.01.01–Умумий деҳқончилик. Пахтачилик (қишлоқ хўжалиги фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 12.05.2015/В2015.1.Қх154.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент давлат аграр университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, Андижон қишлоқ хўжалик институти ва Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти, 14.07.2016. Қх/В.24.01.

Расмий оппонентлар: Мирзажонов Қирғизбой Мирзажонович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор; Ўразматов Назир, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори; Ибрагимов Одилжон Олимжонович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: Самарқанд қишлоқ хўжалик институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: Жиззах вилоятининг кучсиз шўрланган, ўтлоқлашиб бораётган оч тусли бўз тупроқларида тупроқ унумдорлигини яхшилаш ҳамда экинлар ҳосилдорлигини оширишда навбатлаб экишнинг 1:1 ва 2:1 тизимларида такрорий экин турларини танлаш, улардан кейин экиладиган ғўза ва кузги буғдойнинг мақбул ўғит меъёрларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Жиззах вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари унумдорлигини оширишда қисқа навбатлаб экишнинг 1:1 (кузги буғдой+такрорий экинлар: ғўза) ва 2:1 (кузги буғдой+такрорий экинлар: кузги буғдой+такрорий экинлар: ғўза) тизимлари ишлаб чиқилган;

навбатлаб экишнинг 1:1 (кузги буғдой+такрорий экинлар: ғўза) ва 2:1 (кузги буғдой+такрорий экинлар: кузги буғдой+такрорий экинлар: ғўза) тизимларида такрорий экинларни тупроқнинг сув-физикавий ҳамда агрокимёвий хоссаларига таъсири аниқланган;

такрорий экинларни кейин экилган ғўза ва кузги буғдойни ўғит меъёрларига боғлиқ ҳолда ўсиши-ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири аниқланган;

мақбул ўтмишдош такрорий экин турлари танланган, ғўза ва кузги буғдойни озиклантиришда мақбул ўғит меъёрлари ишлаб чиқилган;

яримгидроморф, кучсиз шўрланган ўтлоқи бўз тупроқлар унумдорлиги ҳамда ғўза ва дон ҳосилдорлигини оширишни таъминловчи қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимлари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Ўтлоқи бўз тупроқлар шароитида ғўза, ғалла ва такрорий экинлардан юқори ҳосил етиштириш ҳамда тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:

ғўзанинг «Пахтакор-1» нави 2016 йилдан, мошнинг «Зилола» нави 2008 йилдан ва маккажўхорининг «Молдовский 215 АМВ» нави 2017 йилдан қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига киритилган ва экиш учун тавсия этилган (Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш давлат комиссиясининг 27.10.2016 йилдаги 53/4-340-сон маълумотномаси). Бунда тупроқ унумдорлигини яхшиловчи мақбул ўтмишдош такрорий экин турлари танланган ва такрорий экинлардан кейин экилган ғўза ва кузги буғдойни етиштириш агротехнологиялари ишлаб чиқилган;

ўтлоқи бўз тупроқлари унумдорлигини оширишда навбатлаб экишнинг 1:1 (кузги буғдой+такрорий экин: ғўза) ва 2:1 (кузги буғдой+такрорий экин: кузги буғдой+такрорий экин: ғўза) тизимларида такрорий экинларни етиштириш технологиялари 2013–2015

йилларда Жиззах вилоятининг Арнасой туманида 320 гектар, Зафаробод туманида 255 гектар, Пахтакор туманида 235 гектар майдонга, жами 810 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 22.10.2016 йилдаги 02/20-3374-сон маълумотномаси). Бунда 1:1 (кузги буғдой+такрорий экин (соя, маккажўхори, мош): ғўза) навбатлаб экиш тизимида пахта ҳосилдорлиги 36,1-37,5 ц/га, рентабеллик даражаси 34,9 фоиз, навбатлаб экиш тизими 2:1 (кузги буғдой+такрорий экин: кузги буғдой+такрорий экин: ғўза) бўлганда кузги буғдой ҳосилдорлиги 54,6-55,8 ц/га, рентабеллик даражаси 58,5 фоизни ташкил этган.

Намозов Фазлиддин Бахромович. «Тупроқ унумдорлиги ва ғўза ҳосилдорлигини оширишда қисқа навбатлаб экиш тизимларини такомиллаштириш (Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида)», 06.01.01–Умумий деҳқончилик. Пахтачилик (қишлоқ хўжалиги фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 18.11.2015/В2015.3-4.Қх211.

Илмий маслаҳатчи: Халиков Баходир Мейликович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, Андижон қишлоқ хўжалик институти ва Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти, 14.07.2016. Қх/В.24.01.

Расмий оппонентлар: Мирзажонов Қирғизбой Мирзажонович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор; Орипов Разоқ Орипович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор; Ибрагимов Одилжон Олимжонович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: Андижон қишлоқ хўжалик институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: типик бўз тупроқлар шароитида ғўзани муттасил ва беда: ғўза алмашлаб (3:7) экишда тупроқ унумдорлиги ҳамда ғўза ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш, тупроқ унумдорлиги ва ғўза ҳосилдорлигини оширувчи қисқа навбатли алмашлаб экишнинг такомиллашган тизимларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида муттасил ғўза ва беда-ғўза алмашлаб экиш тизимларига таққосланган ҳолда ғўза-ғалла қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимлари ишлаб чиқилган;

пахтачилик мажмуида оралиқ экинлар – сули, кўк нўхат, жавдарнинг икки (сули+кўк нўхат) ва уч (сули+кўк нўхат+жавдар) компонентли аралашмалари ва такрорий экин соянинг тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишдаги аҳамияти ўрганилган ҳамда уларнинг қисқа навбатли алмашлаб экиш (1:1, 1:2, 2:1) тизимларидаги ўрни аниқлаб берилган;

типик бўз тупроқларнинг унумдорлигини сақлаш ва ошириш, ғўзадан муттасил мўл ва сифатли ҳосил етиштириш учун (1:1; 1:2; 2:1) кузги буғдой анғизига такрорий экин сифатида дуккакли-дон экин соя ва оралиқ экин сифатида сули, кўк нўхат, жавдар каби экинларни икки ва уч компонентли аралашма ҳолда экиш ҳамда уларнинг ғўза ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири аниқланган;

типик бўз тупроқлар унумдорлиги ва ғўза ҳосилдорлигига таъсири бўйича қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимлари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Типик бўз тупроқлар шароитида тупроқ унумдорлиги ва пахта ҳосилдорлигини оширишда қисқа навбатлаб экиш тизимларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида: фермер хўжаликларида қўлланма сифатида «Қисқа навбатли алмашлаб экишни жорий этиш бўйича тавсиялар» ишлаб чиқилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 30.08.2016 йилдаги 02/20-1151-сон маълумотномаси). Бунда тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, ғўзадан мўл ва сифатли ҳосил олишни таъминлаш мақсадида қисқа навбатли алмашлаб экишнинг 1:2 кузги буғдой+такрорий экин (соя): ғўза: ғўза тизимида ғўзани кузги буғдой ва такрорий дуккакли-дон соядан кейин фақат бир йил, 1:2 кузги буғдой+такрорий экин (соя)+оралиқ экин (сули+кўк нўхат+жавдар): ғўза: ғўза тизимида икки йил давомида экиб етиштириш тавсия этилган.

қисқа навбатлаб экишнинг 1:2, кузги буғдой+такрорий экин (соя)+оралиқ экин (сули+кўк нўхат): ғўза: ғўза, 1:2 кузги буғдой+такрорий экин (соя)+оралиқ экин (сули+кўк нўхат+жавдар): ғўза: ғўза ва 2:1 кузги буғдой+такрорий экин (соя): кузги буғдой+такрорий экин (соя)+оралиқ экин (сули+кўк нўхат+жавдар): ғўза каби навбатлаб экиш тизимлари 2009–2011 йиллар давомида Бўка туманида 420 гектар, 2010–2014 йилларда Юқори Чирчиқ туманида 320 гектар майдонга жорий қилинган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 27.07.2016 йилдаги 02/20-988-сон маълумотномаси).

Бунда навбатлаб экишнинг (1:2) тизимида ғўза биринчи йил парвариш қилинганда ғўза ҳосилдорлиги гектарига 36,5–35,7 центнер, рентабеллик даражаси 26,2–23,4 фоизни, иккинчи йил эса бу кўрсаткичлар тегишли равишда 38,6–36,5 центнер ва 33,4–26,2 фоизни ташкил этган. Навбатлаб экишнинг (2:1) тизимида кетма-кет 2 йил (кузги буғдой, такрорий ва оралиқ экинлардан кейин ғўза) экилганда ғўза ҳосили 38,6 центнер, рентабеллик даражаси эса 33,4 фоизни ташкил этган.

Исаев Сабиржан Хусанбаевич. «Ўза ва ғаллани субиригация усули билан суғориш технологиясини такомиллаштириш», 06.01.02–Мелиорация ва суғорма деҳқончилик (қишлоқ хўжалиги фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.Қх95.

Илмий маслаҳатчи: Хамидов Мухаммадхон Хамидович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти, 14.07.2016.Қх/В.24.01.

Расмий оппонентлар: Мамбетназаров Бейсенбай Сатназарович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор; Мурадов Рустам Анварович, техника фанлари доктори; Махмудов Обиджон Махмудович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: Андижон қишлоқ хўжалик институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: республикамизда сув танқислигининг салбий оқибатларини юмшатишда сизот сувлари яқин, минерализацияси паст бўлган гидроморф тупроқлари шароитида ғўза ва кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини ишлаб чиқишда субиригация суғориш усулининг қўллаш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор тақирсимон, ўтлоқи аллювиал ва ўтлоқи соз тупроқлар шароитида ғўза ва кузги буғдойнинг субиригация суғориш технологияси такомиллаштирилган;

гидроморф тупроқлар шароитида сизот сувлари сатҳи 1–3 метр минерализацияси 1–3 г/л бўлган тақирсимон, ўтлоқи аллювиал ва ўтлоқи соз тупроқлари шароитида субиригация усули билан суғорилганда ғўза ва кузги буғдойнинг сувга бўлган талаби ишлаб чиқилган;

ғўза ва кузги буғдойни субиригация технологияси билан суғориш ерларнинг мелиоратив ҳолати сизот сувлари сатҳи ва минераллашганлик даражасининг ўзгаришига ҳамда тупроқнинг сув-физикавий хоссаларига таъсири аниқланган;

тақирсимон, ўтлоқи аллювиал, ўтлоқи соз тупроқлар шароитида субиригация суғориш технологиясининг ғўза ва кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Тақирсимон, ўтлоқи аллювиал, ўтлоқи соз тупроқлар шароитида ғўза ва ғаллани суғоришнинг субиригация технологиясини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:

фермер хўжаликларида қўлланма сифатида «Ўза ва кузги буғдойни субиригация суғориш усулини жорий этиш бўйича тавсиялар» ишлаб чиқилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 27.07.2016 йилдаги №02/29-865-сон маълумотномаси). Бунда ғўза ва кузги буғдойни суғоришда сув ресурсларидан самарали фойдаланишга ҳамда пахтадан 2–4 ц/га ва дондан 5–7 ц/га қўшимча ҳосилдорликни оширишга эришилган.

республиканинг гидроморф тупроқлари шароитида кучсиз минераллашган, тупроғи шўрланмаган ёки кучсиз шўрланган ерларда ғўза ва кузги буғдойнинг субиригация суғориш технологияси фермер хўжаликларида жами 5 минг гектар майдонга жорий қилинган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 23.06.2016 йилдаги №02/29-865-сон маълумотномаси). Бунда суғориш сувлари гектарига 900–1500 м³/га тежалган, ёқилғи-мойлаш материаллар сарфи гектарига 10 литрга камайган, гектаридан 3–4 центнер қўшимча пахта ва 5–7 центнер дон ҳосили олинган, иқтисодий самара гектарига 120–150 минг сўмни ташкил этган.

Каримов Хусниддин Нагимович. «Антропоген ўзгаришларга учраган суғориладиган тупроқларнинг агроэкологик ҳолати ва уларнинг унумдорлигини ошириш», 06.01.04–Агро-кимё (қишлоқ хўжалиги фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 18.11.2015/В2015/3-4.Қх214.

Илмий маслаҳатчи: Рискиева Хуршида Турсуновна, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, Андижон қишлоқ хўжалик институти ва Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти, 14.07.2016. Қх/В.24.01.

Расмий оппонентлар: Хошимов Фарход Ҳакимович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор; Турсунов Хамза Хамдамович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор; Муродов Шухрат Одилевич, техника фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат аграр университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: суғориладиган тупроқларда токсик моддаларнинг миқдори, уларнинг тупроқ муҳитига, экологик ва агрокимёвий ҳолатига таъсирини аниқлаш ҳамда тупроқнинг ўз-ўзини тиклаш қобилиятини ошириш йўллари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор тупроқ таркибидаги ҳаракатчан шаклдаги заҳарли токсик моддалар миқдорининг вегетация даврида ўзгариш қобилиятига эга эканлиги ва биологик айланиш тизимига ўтиши аниқланган;

тупроқнинг механик таркибига боғлиқ ҳолда токсик элементлар тупроқ қатламларида тўпланиши исботланган;

қолдиқ хлорорганик пестицидлар сизот сув билан чегарадош тупроқ кесмаларида сизот, суғориш, артезиан, ичимлик сувларида, қишлоқ хўжалик экинларидан – ғўза ва ғўза мажмуидаги экинларда чегаравий рухсат этилган миқдорлардан ошганлиги аниқланган;

оғир металлар ва пестицидларнинг заҳарли таъсир кўрсатадиган миқдори тупроқдаги гумус ҳолатига боғлиқлиги аниқланган;

тупроқ таркибидаги қолдиқ заҳарли оғир металларнинг таъсир даражасини камайтириш учун микроорганизмлар, зоофауна ва органик моддаларни иннокуляция қилиш орқали тупроқларнинг ўз-ўзини ҳимоя қилиш ҳамда тозалаш қобилиятини ошириш услублари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Зарафшон дарёсининг ўрта оқими тупроқлари мисолида тупроқнинг агроэкологик ҳолатини яхшилаш борасида олиб борилган тадқиқотлар асосида:

Қашқадарё вилоятида «Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонаси атрофида (заводдан 15 км узоқликда) жойлашган 20 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 07.10.2016 йилдаги 02/20-3247-сон маълумотномаси). Дастлабки таҳлил натижаларида тупроқ таркибида токсик моддалардан – хром, кадмий, никель ва қўрғошин рухсат этилган миқдордан ортиб борганлиги кузатилган. Фиторемедиация тадбирини қўллаш орқали агротехнологик формула асосида оғир металларнинг ҳаракатчан шакллари миқдорининг камайишига ва тупроқнинг агрокимёвий ҳолати яхшиланиб, гектаридан 5–6 центнердан қўшимча пахта ҳосили олинган;

Сурхондарё вилояти, Сариосиё тумани «Турсунмурод Абдуҳалил» фермер хўжалигининг 5 гектар майдонида мақбул агротадбирлар олиб борилиши натижасида тупроқ таркибидан никель, хром элементларининг ифлосланиш даражаси рухсат этилган миқдордан камайишига

эришилган (Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Аналитик назоратга ихтисослашган давлат инспекциясининг 04.11.2016 йилдаги 06-484-сон маълумотномаси).

Ниязалиев Бегали Ирисолиевич. «Пахтачиликда органик ва органо-минерал ўғитларни қўллаш технологиясини такомиллаштириш», 06.01.04–Агрокимё (қишлоқ хўжалиги фанлари). Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.Qx100.

Илмий маслаҳатчи: Ибрагимов Назирбай Мадримович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, Андижон қишлоқ хўжалик институти ва Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти, 14.07.2016. Qx/В.24.01.

Расмий оппонентлар: Саттаров Жўракул Саттарович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор, ЎзР Фанлар академияси академиги; Юлдашев Гулом, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор; Телляев Рихсивой Шомамадович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Самарқанд қишлоқ хўжалик институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: бўз тупроқлар минтақаси пахтачилигида тупроқ унумдорлигини сақловчи ва ғўза ҳосилдорлигини оширувчи янги шаклдаги турли органик ўғитларни, Қизилқум фосфоритлари асосидаги органо-минерал компостларни ҳамда биогумусни минерал ўғитлар билан биргаликда қўллаш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

типик бўз тупроқларида тупроқнинг озика тартиблари, пахта ҳосили ва сифати, НРКни ғўзанинг ўзлаштириш ва ҳосил учун сарфланишига турли шаклларидаги органик ўғитлар қўллаш меъёр ва муддатларининг таъсири аниқланган;

тупроқнинг озика тартиби ва ўсимликларни НРКни ўзлаштирилиши, органик массани тўпланиши ва пахта ҳосилига органо-минерал ўғитларнинг (компостлар) таъсири ва сўнги таъсирлари аниқланган;

вермикултура усулида қорамол гўнгидан олинган биогумусни тупроқдаги гумус, озика элементларининг умумий ва ҳаракатчан шакллари, ўсимликни ўзлаштирилиши исботланган;

кам таъминланган Қизилқум фосфоритларидан (умумий фосфор 12–14%) таркибида гўнг ва фосфоритларнинг нисбати 80:20 бўлган органо-минерал ўғитлар (ОМУ) тайёрлаш технологияси такомиллаштирилган;

компостларнинг тупроқни микробиологик ва агрокимёвий хусусиятларига, типик бўз ва ўтлоқи бўз тупроқларда ғўзадаги самараси аниқланган;

қорамол гўнги, парранда қийи ва дарахт барглариининг турли нисбатларидан компост тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Тупроқ унумдорлиги ва пахта ҳосилдорлигини оширишда органик ва органо-минерал ўғитларни қўллаш технологияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:

фермер хўжаликларида қўлланма сифатида «Экинларни озиклантиришда минерал ва маҳаллий ўғитлардан фойдаланиш бўйича тавсиялар» ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 28.10.2016 йилдаги 01/20-3458-сон маълумотномаси). Тупроқ унумдорлигини тиклашда минерал ўғитларнинг самарадорлиги, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш, айниқса, маҳсулот сифатини яхшилашда органик ўғитларнинг аҳамияти, уларни сақлаш, тўплаш ва ғўзада қўллаш бўйича самарали натижаларга эришилган;

органик ва органо-минерал ўғитларни қўллаш технологияси бўйича тўпланган илмий-тадқиқот натижалари 2012–2015 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар пахтачилик фермер хўжаликларида жами 22 820 гектар ғўза майдонида жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 28.10.2016 йилдаги 01/20-3457-сон маълумотномаси). Бунда органик ва органо-минерал ўғитларни ғўзага қўллаш натижасида минерал ўғитлар 20–25

фоизга тежалиб, гектаридан 3–5 центнер қўшимча пахта ҳосили олинган, кўсақларни очилиши 4–6 кунга тезлашган, биринчи терим салмоғи 6–8 фоизга ошган ва иқтисодий самарадорлик гектарига 138,4–287,8 минг сўмни ташкил этган.

Айтжанов Бахытжан Узақбаевич. «Қурғоқчиликка бардошли бўлган ғўза ва кунгабоқарнинг мураккаб дурагайлаш асосидаги селекцияси», 06.01.05–Селекция ва уруғчилик (қишлоқ хўжалиги фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.06.2015/В2015.2.Qx195.

Илмий маслаҳатчи: Ибрагимов Паридун Шукурович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Тошкент давлат аграр университети ва Андижон қишлоқ хўжалик институти, 14.07.2016.Qx.22.01.

Расмий оппонентлар: Нариманов Абдужалил Абдусаматович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори; Эргашев Ибрагим Ташкентович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор; Ахмедов Джамалхан Ходжаханович, биология фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: ғўзада мураккаб дурагайлаш услублари орқали сув танқислигига бардошли, тола сифати юқори IV ва V типга хос бўлган ва кунгабоқарда серҳосил, юқори мойдор белгиларининг тезпишарлик билан жипслашишини аниқлаган ҳолда янги навларини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Қорақалпоғистон тупроқ иқлим шароитида моделлаштирилган қурғоқчилик шароитларида ғўзада *G.hirsutum L.* ва кунгабоқарда эса *Helianthus annuus L.* турларига мансуб янги навларда ҳамда уларнинг оддий ва мураккаб дурагайларида физиологик ҳамда қимматли хўжалик белгилари бўйича генотипик полиморфизми аниқланган;

сув танқислиги шароитида ушбу белгиларнинг стрессга физиологик мослашувчанлигининг ўзгариши, бу ўзгарувчанлик белгиларнинг полиген хусусияти ва генотип муҳитга ўзаро таъсири исботланган;

кунгабоқар ва ғўзада қурғоқчиликка чидамлилиكنинг селекцияси, мураккаблиги, генотипнинг юқорилиги, олинган дурагай авлод оилаларидан сув танқислигига чидамли бўлган биотипларни ажратиб олиниши аниқланган;

оддий ва мураккаб дурагайлаш услублари орқали яратилган дурагайларда қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва шаклланишига қиёсий баҳо бериш асосида асосий қимматли хўжалик белгиларнинг генетик табиати ҳамда белгиларнинг янги генетик ўзгарувчанлигига эга юқори авлод дурагайларини ажратиб олишдаги самарадорлиги аниқланган;

тур ичида оддий ва мураккаб дурагайлашнинг услублари орқали қурғоқчиликка бардошли баъзи салбий коррелатив боғлиқларини узиш, ғўзада юқори тезпишарлик ва маҳсулдорлик, тола чиқими ва сифати ҳамда бошқа белгиларнинг, кунгабоқарда эса тезпишар, серҳосил, юқори мойдор, мағиз чиқими ва бошқа белгиларнинг юқори мажмуасига эга рекомбинантлар ажратиб олиш мумкинлиги аниқланган;

ажратиб олинган асосий хўжалик белгилари мужассамлашган оила ва тизмалардан амалий селекцияда қурғоқчиликка бардошли кунгабоқарда юқори мойдор ва маҳсулдор, ғўзада тола сифати юқори бўлган серҳосил, қимматли манба сифатида фойдаланиб, янги навлар яратилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Қурғоқчиликка бардошли ғўза ва кунгабоқар навларини яратиш бўйича олиб борилган илмий изланишлар асосида:

мураккаб ва оддий тур ичида дурагайлаш услубларини қўллаш орқали яратилган ғўзанинг КК-3543 навига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг патенти олинган (UZ NAP 00131. 30.06.2016);

мураккаб ва оддий тур ичида дурагайлаш услубларини қўллаш орқали яратилган ғўзанинг КК-3506 навига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг патенти

олинган (UZ NAP 00138. 31.08.2016);

кунгабоқарнинг КК-60 нави оддий навлараро дурагайлаш ва танлаш орқали яратилган ва экиш учун қишлоқ хўжалик экинларининг Давлат реестрига киритилган (Қишлоқ хўжалик экинларини нав синаш Давлат комиссиясининг 03.06.2016 йилдаги 53/4-208-сон маълумотномаси). Бунда кунгабоқар КК-60 навининг дон ҳосилдорлиги андоза навга нисбатан гектарига 2,6 центнерга, 1000 дона вазни 1,0 граммга юқори бўлгани аниқланган;

оддий ва мураккаб иккита узоқ тур ичи навлар ва дурагайлар ора чатиштириш ва танлаш орқали яратилган КК-3543 ва КК-3506 ғўза навлари Эллиққаъла, Жиззах ва Пискент нав синаш участкаларида жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 14.10.2016 йилдаги 01/04-1253-сон маълумотномаси). Бунда мазкур навлардан андоза С-4727 навига нисбатан гектарига 3,6–4,0 қўшимча пахта ҳосили олинган, тола чиқими 0,8 фоизга юқори бўлган ва кўсақлар очилишининг тезлашишига эришилган.

Рашидова Дилбар Каримовна. «Полимер системалар билан капсулалаш жараёнининг ғўза ўсимлиги ва уруғлик чигитнинг ривожланишига таъсири», 06.01.05–Селекция ва уруғчилик (қишлоқ хўжалиги фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: №30.09.2014/В2014.5.Қх117.

Илмий маслаҳатчи: Назаров Ренат Саидович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Тошкент давлат аграр университети, Андижон қишлоқ хўжалик институти, 14.07.2016.Қх.22.01.

Расмий оппонентлар: Нариманов Абдужалил Абдусаматович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори; Ибрагимов Паридун Шукурович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор; Абзалов Миратхам Фузаилович, биология фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: чигитга экишдан аввал маҳаллий экологик хавфсиз хитозан ва унинг ҳосилалари асосидаги полимер таркибли моддалар билан ишлов бериш ва капсулалаш технологиясини қўллаш орқали ўсимликнинг ўсиши-ривожланиши ва физиологик жараёнларини жадаллаштириш, уруғларнинг навдорлик сифатини яхшилаш ҳамда пахта ҳосилдорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ғўзанинг чигити ва ўсимликнинг ривожланиши жараёнларига *Bombyx mori* хитозани ва унинг ҳосилалари билан капсулаланган полимер таркибли моддаларнинг таъсири аниқланган;

хитозан ва унинг ҳосилалари асосидаги препаратларни қўллашнинг мақбул ва чегаравий меъёрлари ишлаб чиқилган;

ғўзанинг маҳаллий Узхитан полимер препарати билан капсулаланган чигитида кечадиган жараёнлар асосланган;

ўсимликда кечадиган фотосинтетик жараёнларга турли ташқи ва ички омилларнинг таъсири аниқланган;

Узхитан, карбоксиметилхитозан (КМХ) ва мис хитозан металлокомплексини чигитни капсулалашда қўллашнинг самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

«Уруғларни капсулалаш усули» ишланмаси учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№IAP 03956);

«Дастлабки экиш материалида ажратиб олиш бўйича мезонли тартиб кўрсаткичини белгилаш билан юқори сифатли уруғликни аниқлаш усули» ишланмаси учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№IAP 04697);

«Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларига экишдан олдин ишлов бериш учун композиция ва уни олиш усули» ишланмаси учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№IAP 20130 271);

маҳаллий хомашё маҳсулотларидан тайёрланган Узхитан препарати, 2014–2016 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материалларни маҳаллийлаштириш Дастурига ки-

ритилган. 2010–2015 йилларда Узхитан препарати билан ишлов берилган, туксизлантирилиб капсулаланган уруғлик чигитини тайёрлаш ҳажми «Ўзпахтасаноат» ассоциацияси заводларида 6,5 минг тоннага тенг бўлиб, ушбу уруғлик чигитлари республиканинг барча вилоятлари пахтачилик фермер хўжаликларида 190 минг гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 06.06.2016 йилдаги №02/20-773-сон маълумотномаси). Бунда уруғлик чигит Узхитан препарати билан капсулаланиб экилганда гектаридан 2,0–4,0 центнер қўшимча пахта ҳосили олинган, толанинг технологик сифат кўрсаткичлари яхшиланган ва иқтисодий самара гектарига 100–150 минг сўми ташкил этган.

Халманов Бахтиёр Абдурашидович. «*Gossypium hirsutum* L. турига мансуб айрим экстремал омилларга чидамли селекцион ашёларни яратиш», 06.01.05–Селекция ва уруғчилик (қишлоқ хўжалиги фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.Qx123.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент давлат аграр университети ва Андижон қишлоқ хўжалик институти, 14.07.2016.Qx.22.01.

Расмий оппонентлар: Эргашев Ибрагим Ташкентович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор; Ризаева Сафия Мамедовна, биология фанлари доктори, профессор; Мамаралимов Бунёд Икромович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: гамма нурунининг ҳар хил меъёрларини қуруқ чигитга таъсир эттириб, маркерга асосланган селекциянинг биокимёвий усули, селекциянинг синтетик ва бошқа анъанавий усулларини қўллаш натижасида *G. hirsutum* L. турига мансуб янги селекцион ашёларни яратиш ҳамда уларни турли экстремал шароитларга чидамлилигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор *G. hirsutum* L. га мансуб С-9082, Турон, Бухоро-102, Жарқўрғон навларининг қуруқ чигитлари ^{60}Co элементи гамма нурунининг турли дозаларида нурлантирилиб, қимматли хўжалик белгиларига эга бўлган мутант тизмалар (МТ-90, МТ-7, МТ-10) ва навлар (СП-2530, СП-2531, СП-2532) ажратиб олинган;

мутант шаклларнинг сув танқислигига чидамлилигини аниқлаш учун турли суғориш тартиблари қўлланилиб, сунъий сув танқислиги ҳосил қилинган, тажрибалар сизот сувлари чуқур жойлашган, эрозияга учраган ва зичлашган типик бўз тупроқлар шароитида ўтказилган; янги яратилган ўрта ва ингичка толали мутант тизмаларининг *Verticillium*, *Fusarium* замбуруғ ва *Xanthomonas* бактериал касалликларига чидамлилиги касалликлар билан сунъий зарарлантирилган («Фитотрон-иссиқхона» мажмуи) ва *Verticillium* замбуруғи билан табиий зарарланган муҳитларда аниқланган;

Л-712 тизмасининг (С-6570) «ҳосилдорлик» белгисининг шаклланиши Қашқадарё вилоятининг мажмуавий экстремал омиллар мавжуд бўлган минтақаларида, яъни табиий иссиқ атмосфера ҳарорати ва ҳавонинг паст нисбий намлиги, гумус билан кам таъминланган, зичлашган тақирсимон тупроқлари шароитида турли кўчат қалинлигига боғлиқлиги аниқланган;

тупроқ шўрланиши ва сув танқислигига чидамли *G. hirsutum* L турига мансуб С-9085 нави 2013 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси бўйича истиқболли навлар рўйхатига, Наманган-102 нави 2016 йилдан бошлаб Қашқадарё вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган;

G. hirsutum L. га мансуб турли янги селекцион ашёларнинг «ҳосилдорлик» белгисининг шаклланиши Қорақалпоғистон Республикасининг айрим озиқ элементлари тақчил, кучли шўрланган тупроқлари шароитида синалиб, муҳитга мослари танланган;

янги яратилган нав ва тизмаларнинг қимматли-хўжалик белгилари орасидаги корреляцион ва регрессион боғлиқлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Ўзанинг айрим экстремал омилларга чидамли селекцион ашёларни яратиш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижалари асосида:

ўрта толали ғўзанинг Наманган-102 навига Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг патенти олинган (NAP 00067, 27.06.2006);

ўрта толали ғўзанинг С-9083 навига Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг патенти олинган (NAP 00097, 31.07.2008);

ўрта толали ғўзанинг С-9085 навига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг патенти олинган (NAP 00126, 07.12.2010).

Мазкур ғўза навлари 2016 йилда республика пахтачилик фермер хўжаликларида жами 4,2 минг гектар майдонда экилди.

Ўзанинг Наманган-102 нави Қашқадарё вилояти учун 2016 йилдан бошлаб Давлат реестрига киритилган ва 2013 йилдан вилоятнинг пахтачилик фермер хўжаликларида жами 3 минг гектар, С-9083 нави 2013 йили Қашқадарё вилоятида 30 гектар майдонга экилган. С-9085 ғўза нави 2013 йилдан истиқболли навлар рўйхатига киритилган ва 2013–2015 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида жами 12 минг гектар, гамма нури таъсирида яратилган *G. hirsutum* турига мансуб СП-2530 нави Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани Сурхон тажриба участкасида 2015 йилда 4 гектар, СП-2531 нави 1 гектар майдонга экилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 30.06.2016 йилдаги 02/20-887-сон маълумотномаси). Бунда янги Наманган-102 ғўза навидан андоза Наманган-77 навига нисбатан гектарига 5–6 центнер, С-9085 нави андоза С-4727 навига нисбатан ўртача 1–2 центнер қўшимча пахта ҳосили олинган, тола чиқими андоза навларга нисбатан 1–2 фоиз юқори бўлган, толасининг штапел масса узунлиги 1,1–1,3 миллиметрга ва микронейр кўрсаткичи 0,1–0,2 бирликка камлиги аниқланган.

Низомов Рустам Ахролович. «Помидорни уруғи билан плёнка остига мульчалаб экиб парваришlash технологиясини такомиллаштириш», 06.01.06–Сабзавотчилик (қишлоқ хўжалиги фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.Қх82.

Илмий маслаҳатчи: Азимов Ботир Жўраевич, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Тошкент давлат аграр университети ва Андижон қишлоқ хўжалик институти, 14.07.2016.Қх.22.01.

Расмий оппонентлар: Ибрагимов Мақсуд Юлдашевич, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор; Остонақулов Тоштемир Эшимович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор; Дусмуродова Саодат Исмаиловна, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: шаффоф ва қора плёнка билан мульчаланган майдонларда помидор экинидан мўл ва сифатли ҳосил олишнинг истиқболли агротехнологияларини ишлаб чиқиш ҳамда ресурстежамкор технологияларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Давлат реестрига киритилган 15 та маҳаллий навларини қора плёнка остига уруғидан экиб ҳосилини етиштириш учун мос навлари танланган;

помидорни уруғи билан плёнка остида мульчалаб экиб, ҳосил етиштириш технологияси ишлаб чиқилган;

помидор уруғига экишдан олдин ишлов бериш, кимёвий препаратлар билан ишлов бериб экиш, уруғ экиш чуқурликлари ва меъёрлари, экиш тизими ҳамда экиш муддати аниқланган;

помидорни суғориш сони, ўғитлаш меъёри, қора плёнка билан мульчаланган майдонларда бегона ўтларга қарши гербицидларни қўллаш миқдори ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Помидорни уруғи билан плёнка остига мульчалаб экиб, парваришlash технологиясини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижалари асосида:

чет эл дурагайларидан танлов усули билан ажратиб олинган помидорнинг янги Юлдуз нави яратилган ва 2016 йилдан Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссиясида нав синовидан ўтмоқда. Мазкур навнинг уруғчилиги йўлга қўйилган ва 10 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссиясининг

10.11.2016 йилдаги 77-сон маълумотномаси). Бунда эртапишар Тошкент тонги навига нисбатан мевалари 5–7 кун эрта пишиб етилган, мевалари қаттиқ, ташувчанлиги, экспортбоплиги ва ҳосилдорлиги 10–15 фоизга юқори бўлишига эришилган;

помидорни уруғи билан плёнка остига мульчалаб экиб, парваришlash технологияси Тошкент, Андижон, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд вилоятларидаги сабзавотчилик фермер хўжаликларида жами 55,6 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 10.10.2016 йилдаги №02/22-1219-сон маълумотномаси). Бунда помидор ҳосили 7–10 кун олдин пишиб етилган, ўсув даврида суғоришлар сони 2 мартага қисқарган, минерал ўғитлар 25 фоизга тежалган, бегона ўтлар билан зарарланиш 54,5 фоизга камайган, ҳосилдорлик 15–20 фоизга юқори бўлиши аниқланган.

Турдиева Нилуфар Мўминовна. «Зарафшон водийсида қаттиқ буғдой етиштириш технологиясини такомиллаштириш», 06.01.08–Ўсимликшунослик (қишлоқ хўжалиги фанлари). Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.Qx133.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент давлат аграр университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, Андижон қишлоқ хўжалик институти ҳамда Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти, 14.07.2016.Qx/В.24.01.

Расмий оппонентлар: Ўразматов Назиржон, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори; Авлиякулов Аваз Эранкулович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор; Назаров Ренат Саидович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: қаттиқ буғдойнинг янги районлаштирилган ва истиқболли навларини биологик хусусиятлари, минтақа тупроқ-иқлим шароитларига мос ҳолда танлаш ҳамда юқори ва сифатли дон ҳосили етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Зарафшон водийси шароитида Давлат реестрига киритилган ва истиқболли қаттиқ буғдой навларининг биологиясидан келиб чиққан ҳолда етиштириш агротехнологияси элементлари такомиллаштирилган;

қаттиқ буғдой навлари ҳосилини етиштиришда турли ташқи омиллар – уруғларнинг унувчанлиги, доннинг технологик сифат кўрсаткичлари, ўсимликдаги физиологик жараёнлар, илдиз тизими, қишга ва бошқа ноқулай шароитга чидамлилиги аниқланган;

қаттиқ буғдойнинг Истиқлол ва Александровка навлари уруғини экиш муддатлари, меъёрлари, ўғитлаш меъёрлари ва суғориш тартиблари, бегона ўтларга қарши кураш чора-тадбирларини такомиллаштириш орқали дон сифатини яхшилаш усуллари ишлаб чиқилган;

кузги буғдой агробιοценозини яратишда қатнашган бегона ўтлар турлари ва зарарлаш даражаси баҳоланиб, уларга агротехник тадбирлар орқали қарши кураш чоралари ишлаб чиқилган;

макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноати талабларига жавоб берадиган сифатли дон етиштириш агротадбирлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Қаттиқ буғдой ҳосилини етиштириш технологиясини такомиллаштириш асосида қуйидагилар амалиётга жорий этилди:

қаттиқ буғдойнинг кузги «Истиқлол» нави Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссиясига қарашли нав синаш шохобчаларида муваффақиятли тарзда синовдан ўтган ва 2012 йилдан эътиборан истиқболли деб топилган (Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссиясининг 10.06.2016 йилдаги 53/4-718-сон маълумотномаси). Бугунги кунда ушбу нав республикада 1,0 минг гектардан ортиқ ғалла майдонларида экилмоқда;

қаттиқ буғдой навлари ҳосилини етиштиришнинг мақбул агротехнологиялари 2014–2015 йиллари Самарқанд вилоятининг Оқдарё, Нарпай туманларида ва Қашқадарё вилоятининг Қарши тумани фермер хўжаликларида жами 15,0 минг гектар майдонга жорий қилинган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 02.02.2016 йилдаги 02/21-141-сон маълумотномаси). Бунда мақбул агротехнология қўлланганда қаттиқ буғдой навларидан 15,1–16,9 ц/га қўшимча

дон ҳосили олинган, дондаги оқсил миқдори 0,8–1,1%, клейковина 2,9–4,7% га ошган ва иқтисодий самара эса гектарига 150–221 минг сўмни ташкил этган.

Аширов Бахтиёр Мурадиллоевич. «Қизил чўл ва англери зотларининг генотипига эга сигирларнинг конституция типлари ва паратипик омилларга боғлиқликда маҳсулдорлигини ошириш», 06.02.01–Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчитиш, кўпайтириш, селекцияси ва генетикаси. Ипакчилик, Қорақўлчилик (қишлоқ хўжалиги фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.Қх141.

Илмий маслаҳатчи: Мақсудов Илҳом Мақсудович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик илмий-тадқиқот институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ва Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик илмий-тадқиқот институти, 14.07.2016.Қх/В.25.01.

Расмий оппонентлар: Юсупов Суратбек Юнусович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор; Азимов Сайфитдин Гуломович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор; Умаров Шавкат Рамозонович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат аграр университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: қизил чўл зотли қорамолларни англери зоти билан жуфтлашдан олинган сигирларнинг конституция типларининг ва генотипининг ҳамда паратипик омилларнинг асосий селекция белгиларига ва селекция-генетик кўрсаткичларига таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қизил чўл зотли сигирларни бу зотга қариндош англери зотли наслдор буқалар билан чатиштиришдан олинган сигирлар сут маҳсулдорлигининг, экстерьер, пушторлик, елинининг технологик хусусиятлари ҳамда уларнинг конституция типларига боғлиқлиги ва бу хусусиятлари бўйича мустаҳкам конституцияга эга сигирлар нозик-зич конституциядаги сигирларга нисбатан юқори кўрсаткичларга эга бўлганлиги аниқланган;

қизил чўл зотли қорамоллар подасида чатиштиришда англери зотли наслдор буқалардан фойдаланишдан олинган $\frac{1}{2}$ ва $\frac{3}{4}$ генотиплардаги сигирларнинг сут маҳсулдорлигини такомиллаштириш ҳамда улар мутаносиб ривожланган тана тузилишига ва кўкрак қафасига эга бўлиши исботланган;

сигирларнинг маҳсулдорлик хусусиятлари паратипик омилларга боғлиқлиги аниқланган;

сигирларнинг туғишини қиш фаслига, сервис-даврини 80 кунгача, биринчи туғишдаги ёшини 27–28 ойга, сутдан чиққандан туғишгача бўлган даврни 51–70 кунга режалаштириб бориш сермахсул подалар яратиш мақсадга мувофиқлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Қизил чўл ва англери зотлари генотипига эга сигирларнинг конституция типлари ва паратипик омилларга боғлиқлиги бўйича тадқиқотлар асосида:

англери зоти бўйича $\frac{1}{2}$ ва $\frac{3}{4}$ генотипга эга 129 бош сигир сутбоп подада Қашқадарё вилояти Касби туманидаги «Юрт ризқи-наслчилик» масъулияти чекланган жамиятининг қорамолчилик наслчилик хўжалигида жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 08.11.2016 йилдаги 02/12-1245-сон маълумотномаси). Бунда қизил чўл зотли қорамоллар подасида чатиштиришда англери зотли наслдор буқалардан фойдаланишдан олинган сигирларнинг III ва ундан юқори лактацияларда сут миқдорини 3544,5 ва 3618,5 килограммга таъминлаши ва бу кўрсаткичлар соф қизил чўл зотли тенгқурларникидан 242,6 ва 304,7 кг юқори бўлишини ҳамда уларнинг экстерьер, елин, пушторлик, озукани сут билан қоплаш хусусиятлари яхшиланган ҳамда иқтисодий самара 238 735 ва 309 035 сўмни ташкил этган.

Рўзиев Нураддин Рахимович. «Қизил чўл ва англери зотлари генотипидаги сигирларнинг селекция белгиларини тирик вазни ва ташқи муҳит омилларидан фойдаланиб такомиллаштириш», 06.02.01–Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини урчитиш, кўпайтириш, селекцияси ва генетикаси. Ипакчилик, қорақўлчилик (қишлоқ хўжалиги фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.Qx142.

Илмий маслаҳатчи: Аширов Мурод Эшонқулович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик илмий-тадқиқот институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ва Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик илмий-тадқиқот институти, 14.07.2016.Qx/V.25.01.

Расмий оппонентлар: Қахаров Абдусаттор, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор; Якубов Ахматжон Бакиевич, биология фанлари доктори; Шакиров Қахрамон Жўрабоевич, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: қизил чўл зотли қорамолларни англери зоти билан такомиллаштиришда сигирлар тирик вазнининг ва ташқи муҳит омилларининг маҳсулдорлик хусусиятларига таъсирини аниқлаш ва зотни ушбу омилларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор қизил чўл зотли сигирларни англери зотли буқалар билан чатиштиришдан олинган сигирларнинг селекция белгиларини такомиллаштиришда мақбул тирик вазн ва ташқи муҳит омилларига боғлиқлиги аниқланган;

сигирларнинг экстерьер, маҳсулдорлик, биологик, пуштдорлик, озуқани сут билан қоплаш хусусиятлари турли омилларга боғлиқлиги аниқланган;

сигирлар сут маҳсулдорлигининг пуштдорлик хусусиятларига ва наслдор буқалар генотипига боғлиқлиги аниқланган;

турли наслдор буқалар авлодларининг хўжаликда фойдаланиш муддатлари давомийлигини ошириш ва сигирлар сут маҳсулдорлиги кўрсаткичларини такомиллаштириш асослари ишлаб чиқилган;

қизил чўл ва англери зотлари генотипига мансуб сигирларнинг сут маҳсулдорлигини такомиллаштиришда селекцион-генетик кўрсаткичлардан наслчилик ишларида фойдаланиш жараёнлари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Қизил чўл ва англери зотлари генотипига эга сигирларнинг селекция белгиларини тирик вазни ва ташқи муҳит омилларидан фойдаланиб, такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган натижалар асосида:

қизил чўл ва англери зотлари генотипига эга сигирларнинг селекция белгиларини тирик вазни ва ташқи муҳит омилларидан фойдаланиб, такомиллаштириш бўйича ишланмалар 2010–2014 йилларда Хоразм вилояти Урганч туманидаги Қ.Сапаев номи ҳамда Хонқа туманидаги «Ислон-Комил» наслчилик фермер хўжаликларининг қорамолчилик фермаларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 08.11.2016 йилдаги 02/12-1246-сон маълумотномаси). Бунда Қ.Сапаев номи наслчилик фермер хўжалигида сигирларнинг селекция белгилари такомиллаштирилган, маҳсулдорлик хусусиятлари яхшиланган, юқори маҳсулдор подалар яратиш имкониятлари кенгайган ҳамда иқтисодий самара ҳар бир бош сигирдан ўртача 546 005 сўмни ташкил этган. «Ислон-Комил» наслчилик фермер хўжалигида аралашма озиқлантириш типини жорий этиш натижасида ўртача бир бош сермаҳсул сигирларнинг сут миқдори етук ёшдаги қизил чўл зотининг андоза талабларидан ўртача 414 кг ёки 13,35 фоиз, сут ёғи чиқими эса 17,0 кг ёки 14,82 фоиз юқори бўлган ҳамда иқтисодий самара ҳар бир бош сигирдан йил давомида ўртача 477 030 сўмни ташкил этган.

Соатов Уткир Ражабович. «Швиц зотли қорамолларнинг маҳсулдорлик хусусиятларини ота-оналарининг тана тузилиши бўйича жуфтлаш усулларида такомиллаштириш», 06.02.01–Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини урчитиш, кўпайтириш, селекцияси ва генетикаси. Ипакчилик, қорақўлчилик (қишлоқ хўжалиги фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.QX144.

Илмий маслаҳатчи: Аширов Мурод Эшонқулович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик илмий-тадқиқот институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ва Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик илмий-тадқиқот институти, 14.07.2016. Qx/V.25.01.

Расмий оппонентлар: Юсупов Суратбек Юнусович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор; Қахаров Абдусаттор Қахарович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор; Якубов Ахмаджон Бакиевич, биология фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат аграр университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: турли тана тузилишига эга қорамолларни жуфтлаш усуллари ва улар авлодларининг маҳсулдорлик хусусиятларига таъсири, маҳаллий ҳамда четдан келтирилган швиц зотли турли лактациялардаги сигирларнинг сут маҳсулдорлигини тирик вазнига, биринчи туғишидаги ёшига, сервис-даври давомийлигига таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

турли тана тузилишига эга швиц зотли қорамолларни жуфтлаш усуллари, улардан олиниб етиштирилган сигирларнинг маҳсулдорлик, пуштдорлик, елин хусусиятларига таъсири аниқланган;

сигирларнинг сут маҳсулдорлик хусусиятлари турли ишлаб чиқариш типларига боғлиқликда такомиллаштирилган;

швиц зотли сигирларнинг сут маҳсулдорлик даражаси билан биринчи туғишдаги ёши ва тирик вазнининг, сервис-даври давомийлигининг ўзаро боғлиқлиги аниқланган;


чет элдан келтирилган швиц зотли сигирларнинг иссиқ иқлим шароитида сут маҳсулдорлиги бўйича турли омилларга боғлиқликда ирсий салоҳиятини юзага чиқариш имкониятлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Швиц зотли қорамолларнинг маҳсулдорлик хусусиятларини ошириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқотлар асосида:

чорвачилик-наслчилик фермер хўжаликлари учун «Швиц зотли яхшиловчи насл тоифасига эга буқалар авлодларини сут маҳсулдорлигини ошириш бўйича тавсиянома» ишлаб чиқилган (Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекциясининг 14.11.2016 йилдаги 51/01-154-сон маълумотномаси);

швиц зотли сут ишлаб чиқариш типидagi турли лактациялардаги 55 бош сигир Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги «Шамшир Ал-Акбар» наслчилик фермер хўжалигининг қорамолчилик фермасида ишлаб чиқаришга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 18.11.2016 йилдаги 02/12-1252-сон маълумотномаси). Бунда швиц зотли қорамоллар подасида сут типига мансуб бўлган сигирларнинг сут маҳсулдорлиги 4232,2 кг га таъминланиши бу кўрсаткичлар сут-гўшт ва гўшт-сут типидagi сигирларникидан 458,1 ва 983,5 кг га юқори бўлган ҳамда уларнинг экстерьер, елин, пуштдорлик, озуқани сут билан қоплаш хусусиятлари яхшиланган ҳамда иқтисодий самара 199 780,3 ва 447 567,8 сўмни ташкил этган.



Тарих фанлари бўйича докторлик диссертациялари ҳимояси тўғрисида эълонлар

Султонов Ўктамбек Абдулганиевич. «Тошкент вақф хўжалигида анъаналар, ислохотлар ва муаммолар (XVI–XX аср бошларига оид тарихий ҳужжатлар

асосида)», 07.00.07–Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари (тарих фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4. Таг32.

Илмий маслаҳатчи: Бабаджанов Бахтиёр Мираимович, тарих фанлари доктори.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент давлат шарқшунослик институти

ҳузуридаги Шарқ қўлёзмалари маркази.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказ, Тарих институти, Қорақалпоқ ижтимоий фанлар илмий-тадқиқот институти, Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги Шарқ қўлёзмалари маркази, 14.07.2016.Таг:01.06 рақамли илмий кенгаш.

Расмий оппонентлар: Исоқов Мирсодиқ Мирсултонович, тарих фанлари доктори, профессор; Агзамова Гулчеҳра Азизовна, тарих фанлари доктори; Флориан Шварц, тарих фанлари доктори, профессор (Германия).

Етакчи ташкилот: Тошкент ислом университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: XVI–XX аср бошларига оид тарихий ҳужжатлар асосида Тошкент вақф хўжалигининг анъаналари, ўтказилган ислоҳотлар, муаммолари ва уларнинг сабабларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тарихий ҳужжатларнинг палеографик ва дипломатик хусусиятлари трансформацияси, жумладан ҳужжатлар қоғози, ёзув турлари, ҳужжат тили ва матн тузилиши хусусиятлари очиб берилган;

вақф соҳасидаги қонунчилик актларининг юзага келиш сабаблари, уларнинг функцияси ва вақф хўжалигини тартибга солишдаги аҳамияти аниқланган;

Тошкент ҳудудида XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб вақф қилинадиган экин ерларнинг майдалашиши ва қисқариши вақф асосчиларининг ижтимоий таркибидаги ўзгариш билан боғлиқлиги ҳамда бу жараён 1867 йилдан кейин ер вақф қилишнинг чекланиши натижасида кучайгани аниқланган;

вақф ҳужжатлари асосида Туркистон ўлкасида вақф мулклари тафтиш қилинган ва қаттиқ назорат ўрнатилган 1887 йилдан сўнг Тошкент ҳудудида янги вақфлар ташкил этиш кескин камайгани асослаб берилган;

Тошкент вақф хўжалигида Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларидан фарқли равишда савдонинг «байи жойиз», яъни мулкни гаров эвазига сотиш тури амалиётда қўлланилмагани, пул вақф қилиш ҳамда «вақфи авлодий» мулк турлари Хива хонлиги ва Бухоро амирлигидагидек оммалашмагани асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Тошкент вақф хўжалигининг анъаналари, ислоҳотлари ва муаммолари бўйича ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

тарихий ҳужжатлар структурасининг ўзига хос хусусиятлари бўйича олинган натижалар Марбург университетиде (Германия) бажарилган «Asnad.org» лойиҳасида (2008–2015 йй.) XIX асрда Ўрта Осиё қозихоналарида ҳужжатлар тузиш анъаналари ҳамда матн тузилишида юз берган ўзгаришларни асослашда фойдаланилган (Марбург университетининг 2016 йил 10 июндаги маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши Ўрта Осиёда вақф мулкларини қонунийлаштириш жараёни, унинг давлат томонидан назорат қилиш тизимидаги фарқли жиҳатларни аниқлашга хизмат қилган;

вақф муносабатларига оид ёрлиқлар, олди-сотди, ижара ва бошқа ҳужжат турлари ҳамда улардан амалиётда фойдаланиш бўйича олинган илмий хулосалар Тарих институтида бажарилган ФА-Ф8-043: «XIX асрнинг сўнги чораги – XX аср бошларида Бухоро ва Хива хонликлари тарихи» (2007–2011 йй.) мавзусидаги лойиҳада вақф мулкчилигига оид ҳужжатларнинг ҳуқуқий-тарихий манба сифатидаги аҳамиятини асослашда фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2016 йил 27 июлдаги ФТҚ-0313/489-сон маълумотномаси). Қўлланилган натижалар хонликлар даври қонунчилик актлари ва қозихона ҳужжатлари асосида Ўрта Осиё ижтимоий-иқтисодий ҳаётида вақф мулкчилиги ўрнини кенгроқ ёритиш имконини берган;

Тошкент шаҳри ва вилоятида жойлашган 9 та архитектура ёдгорлигига оид илмий янгиликлар Маданият ва спорт ишлари вазирлиги таркибидаги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш бош бошқармасининг меъморий обидаларнинг паспорт-маълумотлар базасига киритилган (Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2016 йил 25 мартдаги 01-11-08-1670-сон маълумотномаси). Янги маълумотлар тегишли архитектура ёдгорликларини қурилган даври, қиёфаси ҳақидаги

фактлар асосида таъмирлаш, уларнинг ҳаққоний тарихини тарғиб қилиш ва минтақада туризм соҳасини ривожлантиришга ҳисса қўшган;

Тошкент ҳудудидаги меъморий ёдгорликлар тарихи ва фаолияти бўйича олинган натижалар Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитада масжид ва мадрасалар тарихини ёритишда фойдаланилган (Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2016 йил 17 июлдаги 3383-сон маълумотномаси). Қўлга киритилган илмий янгиликлар Тошкент шаҳри ва вилоятидаги қадимий мадраса ва масжидларнинг ҳақиқий тарихини асл манбалар асосида ёритиш ва уларнинг расмий интернет сайтларини яратиш имконини берган.



Иқтисодиёт фанлари бўйича докторлик диссертациялари ҳимояси тўғрисида эълонлар

Муродова Нодира Қуллиевна. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг назарий асосларини такомиллаштириш», 08.00.01–Иқтисодиёт назарияси (иқтисодиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 28.04.2016/В2016.2.1639.

Илмий маслаҳатчи: Вахабов Абдурахим Васикович, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Навоий давлат педагогика институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 14.07.2016.1.03.01.

Расмий оппонентлар: Ҳамроев Одил Ҳамзаевич, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор; Маматов Ахматжон Атажонович, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент; Усмонов Анвар Саидмахмудович, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Тошкент молия институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ) субъектларини давлат томонидан иқтисодий қўллаб-қувватлашнинг назарий асосларини селективлик тамойили асосида такомиллаштиришда уларнинг инновацион рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

КБХТни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг назарий асосларини тизимли такомиллаштиришга селектив ёндашуви асосланган;

юридик шахс мақомини олмаган ҳолда якка тартибда фаолият юритувчи оилавий тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзосининг солиқ тўлови ва суғурта бадалини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби ишлаб чиқилган;

якка тартибдаги фаолият юритувчи тадбиркорларга қўшимча ишчи кучини ёллаш имконини бериш тартиби ишлаб чиқилган;

кичик бизнес субъектларини аниқлашда белгиланган меъёрдаги ишчилар сонини касб-хунар коллежи битирувчилари бандлиги самарадорлигини ошириш ва меҳнат сиғимкорлиги юқори бўлган тармоқларнинг устувор ривожлантириш заруриятидан келиб чиқиб, селектив ёндашган ҳолда ошириб бориш услубияти такомиллаштирилган;

солиқ қонунчилиги концепциясида касб-хунар коллежи битирувчилари томонидан тадбиркорлик билан шуғулланишда қатъий белгиланган солиқ ва ягона ижтимоий тўлов бўйича имтиёзлар қўллаш тартиби ишлаб чиқилган;

КБХТда бизнес муҳитининг шаффофлиги ва қулайлигини таъминлайдиган давлат хизматларининг интеграциялаштирилган тизимининг интерактивлик тамойили асосида фаолият юритадиган марказларни ташкил этиш услуби ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

юридик шахс мақомини олмаган ҳолда якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзосининг суғурта ва солиқни тўлаш тартиби борасидаги таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 11 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2014

йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун ҳужжатлари тайёрланишида инобатга олинди, суғурта ва солиқ тизимларининг амалиётида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг 2013 йил 12 декабрдаги маълумотномаси). Мазкур таклифга асосан якка тартибдаги оила тадбиркорининг ойига энг кам иш ҳақининг 100 фоизи миқдориди, қолган оила аъзолари эса унинг 50 фоизи миқдориди суғурта бадалини тўлаши, фақат якка тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзоси томонидан қатъий белгиланган солиқни тўлаши лозимлиги белгиланди;

касб-хунар коллежлари битирувчилари коллежни тамомлагандан сўнг бир йил давомида якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, фаолият бошласа, шу даврдан бошлаб маълум бир муддатга (3 ойдан 6 ойгача) қатъий белгиланган солиқ тўлашдан озод этиш таклифи 2015 йилдан «Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши билан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги низомга киритилган ўзгаришда инобатга олинди (Солиқ қўмитасининг 2015 йил 7 августдаги 13/3-15588-сон маълумотномаси). Натижада 2015 йилдан коллеж битирувчилари коллежни тамомлагандан кейин ўн икки ой ичида якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб қатъий белгиланган солиқни тўлашдан олти ой муддатга озод этилиши, агар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб ўн икки ой ичида ўз фаолиятини тугатса, қатъий белгиланган солиқни фаолияти амалга оширилган бутун даври учун тўлаш тартиби белгиланди;

кичик корхоналарга ёшларни кенг жалб этишни янада рағбатлантириш ва меҳнат сиғимкорлиги юқори бўлган тармоқларни устувор ривожлантириш заруриятидан келиб чиқиб, кичик бизнес субъектларини аниқлашда белгиланган меъёрдаги ишчилар сонини селектив ёндашган ҳолда ошириб бориш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида Инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4609-сонли Фармонида инобатга олинган (Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг 2016 йил 25 апрелдаги 11/АШ-01-2542-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан касб-хунар коллежлари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилганда, банд ходимларнинг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган чекланган нормативи 20 фоиздан 50 фоизга оширилди, натижада битирувчиларнинг 8028 нафари микрофирма ва кичик корхоналарга ишга жалб қилиниши таъминланди;

енгил, озик-овқат ҳамда қурилиш материаллари саноатида банд бўлган ишчилар сони белгиланган чекланган меъёрдаги 100 нафар ўрнига 200 нафар этиб белгилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилишини таъминлади;

ёшлар бандлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш, якка тартибдаги тадбиркорларга қўшимча ишчи ёллаш имкониятини бериш ва КБХТда бизнес муҳитининг шаффофлигини ва қулайлигини таъминлайдиган давлат хизматларининг интеграциялаштирилган тизимини ташкил этиш таклифлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4725-сонли Фармонида инобатга олинди (Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг 2016 йил 25 апрелдаги 11/АШ-01-2542-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифларга асосан 2015 йил 1 июлдан бошлаб, якка тадбиркорларга фаолиятдан келиб чиққан ҳолда бир нафардан уч нафаргача ишчини ёллаш ҳуқуқи берилди. Якка тартибдаги тадбиркорлар касб-хунар коллежи битирувчиларини ишга ёллаган тақдирда, коллежни битиргандан бошлаб ўн икки ой мобайнида ёлланма ишчилар учун қатъий белгиланган солиқни тўлашдан озод этилиши таъминланди. КБХТ субъектларига давлат идоралари кўрсатаётган хизматлар интеграцияланиб, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг макро, мезо ва микро даражада узвийлашган инновацион тизими яратилди ва ҳудудларда «Ягона дарча» марказларини ташкил этишга олиб келди.

Махкамов Бахтиёр Шухратович. «Глобаллашув ва иқтисодий модернизациялаш шароитида уяли алоқа хизматларини самарали ривожлантириш», 08.00.05–Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодий (иқтисодий фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.1113.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент давлат техника университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, бир марталик илмий кенгаш.

Расмий оппонентлар: Мухаммедов Мурод Мухаммедович, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор; Иминов Тохиржон Каримович, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор; Эргашходжаева Шахноза Джасуровна, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Тошкент ахборот технологиялари университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: глобаллашув ва иқтисодиётни модернизациялаш шароитида миллий уяли алоқа хизматларини самарали ривожлантиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш ва уяли алоқа операторлари рақобатдошлигини ошириш бўйича таклиф-тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кенг поласали уяли алоқа тармоқларини самарали ривожлантириш, уларни кенгайтириш ва фойдаланишда қулай шароитларни яратиш юзасидан аҳоли зичлиги паст бўлган узоқ масофадаги ва бориш қийин бўлган ҳудудларда сифатли ҳамда ишончли уяли алоқа хизматларини самарали ташкил қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

уяли алоқа бозорида хизматлар сифати ва рақобатдошлигини ошириш, хизматлар тури-ни кенгайтириш юзасидан уяли алоқа хизматлари соҳасида виртуал оператор хизматларини (Mobile Virtual Network Operator) ташкил қилиш таклифи асосланган;

уяли алоқа миллий оператори фаолиятини ривожлантириш юзасидан тармоқ қамровини кенгайтириш, хизматлар сифатини ошириш, қўшимча хизматлар ва сервисни ривожлантиришнинг самарали механизми ишлаб чиқилган ва улар асосида такомиллашган яхлит тизими таклиф этилган;

уяли алоқа миллий оператори хизматларини ривожлантириш ҳолати ва сифатини мунтазам баҳолаш мақсадида уяли алоқа операторини узоқ муддатли (long-term) ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишнинг такомиллашган услубий ёндашуви асосланган;

уяли алоқа компаниялари рақобатдошлигини ифодаловчи асосий самарадорлик кўрсаткичларини умумлаштирган ҳолда баҳолаш услубияти такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Миллий уяли алоқа хизматлари бозорини самарали ривожлантириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кенг поласали уяли алоқа тармоқларини самарали ривожлантириш, уларни кенгайтириш ва фойдаланишда қулай шароитларни яратиш бўйича олинган натижалар ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасига, хусусан, Электромагнит мослашув маркази ДУК фаолиятига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2016 йил 10 октябрдаги 17-8/5614-сон ва ЭМММ ДУКнинг 2016 йил 27 сентябрдаги 36-01-09/2181-сон маълумотномалари). Тадқиқотда олинган илмий натижаларнинг жорий қилиниши узоқ масофада жойлашган ва бориш қийин бўлган аҳоли пунктларида уяли алоқа хизматлари кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш, алоқа операторларига аҳоли зичлиги паст бўлган узоқ масофадаги ва бориш қийин бўлган ҳудудларни сифатли ва ишончли уяли тармоқ хизматлари кўрсатиш билан қамраб олиш имкониятларини кенгайтириш, тушумларни қўшимча равишда кўпайтириш, интерактив хизматларни ривожлантиришга хизмат қилади;

виртуал оператор хизматлари бозорини ташкил этиш юзасидан олинган натижалар «Ўзбектелеком» АК тизимида виртуал уяли алоқа оператори фаолиятини ташкил қилишда фойдаланилмоқда (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2016 йил 10 октябрдаги 17-8/5614-сон ҳамда «Ўзбектелеком» АКнинг 2016 йил 6 октябрдаги 27-01-09/4034-сон маълумотномалари). Янги уяли алоқа оператори турининг жорий қилиниши хизматлар сифатини ошириш, алоқа жараёнига жалб қилинмаган имкониятлардан самарали фойдаланиш ва янги хизматлар кўламини кенгайтириш кабиларга имкон яратади;

уяли алоқа миллий оператори фаолиятини ривожлантиришни ташкил қилишнинг самарали механизмини татбиқ этишдан олинган натижалар «Ўзбектелеком» АК фаолиятига жорий қилинган («Ўзбектелеком» АКнинг 2016 йил 6 октябрдаги 27-01-09/4034-сон ҳамда

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2016 йил 10 октябрдаги 17-8/5614-сон маълумотномалари). Илмий натижанинг жорий қилиниши, жумладан «Uzmobile» оператори учун уяли алоқа миллий оператори хизматлар қўламини кенгайтириш, тармоқ қамрови ва сифатини ривожлантириш, мижозлар билан муносабатларни (CRM) бошқариш самарадорлигини ошириш абонентлар сонини оширишга хизмат қилади;

уяли алоқа операторининг узоқ муддатли (long-term) ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишнинг такомиллашган услубиёти «Uzmobile» уяли алоқа миллий оператори фаолиятига жорий қилинган («Uzmobile» уяли алоқа миллий операторининг 2016 йил 4 январдаги 23-сон шартномаси ҳамда «Ўзбектелеком» АКнинг 2016 йил 6 октябрдаги 27-01-09/4034-сон маълумотномаси). Ушбу натижалар миллий оператор абонентларини сегментлаш ва уларнинг эҳтиёжларини тўлиқ ўрганиш ва хизматларни такомиллаштиришда фойдаланилмоқда;

уяли алоқа компаниялари рақобатдошлигини ифодаловчи асосий самарадорлик кўрсаткичларини умумлаштирган ҳолда баҳолаш услубияти («Ўзбектелеком» АКнинг 2016 йил 6 октябрдаги 27-01-09/4034-сон ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2016 йил 10 октябрдаги 17-8/5614-сон маълумотномалари) операторлар ва вазирликнинг таҳлилий материалларини тайёрлашда фойдаланилган.

Ҳотамов Комил Раббимович. «Билвосита солиқлар ҳисоби, таҳлили ва аудитини такомиллаштириш» 08.00.07–Молия. Бухгалтерия ҳисоби (иқтисодиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.174.

Илмий маслаҳатчи: Қурбанов Зият Ниязович, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси, Тошкент ирригация ва мелиорация институти ва Тошкент молия институти, 1.07.2016.1.31.01.

Расмий оппонентлар: Пардаев Мамаюнус Қаршибоевич, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор; Ҳасанов Баҳодир Акрамович, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор; Каримов Неъматулла Фатхуллаевич иқтисодиёт фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: билвосита солиқлар ҳисоби, таҳлили ва аудити методологиясини такомиллаштириш борасида илмий-услубий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

халқаро йўналишда ташишлар бўйича кўрсатилган хизматларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини қайтариш учун асос бўлувчи қўшимча ҳужжатлар таркиби ва рўйхатини солиқ қонунчилигига киритиш таклиф қилинган;

маҳсулотлар экспортини тасдиқлаш, қўшилган қиймат солиғи бўйича ноль даражали ставкани қўллаш, солиқ солинадиган базага тузатиш киритиш ва унинг натижаларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш таклифи ишлаб чиқилган;

қўшилган қиймат солиғига ихтиёрийлик асосида ўтиш афзаллигини ҳисоблаш тартиби ишлаб чиқилган;

билвосита солиқлар таҳлилинини ташкил этишда ҳисоб-ахборот манбаларини тўплаш ва ундан таҳлил ўтказишда фойдаланиш тизими яратилган;

билвосита солиқлар аудитида аниқланган камомад ва мол-мулкнинг ҳисобдан чиқарилиши аудитини ўтказиш тартиби бўйича таклифлар асосланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Билвосита солиқлар ҳисоби, таҳлили ва аудитини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

халқаро йўналишда ташишлар бўйича кўрсатилган хизматларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини қайтариш учун асос бўлувчи қўшимча ҳужжатлар таркиби ва рўйхати солиқ қонунчилигига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2016 йил 19 октябрдаги 16/7-23250-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф бугунги кунда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси

Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг «Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини банкдаги ҳисоб варағига қайтариш тартиби тўғрисида»ги низомда ўз аксини топган. Натижада солиқ тўловчиларда ҳисоб-китоб енгиллашди, давлат солиқ хизмати органларига халқаро йўналишда ташишлар бўйича кўрсатилган хизматлар учун қўшилган қиймат солиғини ноль даражали ставкасини қўллаш натижасида ҳосил бўлган ортиқча суммасини қайтариш тартиблари осонлашди ва таклифни қўллаш самарадорлигининг йиллик кўрсаткичи ўртача 2,2 млрд сўмни ташкил этди;

билвосита солиқлар ҳисоби, таҳлили ва аудитини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар ва амалий тавсиялар «Ўзқурилишматериаллари» АК томонидан амалиётга татбиқ этилган («Ўзқурилишматериаллари» АКнинг 2016 йил 2 июндаги 07-1/5-85-сон маълумотномаси), жумладан:

маҳсулотлар экспортини тасдиқлаш, қўшилган қиймат солиғи бўйича ноль даражали ставкани қўллаш, солиқ солинадиган базага тузатиш киритиш ва унинг натижаларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш жорий қилинган. Мазкур таклифнинг «Ўзқурилишматериаллари» АК тизимидаги корхоналарда билвосита солиқлар ҳисобини ташкил этиш жараёнига татбиғи натижасида қўшилган қиймат солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб китоблардаги ноаниқлик бартараф этилиб, таклиф қилинган бухгалтерия проводкаларини тизим корхоналари томонидан қўлланилиши натижасида бюджетга (2016 йил биринчи чорак учун ҳисоб-китоб) 22 млн сўм ортиқча тўланган қўшилган қиймат солиғи мавжудлиги аниқланди ҳамда ортиқча солиқ суммаси бошқа солиқ турларидан қарздорликни қоплашга йўналтирилди;

автоматлаштирилган солиқ аудитини ўтказиш методикасини такомиллаштириш бўйича таклиф асосида бухгалтерия ҳисоби автоматлаштирилган дастурига киритилиши ҳамда ҳар бир счёт-фактура тўлдирилганда автоматик равишда ҚҚСнинг солиқ солинадиган базаси шакллантириб борилиши, қўшилган қиймат солиғи бўйича счёт-фактураларни шакллантириш ҳамда қўшилган қиймат ва акциз солиқлари ҳисоботини тузиш вақти олдинги ойларга қараганда 5 кунга қисқаришига олиб келди;

қўшилган қиймат солиғига ихтиёрийлик асосида ўтиш тартибини такомиллаштириш таклифининг тизим корхоналарига татбиғи натижасида қўшилган қиймат солиғига ихтиёрийлик асосида ўтган 7 та корхонанинг мазкур тизимга ўтиши уларнинг молиявий натижасига ижобий таъсир кўрсатмаётганлиги аниқланди ҳамда ихтиёрийлик асосида ҚҚС тўлашдан воз кечилди. Бунинг натижасида мазкур корхоналар томонидан бюджетга тўланадиган 106 млн сўм маблағ тежаб қолинди;

қўшилган қиймат солиғини ихтиёрийлик асосда тўлаш афзаллиги ва камчиликларини ҳисоблаш формуласини амалиётда қўллаш асосида тизимдаги 5 та корхонага ихтиёрийлик асосида қўшилган қиймат солиғига ўтган. Бунинг натижасида 80 млн сўм атрофида маблағ корхоналар ихтиёрида қолдирилди;

маҳсулотлар экспортини тасдиқлаш, акциз ва қўшилган қиймат солиқлари солиқ солинадиган базасига тузатиш киритиш, мол-мулк молиявий ижарага берилишини солиқ ҳисоби счётлар тизими орқали акс эттириш таклифи берилган (Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциациясининг 2016 йил 28 июндаги №68 далолатномаси). Таклифнинг амалиётда қўлланилиши натижасида билвосита солиқлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблардаги ноаниқлик бартараф этилиб, таклиф қилинган бухгалтерия проводкаларни корхоналар томонидан қўлланилиши натижасида ҳисоб-китоблардаги чалкашлик ва хатоликларнинг олди олинади, бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш ҳамда солиқ ҳисоботларини шакллантиришга кетадиган вақт тежалишига олиб келади;

инвентаризация натижасида аниқланган камомад ва мол-мулкнинг ҳисобдан чиқарилиши аудитини такомиллаштириш бўйича таклиф берилган (Ўзбекистон аудиторлар палатасининг 2016 йил 16 июндаги №83/03 далолатномаси). Мазкур таклифнинг солиқ қонунчилигида ўз аксини топиши аудиторлар томонидан аниқланган камомад ва мол-мулкни ҳисобдан чиқариш тўғрисида асосли аудиторлик хулосалари шакллантирилишини таъминлайди.

Билвосита солиқлар ҳисоби ва солиқ қонунчилигини такомиллаштиришга оид таклифлар қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2016 йил 7 январдаги №220/441 далолатномаси).

Гафуров Убайдулло Вахабович. «Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш» 08.00.08–Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти; 08.00.01–Иқтисодиёт назарияси (иқтисодиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.1310.

Илмий маслаҳатчи: Юсупов Ахмадбек Таджиевич, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент давлат иқтисодиёт университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ва Тошкент молия институти ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи 14.07.2016.1.31.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш.

Расмий оппонентлар: Иминов Одилжон Каримович, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор; Абдурахмонов Олим Қаландарович, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор; Набиев Элшод Ганиевич, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича назарий-услубий йўналишдаги таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кичик бизнес миқдорий чегараси мезонларини «минимал самарали кўлам» ва «функционал жиҳатдан комплекшлаш» концепциялари ҳамда ишчи кучининг сўнгги қўшилган маҳсулоти уйғунлиги негизида белгилаш бўйича назарий-услубий ёндашув асосланган;

тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнининг оптимал муддатини белгилаш, уларни самарали амалга оширилишини таъминловчи махсус инфратузилма хизматлари фаолиятини ривожлантириш асосида давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштиришнинг илмий-услубий жиҳатлари асосланган;

минтақаларнинг экспорт салоҳиятини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокини янада кенгайтириш ва уларни қўллаб-қувватлаш самарадорлигини таъминлашнинг асосий восита ва дастаклари ҳамда баҳолаш тизимини жорий этиш асосида такомиллашган услубий ёндашуви ишлаб чиқилган;

иқтисодиётда ишчи кучи талаб ва таклифи мувозанатининг кичик бизнес субъектлари орқали уйғунлигини оширишда бандликка кўмаклашиш соҳасида тайёрланган мутахассисларнинг ишлаб чиқаришдаги турғун жойлашувини ўзаро манфаатдорлик асосида таъминлашга рағбатлантирувчи иқтисодий механизм асосланган;

ишбилармонлик муҳитининг ривожланганлик даражасини баҳолаш услубияти Жаҳон банкининг Doing Business рейтинг кўрсаткичларига мувофиқлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини экспортини қўллаб-қувватлаш юзасидан экспорт шартномасини тузишда кўрсатиладиган ёрдамнинг манзиллилик даражасининг рейтинг баҳолаш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

Doing Business халқаро индикаторларини эътиборга олган ҳолда минтақалардаги ишбилармонлик муҳитини баҳолаш услубиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси амалиётига татбиқ этилган (2016 йил 11 ноябрдаги 6775/03-19-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалга оширилиши минтақалардаги ишбилармонлик муҳитини баҳолаш натижаларининг объективлигини ошириш ҳамда халқаро талабларни эътиборга олган ҳолда ишбилармонлик муҳитини баҳолашга оид янги индикаторларни услубий амалиётга ўз вақтида киритиб бориш имконини беради;

кичик бизнес субъектлари экспортини қўллаб-қувватлашни баҳолаш ҳамда экспорт шартномаларининг манзиллилик даражасини ошириш бўйича ишлаб чиқилган «Тескари тартибдаги рейтинг нисбати» усули Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси амалиётига жорий этилган (2016

йил 26 сентябрдаги ЖМ-1058-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши экспорт бўйича қўллаб-қувватлашнинг манзиллилик даражаси ва кичик бизнес субъектлари экспорт таркиби диверсификация даражасининг ошиши, таркибида технологик жиҳатдан қўшилган қиймати юқори бўлган товар ва хизматларни экспорт қилинишини рағбатлантириш жараёнларининг кучайишига имкон яратди, хусусан, Бухоро, Навоий ва Фарғона вилоятларидаги кичик бизнес субъектларининг экспорт шартномалари ҳажмининг 12 фоизга ошишига имкон берди;

касбга ўқитиш ва қайта тайёрлаш самарадорлигини ошириш ҳамда иш билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш бўйича таклифлар Меҳнат вазирлиги тизимига жорий қилинган (2016 йил 29 сентябрдаги 02-06/2893-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга татбиғи ишсизларни касбга ўқитиш ва қайта тайёрлаш маркази фаолияти самарадорлигини ошириш, битирувчиларни доимий иш билан таъминлаш; давлат томонидан экспортга йўналтирилган, таркибида технологик жиҳатдан қўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқарувчи, аҳолининг муайян қатламлари (ёшлар, аёллар, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, замон талабидан келиб чиққан ҳолда ўз касбини ўзгартиришга эҳтиёж сезаётган ва бошқа фуқаролар)ни иш билан таъминлашга йўналтирилган корхоналарни рағбатлантириш; корхоналарнинг экспорт салоҳиятини янада ошириш, хусусан, мазкур механизм орқали корхоналар томонидан ишга қабул қилинган шахсларга тўланиши кўзланган ишсизлик нафақаларини тежаш, тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат бюджетига қўшимча ижтимоий тўловларнинг манбасини яратди;

касбга ўқитиш ва қайта тайёрлаш бўйича Давлат дастурида белгиланган миқдорини ҳудудлар бўйича тақсимлаш услубиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар Меҳнат вазирлиги тизимида амалиётга жорий қилинган (2016 йил 29 сентябрдаги 02-06/2893-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф Давлат дастурида белгиланган ишсизларни касбга қайта тайёрлаш бўйича ходимлар сонини ҳудудлар ўртасида муайян устуворликларни ҳисобга олган ҳолда самарали тақсимлаш имконини берди;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш борасидаги асосий тенденциялар бакалавриат таълим йўналишида «Иқтисодиёт назарияси» фанидан дарсликка киритилган (2005 йил 21 сентябрь №0053). Мазкур илмий натижалардан дарсликда фойдаланиш кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг мазмуни ва ўзига хос хусусиятларини очиб беришга хизмат қилди;

давлат томонидан кичик бизнесни тартибга солиш, асосий йўналишлари, восита ва усуллари оид илмий натижалар 5A230101-Иқтисодиёт назарияси мутахассислиги учун «Иқтисодий тизимлар трансформациялашув жараёнлари назарияси» фани дарслигига киритилган (2013 йил 3 март №82-031). Илмий натижалардан дарсликда фойдаланиш кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий йўналишлари, восита ва усуллари оид тавсифини очиб беришга хизмат қилди;

кичик бизнеснинг ишловчилар сони жиҳатидан мезонларини белгилашнинг асосий концепциялари, давлат томонидан соҳага берилган имтиёзлар самарадорлигини баҳолашнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш бўйича таклифлардан «Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик маркетинг стратегиясини ривожлантиришнинг назарий ва методологик асосларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг 2016 йил 7 октябрдаги ФТК-0313/659-сон маълумотномаси). Мазкур илмий натижалардан лойиҳада фойдаланиш мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда қўллаб-қувватлаш воситаси ва дастакларининг таъсирчанлигини кучайтириш, турли кўринишдаги имтиёзларнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш имконини беради.

Парпиев Дилшод Ботирович. «Ўзбекистон Республикаси нефть-газ тармоғи корхоналарининг халқаро маркетинг стратегиясини такомиллаштириш», 08.00.11-Маркетинг (иқтисодиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.1137.

Илмий маслаҳатчи: Ходиев Баҳодир Юнусович, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор. Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент давлат иқтисодиёт университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Ўзбекистон Республикаси Банк-

Молия академияси, 14.07.2016.І.31.01.

Расмий оппонентлар: Юлдашев Равшан Зокирович, иқтисодиёт фанлари доктори; Болтабаев Махмуджон Рустамович, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор; Нуриимбетов Равшан Ибрагимович, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Тошкент молия институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: миллий нефть ва газ тармоғи корхоналарининг халқаро маркетинг стратегиясини такомиллаштириш юзасидан илмий-услубий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жаҳон углеводород бозоридаги тенденцияларни ўрганиш асосида нефть-газ маҳсулотларига бўлган талаб ва таклиф мувозанатини таъминлаш бўйича халқаро маркетинг принципларини жорий этиш механизми ишлаб чиқилган;

вертикал интеграцияга асосланган миллий нефть-газ тизимидаги ўзига хос шарт-шароитларни ҳисобга олувчи халқаро маркетинг стратегиясини шакллантиришнинг методологик жиҳатлари асосланган;

нефть-газ тармоғи корхоналари рақобатбардошлигини оширишнинг халқаро маркетинг стратегияларини ишлаб чиқишда қўлланиладиган эвристик ва эксперт баҳолаш усуллари такомиллаштирилган;

халқаро рақобат устунлигини таъминлашнинг миллий нефть-газ бозори, углеводород ресурсларини қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳасидаги вазифалари, маркетинг стратегиялари ҳамда фаолият йўналишларини қамраб олувчи тизимли концепцияси ишлаб чиқилган;

миллий нефть-газ тармоғи корхоналарида ҳудудлар, товарлар ва уларни ташишни диверсификациялаш ва фокуслаштириш, хорижий маблағларни турли шаклда жалб қилиш, консорциум ва кооперацияларни ташкил этиш асосида халқаро маркетинг стратегияларини амалга ошириш тизими таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

жаҳон углеводород бозоридаги тенденцияларни ўрганиш асосида нефть-газ маҳсулотларига бўлган талаб ва таклиф мувозанатини таъминлаш бўйича халқаро маркетинг принципларини жорий этиш механизми амалиётга қўлланилди (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати масалалари ахборот таҳлил департаментининг 2016 йил 11 ноябрдаги 06/1-353-сон маълумотномаси), жумладан:

«Ўзбекнефтгаз» МХК фаолиятини модернизациялаш ва диверсификациялаш борасидаги ягона техникавий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда халқаро бозордаги мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилди;

вертикал интеграцияга асосланган миллий нефть-газ тизимида халқаро маркетинг стратегиясини шакллантиришнинг методологик жиҳатларини соҳа фаолиятига жорий этилиши жаҳон нефть-газ маҳсулотлари бозоридаги вазиятни баҳолашга, ташқи иқтисодий, савдо ва илмий-техникавий алоқаларни ривожлантиришга ҳамда янада кўпроқ хорижий сармоялар жалб этишга имкон берди;

нефть-газ тармоғи корхоналари рақобатбардошлигини оширишнинг халқаро маркетинг стратегияларини ишлаб чиқишда қўлланиладиган эвристик ва эксперт баҳолаш усулларини амалиётга жорий этилиши мамлакатимиз ёқилғи-энергетика ресурсларига бўлган ички ва ташқи талабни таъминлаш соҳасида маркетинг сиёсатини асослашга имкон яратди.

Халқаро рақобат устунлигини таъминлашнинг миллий нефть-газ бозори, углеводород ресурсларини қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳасидаги вазифалари, маркетинг стратегиялари ҳамда фаолият йўналишларини қамраб олувчи тизимли концепциясидан «Ўзбекнефтгаз» МХКнинг ўрта ва узоқ муддатли фаолият Дастурини тайёрлашда услубий восита сифатида фойдаланилди («Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг 2016 йил 11 ноябрдаги 9-1/29-78-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида прогноз даври бўлган 2020 йил учун тавсия этилаётган халқаро маркетинг стратегияларини амалиётга татбиқ этиш минимал нархлар шароитида барқарор самарадорлик даражасини 5–7 фоиздан кам бўлмаган суръатда сақлашга эришиш билан бир қаторда, кўшимча равишда «Ўзбекнефтгаз» МХК фаолиятида 668,9 млн. сўм ҳажмда соф фойда олиш имконини беради.

Асқаров Нодирбек Ибрагимович. «Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо ва божхона соҳаларини уйғун бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш», 08.00.13–Менежмент (иқтисодиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.1351.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Андижон давлат университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 14.07.2016.1.03.01.

Расмий оппонентлар: Махмудов Носиржон Махмудович, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор; Абдурахмонов Одилжон Каландарович, иқтисодиёт фанлари доктори; Саидов Абдусобир Абдурахмонович, техника фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Олий ҳарбий божхона институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда глобаллашув жараёни чуқурлашаётган шароитда ташқи савдо ва божхона соҳаларини уйғун бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш, самарали ривожлантиришга йўналтирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Божхона сиёсатининг тўлақонли моҳияти асосида соҳа фаолияти йўналишларини гуруҳлаш, комплекс божхона тадбирлари тизимини уйғунлаштириш ва божхона сиёсати компонентларини қамраб олган ҳолда божхона сиёсати моҳиятининг такомиллашган варианты тавсия этилган;

божхона ишининг тўлақонли моҳияти ва божхона сиёсати талаблари асосида божхона иши моҳиятининг такомиллашган варианты ишлаб чиқилган;

самарали бошқарув ва иқтисодий хавфсизликни таъминлаш негизида индикаторлар тизими таклиф этилган;

таклиф этилган индикаторлар моҳиятига мувофиқ ташқи савдони божхона омили асосида бошқариш юзасидан таркибий кўрсаткичлар ишлаб чиқилган ҳамда бошқарув қарорининг мақбул ҳолати ижросининг чегаравий меъёрлари – «таҳликали юқори чегара» ва «таҳликали қуйи чегара» асослаб берилган;

инновацион лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида божхона омилини самарали бошқариш асосида ташқи савдо таркибини оптималлаштириш ишларини тартибга солишнинг натижавий-миқдорий кўрсаткичларини услубий акс эттирган инновацион индекс ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

божхона ва ташқи савдони уйғун ҳолда самарали бошқариш ҳамда божхона хизматини самарали ривожлантириш юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

комплекс тадбирларни тизимлаштириш ҳамда божхона сиёсати компонентларини тўлақонли қамраб олиш бўйича олинган илмий натижалардан Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси янги таҳририни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 2 июндаги 03-05/16-3363-сон маълумотномаси). Илмий натижадан фойдаланиш божхона ишини самарали ташкил этиш, божхона ходимларининг профессионал таркибини шакллантириш, божхона ва ташқи иқтисодий фаолият учун тегишли шарт-шароитларини яратиш ва иқтисодий хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган комплекс норматив-ҳуқуқий, божхона, махсус, ижтимоий-иқтисодий, назорат каби тадбирлар тизимини ташкил этишга хизмат қилди;

божхона иши моҳиятини назарий жиҳатдан такомиллаштириш юзасидан билдирилган таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси янги таҳририни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 2 июндаги 03-05/16-3363-сон маълумотномаси). Илмий натижадан фойдаланиш божхона сиёсатини амалга оширишни таъминлаш юзасидан божхона чегараси орқали товарлар ва транспорт воситалари олиб ўтилишини божхона режимига мувофиқ амалга ошириш, бож тўловларини ундириш, божхона расмийлаштируви, назорати ва мониторинги ҳамда божхона-махсус каби тадбирларни самарали ташкил этишга хизмат қилди;

ТИФ ТНга инновацион, дастурий ва хавфсизликка таҳдид этиши мумкин бўлган маҳсулотлар гуруҳини киритиш юзасидан берилган таклиф Давлат божхона қўмитаси томонидан

2016 йил 23 апрельдаги 104-сон буйруқ билан тасдиқланган «Божхона экспертизасини тайинлаш ва ўтказиш қоидалари»да фойдаланилган. Таклифдан фойдаланиш ТИФ ТНнинг ахборот берувчи функциясини кучайтириш, мақсадли боғхона тадбирлари самарадорлигини ошириш имконини берди;

ташқи савдо самарадорлигини ошириш нуқтаи назаридан ишлаб чиқилган 7 та индикатор моҳиятан Давлат боғхона қўмитаси томонидан 2015 йил 1 майдаги 114-сон буйруқ билан тасдиқланган «Божхона органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги низом»да услубий кўрсатмалардан фойдаланилди;

ташқи савдони боғхона омили асосида бошқариш юзасидан ишлаб чиқилган 22 та таркибий кўрсаткич ҳамда бошқарув қарорининг мақбул ҳолати ижросининг чегаравий меъёрлари – «таҳликали юқори чегара» ва «таҳликали қўйи чегара» моҳиятан Давлат боғхона қўмитаси томонидан 2015 йил 5 мартдаги 51-сон буйруқ билан тасдиқланган «Божхона расмийлаштирувида рухсатнома ва сертификатлар талаб этиладиган товарлар устидан боғхона назоратини ташкил этиш қоидалари»да услубий кўрсатмалардан фойдаланилди;

ташқи савдони боғхона омили асосида стратегик бошқаришнинг инновацион жараёнларга таъсирини услубий жиҳатдан баҳолаш юзасидан таклиф этилган «Инновацион ривожланишнинг боғхона – ташқи савдо бошқаруви даражаси» индекси моҳиятан Давлат боғхона қўмитаси томонидан 2015 йил 22 майда 140-сон буйруқ билан тасдиқланган «Давлат боғхона қўмитасининг боғхона кўриги самарадорлигини оширишнинг 2015–2017 йилларга мўлжалланган Концепцияси»да услубий кўрсатмалардан фойдаланилган. Индексдан фойдаланиш инновацион лойиҳаларни амалга оширишда боғхона омилини самарали бошқариш асосида ташқи савдо таркибини оптималлаштириш ишларини тартибга солиш самарадорлигини ошириш имконини берди.

Ўзбекистон Республикаси ТИФ ТН бобини Боғхона кодекси моддаларида акс эттирилиши қўшимча маблағларни давлат бюджетига ундириш учун ҳуқуқий асос сифатида аҳамият касб этиб, 2016 йил 9 ой давомида товарларнинг ТИФ ТН бўйича коди нотўғри белгиланиб, боғхона расмийлаштирувини амалга оширилиши олдини олиш оқибатида Давлат бюджетига 6 534 268 017 сўм қўшимча маблағ туширилиб, унинг қисқа муддатдаги иқтисодий самарадорлиги белгиланди.



Фалсафа фанлари бўйича докторлик диссертациялари ҳимояси тўғрисида эълонлар

Бердиқулов Сирожжон Насипқулович. «Ўзбекистонда кўппартиявийлик миллий моделининг фалсафий генезиси ва ривожланиш истиқболлари», 09.00.02–Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси (фалсафа фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.Ф14.

Илмий маслаҳатчи: Мамадалиев Шавкатбек Олмасбаевич, фалсафа фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи: Ўзбекистон Миллий университети, 14.07.2016.Ф.01.04.

Расмий оппонентлар: Саифназаров Исмоил Саифназарович, фалсафа фанлари доктори, профессор; Юлдашев Махаммадилхом Мамаюнисович, фалсафа фанлари доктори; Dr. Prof. Sung Dong Ki is Assistant Professor at Frontier College, Inha University, Republic of Korea.

Етакчи ташкилот: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: Ўзбекистонда кўппартиявийлик миллий моделининг фалсафий хусусиятларини очиб бериш, кўппартиявийлик амалиётининг ривожланиш тенденцияларини фалсафий умумлаштириш ҳамда кўппартиявийликнинг методологик асосларини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсияларни асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларда сиёсий партиялар ваколатларини янада кенгайтириш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган норма ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон кўппартиявийлик миллий моделидаги қонун, ахлоқ ва маънавият доирасида фаолият юритиш фалсафасини жаҳон давлатлари кўппартиявий тизимларида фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

сиёсий партиялар фракцияларини парламент назорати субъекти сифатида эътироф этиш тўғрисидаги фалсафий асосланган таклиф ишлаб чиқилган;

сиёсий партиялар фракциялари ўртасидаги соғлом рақобат фалсафаси қонунлар қабул қилиш жараёнида фракция ва депутатлик гуруҳи манфаатларини уйғунлаштириш, қонунлар ижросини таъминлашда парламент назоратини амалга оширишга хизмат қилиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларда партиялараро соғлом рақобатни янада кучайтиришга оид таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-396-сонли «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунининг 1-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ қўмитасининг 2016 йил 7 январдаги 02/1-2-сон маълумотномаси). Бу умумхалқ сайловларида кўп сонли ва кам сонли партияларга тенг имконият яратиш, сайловчиларнинг танлов ҳуқуқини янада кенгайтиришга хизмат қилади;

сиёсий партиялар фракцияларининг парламент назорати субъекти сифатида эътироф этиш, уларни парламент сўровида иштирокини таъминлаш юзасидан берилган тавсиялардан 2016 йил 11 апрелдаги ЎРҚ-403-сон Ўзбекистон Республикасининг «Парламент назорати тўғрисида»ги қонунини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ қўмитасининг 2016 йил 13 июндаги 06-1/630-сон маълумотномаси). Бу фракциялараро курашни кучайтиришга ва ишлаб чиқиётган қонунлар сифатини оширишга имкон яратади;

давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги сиёсий партия тузилмаларининг парламентаризмни янада ривожлантириш, мамлакатимизни модернизация қилишнинг энг муҳим масалаларини ҳал қилишдаги ролини кучайтириш бўйича билдирилган таклифлардан 2016 йил 11 апрелдаги ЎРҚ-403-сон Ўзбекистон Республикасининг «Парламент назорати тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқиш жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ қўмитасининг 2016 йил 13 июндаги 06-1/630-сонли маълумотномаси). Ушбу амалиёт қонунлар ижросини тўлиқ таъминлашга хизмат қилади;

янги Давлат таълим стандартлари асосида «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» фани бўйича дарсликнинг IV ва V боблари тайёрланган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 28 декабрдаги 89-03-1638-сон маълумотномаси). Бу тингловчи ва курсантларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.



Филология фанлари бўйича докторлик диссертациялари ҳимояси тўғрисида эълонлар

Одилов Ёрқинжон Рахмоналиевич. «Ўзбек тилида энантиосемия», 10.00.01-Ўзбек тили. Ўзбек адабиёти (филология фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.Fil.198.

Илмий маслаҳатчи: Маҳмудов Низомиддин Мамадалиевич, филология фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Ўзбек тили ва адабиёти илмий-тадқиқот институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги фан доктори

илмий даражасини берувчи 08.06.2016. Fil.33.01 рақамли илмий кенгаш.

Расмий оппонентлар: Каримов Суюн Амирович, филология фанлари доктори, профессор; Искандарова Шарифа Мадалиевна, филология фанлари доктори, профессор; Лутфуллаева Дурдона Эсоновна, филология фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Андижон давлат университети.

Диссертация йўналиши: назарий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: энантиосемик бирликларнинг лисоний ва нутқий жиҳатларини, лексик сатҳдаги ўрнини шахс омили асосида аниқлаш, лексик ва фразеологик энантиосемиянинг турлари ҳамда намоён бўлиш хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

энантиосемиянинг бир тил бирлиги маънолари ўртасида юзага чиқадиغان янги зиддият тури полисемиянинг махсус кўриниши эканлиги, ўзбек тилининг турли тараққиёт даврларида мавжуд бўлгани, адабий тил ва шева муносабатида ҳам кузатилиши исботланган;

тилнинг табиий ривожланиш қонуниятига мос равишда энантиосемиянинг асосан нолисоний, қисман лисоний омиллар билан юзага келиши аниқланган; бу ҳодисанинг лисоний механизмини маъно тараққиёти ҳаракатлантириб туриши асосланган;

ўзбек тилида энантиосемиянинг антонимия, омонимия, ирония, антифразис каби ҳодисалар билан ўхшаш ва фарқли томонлари, нутқий намоён бўлиш йўллари очиб берилган;

лексик ва фразеологик энантиосемиянинг лисоний табиати аниқланиб, турлари тавсифланган ҳамда турлараро ўзига хосликлар очиб берилган;

энантиосемиянинг янги тури сифатида *паралингвистик энантиосемия* термини ва тушунчаси татбиқ қилинган, бу тур энантиосемиянинг лисоний табиати, лингвокультурологик, этнолингвистик хусусиятлари аниқланган;

лисоний бирликнинг зид маънолар касб этиши инсоннинг ўзидан, унинг когнитив фаолиятидан ажралган ҳолда рўй бермаслиги, зид маънолар тилнинг табиий тараққиёт қонуниятига экани асосланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Энантиосемия ҳодисасининг лисоний ва нутқий жиҳатларини очиб бериш жараёнида маънавий-маърифий тизимни такомиллаштириш бўйича белгиланган тадбирлар асосида:

энантиосемик бирликлар семантик структураси юзасидан асосланган назарий хулосалар, ҳозирги ўзбек тилидаги 30 дан ортиқ сўз (*ажр, гумондор, ётмоқ, зот, курорт, кутмоқ, кўтармоқ, миллатчи, пеш* каби), 20 га яқин фразеологизм (*бош ирғамоқ, номи чиқмоқ, оти чиқмоқ, қарз бермоқ* каби)нинг янги аниқланган маънолари ва уларни далилловчи иллюстратив мисоллари ҳамда лексикографик талқинлари лотин ёзувидаги «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг ФТК-0313/405-сон маълумотномаси). Илмий натижалар асосида луғавий бирликларнинг маънолари бойиган, изоҳлари мукамаллашган;

эски ўзбек тилида қўлланган 30 дан ортиқ энантиосемик сўз ва ибора (*басир, кўпормоқ, хасм, ружу(ъ), тарёқ, ғараз, дуди чиқмоқ, кўзи учмоқ, от чиқармақ, тил чекмақ* каби)нинг маъновий хусусиятлари, лексикографик изоҳлари, далилловчи фактик материаллардан «Алишер Навоий асарларининг изоҳли ва фразеологик луғати» (2012–2014 йй.)ни яратишда фойдаланилган. Натижада луғат бирликларининг маънолари ортган, изоҳлари тўлдирилган, иллюстратив мисоллари кўпайган;

Пиримкул Қодиров асарларида ишлатилган 50 дан ортиқ энантиосемик бирлик (*бемаҳал, бош, бошқоронғи, бош ирғамоқ, зот, ижара, насл, сарой, фотиҳа, хийла* каби)нинг тадқиқот натижаси сифатида чоп этилган луғатдаги лексикографик изоҳларидан Artvin Çoruh университетиде (Туркия) №:2013.S23.02.15. «Pirimkul Kadırov'un Romanları Üzerine Bir İnceleme» лойиҳасида фойдаланилган (Artvin Çoruh университетининг 27.07.2016–E.3545-сон маълумотномаси);

тадқиқот натижаси сифатида олинган хулосалар дунё луғатчилик тажрибасида илк лексикографик ишлардан бири сифатида тайёрланган «Ўзбек тили энантиосемик сўзларининг изоҳли луғати»га жорий қилинган ва унда 300 дан ортиқ сўз ва фразеологизмнинг қарама-қарши маънолари изоҳлаб берилган. Мазкур луғатдан фан ва таълим тизимида сўзнинг семантик структураси, антонимия, омонимия ва полисемия каби ҳодисаларни ўрганишда фойдаланилмоқда.

Керуенов Турганбай Аразмедович. «XIX аср қорақалпоқ шеърлятида миф ва ривоятларнинг қўлланилиши», 10.00.03–Қорақалпоқ тили, қорақалпоқ адабиёти (филология фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 28.04.2016/В2016.2Fil453.

Илмий маслаҳатчи: Жаримбетов Қурбанбай Кудайназарович, филология фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи 14.07.2016.Fil.05.01 рақамли илмий кенгаш.

Расмий оппонентлар: Алламберганов Кенгесбай, филология фанлари доктори, профессор; Каримов Баҳодир Нурметович, филология фанлари доктори; Баҳадирова Саригул, филология фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Урганч давлат университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: қорақалпоқ мумтоз шеърлятидаги миф ва ривоятларнинг ёзма адабиётга таъсирини Кунхожа, Ажиниёз, Бердақ ва Ўтеш шоир бадиий маҳорати билан боғлиқ ҳолда мифнинг бадиий матнга диффузиясини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қорақалпоқ шеърлятидаги миф ва ривоятларнинг генетик илдизлари анимизм, фетишизм, тотемизм сингари архаик тасаввурларга боғлианиши исботланган;

қорақалпоқ шеърлятида қўлланган мифологик образ ва мотивларнинг воқелик тасвири ва лирик қаҳрамон кечинмаларининг миллий табиатини белгилашдаги поэтик вазибалари аниқланган;

миф ва ривоят жанрлари эпик диффузиясининг қорақалпоқ мумтоз адабиёти тараққиётини ифодаловчи бадиий-эстетик тамойиллари белгиланган;

мифологизм ва фольклоризмларнинг бадиий асар халқчиллигини таъминлаш, композицион қурилишини шакллантириш, сюжет ва мотивлар таркибини бойитиш каби функционал-семантик хусусиятлари очилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

XIX аср қорақалпоқ мумтоз шоирлари адабий меросининг ёш авлодни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашдаги аҳамиятига доир илмий-назарий қарашлар «Қорақалпоғистон» телерадиокомпаниясининг 2016 йил июнь ойидаги «Мерос» кўрсатуви ва «Адабиёт ва давр» маданий-маърифий эшиттиришида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг 2016 йил 16 августдаги 01/01-339-340-рақамли маълумотномаси). Мазкур хулосалар қорақалпоқ мумтоз шоирлари ижодий меросини ўрганиш орқали номоддий маданий мероснинг бадиий тафаккур тараққиётидаги ўрни ҳамда халқ маънавий ҳаётини ва ижтимоий муносабатларнинг поэтик талқинини очиб бериш имконини берган;

қорақалпоқ фольклоридаги миф ва ривоятларнинг ўзига хос жанр хусусиятлари, таснифи ва бадииятига доир илмий-назарий концепциялари ИИ-ФА-0-14244 «Қорақалпоқ халқ прозасининг аввал нашр қилинмаган намуналарини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш (100 жилдлик «Қорақалпоқ фольклори» тўплами бўйича, 2014–2015)» мавзусидаги инновацион тадқиқот лойиҳасида «Қорақалпоқ фольклори» 100 жилдлигининг 77–78-жилдларида (ЎЗР ФАҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2016 йил 23 май санасидаги 79/1-рақамли маълумотномаси) фойдаланилган. Миф турларини асослашга доир концепцияларнинг татбиқ этилиши натижасида қорақалпоқ халқ мифлари ва ривоятларини нашрга тайёрлашнинг илмий мезонлари такомиллаштирилиб, ҳар бир асар матнини илмий изоҳлар ва кўрсаткичлар билан таъминлаш имконини берган;

қорақалпоқ мумтоз адабиётда мифларнинг назарий ва амалий масалаларига доир хулосалари ФА-Ф1-Г002 «Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини ўрганиш» (2012–2016) мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида (ЎЗР ФАҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2016 йил 23 май санасидаги 79/1-рақамли маълумотномаси) қўлланилиши натижасида миф ва ривоятларнинг жанрий хусусиятларини ёритишда муҳим асос бўлган;

Бердақ асарларининг бадиий хусусиятлари, шоир ижодининг халқчиллиги ва унда

фольклор анъаналарининг ўрнига доир янги маълумотлар ҳамда назарий хулосалар Қорақалпоқ давлат университети қошидаги Бердақ миллий музейининг «Бердақ шоир даври» бўлимини шакллантиришда қўлланилган (Қорақалпоқ давлат университетининг 2016 йил 22 августдаги 01-22-01/46-рақамли маълумотномаси). Бунда тараққийпарвар қорақалпоқ шоирлари, жумладан Бердақ ижодининг маънавий-маърифий янгиликларини жорий этиш ва даврнинг долзарб ижтимоий муносабатларининг поэтик талқинини очиб бериш имконини берган.

Насруллаева Нафиса Зафаровна. «Инглиз тили фразеологик бирликлар семантикасидаги гендер концепцияси», 10.00.04–Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти (филология фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.Fil89.

Илмий маслаҳатчи: Сирождидинов Шухрат Самариддинович, филология фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Самарқанд давлат чет тиллар институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, 14.07.2016.Fil.09.01.

Расмий оппонентлар: Деннис Морган Рэй, филология фанлари доктори, Ханкук университетининг профессори; Хошимов Ғанижон Мирзааҳмедович, филология фанлари доктори, профессор; Расулова Маҳфуза Инамовна, филология фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: инглиз тили фразеологик бирликларининг гендерли концептуаллашув жараёнини ишлаб чиқиш, унинг даражаларини аниқлаш ва тадқиқ қилинаётган тил фразеологиясида «эркак» ва «аёл» гендер концептларининг шаклланишини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инглиз тилининг гендер белгили фразеологик бирликлар семантикасининг концептуаллашув жараёни назарий ва амалий жиҳатдан ишлаб чиқилган;

инглиз тилининг гендер белгили фразеологик бирликларининг семантикасида когнитив, миллий-маданий, тарихий ва этимологик мазмуни исботланган;

эркак ва аёлнинг гендер роллари ёритилган, қиёсланган ҳамда эркак ва аёл образларида гендерли асимметриялар аниқланган;

гендер белгили фразеологик бирликларнинг мазмун, структура ва гендерли компонент бўйича таснифи яратилган;

эркак ва аёл образларини бошқа (ўзбек ва рус) тилларга ўгиришнинг энг адекват усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Гендер концептларнинг шакллантирувчи параметрларини ишлаб чиқиш, гендер белгили фразеологик бирликларни инглиз тилидан бошқа тилларга таржима қилиш жараёнида тақдим этилган таклифлар асосида:

бакалаврият таълим йўналишида 5120100–«Филология ва тилларни ўқитиш (инглиз тили)» ва «Чет тили амалий курси» фани бўйича узвийлаштирилган Давлат таълим стандарти мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 2016 йил 18 октябрдаги №01/22-84-сон маълумотномаси). Таклиф этилган материаллар инглиз тили фразеологик бирликларини ўрганиш имконини беради, инглиз тилининг фразеологик бирликларини рус ва ўзбек тилларига самарали таржима қилишга хизмат қилади;

қиёсий таҳлил асосида аниқланган инглиз ва ўзбек тилларининг миллий-маданий хусусиятлари Давлат илмий-техника дастури доирасида бажарилган Ф1-ФА-0-12539 ФА-Ф1-Г040 рақамли «Ўзбек адабиёти қиёсий адабиётшунослик аспектида (типологик ва адабий таъсир йўналишида тадқиқ этиш)» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг 2016 йил 8 сентябрдаги ФТК-03-13/564-сон маълумотномаси). Мазкур илмий натижанинг қўлланилиши инглиз ва ўзбек адабий матнларида эркак ва аёл образларини ифодаловчи фразеологик бирликларни қиёслаш, ҳар бир тилнинг ўзига хос миллий хусусиятларини, тиллар ўртасидаги

ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш имконини берган;

инглиз фразеологик лисоний манзараси доирасида «эркак ва аёл» концептларининг тадқиқоти Лондон метрополитен университетининг ижтимоий фанлар факультетида лексикография, стилистика, таржима назарияси ва социолингвистика каби фанларнинг назариясини бойитиб, ушбу йўналишлар доирасида олиб борилаётган тадқиқотларда фойдаланилган (Лондон метрополитен университетининг 2016 йил 18 августдаги маълумотномаси). Инглиз фразеологияси материали асосида ишлаб чиқилган «эркак» ва «аёл» концептларининг параметрлари гендер лингвистикасининг ривожланишига хизмат қилади;

диссертацияда аниқланган инглиз фразеологик бирликларининг тарихий, миллий-маданий ва этимологик мазмуни Челябинск давлат маданият институтида маданиятлараро мулоқот назарияси ва амалиёти йўналишида фойдаланилган (Челябинск давлат маданият институтининг 2016 йил 17 октябрдаги №938-10-сон маълумотномаси). Гендер белгили фразеологик бирликлар инглиз жамиятининг маданий ва миллий хусусиятларини очиб берган.

Облоқулова Мастура Мизробовна. «Инглиз тилининг гап структурасида феълнинг шахсиз шаклларининг функционал таҳлили», 10.00.04–Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти ихтисослиги бўйича (филология фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: № 27.03.2014/В2014.2.Fil185.

Илмий маслаҳатчи: Сирожиддинов Шухрат Самариддинович, филология фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Самарқанд давлат чет тиллар институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети, 14.07.2016.Fil.09.01.

Расмий оппонентлар: Хошимов Ғанижон Мирзааҳмедович, филология фанлари доктори, профессор; Алекс Круглов, филология фанлари доктори, Лондон Метрополитен университети профессори; Мирзаев Ибодулло Камолович, филология фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Бухоро давлат университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: гап структурасида феълнинг шахсиз шаклларининг формал (синтактик позициялари ва алоқалари) ва мазмун (синтактик-семантик) хусусиятларини ҳамда синтаксемаларнинг бирикишини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инглиз тилининг микроконтекстидаги синтактик семантиканинг янги йўналишлари асосида феълнинг шахсиз шакллари комплексли ва тизимли равишда ишлаб чиқилган;

феълнинг шахсиз шаклларининг дистрибутив имкониятлари ва уларнинг инглиз тили гап структурасидаги синтактик алоқалари аниқланган;

синтагматик ва парадигматик қаторда ҳамда қонуниятларда синтактик алоқаларни аниқлаш, дифференциал синтактик-семантик хусусиятларни ва шу асосда синтактик шаклларнинг конкрет моделлар базасида морфологик ифодаланишини юзага чиқариш усуллари асослаб берилган;

синтаксемалар ва уларнинг вариантлари гапдаги бошқа компонентлар билан бирика олиши қонуниятлари далилланган;

гап структурасида гап бўлаклари ва уларнинг семантикасини яққол акс эттириш учун компонент ва юнкцион моделлардан фойдаланиш зарурати исботланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Гап структурасидаги феълнинг шахсиз шаклларининг функционал таҳлилини тадқиқ этиш асосида эришилган натижалар:

феълнинг шахсиз шаклларининг функционал таҳлили бўйича олиб борилган тадқиқот материалларидан ФА-Ф8-034 рақамли «Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг ривожланиш тамойиллари» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2016 йил 2 ноябрдаги ФТК-03-13/ 739-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари синтагматик ва парадигматик қаторда синтактик алоқаларни тавсифлаш ҳамда дифференциал синтактик-семантик хусусиятларни ва шунга боғлиқ ҳолда конкрет моделлар базасида уларнинг морфологик ифодаланишининг қонуниятлари асосида синтаксемаларни аниқлаш усуллари кўрсатишда

асос бўлган;

тадқиқотдаги феълнинг шахсиз шакллари тўғрисидаги натижалардан халқаро Бурч университети инглиз тили амалиёти йўналишида фойдаланилган (халқаро Бурч университетининг 14 октябрь 2016 йилдаги 02-176/16-сон маълумотномаси). Феълнинг шахсиз шаклларининг ҳар хил вариантдаги синтаксемаларнинг кенг спектри ва уларнинг бошқа синтаксемалар билан ўзига хос боғлана оладиган синтактик семантикани ўрганишда ёрдам берган;

инглиз тили ўқитишнинг замонавий технологияларини кенг тарғиб этиш мақсадида Самарқанд телерадиокомпаниясининг «Инглиз тилини ўрганамиз», «Хорижий тилларни биламизми?», «Инглиз тилида сўзлашамиз» номли телекўрсатув ва радио эшиттиришларда тадқиқот асосида ишлаб чиқилган усуллар қўлланилмоқда (СТР телерадиокомпаниясининг 8 сентябрь 2016 йилдаги 09.02/272-сон маълумотномаси). Диссертацияда келтирилган гап структурасидаги феълнинг шахсиз шакллари татбиқ этиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар феълнинг шахсиз шакллари ва уларнинг синтактик-семантик белгиларининг дистрибуциясини ўқитишда инobatга олиш зарурлигини кўрсатиб берган.

Қаршибаева Улжан Давировна. «Француз романтизм прозасининг поэтик хусусиятлари», 10.00.04–Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти (филология фанлари). Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.Fil229.

Илмий маслаҳатчи: Холбеков Мухаммаджон Нурқосимович, филология фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Самарқанд давлат университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, 14.07.2016.Fil.09.01.

Расмий оппонентлар: Лиходзиевский Анатолий Степанович, филология фанлари доктори, профессор; Мария де Фатима Маринё, филология фанлари доктори, профессор (Португалия); Юсупов Тоҳир Жабборович, филология фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: романтизм прозасининг поэтик хусусиятлари, романтизм тамойиллари, романтик проза поэтикасига хос аллегорияли ҳикоя қилиш усули эканлигини Шатобриан ва Гюго асарлари бадиий матнининг лингвопоэтик таҳлили орқали очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

романтизмда ёрқин, истеъдодли шахсларнинг субъектив олами поэтик шаклни, эстетик идеални амалга ошириш воситаларидан бири эканлиги Шатобриан ва Гюго асарлари асосида аниқланган;

Шатобриан ва Гюго прозасида икки дунё манзараси объектив ва субъектив воқелик диада услубида ишлаб чиқилган;

Шатобриан прозаси матни метафораларга ниҳоятда бойлиги ва бунинг романтизм прозаси қонуниятларига мувофиқлиги исботлаб берилган;

Шатобриан ва Гюго романлари поэтикасини белгиловчи универсаллик, макон ва замон категорияларига хос хусусиятлар ёритилган;

Шатобриан ва Гюго романлари матнида келувчи вазн ва оҳанг муаммоси муҳим ўрин тутиши ва бунинг романтизм прозаси услубига хос жиҳатлари аниқланган;

Шатобриан ва Гюго асарлари матнининг поэтик хусусиятлари ўзбек филология илмида илк бор лингвопоэтик услубда ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Романтизм даври ижодкорлари асарлари тадқиқи бўйича олинган натижалар асосида:

XIX аср француз романтизмнинг икки буюк вакили Шатобриан ва Гюго ижоди борасида илмий изланишлар олиб бориш француз ва ўзбек адабий алоқаларини янада мустақкамлашга, француз халқининг маданияти ва тарихини тадқиқ қилишга, «Европа тиллари куни» каби тадбирларда ва Ўзбекистонда Европа адабиётини ўрганувчилар учун муҳим манба сифатида фойдаланилган (Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонасининг 2016 йил 7 октябрдаги маълумотномаси). Жорий этилган материал француз романтизмнинг манбалари ва эстетик

тамойилларини Европа романтизм адабиёти контекстида очиб беришга хизмат қилган;

тадқиқотда аслиятдан олинган мисоллар маъно жиҳатдан таржима қилинганлиги, уларнинг сўзма-сўз таржима жараёнидаги мазмунига таъсири ва фарқлари ЁА-1-06 «Профессионал таржималарни тайёрлаш сифати назоратини такомиллаштиришга компонент ёндошув» (2012–2013) мавзусидаги илмий лойиҳада илк романтизм даври асарларида қўлланилган сўзларнинг маъносини ўрганишга хизмат қилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2016 йил 1 июлдаги ФТК 03-13/438-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши таржима жараёнида ўша давр асарларидаги сўзларнинг маъносидан тўғри фойдаланиш имконини берган;

француз романтизм прозасида ёрқин, истеъдодли шахсларнинг субъектив олами ва поэтик хусусиятларининг ўзига хос жиҳатларини асослашда ЮТ-1-32 «Филология ва таржимонлик йўналишида мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юртлари талабалари учун» (2012) мавзусидаги инновацион илмий-техникавий лойиҳада ўзбек тилига таржимада ўша давр тили ва услубини, сўзларнинг маъносини қиёсий ўрганишда фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2016 йил 1 июлдаги ФТК 03-13/438-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши XIX аср романтизм оқими ижодкорлари асарларидаги сўзларнинг маъноси таржимада ҳозирги давр асарларида қўлланилаётган сўзлар маъносига мослигини ҳамда тили ва услубини қиёсий ўрганишга, луғавий маъноси билан таржимадаги маъноси ўртасидаги ўхшашлик ва фарқни ажратишда аниқ баҳолаш имконини берган;

Самарқанд телеканалида тайёрланган кўрсатувларда Гюго ҳаёти ва ижоди ҳамда бошқа кўплаб француз, инглиз, немис файласуфлари ва ёзувчиларининг ҳикматли сўзларидан фойдаланилган (СТВ телеканалининг 2016 йил 7 сентябрдаги 152-сон маълумотномаси). Кўрсатувлар учун тайёрланган материаллар машҳур шахслар ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотлар беришда муҳим манба бўлган.

Ахмедов Ойбек Сапорбоевич. «Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ-божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржима муаммолари» 10.00.06–Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик (филология фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.Fil 157.

Илмий маслаҳатчи: Маматов Абди Эшанқулович, филология фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 14.07.2016.Fil.09.01.

Расмий оппонентлар: Ҳошимов Ғанижон Мирзааҳмедович, филология фанлари доктори, профессор; Кучимов Шухрат Норқизилович, филология фанлари доктори, профессор; Кесава Паниккар, филология фанлари доктори, профессор (Ҳиндистон).

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат чет тиллар институти

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: инглиз ва ўзбек тилларидаги солиқ-божхона терминларининг лингвистик хусусиятларини очиб бериш асосида таржима қилиш усулларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор инглиз ва ўзбек тилларидаги солиқ-божхона терминларининг деривацион тамойиллари, аффиксал, морфемик-морфологик, лексик-семантик, функционал-семантик ва синтактик усулда ясалиши асослаб берилган;

ўзбек ва инглиз тилларидаги солиқ-божхона терминларининг белгилари, дискурсда прагматингвистик воқеланиши ва тарихий шаклланиши исботланган;

инглиз ва ўзбек тиллари солиқ-божхона терминологиясининг ҳозирги босқичдаги ҳолати, фонди-генофонди, солиқ ва божхона терминологиясининг ички ва ташқи омиллар ҳисобига бойиш йўллари исботланган ҳамда ўзлашма қатламнинг миқдорий кўрсаткичлари аниқланган;

солиқ ва божхона терминологиясидаги синонимия, полисемия, омонимия, гиперонимия ва гипонимиянинг терминлар таржимасида тўсқинлик қилувчи ҳолатларнинг ечими далилланган;

соҳа терминларини инглиз тилидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан инглиз тилига адекват таржима қилиш тамойиллари ҳамда усуллари (тасвирий, трансформацион, калька, муқо-

бил) ишлаб чиқилган;

солиқ-божхона терминлари таржимасида стилистик ва фразеологик бирликлардан, образлилик ҳамда экспрессивликдан, жаргонликдан сақланиш илмий асосланган ҳамда солиқ-божхона терминлари тартибга солиниб, унификация қилинган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ-божхона терминларининг шаклланиши, ривожланиши ҳамда деривацион хусусиятларини очиб бериш, терминларни таржима қилиш муаммоларини бартараф қилиш юзасидан олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

бакалаврият таълим йўналишида (5120100–Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) лексикология, стилистика, қиёсий типология, таржима назарияси фанлари бўйича узвийлаштирилган Давлат таълим стандарти мазмунига сингдирилган (O'zStandart Давлат агентлигида 2014 йил 18 сентябрда O'zDSt 36.1410:2014 №05-573 қайд рақами билан рўйхатга олинган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 2016 йил 29 октябрдаги №06/23-75-сон маълумотномаси). Жорий этилган материаллар инглиз ва ўзбек тилларидаги солиқ-божхона терминларининг изоҳли талқини ва таҳлилини ўргатиш, бошқа терминологик луғатлардаги изоҳлари билан қиёслаш, умумий ва хусусий лексик ҳамда терминологик маъно турларини ажратиш, терминлардаги стилистик (бўёқдорлик) хусусиятини аниқлаш, таржимада синоним лексемалар қаторидан терминларни тўғри танлаш муаммосини, муқобилсиз терминларни таржима қилиш муаммоларини ҳал қилишга хизмат қилган;

солиқ ва божхона терминларининг икки тилли (инглизча-ўзбекча) ҳамда изоҳли луғатидан мазкур соҳалар амалиётда фойдаланилган. Муомалага киритилган янги терминлар унификация қилинган, жумладан: «солиқ боқимандаси» терминининг муқобил антоними, яъни рус тилидаги «пунктуальный налогоплательщик» терминининг синоними ўзбек тили истеъмолида мавжуд бўлмаганлиги боис «интизомли солиқ тўловчи» термини, «фракт» термини ўрнига ўзбек тилидаги «юк ташиш ҳақи» термини, «норезидент» термини ўрнига «номаҳаллий» термини, «пеня» термини ўрнига ўзбек тилидаги «фоизли жарима», «муниципал солиқлар» термини ўрнига «маҳаллий солиқлар» термини, «солиқ преференцияси» терминининг муқобили сифатида «солиқ имтиёзи», «реализация қилинган товарлар» термини ўрнига «сотилган товарлар», «депозит пул» термини ўрнига «омонат пул» термини ҳамда «транзит» терминининг ўзбекча муқобили сифатида «олиб ўтиш» терминлари Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилиги ҳамда кодексда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 20.09.2016 йилдаги №16/1-20598-сон маълумотномаси). Муомалага киритилган янги терминлар солиқ-божхона соҳасига оид терминларни тўғри таржима қилишга ва ўз ўрнида тўғри ифода этишга асос бўлган;

тилшунослик ва солиқ-божхона соҳаларининг интеграциялашуви борасидаги ишлаб чиқилган амалий таклифлар А2–058 «Бюджет-солиқ сиёсати ижросини таъминлашда солиқ маъмурчилигининг ролини ошириш» мавзусидаги давлат амалий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантириш қўмитасининг 2016 йил 15 июндаги №ФТК-03-13/378-сон маълумотномаси). Таклиф этилган материаллар тилшунослик ва солиқ-божхона соҳаларида кечаётган жараёнларни ҳамда ҳодисаларни, уларнинг ривожланиши ҳақидаги билимларни такомиллаштиришга, жамият аъзолари учун солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни аниқ ва қисқа, барчага бир хилда тушуниладиган даражага олиб келишга хизмат қилмоқда.

Джумабаева Жамила Шариповна. «Ўзбек ва инглиз тилларида лексик ҳамда стилистик градуонимия», 10.00.06–Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик ихтисослиги бўйича (филология фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.Fil253.

Илмий маслаҳатчи: Сайфуллаева Раъно Рауфовна, филология фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўзбекистон Миллий университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети, 14.07.2016 Fil.09.01.

Расмий оппонентлар: Дадабоев Ҳамидулла Арипович, филология фанлари доктори,

профессор; Комбон Обояни (АҚШ), филология фанлари доктори, профессор; Искандарова Шарифа Мадалиевна, филология фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташиқлот: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: ўзбек ва инглиз тилларида лексик ҳамда стилистик градуонимиянинг семантик категориялар сирасидаги ўрнини аниқлаш ва градуонимиянинг турли тизимли тиллардаги семантик-структур хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

семантик муносабатларнинг бир тури сифатида градуонимия турли тизимли тилларда лингвистик ҳодиса эканлиги исботланган;

инглиз тилидаги от, сифат ва феъл каби сўз туркумларига оид муайян лексемаларда градуонимия аниқланган;

градуонимиянинг семантик категориялар билан муносабати ва уларнинг вазифадошлик, контекстуал маънодошлик ва ўзакдошлик каби семантик-структур хусусиятлари очиб берилган;

қиёсланаётган тилларда уникал градуонимик қаторларнинг шакл ва ясаиш хусусиятлари очиб берилган;

лексик градуонимиянинг градациядан аффиксация, ёрдамчи сўзлар орқали ясаиши ва интенсификаторлар қўшилиши каби структур ҳамда луғавий ва контекстуал каби семантик хусусиятлари билан фарқланиши исботланган;

ўзбек ва инглиз тилларидаги стилистик даражаланишнинг гапдаги ўрни ва бошқа сўзлар билан боғланиши каби синтактик хусусиятлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Ўзбек ва инглиз тилларидаги лексик ҳамда стилистик градуонимиянинг хусусиятлари юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

бакалавриат таълим йўналишида (5120100–«Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек филологияси)») ўзбек тили фани бўйича узвийлашган Давлат таълим стандарти мазмунига сингдирилган («O'zStandart» давлат агентлигида 2014 йил 10 октябрда O'zDSt 36.1542:2014 №5164 қайд рақами билан рўйхатга олинган). Жорий этилган материаллар ўзбек тилида даражаланиш, синонимик даражаланиш (градуонимия), гипонимиянинг градуонимияга муносабатини ёритишга, даража сифатнинг таснифловчи категория сифатида эканлигини исботлашга, шунингдек гап бўлаклариди даражаланиш (кесим – эга – ҳол – тўлдирувчи – аниқловчи)нинг хусусиятларини очиб беришга хизмат қилган;

бакалавриат таълим йўналишида (5120100–«Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси)») лексикология, стилистика, қиёсий типология, таржима назарияси фанлари бўйича узвийлашган Давлат таълим стандарти мазмунига сингдирилган («O'zStandart» давлат агентлигида 2014 йил 18 сентябрда O'zDSt 36.1410:2014 №05-573 қайд рақами билан рўйхатга олинган). Жорий этилган материаллар турли тизимли тилларда сўзнинг изоҳли таҳлилини ўргатиш, бошқа луғатлардаги изоҳлари билан қиёслаш, лексик маъно турларини ажратиш, градациянинг стилистик хусусиятини аниқлаш, таржимада синонимик қатордан сўз танлаш муаммосини ҳамда эквивалентсиз ва миллий-маданий хусусиятга эга бўлган лексика таржимаси муаммоларини ҳал қилишга хизмат қилган;

инглиз тилида сўзлараро маъновий фарқларни аниқлаб, янги сўзларни ўргатиш жараёнида синонимия, антонимия билан бир қаторда градуонимияни ҳам ўргатиш муҳимлиги бўйича амалий хулосалардан «O'zbekiston» телерадиоканалининг маданий-маърифий мавзудаги «Болалар учун», «Инглиз тили сабоқлари» ва «Таълим ва тараққиёт» радиоэшиттиришларини тайёрлашда фойдаланилган («O'zbekiston» телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2016 йил 15 августдаги 04-25-1123-сон маълумотномаси). Эшиттириш учун тайёрланган материаллар семантик таҳлил орқали аниқланган инглиз тилидаги синонимик қаторлар, антонимлар ҳамда градуонимик қаторлар билан бойитилди. Диссертацияда янги лексикани ўзлаштириш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар инглиз тилини ўрганаётган радиотингловчиларга сўзларнинг даражаланиши, ўзаро маънодош ҳамда контекстуал маъно яқинлигини ҳисобга олиб ўрганиш қулай эканлигини исботлашга хизмат қилган;

қиёслаш категорияси, хусусан, тил сатҳларида унинг кўринишлари, унинг бошқа категориялар билан муносабатини аниқлашга оид таклифлардан Андижон давлат университетида бажарилган ОТ-Ф8-057 рақамли «Ўзбек тилини системавий тадқиқ этишнинг

методологик асослари, метод ва принципларини шакллантириш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг ФТК-03-13/503-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари тил бирликларини системавий тадқиқ қилиш метод ва методологияси асосида ҳозирги ўзбек тили сатҳларининг системавий тавсифини яратишда хизмат қилган.

Камилова Саодат Эргашевна. «XX аср охири – XXI аср бошлари рус ва ўзбек адабиётида ҳикоя жанри поэтикасининг ривожини», 10.00.06–Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик (филология фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 31.03.2016/В2016. Fil 92.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўзбекистон Миллий университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 14.07.2016. Fil.09.01.

Расмий оппонентлар: Пардаева Зулфия Жураевна, филология фанлари доктори; Ермолин Евгений Анатольевич, педагогика фанлари доктори, профессор (ЯГПУ, Россия); Каримов Баходир Нурметович, филология фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Фарғона давлат университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: XX аср охири – XXI аср боши рус ва ўзбек адабиётида жанр поэтикасининг мазмун ва шаклий жиҳатларида ҳикоя тараққиётининг яхлит кўринишини асослаш ҳамда ҳикоя феноменини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«муаллиф-ровий-қахрамон» учлиги призмасида замонавий рус ва ўзбек ҳикояси поэтикаси тизимга солинганлиги XX аср охири – XXI аср боши ҳикоялари ҳозирги адабий жараёндаги эстетик феномен сифатида эканлиги исботланган;

субъектив-очиқ позиция ҳақиқий воқеликка нисбатан замонавий ўзбек ва рус ҳикоясининг яхлитлигини таъминловчи етакчи принципга айланиб бориши исботланган;

замонавий ҳикояда муаллифлик даъвосининг у ёки бу хусусиятига мувофиқ тарзда «мен»и турлари асосланган;

замонавий ҳикоя жанрининг ўзгариш феномени типологик жиҳатдан аниқланган, шунингдек «муаллиф-ровий-қахрамон» учлиги хусусияти ва ҳозирги адабий жараённинг муаммо-мавзуй соҳаси призмасида замонавий ҳикоялар тизимидаги функционал-семантик белги асосида деталь типологияси аниқланган;

замонавий ўзбек ва рус ҳикояси миллий ва умуман дунё адабиёти адабий жараёни ривожини хусусиятлари билан белгиланадиган ўзига хос ҳодиса эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

XX–XXI асрлар рус ва ўзбек адабиётларида ҳикоя жанри поэтикаси тараққиёти таҳлилида ишлаб чиқилган методик ва амалий таклифлари асосида:

ўқувчиларда филологик, эстетик тафаккурни ривожлантиришнинг адабий хусусиятлари ва омиллари, замонавий ўзбек адабиётини тушуниш маданиятини таркиб топтириш механизмлари ва ахборий-дидактик таъминоти ҳамда қиёсий-адабий ёндашув асосида ҳозирги ўзбек адабиётини ўрганишнинг амалий-технологик жиҳатлари лицей ва коллеж талабалари (рус гуруҳлари учун) учун яратилган «Узбекская литература» (№220-3, 2012) дарслигига сингдирилган. Бу эса ижтимоий-гуманитар, эстетик ва маънавий-ахлоқий тарбия турларини ташкил этишнинг қиёсий-адабий ёндашуви орқали бўлажак ўқувчиларни филологик тайёрлаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

5A120101 – Адабиётшунослик (рус адабиёти) магистратура мутахассислиги Давлат таълим стандарти («O'zstandart» давлат агентлигида 2014 йил 7 августда O'zDSt 36.12.12:2014 №4810-сони билан рўйхатга олинган) мазмунига татбиқ этилган. Татбиқ этилган материаллар жанри адабиётшунослик категорияси, XXI аср бошларида жанрий диспозиция сифатида аниқлаш; замонавий рус адабиётида янги жанрлар, муаллиф «мен»и турлари мавжудлигини тасдиқлаш; замонавий адабий компаративистиканинг хусусиятларини аниқлашга хизмат қилган;

5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (рус тили) бакалавриат йўналиши Давлат таълим стандарти («O'zstandart» давлат агентлигида 2014 йил 10 октябрда O'zDSt 36.15.50:2014 №5172-сони билан рўйхатга олинган) мазмунига татбиқ этилган. Татбиқ этилган материаллар

замонавий асарларни адабий таҳлил қилишга ўргатиш; замонавий ҳикояда жанрлар трансформациясини аниқлаш; замонавий бадиий асарларни қиёсий-типологик таҳлил учун танлаш муаммосини ҳал қилиш; замонавий адабиётда эпик жанрлар тавсифи муаммосини ҳал қилишга ёрдам берган;

адабий метод ва усуллар тизими Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган ОТ-Ф8-151 – «Адабиёт энциклопедияси» фундаментал лойиҳасида ҳикоя жанрининг назарий тамойилларини ёритиш, шунингдек ҳикоя жанрини миллий адабиётлардаги адабиётшунослик категорияси сифатида таърифлаш қисмларига жорий қилинди (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг ФТК-03-13/662-сон далолатномаси). Натижада компаративистик метод замонавий рус ва ўзбек адабиётини жаҳон адабий жараёни тараққиёти контекстида самарали тадқиқ этиш мумкинлигини кўрсатган.

Насиров Абдурахим Абдимуталипович. «Француз, ўзбек ва рус тилларидаги провербиал фразеологизмларнинг семантик-стилистик ва миллий-маданий хусусиятлари», 10.00.06–Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик (филология фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 20.02.2014/В 2014.3-4.Fil148.

Илмий маслаҳатчи: Маматов Абди Эшонкулович, филология фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети, 14.07.2016.Fil.09.01.

Расмий оппонентлар: Мирзаев Ибодулло Камолович, филология фанлари доктори, профессор; Бакиров Поён Уралович, филология фанлари доктори, профессор; Менглиев Бахтиёр Ражабович, филология фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Версаль академияси (Франция).

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: француз, ўзбек ва рус тилларидаги провербиал фразеологизмларнинг семантик-стилистик, этномаданий хусусиятларини аниқлаш ҳамда улардан ўзбек тилшунослигида фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

француз, ўзбек ва рус тилларидаги фразеологик бирликларнинг, хусусан, провербиал фразеологик бирликларнинг семантик хусусиятлари, уларнинг фразео-семантик майдонларда жойлашиши ва келиб чиқиш тарихи ҳамда манбалари (этимологияси)ни аниқлаш орқали очиб берилган;

учта миллатнинг адабий тили ва жонли сўзлашув нутқидаги фразеологик бирликларнинг ҳамда уларга қиёсан провербиал фразеологик бирликларнинг окказионал ва контаминацион ўзгаришлари, саккиз хил трансформацияланиш усулларида фойдаланган ҳолда лингвостилистик хусусиятлари ёритилган;

француз, ўзбек ва рус тилларидаги миллийлик ва умумбашарийлик хусусиятлари биринчи марта қиёсланган, учта тил мисолида провербиал фразеологизмлар иштирокида очиб берилган, этномаданий қатламнинг аҳамияти аниқланган;

провербиал фразеологизмларнинг хусусиятлари, белгилари, қўлланилиш миқёси ҳамда бошқа типдаги фразеологик бирликлар орасида тутган ўрни очиб берилган, француз, ўзбек ва рус тилларидаги провербиал фразеологизмларга доир тушунчавий терминларнинг қиёсланаётган тиллардаги муқобиллари топилиб, ўзаро мувофиқлаштирилган, биринчи марта провербиал фразеологизм термини остида ишлатилган;

тадқиқотимизда баён этилган, умуман, хорижий тилларни, хусусан, француз ва рус тилларини ўрганиш ва ўзлаштиришда лўнда, сиқик ва қочиримга бой провербиал фразеологизмлардан фойдаланишга доир илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Француз, ўзбек ва рус тилларидаги провербиал фразеологизмларнинг семантик, стилистик ва миллий-маданий хусусиятларини тадқиқ қилиш жараёнида ишлаб чиқилган қиёсий типологик таклифлар асосида:

таълим муассасаларида чет тилларини ўрганиш жараёнида турғун бирикмалардан

фойдаланишга доир таклифлардан Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги 124-сон «Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорининг 1-иловаси билан тасдиқланган меъёрий ҳужжатларни тайёрлашда фойдаланилган ва уларнинг мазмунига сингдирилган (Халқ таълими вазирлигининг 2016 йил 12 майдаги 01-02/1-7-150-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар мулоқот жараёнида провербиал фразеологик бирликларни умумий лексик бирликлар билан бир қаторда қўллашнинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиш орқали иборалар, турғун бирикмалар маъносини таҳлил қила олиш, коса тагидаги нимкоса гапларнинг маъносини уқиш, англаш, таржима қилиш ва қўллай олиш стратегиялари ва босқичларини ёритиб бера олишга хизмат қилади ҳамда таълим муассасаларида чет тилларни ягона ёндашувга биноан ташкил этиш асосида таълим сифатини оширишга имкон яратди;

француз тили лексик фондидан фаол провербиал фразеологизмларни танлаш, уларнинг ўзбек ва рус тилларидаги муқобилларини топиш, ўзаро ўхшаш ва ноўхшаш томонларини қиёслаш ҳамда тадқиқотнинг амалий қисми сифатида уч тилли провербиал фразеологик луғат яратишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2016 йил 12 майдаги 01-02/1-7-150-сон маълумотномаси). Таклиф этилган материаллар турли тизимли тилларда провербиал фразеологизмлар иштирок этган матнларни англаш, уларни француз тилидан ўзбек ва рус тилларига ёки аксинча, ўзбек тилидан француз ёки рус тилларига самарали таржима қилишга ёрдам беради ҳамда лингвомаданий моҳиятини очишга хизмат қилади;

умумий ўрта таълим мактабларининг 1-, 4-, 5-, 9-синф француз тили дарслик мажмуаларини яратишда фойдаланилган (Hirondelle-1, 1-синф // Т.: Ўқитувчи, 2015, 2016; Hirondelle-2, 2-синф // Т.: Ўқитувчи, 2014, 2016; Hirondelle-3, 3-синф // Т.: Ўқитувчи, 2015; Hirondelle-4, 4-синф // Т.: Ўқитувчи, 2016; Bonjour la France. 5-синф. Т.: Ўқитувчи, 2015; D'un état à l'autre. 9-синф. Т.: Шарқ, 2013). Умумий ўрта таълим мактабларида ушбу дарсликлардан, хусусан, улар таркибидаги турғун бирикмалардан ўқиш, тинглаб тушуниш, ёзиш ва уларни нутқ жараёнида қўллаган ҳолда гапиришлари орқали ўқувчиларда француз тилидаги лингвистик компетенцияларни шакллантиришга хизмат қилади. Ўқувчилар лексик бирликлар билан бирга фразеологик бирликларни ҳам ёзма ва оғзаки нутқда қўллай олиш кўникмаларига эга бўладилар.

Алимухамедов Рихситилла Абдурашидович. «Қадимги турк-моний адабиёти манбалари», 10.00.10–Матншунослик ва адабий манбашунослик (филология фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.Fil114.

Илмий маслаҳатчи: Содиқов Қосимжон Позилович, филология фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент давлат шарқшунослик институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети, 14.07.2016.Fil.09.01.

Расмий оппонентлар: Сирожиддинов Шуҳрат Самариддинович, филология фанлари доктори, профессор; Зеки Каймаз, филология фанлари доктори, Эге университети профессори (Туркия); Исҳоқов Мирсодиқ Мирсултонович, тарих фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: Андижон давлат университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: қадимги турк-моний муҳитида яратилган ёзма ёдгорликларни манбашунослик ва матншунослик нуқтаи назаридан асослаш, ёзув ва саводхонлик, уларнинг жанр хусусиятлари, тузилиши ва туркий адабиёт тарихида тутган ўрнини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

туркий, жумладан ўзбек адабиётшунослигига «турк-моний адабиёти» тушунчаси ҳамда турк-моний адабиёти улкан бир адабий жараён эканлиги, жанр тизими мукамал босқичга эришгани исботланган;

турк-моний муҳитида яратилган бадиий адабиёт намуналари биринчи бор монографик планда манбашунослиги ва матншунослиги асосланган;

турк-моний манбаларида қўлланган кўк-турк, уйғур ва туркий тилга мослаштирилган моний ёзуви турларининг танланиши, китобат иши ва саводхонлик даражаси далилланган;

турк-моний адабий манбаларининг туркий адабиёт тарихида тутган ўрни ва кейинги

давр туркий адабиётига таъсири исботланган;

турк-моний адабиётининг бошқа давр адабиётидан мазмуни, тузилиши ва фарқли жиҳатлари ҳамда кейинги давр адабий жараёнларига қўшган ҳиссаси далилланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Қадимги турк-моний адабиёти манбаларининг таҳлили бўйича олинган натижалар асосида:

Ўрта Осиё ёзув маданияти муаммолари ечимлари Ўзбекистон тарихи давлат музейининг 2014 йил 28 декабрдаги 36/1 И/Ч-сон буйруғига мувофиқ музейнинг «Ўзбекистон ҳудудида V–VIII асрларда давлат тузилмалари» ҳамда «IX–XII асрларда фан ва маданиятнинг юксалиши» номли экспозициялари бўлимларида Ўрта Осиё ҳудудида истеъмолда бўлган ва туркий халқларнинг ёзув маданиятига катта таъсир кўрсатган ёзув турлари ва уларда битилган асарларни ёритиб беришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2016 йил 28 ноябрдаги 3/1255-1424-сон маълумотномаси). Экспозицияда илмий натижанинг қўлланилиши илк ўрта асрларда Ўрта Осиё ҳудудида қўлланган ёзувлар, уларнинг ёзув маданияти ва туркий халқлар турмушида тутган ўрнини кўрсатиш ва аниқ баҳолаш имконини берган;

қадимги туркий давлатларда қўлланган хоқон ва хонларнинг унвонларидаги моний дини билан боғлиқ атамаларнинг қўлланилиши ва интерпретацияси Ф1-136 рақамли «Илк ва ўрта асрларда яратилган туркий ҳужжатларнинг ўзбек давлатчилиги тарихидаги ўрни (дипломатика, сфрагистика, палеография ва матн интерпретацияси масалалари)» (2012–2016) мавзуидаги фундаментал илмий тадқиқот лойиҳасида қадимги туркий ҳужжатларда қўлланган унвонларнинг илдизини, уларнинг англатган маъносини ёритиб бериш имконини берган. Жумладан, қадимдан анъана бўлиб келаётган унвонларнинг тузилиши кейинги даврда яратилган унвонларда ҳам давом эттирилгани ҳамда такомиллаштирилгани материаллар орқали далилланган;

турк-моний муҳитида яратилган бадиий асарлардан олинган натижалар Ф1-139 рақамли «Шарқ халқлари адабиёти тарихи ва жанрлар типологияси» (2012–2016) мавзуидаги фундаментал илмий тадқиқот лойиҳасида қадимги туркий адабиётда турли жанрларнинг, жумладан алқов, тавбаном ва дуо мазмунидаги асарларнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти, уларнинг жанр хусусиятларини исботлаш имконини берган. Жумладан, туркий адабиётда алқов (гимн), тавбаном ва дуо мазмунидаги асарларнинг пайдо бўлишида турк-моний алқовлари, тавбаномалари ва дуоларининг аҳамияти матнлар таҳлилидан олинган мисоллар орқали исботланган;

асарларнинг илмий тавсифи ва таҳлилидан олинган натижалар Ф1-ФА-0-55746 «Марказий Осиё халқлари адабий қўлёзма ёдгорликларини тадқиқ этиш, Ўзбекистон шоир ва ёзувчилари архивини тўплаш ва уларни илмий тавсифлаб нашрга тайёрлаш» (2012–2016) номли фундаментал лойиҳасида адабий манбаларнинг илмий, текстологик тадқиқи ва илмий нашрларини яратиш бўйича келтирилган илмий-назарий қарашларидан лойиҳа доирасида нашр этилган «Тўтинома» типидagi асарларнинг қиёсий-типологик ва текстологик тадқиқи ҳамда «Алишер Навоий. Хамсат ул-мутахаййирин» китобларида фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2016 йил 12 октябрдаги ФТК-03-13/684-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши қадимги туркий унвонларда кечган атамаларни ёритиш, туркий адабиётда адабий жанрларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини очиқ бериш, матнларнинг мазмунини янгича талқин этиш имконини берган.

Хасанова Шафоат Саидбековна. «Тўтинома» ва «Қуш тили» туркумидаги асарларнинг қиёсий-типологик ва текстологик тадқиқи», 10.00.10–Матншунослик ва адабий манбашунослик (филология фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 28.04.2016/В2016.2.Fil 115.

Илмий маслаҳатчи: Содиқов Қосимжон Позилович, филология фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ўзбек тили ва адабиёти музейи.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети, 14.07.2016.Fil.09.01.

Расмий оппонентлар: Шодмонов Нафас Намозович, филология фанлари доктори,

профессор; Имомназаров Муҳаммад Султанович, филология фанлари доктори, профессор; Миннегулов Хатип Юсупович, филология фанлари доктори, Қозон федераль университети профессори.

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: Мавлоно Хожа Қози Пайвандий Ризоий ва унинг «Қуш тили» асари қўлёзмасини Фаридуддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр», Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» асарлари ҳамда Нахшабий, Муҳаммад Қодирий, Асирий, Латифий, Мирзабобо ва Хиромийларнинг «Тўтинома» асарлари қўлёзма нусхаларининг қиёсий-типология ва текстология таҳлили мисолида улардан ҳар бирининг ўзига хос бадиий жиҳатдан эътиборга лойиқ ижод намунаси сифатида ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрнини кўрсатиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ризоий Пайвандийнинг адабиётшуносликка оид манбаларда зикр этилмаган «Қуш тили» асари аниқланиб, илк бор тўлиқ ўрганилган ва илмий муомалага киритилган;

маълум адабий аънаналар ҳосиласи бўлган «Тўтинома» ва «Қуш тили» туркумидаги асарларнинг генетик куртаклари, тараққиёт босқичлари ва яратилиш тарихи назарий жиҳатдан асосланган;

«Тўтинома» ва «Қуш тили» асарларининг 11 та қўлёзма нусхаси аниқланиб, улар тўлиқ илмий тавсифланган;

диссертацияда асарларга кирган ўхшаш ҳикояларнинг матний фарқларини аниқлаш ва асар қаҳрамонларининг қиёсий-типология таҳлили орқали ижодкорлар асарлардаги етакчи ғоя, мавзу ва мотивлар, муштарак ҳамда фарқли жиҳатлар исботланган;

Ризоийнинг «Қуш тили» асарида келтирилган ҳикоятлар, Куръондан олинган иқтибослар ва ҳадислар асар моҳиятини очиқ бериш мақсадига йўналтирилганлиги, асарнинг муаллиф томонидан илгари сурилатган тасаввуфий ғояни ўзида мужассамлаштирган ўзига хос ижодийлик ва бадиийлик намунаси эканлиги қиёсий-типология таҳлил орқали асосланган;

Хиромийнинг «Тўтинома» асари бу мавзудаги асарлар ичида бадиий жиҳатдан юксак даражадаги ижод намунаси эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Буюк аждодларимизнинг ўзбек ва жаҳон адабиёти ривожига қўшган ҳиссаси, ўтмиш бадиий меросимизнинг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузини ошириш, адабиётимизни янада чуқур ўрганиш билан боғлиқ масалалар ечимлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон Фармони ижроси юзасидан Алишер Навоий номидаги адабиёт музейида ташкил этилган «Фольклор» ва «Ўрта асрлар адабиёти» номли экспозицияларда Зиёвуддин Нахшабий, Асирий, Латифий, Хиромийларнинг «Тўтинома» асарларининг қўлёзма нусхалари ва Ризоий Пайвандийнинг «Қуш тили» асари қўлёзмаси талқинлари ва уларнинг тадқиқи бўйича олинган натижаларидан фойдаланилган. Жумладан, Ризоий Пайвандийнинг шу вақтгача номаълум бўлиб келган ва ўзбек тилида яратилган «Қуш тили» асари ва қатор муаллифларнинг «Тўтинома» асарлари қўлёзмалари ҳақидаги бой маълумот биринчи марта экспозициядан ўрин олган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2016 йил 30 сентябрдаги 3/1255-1210-сон маълумотномаси). Экспозицияда илмий натижанинг қўлланилиши «Тўтинома» ва «Қуш тили» туркумидаги асарларнинг ўзбек адабиёти тарихидаги муносиб ўрнини аниқлаш имконини берган;

«Тўтинома» асарларининг қиёсий-матний тадқиқи бўйича олинган натижалардан ФА-Ф1-И 2012-1-8 «Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш ва уни текстология ўрганиш масалалари» (2012–2016) фундаментал лойиҳасида «Гўрўғли» туркуми дostonларининг оғзаки вариантлари ва қўлёзма нусхалари матнини қиёсий-текстология таҳлил қилишда; «Мантиқ ут-тайр», «Лисон ут-тайр» ва «Қуш тили» дostonларининг қиёсий-текстология тадқиқи бўйича олинган натижалардан ФА-Ф1-Г039 «Навоий қомуси» (2 жилдлик) ва «Абдулла Қодирий қомуси» (2012–2016) фундаментал лойиҳасининг «Навоий қомуси» йўналишида Ризоийнинг «Қуш тили» асарига Алишер Навоий «Лисон ут-тайр» асарининг таъсири мавзусини ёритишда фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2016 йил 4 октябрдаги ФТК-03-13/644-сон маълумотномаси). Мазкур натижаларнинг қўлланилиши Хиромийнинг «Тўтинома» ва Ризоий Пайвандийнинг «Қуш тили» асарлари ўзига хос ижодийлик ва бадиийлик намунаси эканлигини асослаш имконини берган;

«Куш тили» ва «Тўтинома» дostonларидаги ҳикоятлар ва тамсилларнинг ўзига хослиги ва уларнинг манбалари юзасидан амалга оширилган тадқиқот хулосаларидан ОТ-Ф8-151 «Адабиёт энциклопедияси» (2012–2016) фундаментал лойиҳасида энциклопедиянинг 3-жилди «Ризоий Пайвандий» мақоласини тайёрлашда фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2016 йил 4 октябрдаги ФТК-03-13/644-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши Шарқ адабиётида кенг тарқалган маънавий-ахлоқий ва тасаввуфий йўналишдаги асарлар яратиш аънаналарининг туркий адабиётда ҳам кенг қўлланилганлигини аниқ баҳолаш имконини берган.



География фанлари бўйича докторлик диссертациялари ҳимояси тўғрисида эълонлар

Турдымамбетов Изимбет Рахметович. «Қорақалпоғистон Республикаси нозогеографик вазиятини яхшилашнинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари», 11.00.02–Иқтисодий ва ижтимоий география (география

фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.G30.

Илмий маслаҳатчи: [Солиев Абдусами Солиевич] география фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўзбекистон Миллий университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Гидрометеорология илмий-текшириш институти ва Ўзбекистон Миллий университети, 14.07.2016.G.32.01.

Расмий оппонентлар: Қаюмов Абдуҳаким Абдуҳамидович, география фанлари доктори, профессор; Юлдашев Қаҳрамон Холдарович, тиббиёт фанлари доктори; Бахритдинов Баходир Арифович, география фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Наманган давлат университети.

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: Қорақалпоғистон Республикаси аҳолиси саломатлигини яхшилаш ва минтақани барқарор ривожлантириш бўйича илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон Республикасида аҳоли касалланишининг ҳудудий тафовутлари ва географик хусусиятлари аниқланган;

Қорақалпоғистон Республикаси тиббий-географик районлари миқёсида аҳоли касалликлари ва атроф-муҳит зарарли омилларининг ўзаро корреляцион алоқадорлиги аниқланган;

муайян табиий ва экологик омилларнинг аҳоли касалланиш даражасига таъсир этишининг зонал қонуниятлари ва маҳаллий хусусиятлари очиб берилган;

минтақанинг тиббий-географик ҳолатини акс эттирувчи туркум нозогеографик карталар ишлаб чиқилган;

Қорақалпоғистон Республикасида аҳоли саломатлигини яхшилаш ҳамда минтақанинг барқарор ижтимоий ривожланишини таъминлашнинг асосий устувор йўналишлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Аҳоли саломатлигини яхшилаш бўйича ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

атроф-муҳитнинг салбий омиллари билан касалликлар ўртасидаги аниқланган корреляцион алоқалари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси аҳоли касалланишининг ҳудудий тафовутлари муайян ҳудудларда касалланишни назорат қилишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 4 октябрдаги 1/2072-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқотлар натижаси ўрта ва узоқ муддатли ҳудудий дастурлар режасига ўзгартиришлар киритишга асос бўлиб хизмат қилган;

аҳоли касалликларининг тарқалиши асосида тиббий-географик районлар бўйича ишлаб чиқилган нозогеографик карталар минтақа аҳолисининг саломатлигини яхшилаш ва касалликларни аниқлаш бўйича давлат дастурлари режасини ишлаб чиқишда фойдаланилган

(Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 4 октябрдаги 1/2072-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқотлар натижасида минтақанинг нозогеографик ҳолати Шимолий ва Марказий тиббий-географик районларда етакчи касалликларнинг даражасини ретроспектив ўрганиш имконини берган;

атроф-муҳит билан аҳоли саломатлиги ҳолати ўртасидаги алоқадорлик ва яхлитлик эътиборга олинган нозоэкологик мониторинг модели Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича минтақавий дастурлар режасига ўзгартиришлар киритишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2016 йил 3 октябрдаги МА-01/12-1625-сон маълумотномаси). Булар минтақада экологик вазиятнинг ўзгаришлари юзасидан режали, мунтазам кузатишларни ўтказиш режасини ишлаб чиқиш ва нозогеографик прогнозларни тузиш учун асос бўлган;

Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий туманларида ўрмон ўтқозишни фаоллаштириш ва Оролбўйининг шимолий тўқай тизимларини даврий сув бостириш бўйича берилган таклифлар Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан фойдаланилди (Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2016 йил 3 октябрдаги МА-01/12-1625-сон маълумотномаси). Кўрсатилган таклиф ва тавсиялар Оролбўйи экологик ҳолатини яхшилаш ва атроф-муҳитни самарали назорат қилиш имконини беради.



Юридик фанлар бўйича докторлик диссертациялари ҳимояси тўғрисида эълонлар

Ганиев Шерзод Алишерович. «Ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни такомиллаштириш», 12.00.02–Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва

божхона ҳуқуқи (юридик фанлар).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.Ҳу.27.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, 14.07.2016.Ҳу.30.01.

Илмий маслаҳатчи: Турсунов Ахтам Саломович, юридик фанлар доктори.

Расмий оппонентлар: Рузметов Хайрулло Ибодуллаевич, юридик фанлар доктори; Кутыбаева Елизавета Дуйсенбаевна, юридик фанлар доктори; Ибрагимов Зокиржон Султонович, юридик фанлар доктори.

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар билан курашишнинг маъмурий-ҳуқуқий воситаларини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

профилактик ҳисобга олинган шахслар тоифасига «порнографик маҳсулотни қонунга хилоф муомаласи», «зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни қонунга хилоф муомаласи», «фоҳишалик билан шуғулланиш» маъмурий ҳуқуқбузарликларини содир этганларни ҳам киритиш асосланган;

«фоҳишахона ташкил этиш ёки сақлаш», «қўшмачилик қилиш» ҳаракатларини алоҳида жиноят таркиби сифатида ажратиш исботланган;

«порнографик маҳсулотни қонунга хилоф муомаласи», «зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни қонунга хилоф муомаласи», «фоҳишалик билан шуғулланиш» маъмурий ҳуқуқбузарликларининг объектив ва субъектив белгилари ва профилактикасининг тавсифи аниқлаштирилган;

«порнографик маҳсулотни қонунга хилоф муомаласи», «зўравонликни ёки шафқатсиз-

ликни тарғиб қилувчи маҳсулотни қонунга хилоф муомаласи», «фоҳишалик билан шуғулланиш» учун жавобгарлик белгиланган нормаларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликларнинг янги турлари – зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни, порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намоёйиш этиш мақсадида сақлаш, мамлакат ҳудудидан олиб чиқиш, фоҳиша (фоҳиш)нинг шаҳвоний хизматидан фойдаланиш, фоҳиша (фоҳиш)ликни тарғиб қилиш, лесбиянлик учун жавобгарлик белгиловчи нормаларни қонунга киритиш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

порнографик маҳсулотни қонунга хилоф муомаласи, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни қонунга хилоф муомаласи, фоҳишалик билан шуғулланиш маъмурий ҳуқуқбузарликларини содир этган шахсларга нисбатан профилактика тадбирларини самарали амалга оширишга оид таклиф Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонунининг 35-моддаси (ўзига нисбатан профилактик ҳисобга олиш деб юритиладиган шахслар) 1-қисми 6-хатбошида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2016 йил 4 октябрдаги 06/1-05/1410 вх-сон далолатномаси). Мазкур таклиф ички ишлар органлари томонидан профилактик ҳисобга олинадиган шахслар тоифасига порнографик маҳсулотнинг қонунга хилоф муомаласи, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотнинг қонунга хилоф муомаласи, фоҳишалик билан шуғулланиш маъмурий ҳуқуқбузарликларини содир этган шахсларни ҳам киритишга имкон берди. Шунингдек, бундай шахсларни ахлоқан бузилиши ва такроран ҳуқуқбузарлик содир этишининг олдини олишга хизмат қилди;

фоҳишахона ташкил этиш ёки сақлашни қўшмачилик қилишга нисбатан ижтимоий ҳавfli қилмиш деб баҳолаш, оғирроқ жазо чораларини назарда тутиш ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 131-моддаси (фоҳишахона сақлаш ёки қўшмачилик қилиш) 1-, 2-қисмларида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2016 йил 4 октябрдаги 06/1-05/1411 вх-сон далолатномаси). Ушбу таклифлар фоҳишахона ташкил этиш ёки сақлаш ва қўшмачилик қилиш ҳаракатларининг алоҳида жиноят таркиблари сифатида ажратилишини таъминлади. Шунингдек, ушбу жиноятлар учун тайинланадиган жазоларнинг одилона бўлишига, мазкур қилмишларнинг тўғри квалификация қилинишига ва уларга қарши кураш самарадорлигини оширишга хизмат қилади;

ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларининг самарадорлигини оширишга оид хулоса ва таклифлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «Одам савдоси, жинсий эркинлик ва ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш бўйича» йўриқномасининг 1-, 2-, 4-, 5-, 6-, 7-бобларида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2015 йил 29 июндаги 26/1448-сон ва 2016 йил 5 октябрдаги 6/1615-сон далолатномалари). Тадқиқот натижаларидан фойдаланилиши ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизматининг ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш фаолиятининг самарадорлигини оширди;

ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликларнинг ҳуқуқий тавсифига оид хулосалар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2015 йил 6 январдаги 3-сон фармойиши асосида тайёрланиб, барча ҳудудий, маҳаллий ва тармоқ ички ишлар органларига хизмат фаолияти давомида фойдаланиш учун юборилган. Ушбу таклифлар асосида чиқарилган хулосалар «Одам савдоси ва ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликларнинг ҳуқуқий тавсифи» номли услубий қўлланманинг II бобида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2016 йил 25 январдаги 16/7-320-сон далолатномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликларнинг тўғри квалификация қилинишига ҳисса қўшган;

ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликларнинг маъмурий-ҳуқуқий жиҳатларига оид хулосалар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан Вазирлик олий таълим муассасалари учун тавсия қилинган, жумладан «Маъмурий ҳуқуқ» ва «Криминология. Махсус

қисм» дарсликларининг тегишли бобларида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2015 йил 27 июлдаги 2/3662-сон, 2016 йил 4 июлдаги 2/2832-сон хатлари). Илмий натижалар асосида тайёрланган дарсликлар ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликларнинг маъмурий-ҳуқуқий, криминологик тавсифига оид илмий нуқтаи назарларни мукамаллаштирган.

Миракулов Миравзал Миродилович. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми (қийёсий-ҳуқуқий таҳлил)», 12.00.02–Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва божхона ҳуқуқи (юридик фанлар).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.Ҳу30.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, 14.07.2016.Ҳу.30.01.

Илмий маслаҳатчи: Мухамедов Ўткирбек Хазратқулович, юридик фанлар доктори.

Расмий оппонентлар: Рузметов Хайрулло Ибодуллаевич, юридик фанлар доктори; Раҳимов Фаҳри Хайдарович, юридик фанлар доктори, профессор; Мухамеджанов Омонулла Закирович, юридик фанлар доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий-ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий Мажлисга мурожаат қилиш ҳуқуқи»ни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

давлат бошлиғининг ижро этувчи ҳокимият билан боғлиқ ваколатларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Бош вазирнинг ролини таъминлашга оид таклифлар ишлаб чиқилган;

давлат бошлиғи ваколатини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини таъминлаш мақсадида прокуратура органларининг вазифаларини белгилаш бўйича таклиф асосланган;

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш, кўппартиявийлик ва партиялараро рақобатни кучайтириш, сайлов жараёнларини янада демократлаштиришга оид таклифлар асослаб берилган;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатларини амалга ошириш механизмларини янада ойдинлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентига Бош вазир номзодини сиёсий партиянинг қайси органи томонидан қанча муддатда таклиф этилиши қонунан белгилаб қўйилишига оид таклиф асосланган;

парламент назорати объектида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органининг мансабдор шахслари белгиланиши, парламент назорати субъектлари ўз ваколатлари доирасида парламент назорати натижалари бўйича ҳукумат аъзосини истеъфога чиқариш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти кўриб чиқиши учун таклиф киритишига оид нормани «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонунда мустаҳкамлаш исботланган;

«Ички ишлар вазирлигининг бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунishi» ва ундан келиб чиқиб, ички ишлар органларининг ташкилий-штат тузилиши ҳамда штат сони ва бир қатор ҳужжатларнинг Президент томонидан тасдиқланишига оид таклифлари асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий-ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг парламентга мурожаат этиш, ижро этувчи ҳокимият билан боғлиқ ваколатларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Бош вазири билан ҳамкорлик қилишга оид ваколатларини такомиллаштириш бўйича таклифлари Конституциянинг 93-моддаси 7-, 8-, 15-бандларида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2016 йил 20 октябрдаги

№06/1-05/1016-сон далолатномаси). Мазкур таклифлар Республика Президентининг давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлаш функциясини янада такомиллаштиришга хизмат қилади;

Конституциянинг 93-модда 1 ва 16-бандларидаги давлат бошлиғи ваколатини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини таъминлаш мақсадида прокуратура органларининг вазифаларини белгилаш бўйича таклиф «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2016 йил 20 октябрдаги №06/1-05/1016-сон далолатномаси). Мазкур таклиф давлат бошлиғининг фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишига кафиллик функциясини янада самарали таъминлашга хизмат қилган;

Президент сайловида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш мақсадида сайлов участкалари тузилиши мумкин бўлган объектлар сирасига қамоқда сақлаш жойларини ҳам киритишга оид таклиф «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 10-, 11-, 23-, 30-моддаларида, рўйхат тузилаётган вақтда муайян сайлов участкаси ҳудудида вақтинча истиқомат қилган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ҳам сайловчилар рўйхатига киритилиши лозимлиги бўйича таклиф мазкур Қонуннинг 21-моддасида, фуқароларнинг сайловчилар рўйхати бўйича аризаларини участка сайлов комиссияси «кечи билан йигирма тўрт соат ичида» кўриб чиқиши бўйича таклифи мазкур Қонуннинг 23-моддасида, сайлов қонунчилигини либераллаштириш мақсадида сиёсий партия томонидан тақдим этиладиган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи сайловчиларнинг имзолари сонини камайтиришга оид таклифи мазкур Қонуннинг 24-2-моддасида, сайловолди ташвиқоти тушунчаси, уни олиб бориш турлари, шакллари ва усулларини мустақамлаш бўйича таклифи мазкур Қонуннинг 28-моддасида, муддатидан олдин овоз бериш тартибини белгилаш бўйича таклифи ушбу Қонуннинг 31-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2016 йил 12 январдаги 02/2-42-сон ва 2016 йил 20 октябрдаги №06/1-05/1016-сон далолатномалари). Мазкур таклифлар ваколатни сайловда бевосита халқдан оладиган Президент сайловига оид қонунларни янада такомиллаштиришга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Президентига Бош вазир номзоди сиёсий партиянинг қайси органи томонидан қанча муддатда таклиф этилиши қонунан белгилаб қўйилишига оид таклифи «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонун 4-моддасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2016 йил 12 январдаги 02/2-42-сон ва 2016 йил 20 октябрдаги №06/1-05/1016-сон далолатномалари). Мазкур таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатларини амалга ошириш механизмларини янада ойдинлаштиришга хизмат қилган;

парламент назорати объектида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органининг мансабдор шахслари белгиланиши, парламент назорати субъектлари ўз ваколатлари доирасида парламент назорати натижалари бўйича ҳукумат аъзосини истеъфога чиқариш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти кўриб чиқиши учун таклиф киритишига оид таклифи «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонуннинг 4-, 21-моддаларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2016 йил 1 июндаги 05/01-11-96-сон, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2016 йил 7 июндаги 06-20/388-сон далолатномалари). Мазкур таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ва парламентнинг ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

«Ички ишлар вазирлигининг бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунуши», «ички ишлар органларининг ташкилий-штат тузилиши ва штат сонининг энг юқори чегараси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланиши», «ички ишлар органлари қуроллантириладиган ўқотар қурол ва унинг ўқ-дорилари турларининг рўйхати Президент томонидан тасдиқланиши», «ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби ҳамда формали кийим-бош намуналари Президент томонидан белгиланиши», «махсус унвонларни бериш ва улардан маҳрум этиш тартиби Президент томонидан белгиланиши», «ички ишлар

органлари ходимларига пул таъминотининг турлари ва миқдори Президент томонидан тасдиқланиши», «ички ишлар органларининг интизом устави Президент томонидан тасдиқланиши»га оид таклифлари «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 13-, 24-, 28-, 29-, 37-, 46-моддаларида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2016 йил 18 октябрдаги №06/2-06/1006-сон далолатномаси). Мазкур таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат бошлиғи ва айни вақтда Қуролли Кучларнинг Олий Бош қўмондони эканлиги ҳамда республика суверенитети, хавфсизлигини муҳофаза этиш конституциявий ваколатларини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқишга хизмат қилган.

Рузиев Зафар Райимович. «Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари (конституциявий-ҳуқуқий таҳлил)», 12.00.02–Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва боғхона ҳуқуқи (юридик фанлар).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.Ҳу31.

Илмий маслаҳатчи: Жалилов Шухрат Илҳомович, юридик фанлар доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент давлат юридик университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, 14.07.2016.Ҳу 30.01 рақамли илмий кенгаш.

Расмий оппонентлар: Раҳимов Фаҳри Хайдарович, юридик фанлар доктори, профессор; Тошқулов Журабой Ўринбаевич, юридик фанлар доктори, профессор; Турсунов Ахтам Саломович, юридик фанлар доктори.

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларини янада кенгайтиришга, улар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга, давлат ваколатларини босқичма-босқич фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунда белгиланган асосий принциплари қаторига «қонунийлик», «ижтимоий шериклик», «инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш» каби принципларни қўшиш лозимлиги асосланган;

фуқаролар йиғини ҳудудида хусусий тадбиркорлик, жумладан оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиши» деб номланган янги модда киритиш тўғрисидаги таклиф ишлаб чиқилган;

фуқаролар йиғинининг раиси ва унинг маслаҳатчилари икки ярим йил муддатга сайланиши ҳамда фуқаролар йиғинининг раиси ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланишига оид қондан Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунга киритиш таклифи асосланган;

фуқаролар йиғини раисининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш асослари қаторига «соғлиғи ҳолатига ёки бошқа узрли сабабларга кўра узоқ вақт мобайнида ўз вазифасини бажаришга қодир бўлмаётган қолган тақдирда», «у Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганда», «у суднинг қонуний кучга кирган қарори асосида бедарак йўқолган деб топилган ёхуд вафот этган, деб эълон қилинган тақдирда», «у вафот этган тақдирда» деган асосларни қўшиш зарурияти асослаб берилган;

суд ҳукми билан озодликдан маҳрум қилинган шахсларнинг сайловларда иштирок этиши чеклангани боис, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларнинг фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловида иштирок этиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги қондан Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонунда аниқ белгилаш тўғрисидаги таклиф ишлаб чиқилган;

фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловида тайёргарлик кўриш ва ўтказиш муддатлари (давомийлиги)ни белгилаш ҳамда сайлов кампаниясини эълон қилувчи

субъектни аниқ кўрсатиш лозимлиги асосланган;

фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ таркибини шакллантириш тартибини аниқ белгилаб қўйиш зарурияти исботланган;

фуқаролар йиғини раиси вазифасига номзодларни кўрсатиш тартибининг аниқ механизмини белгилаш, шу жумладан номзод кўрсатиш ишчи гуруҳ томонидан тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикрини инобатга олган ҳолда амалга оширилиши лозимлиги асосланган;

фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларга қўйиладиган талаблар қаторига Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиш лозимлигини киритиш, шунингдек белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар ҳамда қасддан содир этган жиноятлари учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган шахслар фуқаролар йиғини раиси вазифасига сайланиш учун номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги таклиф ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий принциплари доирасини янада кенгайтириш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддасида, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантиришга қўмаклашиши» деб номланган янги модда киритиш кераклиги тўғрисидаги таклиф ушбу Қонуннинг 17-моддасида, фуқаролар йиғинининг раиси ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш тизимида аниқлик киритишга қаратилган таклиф Қонуннинг 23-моддасида ҳамда фуқаролар йиғини раисининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш асосларини аниқлаштириш бўйича таклиф Қонуннинг 24-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 16.12.2015 й. 06/18/698-сон, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 16.11.2015 й. Д-43-15-44-сон ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг 19.01.2016 й. 08-04/18-сон далолатномалари). Мазкур таклифлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларини янада такомиллаштиришга хизмат қилган;

фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловида суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларнинг иштирок этишини чеклашга оид таклиф Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасида, сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш муддатларини ва субъектларини аниқ белгилаш тўғрисидаги таклифи ушбу Қонуннинг 10-моддасида, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи таркиби бўйича таклиф Қонуннинг 16-моддасида ҳамда фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларга талаблар белгилаш тўғрисидаги таклиф Қонуннинг 17-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 16.12.2015 й. 06/18/698-сон ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 16.11.2015 й. Д-43-15-44-сон далолатномалари). Мазкур таклифлар фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови тизимини янада такомиллаштиришга имкон яратган.

Селиманова Светлана Михайловна. «Ўзбекистон Республикасида лицензиялаштириш тизимини такомиллаштиришнинг маъмурий-ҳуқуқий жиҳатлари», 12.00.02–Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва божхона ҳуқуқи (юридик фанлар).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.Ҳ32.

Илмий маслаҳатчи: [Касимов Баходир Эргашевич] юридик фанлар доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, 14.07.2016.Ҳ30.01.

Расмий оппонентлар: Исмоилов Исомиддин, юридик фанлар доктори, профессор; Кутыбаева Елизавета Дуйсенбаевна, юридик фанлар доктори, профессор; Тўлаганов Абдуманноп Абдужаббарович, юридик фанлар доктори, доцент.

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат юридик университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: лицензиялаштириш тизимининг маъмурий-ҳуқуқий жиҳатларини комплекс равишда тадқиқ этиш, уни такомиллаштиришнинг назарий, ҳуқуқий ва амалий истиқболларини белгилаш ҳамда илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тадбиркорлик фаолияти турини лицензиялаштириладиган соҳага ўтказиш мезонлари такомиллаштирилган ҳамда мезонлар асосида лицензиялаштириладиган фаолият турлари таснифи ишлаб чиқилган;

фаолият турларини лицензиялаштириш жараёнининг ҳуқуқий тартибга солинишини такомиллаштириш юзасидан хусусий мулк ҳуқуқини бузишга оид жавобгарликни белгилаш асосланган;

тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилиш тартибини бузишга оид норма асослаб берилган;

тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банк ҳисоб-рақамлари бўйича операцияларни ноқонуний тўхтатиб туришга оид норма ишлаб чиқилган;

лицензиялаштириш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи нормалар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Лицензиялаштириш тизимини такомиллаштиришнинг маъмурий-ҳуқуқий жиҳатлари бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига 241¹-модда «Хусусий мулк ҳуқуқини бузиш», 241²-модда «Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш», 241³-модда «Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисоб варақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиб туриш» учун жавобгарликни назарда тутувчи норма киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2016 йил 12 майдаги 06/1-05/728вх-сон маълумотномаси). Бу хусусий мулкнинг дахлсизлигини таъминлаш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ноқонуний ва асоссиз текширишларни камайтириш, уларнинг молия-хўжалик фаолияти, банклардаги ҳисоб-варақлари бўйича операцияларнинг амалга ошириш эркинлигини кафолатлашга хизмат қилади;

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига 241⁵-модда «Лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш» учун жавобгарликни назарда тутувчи норма киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2016 йил 12 майдаги 06/1-05/728вх-сон маълумотномаси). Бу лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш даражасини оширишга хизмат қилади;

Лицензия-рухсат бериш тизими натижалари олий таълим муассасалари бакалаврият талабалари, тингловчилар ва курсантларга мўлжалланган «Маъмурий ҳуқуқ» дарслигига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2015 йил 28 майдаги №2/135-95-сон маълумотномаси). Бу тингловчи ва курсантлар билим, ўқув ва кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилади.

Абдурахмонова Хосиятхон Бахтиёржон қизи. «Халқаро хусусий ҳуқуқда ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларнинг тартибга солиниши», 12.00.03–Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ (юридик фанлар).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.Ү.79.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент давлат юридик университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент давлат юридик университети, 14.07.2016.Ү.26.01.

Расмий оппонентлар: Гулямов Саид Саидахарович, юридик фанлар доктори, профессор; Нарматов Нуриддин Соатмуратович, юридик фанлар доктори; Боротов Миродилжон Хомуджонович, юридик фанлар доктори.

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: халқаро хусусий ҳуқуқда ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

халқаро хусусий ҳуқуқда болаларнинг насл-насабини белгилашни янада кучайтириш мақсадида оила қонунчилиги соҳасида оталикни белгилаш ва унга эътироз билдиришнинг коллизон-ҳуқуқий тартибга солиш доирасини кенгайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

ота-она боладан алоҳида яшайдиган ота(она)нинг ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш тартиби тўғрисида ёзма равишда келишувда болаларга нисбатан энг яхши қулайлик туғдириш тўғрисидаги ҳуқуқни қўллаш моҳияти асосланган;

халқаро хусусий ҳуқуқда оила аъзоларининг ва бошқа шахсларнинг алимент мажбуриятларини тартибга солиш ҳамда ҳимояга муҳтож томоннинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш доирасини кенгайтириш бўйича ечимлар ишлаб чиқилган. Алимент мажбуриятларини тартибга солувчи коллизон нормани Оила кодексига шакллантириш долзарб аҳамиятга эгаллиги асосланган;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган ота-она боладан алоҳида ўзга давлат ҳудудида яшаётган бўлса ёки бошқа сабабларга кўра чет элда ота-оналик ҳуқуқларини амалга оширишга қодир бўлмаган вазиятда, боланинг манфаатларини ҳимоя қилиш асосланган;

чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиб, бошқа давлат ҳудудида доимий яшаётган болани Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан фарзандликка олиш муносабатларига коллизон нормалар қоидаларини киритиш зарурияти асосланган;

чет эл элементи билан мураккаблашган фарзандликка олишда кўрсатилган ҳужжатлар белгиланган тартибда легализация қилиниши ёхуд уларга белгиланган тартибда апостиль қўйилиш тартибига аниқлик киритиш заруриятига оид ечимлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Халқаро хусусий ҳуқуқда ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларнинг тартибга солиниши бўйича ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

Ўзбекистон Республикасининг Консуллик Устави 31-моддасига, Консул чет элда доимий яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг бошқа давлат фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиб, бошқа давлат ҳудудида доимий яшаш жойига эга бўлган болани фарзандликка олиш учун рухсатнома бериш тўғрисидаги аризаларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига белгиланган тартибда юбориш чора-тадбирларини кўриши тўғрисида қўшимча киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2016 йил 3 октябрдаги 306/1-05/1399-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 23 августдаги ЎРҚ-411-сон қонунининг 8-моддасида ўз аксини топган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Консуллик Уставини янада такомиллаштиришга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси 285³-моддасининг учинчи қисмига, фарзандликка олиш тўғрисидаги ҳужжатлар белгиланган тартибда легализация қилиниши ёхуд уларга белгиланган тартибда апостиль қўйилган бўлиши кераклиги тўғрисида ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2016 йил 3 октябрдаги 06/1-05/1399-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 23 августдаги ЎРҚ-411-сон қонунининг 9-моддасида ўз аксини топган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексини янада такомиллаштиришга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 161¹-моддасига чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиб, бошқа давлат ҳудудида доимий яшаётган болани Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан фарзандликка олишга доир ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидаги таклифлардан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2016 йил 3 октябрдаги 06/1-05/1399-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 23 августдаги ЎРҚ-411-сон қонунининг 10-моддасида ўз аксини топган. Илмий натижалар Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси нормаларини янада такомиллаштиришга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси «Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги тадқиқот натижалари асосида тайёрланган қонун

лойиҳаси келгусида чет эл элементи билан мураккаблашган ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларнинг тартибга солувчи қонунчилик нормаларини янада такомиллаштиришга хизмат қилишини маълум қилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2016 йил 26 августдаги №06/1-06/3354). Таклифлар қонунларни амалиётда қўллаш кўникмаларига ижобий таъсир кўрсатади, чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатларда боланинг насл-насабини белгилашни тартибга солувчи коллизия нормалар Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг шаклланишига кўмаклашади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги тадқиқот натижалари асосида тайёрланган қонун лойиҳаси ўрганиб чиқилиб, қонун лойиҳасини экспертизадан ўтказиш жараёнида фойдаланиш мумкинлигини маълум қилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг 2016 йил 8 апрелдаги № 04-25/106-сон хати). Таклифлар халқаро хусусий ҳуқуқда оилавий муносабатларни тартибга солишга қаратилган нормаларнинг амалиётга жорий этишда вужудга келаётган тўсиқларни бартараф этиш имконини беради;

«Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилишида фойдаланилиб, ўрнатилган тартибда Ҳукуматга киритилган (Ўзбекистон Республикаси «Оила» илмий-амалий марказининг 2015 йил 29 сентябрдаги 0108/324-сон маълумотномаси). Таклифларнинг амалга ошиши мамлакатимизда чет эл фуқаролари иштирокидаги оилавий муносабатларни ҳимоя қилувчи нормаларни миллий ҳуқуқ тизимида янада такомиллаштиришга, миллий ва халқаро қонун нормалари асосида ижтимоий адолатни таъминлашга, чет эл элементи билан мураккаблашган оилавий муносабатларда қонунни четлаб ўтиш оқибатларининг олдини олишга хизмат қилган;

2014–2015 йиллардаги «Энциклопедик адабиётларга қўйиладиган талаблар асосида оила муаммоларига доир психологик тушунчаларни тизимлаштириш» ЁА1-ФҚ-0-74714, А1-ФҚ-0-16356, А1-068 рақамли «Ёш олимлар» лойиҳаси асосида тугалланган грант бўйича илмий лойиҳасида устувор йўналишларига мос келган ва фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси «Оила» илмий-амалий марказининг 2016 йил 10 июндаги №01-08/185-сон хат; 2016 йил 10 июндаги 1-сон далолатномаси). Буюртма асосида «Оила энциклопедияси» тайёрланиб чоп этилган. Таклифларнинг амалга ошиши оила қонунчилигидаги чет эл элементи билан мураккаблашган ҳуқуқий тушунчаларнинг мазмунини аниқлашга ва уларнинг бир-биридан фарқланишига хизмат қилди. Мазкур таклифлар мавжуд камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш, чет эл элементи билан мураккаблашган ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, фарзандликка олиш, жумладан Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси, Консуллик Уставини такомиллаштириш учун хизмат қилган.

Рахмонқулова Нилуфар Ходжи-Акбаровна. «Ўзбекистон Республикасининг халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунчилигини кодификациялаштиришни такомиллаштириш», 12.00.03–Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ (юридик фанлар).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.Ү10.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент давлат юридик университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент давлат юридик университети, 14.07.2016.Ү1.26.01.

Расмий оппонентлар: Рашидов Комил Каюмович, юридик фанлар доктори, профессор; Умаров Толибжон Абдуазизович, юридик фанлар доктори, доцент; Нарматов Нуриддин Соатмурадович, юридик фанлар доктори, доцент.

Етакчи ташкилот: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: Ўзбекистон Республикасининг халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунчилигини кодификациялаштиришни такомиллаштириш бўйича қонунчиликни ривожлантиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқишда халқаро ҳуқуқнинг

умумэътироф этилган принциплари ва нормаларини ҳисобга олиш, шунингдек ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш борасида бошқа давлатлар тажрибасини инобатга олиш ҳуқуқий ҳужжатнинг самарадорлигини ошириши асослаб берилган;

қабул қилиниши тавсия этилаётган халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги автоном кодификацион ҳужжатда коллизия нормалар тизимини такомиллаштиришга хизмат қилишини инобатга олган ҳолда чет эл элементи билан мураккаблашган фарзандликка олиш муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш асосланган;

фарзандликка олинган чет эл фуқароси бўлган бола Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиши учун бошқа давлат фуқаролигидан чиққан бўлишининг зарурати асослантирилган;

ишлаб чиқилган таклиф ва хулосалар асосида Ўзбекистон Республикасининг «Халқаро хусусий ҳуқуқ кодекси» лойиҳаси яратилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунчиликни кодификациялаштиришни такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

2012 йил 24 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуни янги тахрирининг 20-моддасига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқишда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларини ҳисобга олиш, шунингдек ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш борасида бошқа давлатлар тажрибасини ўрганиш лозимлиги борасида ўзгартиш ва қўшимча киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 28.09.2016 й. 06/1-05/1387-сон далолатномаси). Мазкур таклифнинг амалга оширилиши норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш самарадорлигини оширади.

«Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги қонунининг 26-моддасида фарзандликка олинган чет эл фуқароси бўлган бола Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиши учун бошқа давлат фуқаролигидан чиққан бўлиши лозимлиги тўғрисидаги ўзгартиш ва қўшимча киритишда фойдаланилган (2016 йил 23 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни билан киритилган; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 28.09.2016 й. 06/1-05/1387-сон далолатномаси). Мазкур таклифнинг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикасида яққа фуқаролик тан олиниши борасидаги қоидага риоя этилиш самарадорлигини оширади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 285³-моддаси иккинчи қисмига фарзандликка олиш тўғрисидаги аризага илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхатига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда фойдаланилган (2016 йил 23 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни билан киритилган; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 28.09.2016 й. 06/1-05/1387-сон далолатномаси). Мазкур таклифнинг амалга оширилиши чет эл фуқаролари иштирокидаги фарзандликка олиш муносабатларини расмийлаштириш самарадорлигини оширади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 237-моддаси бешинчи қисмига чет мамлакатда амалга оширилган фарзандликка олишнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тан олиш шартларини киритишда фойдаланилган (2016 йил 23 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни билан киритилган; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 28.09.2016 й. 06/1-05/1387-сон далолатномаси). Мазкур таклифнинг амалга оширилиши хорижий хусусиятга эга бўлган фарзандликка олиш муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини оширади.

Отажонов Абдоржон Анварович. «Иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни такомиллаштириш», 12.00.08–Жиноят ҳуқуқи, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи (юримдик фанлар).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.Уу12.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, 14.07.2016.Ҳу.30.01.

Илмий маслаҳатчи: Кабулов Рустам, юридик фанлар доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: Ахраров Бахрам Жабборович, юридик фанлар доктори, профессор; Тоҳиров Фарход, юридик фанлар доктори, профессор; Маҳкамов Отабек Мухтарович, юридик фанлар доктори.

Етакчи ташкилот: Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган нормаларни ва уларни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш учун жавобгарлик белгиланган нормасини «бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб» ҳамда «уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса» каби оғирлаштирувчи ва алоҳида оғирлаштирувчи белгилар билан тўлдириш лозимлиги асосланган;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат тижорат ёки бошқа нодавлат ташкилотлари мансабдор шахсларининг солиқларни тўлашдан бўйин товлашга қасддан кўмаклашишга қаратилган ҳаракатларини жиноятда иштирокчилик сифатида квалификация қилиш асосланган;

товарларни қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан ўтказиш уюшган гуруҳ томонидан содир этилган деб топилганда, нафақат товарларни бевосита божхона чегарасидан ўтказган, балки Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига қонунга хилоф равишда олиб кириш мақсадида чет элда товар харид қилган, божхона назорати пунктида уни ўтказишга кўмаклашган ёки ҳужжатларни қалбакилаштирган, юкнинг қонунга хилофлигини била туриб, экспедитор сифатида қатнашган уюшган гуруҳ аъзоларининг ҳаракатларини «уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб» содир этилган, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш деб квалификация қилиш асосланган;

хизмат лавозимидан фойдаланиб, товарларни қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан ўтказган мансабдор шахснинг ҳаракатларини жиноятда иштирок этганлик хусусиятидан келиб чиқиб, жиноятда иштирокчилик турини кўрсатган ҳолда «хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда содир этилган», божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш деб квалификация қилиш асосланган;

жиноятда иштирокчиликнинг уюшган гуруҳ шаклига оид оғирлаштирувчи ёки алоҳида оғирлаштирувчи белгисини «уюшган гуруҳ ёки жиний уюшма томонидан ёхуд уларнинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса» тарзида белгилаш асосланган;

иштирокчиликда содир этилган жиноятларни ҳамда иштирокчиликда жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш, махсус субъектли жиноятларда иштирок этиш ҳамда эксцесс иштирокчиликни баҳолаш қоидалари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 131-моддаси (Қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш)ни «бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб» ҳамда «уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса», деган квалификация қилувчи белгилар билан тўлдириш юзасидан берилган таклифлари Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ-405-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунининг 3-моддаси, 3-қисмини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ қўмитасининг 2016 йил 4 октябрдаги 06/1-05/1411вх-сон маълумотномаси). Бу иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи жиноят қонунини нормаларини янада такомиллаштириш ва ушбу моддани қўллаш амалиётдаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади;

«Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, нодавлат тижорат ёки бошқа нодавлат ташкилотлари мансабдор шахсларининг солиқларни тўлашдан бўйин товлашда қасддан кўмаклашишга қаратилган ҳаракатлари жиноятда иштирокчилик сифатида Жиноят кодекси

28-модда ҳамда 184-моддасининг тегишли қисми бўйича квалификация қилинади», деган таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 13 ноябрдаги 18-сонли «Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарорининг 7-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2016 йил 2 ноябрдаги 04/11-424-16-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф тергов ва суд амалиёти ходимларининг иштирокчиликда содир этилган алоҳида турдаги жиноятларга тўғри ҳуқуқий баҳо бериш ҳамда қонун нормаларининг тўғри қўллашига хизмат қилади;

«Товарларни қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан ўтказиш уюшган гуруҳ томонидан содир этилган деб топилган ҳолларда, Жиноят кодексининг 182-моддаси иккинчи қисмининг «в» банди бўйича нафақат товарларни бевосита божхона чегарасидан ўтказган, балки барча уюшган гуруҳ аъзоларининг (масалан, Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига қонунга хилоф равишда олиб кириш мақсадида чет элда товар харид қилган, божхона назорати пунктида уни ўтказишга кўмаклашган ёки божхона расмийлаштируви вақтида тақдим этилган ҳужжатларни қалбакилаштирган, юкнинг қонунга хилофлигини била туриб, транспорт экспедитори сифатида қатнашган уюшган гуруҳ аъзолари) ҳаракатлари квалификация қилинади» тарзида ифодаланган таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 6 сентябрдаги «Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 18-сон қарорининг 14-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2016 йил 2 ноябрдаги 04/11-423-16-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф тергов ва суд амалиёти ходимларининг уюшган гуруҳ томонидан содир этилган жиноятларга тўғри ҳуқуқий баҳо бериш ҳамда қонун нормаларини тўғри қўллашга хизмат қилади;

«Товарларни қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан ўтказишда ўз хизмат лавозимидан фойдаланган мансабдор шахснинг (жиноят ташкилотчиси, далолатчиси, ёрдамчисининг) ҳаракатлари Жиноят кодекси 28-моддаси ва 182-моддаси иккинчи қисмининг «г» банди бўйича квалификация қилинади (уюшган гуруҳ аъзоларининг ҳаракатлари бундан мустасно)», деган таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 6 сентябрдаги «Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 18-сонли қарорининг 15-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2016 йил 2 ноябрдаги 04/11-423-16-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф тергов ва суд амалиёти ходимлари томонидан махсус субъектларнинг жиноятларда иштирокига тўғри ҳуқуқий баҳо берилишига хизмат қилади;

янги таълим стандартлари асосида «Жиноятларни квалификация қилиш» дарслигининг тўртинчи ва бешинчи боблари тайёрланган (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2015 йил 27 июлдаги 2/3664-сон маълумотномаси). Бу талаба, тингловчи, курсант ҳамда амалиёт ходимларининг жиноятда иштирокчилик институтининг мазмунига оид назарий билимларини ошириш ва амалий кўникмаларини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Фазилов Икрам Юсупович. «Одам савдосига қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари», 12.00.08–Жиноят ҳуқуқи, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи (юридик фанлар).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.Ҳу14.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, 14.07.2016.Ҳу.30.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш.

Илмий маслаҳатчи: Исмаилов Исамиддин, юридик фанлар доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: Рустамбоев Мирзаюсуп Хакимович, юридик фанлар доктори, профессор; Бердиев Шоназар, юридик фанлар доктори; Саттаров Абдуғафур Ҳамидович, юридик фанлар доктори.

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: одам савдосига қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий воситаларини такомиллаштириш, жиноят профилактикасининг самарадорлигини оширишга

қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

одамга нисбатан қонунга хилоф битимни амалга ошириш, одамни эксплуатация қилиш мақсадида ушлаб туриш, мажбурий никоҳ, мажбурий суррогат оналик, инсон устида ғайриқонуний тажрибалар ўтказиш, ғайриқонуний фаолият билан шуғулланишга мажбурлаш, ғайриқонуний миграцияни ташкил этишга жавобгарлик белгилаш таклиф этилган;

одам савдосининг жавобгарликни оғирлаштирадиган янги ҳолатларини қонунда белгилаб, жавобгарликни дифференциация қилиш таклиф этилган;

одам ўғирлаш ва трансплантат мақсадида содир этилган одам савдоси учун жавобгарлик белгиланган нормалардаги коллизияларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

жиноят қонунига бола савдоси ёки болани эксплуатация қилиш учун жавобгарликни назарда тутувчи алоҳида моддани киритиш асосланган;

жисмоний ёки руҳий мажбурлаш остида жиноят содир этган жабрланувчилар, одам савдосини фош этишга фаол ёрдам берган шахсларнинг жавобгарликка тортилмаслиги ҳақидаги махсус рағбатлантирувчи нормаларни жиноят қонунига белгилаш асосланган;

одам савдосининг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ўзига хос хусусиятлари (тушунчаси, чора-тадбирлари, принциплари, субъектлари тавсифи) аниқлаштирилган;

ички ишлар органлари билан ҳамкорлик қилган ва ёрдам берган фуқароларнинг тақдирланишини қонунда белгилаб, жиноятлар (хусусан, одам савдоси)нинг олдини олиш ва уларни фош этишда аҳолининг фаол иштирок этишини таъминлаш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

одам савдоси учун жавобгарлик белгиланган нормаларни такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни лойиҳасида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2016 йил 6 январдаги 06/1-02/1705 вх-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш одам савдосининг янги шакллари учун жавобгарлик белгилаш, жавобгарликни дифференциация қилишни кенгайтириш, қонун нормаларидаги коллизияларни ҳал қилиш, жиноятга имкон бераётган омилларни бартараф этишга имкон яратади;

одам савдоси умумий профилактикасининг ўзига хос хусусиятлари бўйича ишлаб чиқилган хулосалар Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 22-23-моддаларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2014 йил 24 июндаги 06/1-06-сон ва 2016 йил 10 октябрдаги 06/1-05/1410-сон маълумотномалари). Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши хуқуқбузарликлар (хусусан, одам савдоси) умумий профилактикасининг тушунчаси ва чора-тадбирлари тизимини белгилашга ҳамда уларни тўғри қўллашга хизмат қилган;

ички ишлар органлари билан ҳамкорлик қилган ва ёрдам берган фуқароларни тақдирлашга қаратилган чора-тадбирларни такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф Ўзбекистон Республикаси «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунининг 17-моддасида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2016 йил 4 январдаги 33/4-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг жорий этилиши жиноятлар (хусусан, одам савдоси)нинг олдини олиш ва уларни фош этишда аҳолининг фаол иштирок этишини таъминлашга ҳисса қўшган;

илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва хуқуқни қўллаш амалиётига татбиқ этиш борасидаги ишларнинг самарадорлигини оширишга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимидаги халқаро ҳамкорликни ташкил этиш тартиби ҳақида»ги низоми 2-, 13-бобларида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2015 йил 3 апрелдаги 6/580-сон ва 2016 йил 10 октябрдаги 6/1616-сон маълумотномалари). Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши жиноятлар (хусусан, одам савдоси) умумий профилактикаси чора-тадбирларининг самарадорлигини оширишга ҳисса қўшган;

одам савдосининг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикаси-

нинг ўзига хос хусусиятларига оид хулоса, таклифлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «Одам савдоси, жинсий эркинлик ва ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш бўйича» йўриқномасининг 1-, 2-, 4-, 5-, 6-, 7-, 8-, 9-бобларида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2015 йил 29 июндаги 26/1448-сон ва 2016 йил 10 октябрдаги 6/1616-сон маълумотномалари). Илмий натижаларнинг қўлланилиши одам савдосининг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикаси самарадорлигини оширишга ҳисса қўшган;

одам савдосига қарши курашда, хусусан, унинг профилактикасида Интерполнинг Ўзбекистон Республикасидаги Миллий марказий бюросининг имкониятларидан самарали фойдаланишга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг Интерпол йўналиши бўйича фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги йўриқномаси лойиҳасининг 13-бобида ўз аксини топган (Интерполнинг Ўзбекистон Республикасидаги Миллий марказий бюросининг 2015 йил 25 мартдаги 32/908-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши ички ишлар органларининг одам савдоси ва ғайриқонуний миграцияга қарши кураш бўйича Интерпол билан ҳамкорликдаги фаолиятини самарали ташкил этишга хизмат қилади;

одам савдоси профилактикаси самарадорлигини оширишга оид хулоса ва таклифлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «Доимий яшаш манзилдан узоқ муддатга хорижий давлатларга чиқиб кетган шахсларни ҳисобини юритишни тартибга солиш, бу борада тадбирларни амалга ошириш ва идоралараро ҳамкорликни ташкил этиш тўғрисида»ги йўриқномаси лойиҳасининг 2-бобида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2015 йил 7 ноябрдаги 16/7-5372-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланилиши чет элга кетаётган фуқаролар билан олиб борилаётган профилактик ишларни ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва ҳавфсизлигини таъминлаш, одам савдосидан жабрланишнинг олдини олиш бўйича кўрилаётган чораларнинг самарадорлигини оширади;

одам савдосининг криминологик ва профилактик жиҳатларига оид хулосалар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан Вазирлик олий таълим муассасалари учун тавсия қилинган қуйидаги дарсликларнинг тегишли бобларида ўз ифодасини топган: «Криминология. Умумий қисм», «Криминология. Махсус қисм», «Ички ишлар органларининг профилактика хизмати фаолияти», «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти психологияси» дарсликлари. Булардан «Ички ишлар органларининг профилактика хизмати фаолияти», «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти психологияси» дарсликлари мамлакатимизда ушбу фанлар бўйича нашр этилган илк дарсликлар ҳисобланади. Илмий натижаларни инobatга олган ҳолда тайёрланган дарсликлар одам савдосининг криминологик ва профилактик тавсифига оид илмий нуқтаи назарлар ва методологик-услубий ёндашувларни мукамаллаштирган;

одам савдосининг жиноят-ҳуқуқий тавсифига оид хулосалар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2015 йил 6 январдаги 3-сон фармойиши асосида тайёрланиб, барча ҳудудий, маҳаллий ва тармоқ ички ишлар органларига хизмат фаолиятида фойдаланиш учун юборилган «Одам савдоси ва ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликларнинг ҳуқуқий тавсифи» номи услубий қўлланманинг I бобида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2016 йил 25 январдаги 16/7-321-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг тўғри квалификация қилинишига ҳисса қўшган, шунингдек одам савдосининг жиноят-ҳуқуқий тавсифига оид илмий нуқтаи назарлар ва методологик-услубий ёндашувларни мукамаллаштирган.

Ўразалиев Муродбек Қораевич. «Алкоголизм, фоҳишалик ва гиёҳвандликнинг жиноятчилик билан алоқадорлиги, уларнинг криминологик хусусиятлари ва олдини олишни такомиллаштириш», 12.00.08–Жиноят ҳуқуқи. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи (юридик фанлар).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.Ҳу13.

Илмий маслаҳатчи: Ахраров Баҳрам Джаббарович, юридик фанлар доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент давлат юридик университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, 14.07.2016. Ҳу 30.01.

Расмий оппонентлар: Закирова Адина Гулямовна, юридик фанлар доктори, профессор;

Тахиров Фарход, юридик фанлар доктори, профессор; Саттаров Абдуғафур Хамидович, юридик фанлар доктори.

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: алкоголизм, фоҳишалик ва гиёҳвандликнинг вужудга келиш сабаблари, ичкиликка ружу қўйган, фоҳиша, гиёҳвандликка чалинганлар шахси, уларнинг жиноятчилик билан алоқадорлигини тадқиқ этиш асосида мазкур ижтимоий салбий ҳодисаларнинг олдини олиш фаолиятини ва тегишли қонун нормаларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жиноятчилик билан боғлиқ ижтимоий салбий ҳодисалар: алкоголизм, гиёҳвандлик ва фоҳишаликка қарши кураш бўйича тизимли чора-тадбирлар доирасини кенгайтиришга оид тавсиялар ишлаб чиқилган;

маст ҳолда содир этиладиган жиноятлар учун жавобгарликни дифференциация қилиш, мастликнинг даражаларини аниқлашни такомиллаштириш, транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш учун жавобгарликни кучайтириш, маст ҳолда содир этилган жиноят учун жазо тайинлаш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш зарурати асослаб берилган;

алкоголизм, гиёҳвандлик ва фоҳишалик ҳамда улар билан боғлиқ жиноятларга имкон берган шарт-шароитлар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган;

алкоголдан маст ҳолда, гиёҳвандлик воситаларининг ғайриқонуний муомаласи ва фоҳишалик билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахсларга криминологик тавсиф берилиб, олдини олиш чораларининг аниқ кимларга қаратилиши кераклиги асосланган;

алкоголизм, гиёҳвандлик ва фоҳишалик билан боғлиқ жиноятлар олдини олиш чораларининг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Алкоголизм, фоҳишалик ва гиёҳвандликнинг жиноятчилик билан алоқадорлиги, уларнинг криминологик хусусиятлари ва олдини олишни такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 187-моддаси (Жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш) ва Жиноят кодексининг 131-моддасини (Қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш) такомиллаштириш бўйича таклифлар қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2016 йил 16 июндаги 06-1/647-сон хати). Ушбу таклифлар жамоат жойларида алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилишга ҳамда қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлашга қарши кураш тизимининг янада такомиллашишига олиб келди;

«Наркотик моддаларнинг суистеъмоли ва ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича 2016–2020 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар режасига» берилган таклифлар ушбу режага киритилган ва тегишли маълумотнома билан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2016 йил 27 июлдаги 14/6-6388/3-сон хати). Ушбу таклифлар гиёҳвандлик воситалари, психотроп ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берди;

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг 2015 йил 24 декабрдаги 73-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури»нинг VI йўналиши 54-бандида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ИИВ ХООББ билан ҳамкорликда амалий-услубий тавсиялар ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2016 йил 15 октябрдаги №26/2907-сон хати). Бу фуқаролар йиғини Кенгашининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлиги, фуқаролар йиғинидаги Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиясининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ҳамда ҳуқуқбузарлик профилактикаси борасидаги ишлар самарадорлигини оширишга олиб келди;

Ўзбекистон Республикасининг «Гиёҳвандликка чалинган шахсларнинг ижтимоий-

тиббий реабилитацияси тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан маъқулланиб, Вазирлар Маҳкамасига юборилган (2016 йил 27 июлдаги 14/6-6388/3-сон хати). Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши гиёҳвандликка чалинган шахсларнинг ижтимоий ҳолатини тиклашга ва уларни жамиятга қайтаришга қаратилган ижтимоий-тиббий реабилитация ёрдам тизими самарадорлигини ошириш имконини беради.

Миразов Даврон Мирагзамович. «Дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан контроль ва назоратни такомиллаштиришнинг назарий, ташкилий ва процессуал жиҳатлари», 12.00.09–Жинойт процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси (юридик фанлар).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.Ҳу16.

Илмий маслаҳатчи: Пўлатов Бахтиёр Халилович, юридик фанлар доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент давлат юридик университети, 14.07.2016.Ҳу.26.01.

Расмий оппонентлар: Пулатов Юрий Сайфиевич, юридик фанлар доктори, профессор; Рахимов Йўлдош, юридик фанлар доктори, профессор; Неъматов Жасур Аминжанович, юридик фанлар доктори.

Етакчи ташкилот: Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: дастлабки тергов органлари фаолияти устидан контроль ва назоратнинг назарий, ташкилий ва процессуал жиҳатларини такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жинойт-процессуал ҳуқуқи назариясидаги функциялар (одил судлов, айблов, ҳимоя, жиноятларнинг олдини олиш, тергов қилиш, қонунийликни таъминлаш, ҳуқуқни тиклаш) орасида процессуал контроль функцияси мавжудлиги алоҳида ажратилиб асосланган;

жинойт ишлари бўйича айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш процессуал мажбурлов чораларини қўллашда суд контролини амалга ошириш тартиби асосланган;

жинойтчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан тезкор-қидирув тадбирларининг ўтказилиши ва тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланилишда идоравий-процессуал контроль ва прокурор назоратини амалга ошириш тартиби ишлаб чиқилган;

дастлабки тергов органлари фаолияти устидан контроль ва назоратни ислоҳ қилишга эҳтиёж мавжудлиги асосланган;

ЖПКга дастлабки тергов органлари фаолияти устидан контроль ва назоратни амалга оширишни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган;

«Прокуратура тўғрисида»ги қонунга дастлабки тергов органлари фаолияти устидан назоратнинг предметини аниқлаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган;

ички ишлар органларининг тергов аппаратлари фаолиятини тартибга солувчи идоравий-норматив ҳужжатларини такомиллаштириш асосланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

ЖПКнинг «Айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш» (255–259-м.) ва «Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш» (265–269-м.) процессуал мажбурлов чораларини қўллашни тартибга солувчи нормаларига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2015 йил 7 июлдаги 02/757-сон далолатномаси). Бу жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни амалга оширишда шахснинг эркин меҳнат қилиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларининг асоссиз ҳамда ноқонуний тарзда чекланишининг олдини олишга ва шахс эркинликларининг кафолатланишига хизмат қилади;

«Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг «Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш шартлари» (16-м.) ва «Тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланиш» (19-м.) нормаларини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2015 йил 7 июлдаги 02/1-807-сон далолатномаси). Бу жиноят ишлари бўйича тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда қонунийликни таъминлашга, жиноят ишла-

ри бўйича далиллар мақбуллиги қоидаларига қатъий риоя этилишини таъминлашга имкон беради;

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов бош бошқармаси томонидан идоравий-норматив ҳужжатларни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов бош бошқармасининг 2015 йил 13 июндаги 18/6935-сон далолатномаси). Бу юқори турувчи тергов идоралари томонидан қўйи бўлинмаларнинг фаолияти устидан соҳавий ва минтақавий идоравий-процессуал контролнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади;

Давлат таълим стандартларини тайёрлашда инobatга олинган ва ИИВ Академиясининг ўқув режасига «Ички ишлар органларида суриштирув» фани киритилган (2015 йил 12 майдаги 38/35-139-сон далолатномаси). Бу ички ишлар органлари учун мутахассис кадрларни такомиллаштиришга ва ҳуқуқшунослик бўйича таълимни ривожлантиришга хизмат қилади;

янги Давлат таълим стандартлари асосида «Жиноят процесси» фани бўйича дарсликнинг VI, XII, XIV, XXV, XXXII боблари, «Дастлабки тергов» фани бўйича дарсликнинг V, VI, IX, X, XI, XII, XIII, XIV, XV, XVI, XVII, XVIII, XIX, XX, XXI, XXIV, XXXI, XXXII, XXXIII боблари тайёрланган ва ИИВ Академиясининг кундузги таълим, олий академик курслар, малака ошириш факультети, сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларда дарс ўтишда фойдаланилган (2015 йил 12 майдаги 38/35-138, 38/35-140, 38/35-141, 38/35-142-сон далолатномалар). Буларнинг барчаси тингловчи ва курсантларнинг терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов фаолиятини амалга оширишга оид билим, ўқув ва кўникмаларининг шаклланиши ва ривожланишига хизмат қилади.



Педагогика фанлари бўйича докторлик диссертациялари ҳимояси тўғрисида эълонлар

Акрамов Абдумалик Абдумуталович. «Шахсга йўналтирилган таълим технологиялари асосида бўлажак ўқитувчиларда фуқаролик позициясини ривожлантиришнинг ташкилий-методик асосларини такомиллаштириш», 13.00.01–Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент (педагогика фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.Ped51.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент давлат педагогика университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи: Тошкент давлат педагогика университети, 14.07.2016.Ped/P.04.01.

Илмий маслаҳатчи: Иноятов Улуғбек Ильясович, педагогика фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: Қурбонов Шавкат Эргашевич, педагогика фанлари доктори, профессор; Ахмедова Лайло Талибжановна, педагогика фанлари доктори, профессор; Абдуллаева Барно Сайфутдиновна, педагогика фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: бўлажак ўқитувчиларнинг фуқаролик позициясини ривожлантиришнинг ташкилий-методик асосларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

бўлажак ўқитувчиларда фуқаролик позициясини ривожлантиришга доир умуммаданий, методик, умумқасбий компетенцияларнинг интегратив, ташкилий, диагностик функциялари ва ижтимоий-амалий компоненти такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларда фуқаролик позициясини ривожлантиришда динамик ўзгаришларнинг самарадорлигини аниқлаш ва баҳолашнинг когнитив мезони ижтимоий аҳамиятининг англандлиги, хулқ-атвор ва натижавий мезонларнинг сифатлари шаклландлигини ташхис этишга доир кўрсаткичлари аниқлаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларда фуқаролик позициясини ривожлантиришга доир тарбиявий ишларни лойиҳалаштириш босқичининг кутиладиган натижанинг кафолатланиши ҳамда режалаштириш босқичининг профессор-ўқитувчи ва талабаларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш компонентлари такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларда фуқаролик позициясини ривожлантиришга доир тарбиявий

тадбирларни ташкил этиш жараёни олий таълим муассасалари ва ижтимоий институтлар фаолиятини уйғунлаштириш асосида такомиллаштирилган;

ижтимоий муҳит таъсири ҳамда бўлажак ўқитувчиларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларининг алоқадорлигини таъминлашга қаратилган ташкилий-интеграцион модель асосида бўлажак ўқитувчиларда фуқаролик позициясини ривожлантиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Шахсга йўналтирилган таълим технологиялари асосида бўлажак ўқитувчиларда фуқаролик позициясини ривожлантиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

бўлажак ўқитувчиларда фуқаролик позициясини ривожлантиришга доир таянч, фанлар-аро ва хусусий компетенциялар тизими 5111600–Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими бакалавриат йўналишининг давлат таълим стандарти («Ўзстандарт» агентлигининг 2014 йил 18 сентябрдаги 4574-сонли қарори билан тасдиқланиб, 36.1365-сон рақами билан Давлат рўйхатидан ўтказилган) мазмунига сингдирилган. Натижада ижтимоий, фуқаролик, ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ҳамда фуқаролик тарбиясининг мазмун-моҳияти такомиллаштирилиб, мазкур мақсадга йўналтирилган тарбиявий жараёнларни ташкил этишнинг шахсга йўналтирилган таълим технологиялари асосида бўлажак ўқитувчиларнинг фуқаролик позициясини ривожлантириш самарадорлигини ошириш имконини берган;

бўлажак ўқитувчиларда фуқаролик позициясини ривожлантиришда динамик ўзгаришларни аниқлаш ва баҳолаш мезонларига доир таклифлар асосида махсус методикалар мажмуи ишлаб чиқилган (Халқ таълими вазирлигининг 2016 йил 18 июлдаги 01-02/1-3-228-сон маълумотномаси). Методиканинг жорий этилиши бўлажак ўқитувчиларда фуқаролик позициясининг ривожланганлигини ташxis этиш ва коррекциялашга доир тренинглар самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

ёшларда фуқаролик позициясини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2016 йил 15 октябрдаги 01-02/1-118-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар асосида ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эгаллигини таркиб топтириш каби устувор йўналишлар аниқлаштирилган;

миллий қадрият ва анъаналар руҳида юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий фуқаролик позицияси, кенг дунёқараш ва чуқур билимга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларда турли мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш борасидаги таклифлар «Ўзбекистон Республикасида 2015 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури» ижросини таъминлаш бўйича Халқ таълими вазирлигининг Дастури (Халқ таълими вазирлигининг 2015 йил 8 апрелдаги 108-сон буйруғи билан тасдиқланган) ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллигига бағишлаб «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан «Биз – буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ўтказиладиган ёшлар фестиваллари ҳамда «Камолот» тарғибот лойиҳаси концепцияси мазмунига сингдирилган (Халқ таълими вазирлигининг 2016 йил 19 майдаги 01-2/2-8 -162-сон маълумотномаси).

бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларда фуқаролик масъулияти, фуқаролик позицияси, ҳуқуқий саводхонлик ҳамда ҳуқуқий маданиятини ривожлантиришнинг такомиллаштирилган педагогик механизми «Камолот» ЁИХ фаолиятига татбиқ этилган («Камолот» ЁИХ Марказий Кенгашининг 2016 йил 20 сентябрдаги 01-02/1-3-8-сон маълумотномаси). Мазкур механизм асосида талаба-ёшларнинг ижтимоий фаоллигини, фуқаролик масъулиятини оширишда, шунингдек улардаги фуқаролик позициясини ривожлантиришда «Камолот» ЁИХ ва олий таълим муассасалари ҳамкорлигининг самарали шакллари амалиётга жорий этиш имконияти яратилган.

Вахобов Маъруфжон Маликович. «Умумий ўрта таълим тизимида ўқитиш сифати мониторинги моделини такомиллаштириш», 13.00.01–Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент (педагогика фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 14.07.2016/B2016.3.Ped53.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи: Тошкент давлат педагогика университети, 14.07.2016.Ped/P.04.01.

Илмий маслаҳатчи: Рахмонкулова Наргиз Ходжаакбаровна, педагогика фанлари доктори, доцент.

Расмий оппонентлар: Мусурмонова Ойниса Мусурмоновна, педагогика фанлари доктори, профессор; Қурбонов Шавкат Эргашевич, педагогика фанлари доктори, профессор; Алеулов Усербай, педагогика фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: умумий ўрта таълим тизимида ўқитиш сифати мониторингини ташкил этиш ва тизимли бошқариш моделини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишнинг концептуал модели ўқитиш сифати мониторинги тамойиллари, даражалари, назорат ва баҳолаш тизими асосида такомиллаштирилган;

умумий ўрта таълим тизимида ўқитиш сифати ва рақобатбардошликни таъминлаш моделининг модернизацион сифат кўрсаткичлари, параметрлари ва индикаторлари аниқлаштирилган;

умумий ўрта таълим тизимида ўқитиш сифати мониторингини амалга оширишга доир меъёрий-методик ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва назоратини амалга ошириш механизмлари такомиллаштирилган;

таълим муассасалари ва ҳудудий халқ таълими бошқаруви идораларининг рейтингини аниқлаш технологияси ишлаб чиқилган;

умумий ўрта таълим тизимида таълим сифати мониторингининг электрон ахборот бошқарув тизимини яратиш юзасидан таклифлар асослаб берилган ҳамда техник талаблар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Умумий ўрта таълим тизимида ўқитиш сифати мониторинги моделини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган назарий-методологик ва амалий таклифлар асосида:

умумий ўрта таълим тизимида ўқитиш сифати ва рақобатбардошликни таъминлаш моделининг модернизацион сифат кўрсаткичлари, параметрлари ва индикаторларидан Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 мартдаги «Халқ таълими ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 52-сонли қарорининг иловаси билан тасдиқланган таълим муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари структурасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2016 йил 18 майдаги 01-02/1-8-158-сон маълумотномаси). Таклифларнинг жорий қилиниши халқ таълими тизимида 210 та ўзаро узвий ҳамкорликда ишлайдиган ўқитиш сифати мониторинги хизмати ташкилий тузилмаси ва ўқув-услубий таъминотини такомиллаштириш имкониятини яратган;

Давлат таълим стандартлари мониторинги хизмати мутахассисларининг касбий маҳоратини мақсадли ошириб бориш бўйича таклифлардан «2013–2017 йилларда Таълим секторини ривожлантириш режаси»нинг 2.4.-йўналишини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2016 йил 30 апрелдаги 4-сон Ҳайъат қарори). Таклифларнинг жорий қилиниши халқ таълими тизимида фаолият кўрсатаётган 2 минг нафардан ортиқ мониторинг ва методик хизмат ходимларининг ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда методик эҳтиёжига асосланган ёндашув асосида «Методист мактаби»да касбий маҳоратини ошириб бориш имконияти яратилган;

ўқитиш сифати мониторинги тамойиллари, даражалари, назорат ва баҳолаш тизими асосида такомиллаштирилган компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишнинг концептуал моделидан умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг малака талабларини лойиҳалашда самарали фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2016 йил 30 июндаги 01-02/1-8-205-сон маълумотномаси). Натижада умумтаълим фанларини ўқитиш жараёнида шакллантириладиган компетенциялар тизими, компетентлик даражалари ва мазмунини ўзида тўлиқ акс эттирган такомиллаштирилган Давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилган;

умумий ўрта таълим тизимида ўқитиш сифати мониторингини амалга оширишга доир меъёрий-методик ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва назоратини амалга ошириш механизмларига оид таклифлар асосида Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 30 декабрдаги 371-қарори билан тасдиқланган Таълим бўйича глобал ҳамкорлик гранти – беғараз техник кўмагидан фойдаланган ҳолда «Мактабгача ва умумий ўрта таълимни такомиллаштириш» лойиҳасининг 3-компонентини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2016 йил 18 майдаги 01-02/1-8-158-сон маълумотномаси);

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 136-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 214-сон қарори билан тасдиқланган Халқ таълими вазирлиги марказий аппаратининг структурасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2016 йил 4 июлдаги 01-02/1-7-210-сон маълумотномаси). Натижада ҳудудий халқ таълими бошқармалари, Давлат таълим стандартлари мониторинги бўлимлари (14 та), таълим муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари, Давлат таълим стандартлари мониторинги жараёнини методик таъминлаш кичик гуруҳлари (193 та) ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланган ҳамда ўқитиш сифати мониторинги ва автоматлаштирилиб, ўқитиш сифатини баҳолашнинг ягона ёндашув асосида ташкил этиш имконияти яратилган ва умумий ўрта таълим муассасаларини 9 йилда аттестациядан ўтказиш тартиби жорий этилган;

ўқитиш сифати кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, таълим муассасалари ва ҳудудий халқ таълими бошқаруви идораларининг мазкур кўрсаткичлар асосида рейтингини аниқлашга доир илмий-назарий хулосалардан Халқ таълими вазирлигининг 2013 йил 8 ноябрдаги «Умумтаълим муассасалари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича билимлар беллашувини ташкил этиш ҳамда ҳудудий халқ таълими бошқарув идоралари ва таълим муассасаларининг рейтингини аниқлаш тўғрисида»ги 360-сон буйруғи билан тасдиқланган низом ва механизмни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2016 йил 4 июлдаги 01-02/1-7-210-сон маълумотномаси). Мазкур низом ва механизм асосида ўқитиш сифати мониторинги натижасида фанлар кесимида ўқувчилар билимида аниқланган бўшлиқларни тўлдириш ҳамда ўқитиш сифатига салбий таъсир этган омилларни мақсадли, яхлит педагогик технология асосида ташкил этиш имкони яратилган ҳамда 9400 та умумий ўрта таълим мактаблари, 193 та туман (шаҳар) ва 14 та ҳудудий халқ таълими бошқаруви идораларининг рейтингини аниқланган (Халқ таълими вазирлигининг 2016 йил 4 июлдаги 01-02/1-7-210-сон маълумотномаси);

умумий ўрта таълим муассасаларида ўқитиш сифати мониторингини ташкил этишнинг такомиллаштирилган механизмининг амалиётга жорий этишга доир таклифлардан Халқ таълими вазирлигининг 2013 йил 5 ноябрдаги «Умумий ўрта таълим тизимида таълим сифати мониторингини ташкил этиш тўғрисида»ги 356-сон буйруғи билан тасдиқланган низомни тайёрлашда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2016 йил 4 июлдаги 01-02/1-7-210-сон маълумотномаси). Мазкур мониторинг натижалари ўқув-тарбия жараёнини эҳтиёжлар асосида коррекциялаш асосида такомиллаштириб боришга хизмат қилган.

Утебаев Тажибай Тилеумуратович. «Қорақалпоғистонда XX аср иккинчи ярми – XXI аср бошида таълим-тарбиявий фикрларнинг ривожланиши», 13.00.01–Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент (педагогика фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.Ped35.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Нукус давлат педагогика институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи: Тошкент давлат педагогика университети, 14.07.2016.Ped/P.04.01 рақамли илмий кенгаш.

Илмий маслаҳатчи: Алеуов Усербай, педагогика фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: Абдуллаева Барно Сайфутдиновна, педагогика фанлари доктори; Рахмонқулова Наргиз Ходжақбаровна, педагогика фанлари доктори; Рахимов Бахтиёр Худойбердиевич, педагогика фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: Андижон давлат университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: Қорақалпоғистонда XX аср иккинчи ярми ва XXI аср бошидаги таълим-тарбиявий фикрлар ривожининг устувор йўналишларини аниқлаштириш ҳамда илғор педагогик тажрибаларни узлуксиз таълим тизимига жорий этиш механизмларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI аср бошида Қорақалпоғистонда таълим-тарбиявий фикрлар ривожининг тарихий тараққиёт ҳамда маданий ҳаёт билан боғлиқ этник, миллий менталитет ва маърифатпарварликка доир ижтимоий-педагогик хусусиятлари очиб берилган;

Қорақалпоғистондаги XX аср охири ва XXI аср бошидаги узлуксиз таълим тизимида олиб борилган ислохотларни баҳолашнинг умумдидактик мезонининг интеллектуал, амалий йўналтирилганлик, сифат ва рақобатбардошликни таъминлаш ҳамда хусусий-методик мезонининг аниқ мақсадга йўналтирилганлик ва рефлексияга доир кўрсаткичлари аниқлаштирилган;

мустақиллик йилларида Қорақалпоғистонда таълим соҳасини ривожлантиришнинг антропологик, аксиологик ва акмеологик компонентларини таълим-тарбиявий фикрлар тараққиётининг илғор тажрибаларига асосланган ҳолда такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

Қорақалпоғистондаги XX аср иккинчи ярми XXI аср бошидаги таълим-тарбиявий фикрларнинг миллий хусусиятлари, педагогик ғоялар интеграциясининг шахс ва жамият ривожига таъсирини асослашга доир ташкилий-тузилмали модель ишлаб чиқилган;

педагогик воқеликни тизимли прогнозлаш асосида Қорақалпоғистонда таълим-тарбиявий фикрлар ривожланишининг истиқболдаги йўналишларини аниқлаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Қорақалпоғистонда XX аср иккинчи ярми XXI аср бошида таълим-тарбиявий фикрлар ривожланиши бўйича олинган илмий натижалар:

XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI аср бошида Қорақалпоғистонда таълим-тарбиявий фикрлар ривожининг тарихий тараққиёт ҳамда маданий ҳаёт билан боғлиқ этник, миллий менталитет ва маърифатпарварликка доир ижтимоий-педагогик хусусиятлари ҳамда ислохотларни баҳолашнинг умумдидактик мезонининг интеллектуал, амалий йўналтирилганлик, сифат ва рақобатбардошликни таъминлаш ҳамда хусусий-методик мезонининг аниқ мақсадга йўналтирилганлик ва рефлексияга доир кўрсаткичлари олий таълим тизимининг педагогика таълим соҳасига доир Давлат таълим стандарти ва бакалавриат таълим йўналишларининг малака талаблари («Ўзстандарт» агентлигининг 2015 йил 23 февралда 308-сонли қарори билан тасдиқланиб, 36.1998-сон рақам билан Давлат рўйхатидан ўтказилган) мазмунига сингдирилган. Натижада талабаларнинг XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI аср бошида Қорақалпоғистонда таълим-тарбиявий фикрлар ривожини тизимли ва узвийлик асосида ўрганишлари, қиёсий таҳлил этиш ва хулоса чиқариш малакаларини ривожлантиришга хизмат қилган;

тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган истиқлол йилларида Қорақалпоғистонда таълим соҳасини ривожлантиришнинг антропологик, аксиологик ва акмеологик компонентларини таълим-тарбиявий фикрлар тараққиётининг илғор тажрибаларига асосланган ҳолда такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2010 йил 9 апрелдаги «Узлуксиз таълим тизимини мазмунан модернизациялаш ва таълим-тарбия самарадорлигини янги сифат даражасига кўтариш бўйича ҳамкорлик тўғрисида»ги 01-09/2-04/241-сон Қарорининг 4-, 5-, 6-бандларида ўз аксини топган (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2016 йил 30 сентябрдаги 03-04/9-09/675-сон маълумотномаси). Натижада Қорақалпоғистонда таълим соҳасини давлат ва нодавлат, халқаро ташкилотлар ҳамкорлиги ва таълим дастурлари асосида ривожлантириш самарадорлиги ортган.

Қорақалпоғистонда XX аср иккинчи ва ярми XXI аср бошидаги таълим-тарбиявий фикрлар ривожининг миллий хусусиятлари, педагогик ғоялар интеграциясининг шахс ва жамият ривожига таъсирини асослашга доир ташкилий-тузилмали модель ҳамда педагогик воқеликни тизимли прогнозлаш асосида Қорақалпоғистонда таълим-тарбиявий фикрлар ривожланишининг истиқболдаги йўналишларини аниқлаштиришга доир таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалининг

илмий-техник дастурлари бўйича олиб борилаётган И1-ХТ-0-17222: «Қорақалпоқ миллий менталитетини ўқувчи-ёшларга сингдиришда халқ педагогикаси имкониятларидан фойдаланиш» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида таълим амалиётига татбиқ этилган (Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалининг 2016 йил 23 сентябрдаги 297-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчи-ёшларга миллий менталитетни сингдиришда халқ педагогикаси ва замонавий таълим-тарбиявий фикрларни уйғунлаштириш имкониятини яратган.

Шермуҳаммадов Баҳодиржон Шермуҳаммадович. «Ёшлар орасида миллий ғоя тарғиботи самарадорлигини ошириш («Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолияти мисолида)», 13.00.01–Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент (педагогика фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.Ped143.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент давлат педагогика университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи: Тошкент давлат педагогика университети, 14.07.2016.Ped/P.04.01.

Илмий маслаҳатчи: Қуронов Муҳаммаджон, педагогика фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: Мусурмонова Ойниса Мусурмоновна, педагогика фанлари доктори, профессор; Исмаилова Зухра Карабаевна, педагогика фанлари доктори, профессор; Жамолдинова Одинахон Расуловна, педагогика фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: ёшлар орасида миллий ғоя тарғиботи самарадорлигини оширишнинг педагогик механизмларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни билан тасдиқланган ёшлар орасида миллий ғоя тарғиботи самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари аниқлаштирилган;

ёшлар орасида миллий ғоя тарғиботи самарадорлигини ошириш тузилмаси, ўсиш динамикаси ва баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган;

ёшлар орасида миллий ғоя тарғиботи самарадорлигини оширишга доир маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишнинг ижтимоий, ташкилий ва шахсий компонентлари такомиллаштирилган;

миллий ғоя тарғиботи самарадорлигини ошириш моделига асосланган ҳолда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг тарғибот ва ташвиқот ишлари мониторинги тизими ишлаб чиқилган;

ижтимоий, интеллектуал (ақлий) ва эмоционал (ҳиссий) таъсир кўрсатиш механизмлари асосида ёшлар орасида миллий ғоя самарадорлигини оширишнинг амалий-технологик тизими такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Ёшлар орасида миллий ғоя тарғиботи самарадорлигини ошириш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг 5-, 10-, 17-моддаларини ишлаб чиқишда ёшларни ватанпарварлик, инсонийлик, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш ҳамда ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни ташкил этишга қаратилган таклифлардан фойдаланилди (Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 сентябрдаги 07/458-сон маълумотномаси);

маънавий-маърифий ва ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришга қаратилган миллати ва динидан қатъи назар, мамлакатнинг ҳар бир фуқаросига нисбатан ҳурмат туйғуси билан муносабатда бўлиш каби кўникмаларни шакллантиришга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастурининг 11-, 12-, 14-, 37-, 58-банд-

ларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 сентябрдаги 07/458-сон маълумотномаси). Мазкур тадбирларнинг жорий этилиши ёшлар орасида миллий ғоя тарғиботи самарадорлигини ошириш жараёнига тизимли ёндашувни ташкил этишни таъминлаган;

ёшлар орасида миллий ғоя тарғиботи самарадорлигини ошириш жараёнида «Ватан равнақи» ғоясини кенг тарғиб этишга қаратилган ҳамда ёшларда ватанпарварлик, Ватанга садоқат ва меҳр-муҳаббат каби маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 12 мартдаги 01-07-1-49-сон мажлис баёнининг қарори билан тасдиқланган дастурнинг 12-, 46-бандларини тайёрлашда фойдаланилган (Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг 2016 йил 23 сентябрдаги 458-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг жойларда ёшлар ўртасида олиб бориладиган маънавий-ахлоқий, тарбиявий ишларини такомиллаштириш имконини яратди;

юксак маънавиятли ватанпарвар ёшларни тарбиялашга қаратилган ҳамда уларни адолат ва ҳақиқат, эркинлик ва мустақиллик ғояларига қатъий ишонч билан тарбиялаш бўйича ишлаб чиқилган таклифлардан Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини 2013 йил учун мўлжалланган чора-тадбирлар (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 5 мартдаги 07-07/1-185-сон мажлис баёни қарори) дастурининг 11-, 17- ва 18-бандларида киритиш орқали амалиётга жорий этилган (Республика Маънавият тарғибот марказининг 2016 йил 24 сентябрдаги 01/01-587-сон маълумотномаси). Таклифларнинг жорий қилиниши «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг миллий ғоя тарғиботи самарадорлигини оширишдаги механизмини такомиллаштириш имконини берди;

ёшларни ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, уларни соғлом эътиқод ва миллий қадриятларга содиқлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялашга қаратилган таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 3 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 07-07/1-76-сонли мажлис баёни қарори билан тасдиқланган дастурнинг 80-, 81-, 82-, 83-, 84-, 85-, 86-, 87-, 88-, 89-, 90-бандларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали амалиётга жорий этилди (Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 сентябрдаги 07/458-сон маълумотномаси);

миллий ғоянинг асосий йўналишларини белгилаб берувчи, яъни ёшларни реал ҳаётда рўй бераётган ҳодиса ва воқеаларни тўғри англашлари, уни баҳолаш ва холисона ёндашиш, одилонга ҳукм чиқара олишга ўргатиш каби таклифлардан 2016 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 декабрда қабул қилинган 65-сон баёни билан тасдиқланган) дастурининг 86-, 87-, 88-, 89-, 90-, 91-, 92-, 93-бандларини тайёрлашда фойдаланилган (Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 сентябрдаги 07/458-сон маълумотномаси). Мазкур бандларнинг ёшлар ҳаётига жорий қилиниши мамлакатимизнинг барча ҳудудларида яшовчи ёшлар орасида миллий ғоя тарғиботи самарадорлигини оширишда ижобий натижа берди.



Тиббиёт фанлари бўйича докторлик диссертациялари ҳимояси тўғрисида эълонлар

Комилова Мастура Сафаровна. «Биринчи туғувчи аёлларда нормал жойлашган йўлдош барвақт кўчишининг патогенези диагностикаси ва олиб бориш тактикаси», 14.00.01–Акушерлик ва гинекология (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: № 30.09.2014/Б2014.3-4.Тиб8.

Илмий маслаҳатчи: Пахомова Жанна Евгеньевна, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Бухоро давлат тиббиёт институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент педиатрия тиббиёт институти, 16.07.2013.Тиб.18.01.

Расмий оппонентлар: Дошанова Айкерим Мжаверовна, тиббиёт фанлари доктори, профессор (Москва); Султанов Саидазим Носирович, тиббиёт фанлари доктори, профессор;

Садриддинов Асомиддин Фаязович, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Д.О.Отт номидаги акушерлик, гинекология ва репродуктология илмий-тадқиқот институти (Россия Федерацияси).

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: биринчи туғувчи ҳомиладор аёлларда гипертензив синдромсиз НЖЙБК ривожланишини ташхислашни такомиллаштириш ва ҳомиладорликни олиб бориш учун патогенетик механизмларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор гипертензия синдромсиз НЖЙБКда томир-эндотелиал ҳамда йўлдошнинг ўсиш омили, Виллебранд омил, фебронектин, оксидатив стресс, яллиғланишга хос ва яллиғланишга қарши цитокинлар кўрсаткичлари баҳоланиб, бу ўзгаришлар натижасида қон-томир деворларида эндотелиал дисфункция ривожланиши ва организмда тизимли яллиғланиш юзага келиши исботланган;

илк бор гипертензия синдроми кузатилмаган НЖЙБКнинг енгил даражасида она-йўлдош-ҳомила қон оқими ҳолати баҳоланган, йўлдошнинг барвақт кўчишида ҳомилада сифатли қон оқимининг маълум вақтгача сақланишига таъсир қилувчи она-ҳомила қон оқими ҳимоя механизмларининг ривожланиши аниқланган ва қон оқими ҳолатига қараб ҳомиладорларни олиб бориш тактикаси ишлаб чиқилган;

эндотелиал дисфункция, цитокин статус кўрсаткичлари, ҳомиладорлар ва уларнинг чақалоқларида она-йўлдош-ҳомила қон оқими кўрсаткичлари тўғри ва тескари корреляцион ўзаро боғлиқлиги аниқланган;

гипертензив синдромсиз НЖЙБКда йўлдош ва бачадоннинг она-йўлдош юзасидаги децидуал ҳужайралар деструкцияси, капиллярлар эндотелийсининг ойдинлашиши, синцитиотрофобласт ва базал мембрананинг йўлдош эндотелийси билан биргаликда унинг тўқима антигенларига нисбатан иммуноцитокимёвий реакция юзага келиши аниқланган;

гипертензив синдром кузатилмаган НЖЙБКнинг патогенези ривожланиш чизмаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

«Нормал жойлашган йўлдошнинг барвақт кўчишида аёлларни текшириш усуллари ва олиб бориш тактикаси» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган ва Соғлиқни сақлаш вазирлигида тасдиқланган (2015 йил 23 декабрдаги 8Н-р/631-сон маълумотномаси). Ушбу услубий қўлланмадан соғлиқни сақлаш тизимида НЖЙБК ривожланишини прогнозлаш ҳамда унинг асоратларини камайтириш йўллари ўрганишда самарали фойдаланилган;

нормал жойлашган йўлдошнинг барвақт кўчишини эрта ташхислаш, прогнозлаш мезонларини аниқлаш ва даволашни унумли усуллари қўллаш соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Андижон вилояти перинатал маркази ва Тошкент шаҳар 6-туғруқ комплексига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 7 сентябрдаги 8Н-д/48-сон маълумотномаси). НЖЙБК билан бўлган ҳомиладорларнинг олиб бориш алгоритми жорий этилиши натижасида аёллар ва уларнинг чақалоқлари реанимация, стационар бўлимларда бўлиши 38,5 фоизга, перенатал ўлим кўрсаткичи 11,3 фоизга ва аёлларда асоратлар частотаси 2,5 баравар камайди.

Матякубова Саломат Александровна. «Гестацион гипертензия кузатилган ҳомиладорларда пренатал асоратлар профилактикаси ва истиқболлини белгилаш», 14.00.01-Акушерлик ва гинекология (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 31.03.2016/Б2016.1.Тиб9.

Илмий маслаҳатчи: Аюпова Фарида Мирзаевна, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент тиббиёт академияси.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент педиатрия тиббиёт институти, 14.07.2016.Тиб.18.01.

Расмий оппонентлар: Замалева Роза Семёновна, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Каттаходжаева Махмуда Хамдамовна, тиббиёт фанлари доктори; Каримова Феруза Джавдатовна, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Н.И.Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети (Россия Федерацияси).

Тадқиқотнинг мақсади: гестацион гипертензияли ҳомиладор аёлларда кузатилган

пренатал асоратларда аутоиммун антитаналар миқдори ва ангиогенезининг истиқболни белгиловчи кўрсаткичлар даражасини аниқлаш ва унинг профилактик чора-тадбирларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

гестацион гипертензияси истиқболни ҳомиладорликнинг илк давридаги ангиогенез ва эндотелий функциясини аниқловчи кўрсаткичлар асосида белгилаш усули ишлаб чиқилган; ҳомиладорликнинг I триместрида ангиогенезнинг паст кўрсаткичлари ва аутоиммун жараёнлар дисбаланси гестациянинг 20 ҳафтасидан кейин ҲИГ шаклланиши хавфи эканлиги исботланган;

илк бор гестацион гипертензиянинг клиникагача бўлган босқичида эндотелий дисфункцияси шаклланиши кўрсатилган ва истиқболни белгиловчи мезонлари ишлаб чиқилган;

биринчи марта эндотелиал дисфункция, гестацион гипертензиянинг клиникагача бўлган босқичи шаклланишида даврий ЛТАнинг таъсири исботланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Гестацион гипертензиянинг истиқболни белгилаш ва асоратларининг олдини олиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Ҳомиладорлик билан индуцирланган гипертензияни прогнозлаш усули» бўйича Ўзбекистон Республикасининг ихтиро патенти олинган (№IAP 05235). Ушбу усул гестацион гипертензиясини олдиндан аниқлаш ва асоратларининг олдини олиш сифатини оширишга имкон берган;

«Гестацион гипертензияли аёлларда асоратлар профилактикаси самарадорлигини ошириш усули» номли услубий тавсиялар тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 06.10.2015 йилдаги 8н-д/55-сон маълумотномаси). Комплекс динамик назорат ва патогенетик даво чораларига L-аргинин препаратининг қўшимча сифатида қўлланилиши эндотелий функциясининг кўрсаткичларини самарали тиклаган ҳамда эндотелий функциясининг меъёрлашуви ҳисобига кўпчилик ҳомиладор аёлларда (87,2%) ҳомиладорлик яхши яқун топган ва перинатал ўлимни беш маротаба пасайтириш имконини берган;

гестацион гипертензияли аёлларда асоратлар профилактикаси самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар Тошкент шаҳар Учтепа тумани 9-сон акушерлик мажмуаси, Бухоро вилояти Жондор тумани акушерлик мажмуаси ва Тошкент шаҳар Миробод тумани 4-сон акушерлик мажмуасининг амалиётга татбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 27.04.2016 йилдаги 8д-3/57-сон маълумотномаси).

Ахмедова Сайёра Мухамадовна. «Каламуш юраги деворининг макро-микроскопик тузилишининг постнатал онтогенезда ҳамда пестицид таъсирида ўзгариши», 14.00.02–Морфология (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/Б2014.3-4.Тиб99.

Илмий маслаҳатчи: Миршарапов Ўткир Миршарапович, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Самарқанд давлат тиббиёт институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент тиббиёт академияси, 14.07.2016.Тиб.17.03.

Расмий оппонентлар: Јее - Young Han (Корея), тиббиёт фанлари доктори, профессор; Турсунов Эркин Атабаевич, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Тешаев Шухрат Жумаевич, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Витебск давлат тиббиёт университети (Беларусь Республикаси).

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: илк постнатал даврда она сути орқали ўтган пестицидлар таъсирида юрак бўлмача ва қоринчалари девори қаватларининг анатомик, микроскопик, субмикроскопик ва морфометрик ўзгаришларини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор постнатал онтогенез даврида каламуш болалари юрагининг анатомик кўрсаткичлари, кўкрак қафасининг шакли ва ўлчамлари, каламуш болаларининг жисмоний ривожланиши орасида боғлиқлик ва назорат гуруҳидаги каламуш болалари юрагининг бўлмача ва қоринчалар деворлари қатламларидаги структур тузилмаларнинг микроскопик

тузилишида ўзига хос ривожланиш аниқланган;

пестицидларнинг захарли таъсири натижасида каламуш юрагининг артериола ва капиллярлар деворида толали тузилмаларнинг дезорганизацияси, бириктирувчи тўқима хужайраларининг пролиферацияси, миокард мушак хужайраларида оқсилли дистрофияси, миофибриллаларнинг титилиши ва уларнинг ядро-цитоплазматик муносабати бузилиши исботланган;

юрак бўлмача ва қоринчалар девори қатламлари қалинлигининг морфометрик тавсифи асосида тажрибавий ҳайвонлар юрагининг бўлмача ва қоринчалари девори барча қатламларининг морфометрик кўрсаткичлари, назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада меъёрий даражага нисбатан камайгани асосланган;

которан ва кинмикс таъсирида каламуш юраги кардиомиоцитлари миофибрилларида субмикроскопик ўзгаришлар, кардиомиоцитларнинг қисқарувчанлиги, митохондрийлар энергетик ва метаболик жараёнларининг бузилиши, некробиоз, майда томирлар эндотелий ва бошқа қатламлар транспорт фаолиятининг ўзгариши, хужайра ичи ҳамда интерстицийда шиш ривожланиши асосланган;

котаран ва кинмикс таъсирида илк постнатал онтогенез даврида каламушлар юрагининг автоматизми ва ўтказувчанлигининг бузилишига олиб келганлиги ЭКГ маълумотлари асосида исботланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Постнатал онтогенез даврида юракнинг макро ва микроскопик тузилишига пестицидлар таъсирида юзага келган токсик миокардитни эрта ташхислаш ва прогнозлаш мезонларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизими амалиётига, жумладан Республика тез тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари филиалларининг токсикология ҳамда реанимация бўлимлари, санитария гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 13 январдаги 8Н-3/36-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижалар иккита услубий қўлланма асосида татбиқ этилиб, беморларнинг шифохонадаги ўрин кунини 20 фоизга камайтириш имкониятини яратган («Токсик миокардитни математик моделлаштириш ва прогнозлаш» ва «Пестицидлар таъсирида илк постнатал онтогенез даврида каламуш юрагининг ўсиши ва ривожланишининг ўзгариши»).

Абдукаюмов Абдуманнап Абдумаджидович. «Сурункали гломерулонефритли беморларда бурун ва бурун ёндош бўшлиқларининг сурункали яллиғланиш касалликларини комплекс баҳолаш ва даволаш», 14.00.04–Оториноларингология (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 14.07.2016/В2016.4.Тиб343.

Илмий маслаҳатчи: Амонов Шавкат Эргашевич, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент педиатрия тиббиёт институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент тиббиёт академияси, 14.07.2016.Тиб.17.01.

Расмий оппонентлар: Милан Профант, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Владислав Евгеньевич Кузовков, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Хасанов Улугбек Саидакромович, тиббиёт фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: Вена тиббиёт университети Рудольф Штифтунг клиникаси (Австрия).

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: сурункали гломерулонефритли беморларда бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари сурункали касалликларининг клиник, морфологик, иммунологик ва патокимёвий кечиш хусусиятларини аниқлаш ҳамда даволаш тактикасини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сурункали риносинуситнинг нафақат полипли, балки полипларсиз шаклларида ҳам бурун ёндош бўшлиқларидаги сурункали патологик жараён ўчоғини радикал бартараф этиш зарурлиги исботланган;

иммунреактивлик ва гемостаз бузилишлар туфайли юқори хирургик хатар гуруҳига кирувчи сурункали гломерулонефрит билан кечувчи сурункали риносинуситли беморларда каминвазив синусхирургияни ўтказиш имконияти ва самарадорлиги исботланган;

илк бор тажрибада нефритнинг бурун шиллиқ пардаси ҳолатига эпителий

регенерациясининг бузилишлари, киприкчали эпителийнинг гиперплазия ва метаплазияга берилувчанлик кўринишида таъсир кўрсатиши исботланган;

СРС+СГНли беморларда бурун шиллиқ пардасида атрофик ва дистрофик ўзгаришлар, шиллиқ парда эпителиал қопламида хужайравий таркибнинг доимий эмаслиги аниқланган;

сурункали гломерулонефритдаги сурункали риносинуситнинг кечишида оксидланиш стресси, эндотелиал дисфункция ва гиперкоагуляция синдромнинг кўшадиган ҳиссаси асосланган;

сурункали риносинуситли беморларда топик стероидларни қўллаб ўтказилувчи комплекс оператив-консерватив даволашнинг қондаги АОТнинг тикланишига, яллиғланишнинг пасайишига, эндотелиал дисфункция ва ОСга, шунингдек маҳаллий иммунитетнинг тикланишига ижобий таъсир кўрсатиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

БЁБ касалликларини ташхислаш ва даволаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Сурункали гломерулонефритда назал полиплари бўлмаган сурункали риносинуситли беморларни парваришлаш тамойиллари» услубий тавсиялари умумамалиёт шифокорлари, нефрологлар ва отоларингологлар учун ишлаб чиқилди ва татбиқ этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 16 июндаги 8Н-3/45-сон маълумотномаси);

БЁБ касалликларини ташхислаш ва даволаш ҳамда прогнози бўйича ишлаб чиқилган мезони соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази ЛОР клиникаси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги тиббиёт-санитария бирлашмасининг 2-Марказий клиник шифохонаси ЛОР бўлими амалиётига татбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 16 июндаги 8Н-3/45-сон маълумотномаси);

СГН беморларни стационарда бўлиш муддати, дори-дармонларга талаби, ногиронлик нафақаси тўлови ва реабилитация муддати қисқариши билан самара берди.

Хайдарова Гавхар Саидахматов. «Сенсоневрал эшитиш заифлиги бўлган болаларда қиёсий ташхислаш мезонлари ва реабилитация усулларини ишлаб чиқиш», 14.00.04–Оториноларингология (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/Б2014.3-4.Тиб178.

Илмий маслаҳатчи: Маткулиев Хайитбой Маткулиевич, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент тиббиёт академияси.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент тиббиёт академияси, 14.07.2016.Тиб.17.01.

Расмий оппонентлар: Min Hyun Park, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Диаб Хассан Мохаммад Али, тиббиёт фанлари доктори; Арифов Сайфиддин Саидазимович, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Вена тиббиёт университети (Австрия).

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: турли генезли сенсоневрал эшитиш заифлиги мавжуд болаларда клиник-аудиологик хусусиятларни аниқлаш ҳамда беморни юритиш тактикаси ва реабилитация усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

вақтидан олдин туғилган болаларда туғилиш пайтига келиб эшитиш тизимининг периферик қисми етилмаганлиги, шунингдек кўп сонли патологик омилларнинг бир вақтнинг ўзида таъсир кўрсатиши асосланган;

эшитиш нейрпатияси мавжуд болаларда эшитиш функциясининг ажралиб турувчи ўзига хос хусусиятлари эшитиш бўсағаларининг 4 дан 2-даражагача пасайиши ва 10–18 ойлик болаларда товушларга нисбатан хулқ-атвор реакцияларининг яхшиланишидан иборатлиги аниқланган;

марказий асаб тизимининг постгипоксик шикастланиши мавжуд болаларда эшитиш қобилияти бузилишларининг клиник белгилари гипоксиянинг оғирлик даражасига боғлиқлиги исботланган;

қисқа латент эшитиш потенциаллари таркибий қисмларининг бузилишлари болалар мия фалажи этиологик омилларига боғлиқ эмаслиги аниқланган;

эшитиш нейропатияси, болалар мия фалажи ва марказий асаб тизими гипоксиясидан кейинги жароҳатланишда дифференциал-ташхис кўрсаткичлар аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Услубий қўлланма асосида болаларда эшитиш қобиляти бузилишини эрта аниқлаш алгоритми ва даволаш тактикаси, шунингдек эшитиш ва нутқий бузилишларга эга болалар учун тузатиш-ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқилган ҳамда Тошкент тиббиёт академияси 2-клиникаси, 102 ва 106-Қулоғи яхши эшитмайдиган болалар учун ихтисослашган мактаб-интернатининг амалий фаолиятига татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 30 майдаги 8Н-г/42-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижалар эшитиш қобиляти бузилган болаларда хавfli омилларни аниқлашга йўналтирилган ва болаларда эшитиш қобиляти бузилишини эрта аниқлаш имкониятини яратган.

Рахимов Баходир Бахтиёр ўғли. «Болалар ва ўсмирларда семизликнинг профилактикасини такомиллаштириш», 14.00.07–Гигиена (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.11.2016/В2016.4.Тib193.

Илмий маслаҳатчи: Шайхова Гули Исламовна, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент тиббиёт академияси.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Тошкент тиббиёт академияси, 14.07.2016.Тib.17.03.

Расмий оппонентлар: Jae-Wook Choi, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Худайбергенов Анатолий Сагатбаевич, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Нажмутдинова Дилором Камариддиновна, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: И.И.Мечников номидаги Шимоли-Ғарбий давлат тиббиёт университети (Россия Федерацияси).

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: болалар ва ўсмирлардаги семизликнинг профилактикасини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ошқозон-ичак тизими фаолияти бузилишининг олдини олиш, ортиқча холестерин, шлак ва токсинларни организмдан чиқариб юбориш ва тана вазнини меъёрида ушлаб турувчи биологик фаол қўшимча – «Фойдали кепаклар» («Бодинорм») ишлаб чиқилган;

экзоген конституционал семизлик билан касалланган бемор болалар ва ўсмирлар касалланишининг олдини олиш ва даволаш учун маҳаллий табиий хомашёлардан олинган биологик фаол қўшимчалар билан бойитилган ва паст энергетик қийматга эга бўлган миллий таомнома ишлаб чиқилган;

озиқавий қиймати оқсилга бой, карбонсувлар камайтирилган ҳамда витамин ва минерал моддаларга бой бўлган миллий таомлар асосида семиз болалар ва ўсмирлар овқатланиш таомномасини такомиллаштириш;

тиббий-ташкилий профилактик ва даволаш чора-тадбирларини аҳоли ва оммавий ахборот воситалари билан фаол ишлаш асосида болалар ва ўсмирлар орасида семизлик профилактикасини самарали ташкил қилишнинг модели ишлаб чиқилган;

аҳолининг саломатлик ҳолатида салбий ўзгаришларни келтириб чиқармайдиган овқат қўшимчаларини ишлаб чиқиш, истеъмол миқдори, сақлаш ва тарқатиш талаблари кўрсатилган санитария меъёр ва қоидаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Болалар ва ўсмирларда семизликнинг профилактикасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

организмнинг метаболик синдромларига ижобий таъсир кўрсатувчи биологик фаол қўшимча – «Фойдали кепаклар» («Бодинорм»)ни ишлаб чиқишнинг технологик йўриқномаси тасдиқланган (ТИ 64-20900059-13:2013). Мазкур технологик йўриқноманинг ишлаб чиқилиши организмдан ортиқча холестерин, шлак ва токсинларни чиқариб юбориш, тана вазнини меъёрида ушлаб туриш ҳамда ошқозон-ичак тизими фаолияти бузилишининг олдини олишга имкон берувчи биологик фаол қўшимчани ишлаб чиқишнинг ягона технологик шартларини таъминлашга хизмат қилади;

иммунитетни ошириш ва касалликларнинг олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган

таклифлар «Овқат қўшимчаларини ишлаб чиқариш ва меъёрлаштиришга қўйилган гигиеник талаблар» таркибида тасдиқланган (Санитария қоида ва меъёри №0296-11). Мазкур таклифлар аҳолининг саломатлик ҳолатида салбий ўзгаришларни келтириб чиқармайдиган овқат қўшимчаларини ишлаб чиқиш, истеъмол миқдори, сақлаш ва тарқатиш талаблари бўйича санитар меъёр ва қоидаларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

озиқ-овқат маҳсулотларида гликемик индексини камайтириш бўйича олинган илмий натижалар «Семизликда овқатланиш рационларини гигиеник асослаш» услубий қўлланмаси асосида соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2010 йил 20 апрелдаги 8Н/60-сон, 2016 йил 23 августдаги 8Д-3/69-сон маълумотномалари). Мазкур услубий қўлланма семириш омиллари ва касалликни эрта аниқлаш, семизликнинг профилактикаси ва даволашнинг гигиеник чора-тадбирларини такомиллаштириш имконини беради;

тана вазни индексини меъёрда ушлаб туриш бўйича олинган илмий натижалар «Семизликка мойил болалар ва ўсмирларни парҳез даволаш технологияси ва принципларининг илмий асослари» услубий қўлланмаси асосида соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 4 сентябрдаги 8Н-р/571-сон, 2016 йил 23 августдаги 8Д-3/69-сон маълумотномалари). Мазкур услубий қўлланма овқат рационини гигиеник меъёрлаштириш талабларини такомиллаштириш имконини беради;

семизликнинг олдини олишни ижтимоий таҳлика омиллари таъсири бўйича олинган илмий натижалар «Ўзбекистон Республикасида болалар ва ўсмирлар орасида семиришнинг олдини олиш модели» услубий қўлланмаси асосида соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 7 апрелдаги 8Н-м/46-сон, 2016 йил 23 августдаги 8Д-3/69-сон маълумотномалари). Мазкур услубий қўлланма тиббий-ташкилий профилактик ва даволаш тадбирларини аҳоли ҳамда оммавий ахборот воситалари билан фаол ишлаши асосида болалар ва ўсмирлар орасида семизлик профилактикасини самарали ташкил қилиш имконини беради;

болалар ва ўсмирларда семизлик профилактикасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Республика давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, Саломатлик ва тиббий статистика институти тизими ҳамда Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази клиникаси амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 23 августдаги 8Д-3/69-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши семиришга ташхис қўйиш тартибини яхшилаш ва унинг олдини олиш чора-тадбирларини такомиллаштириш, аҳолининг турли қатламлари орасида соғлом овқатланишни таъминлаш ва ҳаракат фаоллигини оширишга хизмат қилиб, ҳар бир семизликни инвазив ва тиббий асбоб-ускуналар ёрдамида аниқлаш ҳамда даволаш таннархини 5% га камайтириш, тана вазни индексининг болаларда 10,8%, қизларда эса 10,5% га камайиши ва профилактика чора-тадбирлари самарадорлигини ошириш имконини берган.

Ирисов Ортиқали Тўлаевич. «Ўпка операцияларидан кейинги эрта плевра ичи асоратларини ташхислаш, хирургик даволаш тактикаси ва олдини олишнинг замонавий аспекти», 14.00.27–Хирургия (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/Б2014.5.Tib475.

Илмий маслаҳатчи: Назиров Феруз Гафурович, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази ва Тошкент тиббиёт академияси, 14.07.2016.Tib.20.01.

Расмий оппонентлар: Левченко Евгений Владимирович, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Ходжибеков Марат Худайкулович, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Хашимов Шухрат Хуршидович, тиббиёт фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: И.М.Сеченов номидаги Биринчи Москва давлат тиббиёт университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: ўпка ва кўкс оралиғи аъзоларидаги операциялардан кейинги эрта плевра ичи асоратларининг диагностикаси ва хирургик даволаш натижаларини

яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўпка ва кўкс оралиғи аъзоларида бажарилган операциялардан кейинги плевра ичи асоратларининг олдини олиш ва даволашнинг турли усулларининг самарадорлиги аниқланган;

илк маротаба плевра ичи асоратларига олиб келувчи омилларнинг касаллик этиологияси ва ўтказилган операцияга боғлиқ ҳолда даволаш-профилактик ва хирургик тактика услубларини такомиллаштириш имконини бериши исботланган;

даволаш профилактика чора-тадбирлар мажмуасида интраоперацион қон тўхтатувчи ва респиратор даволашнинг замонавий технологияларини қўллаш, шунингдек операциядан кейинги реабилитациянинг индивидуал дастурига амал қилиш, операциядан кейинги геморрагик ва йирингли септик асоратларнинг учрашини камайтириши ($P < 0,001$) аниқланган;

плевра ичи асоратлари келиб чиққанда актив хирургик тактика ва замонавий кам инвазив эндовизуал технологияларни қўллаш мақсадга мувофиқлиги исботланган;

илк бор экспериментал ва морфологик текширув натижалари асосида кўкрак қафаси хирургиясида паренхиматоз қон кетишини тўхтатувчи восита сифатида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган янги коллаген пленка – «Глилагин»нинг самарадорлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Ўтказилган тадқиқотлар асосида операциядан кейинги эрта плевра ичига қон кетиш ёки қон ивиб қотиб қолишида хирургик даволаш тактикасини танлаш алгоритми, операциядан кейинги ўткир плевра эмпиемасини хирургик даволаш тактикасини танлаш алгоритми ва операциядан кейинги хилотораксни ташхислаш ва даволаш тактикасини танлаш дастури ишлаб чиқилган. Таклиф қилинган услублар амалий соғлиқни сақлаш тизимига, шу қаторда «Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази» акциядорлар жамияти фаолиятига, Андижон ва Наманган вилоятлари кўп тармоқли тиббиёт марказлари клиник фаолиятига татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 7 апрелдаги 8н-д/23-сон маълумотномаси). Олинган натижалар плевра ичи асоратларини диагностика ва хирургик даволаш натижаларини 54,8% дан 76,9% гача яхшилаш, операциядан кейинги асоратлар учрашини ва ўлим даражасини 17,7% дан 11,5% гача пасайтириш имконини берди.

Эшонходжаев Отабек Джураевич. «Трахеянинг чандиқли торайиши билан беморларнинг жарроҳлик даволаш ва реабилитациясига мультимодал ёндашув», 14.00.27–Хирургия (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/Б2014.3-4.Тиб277.

Илмий маслаҳатчи: Назиров Феруз Гафурович, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази ва Тошкент тиббиёт академияси, 14.07.2016.Тиб.20.01.

Расмий оппонентлар: Паршин Владимир Дмитриевич, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Акилов Хабибулла Атауллаевич, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Хакимов Мурад Шавкатович, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Н.И.Пирогов номидаги миллий тиббий хирургия маркази (Россия Федерацияси).

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: комплекс хирургик даволаш ва реабилитациясига дифференциал ёндашиш орқали трахея чандиқли стенози (ТЧС) билан оғриган беморларни даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

стеноз локализацияси ва кўлами беморнинг ёши, стенознинг шаклланиш муддати ҳамда патология ривожланишининг этиопатогенетик омилларига боғлиқлиги аниқланган;

бўшлиқ ичи ва очиқ хирургик жараёнларда юқори технологияли замонавий усуллар ёрдамида даволашнинг бевосита ва узоқ муддатли натижалари ўрганилган;

трахеяга стент қўйиш операцияси жараёнини енгиллаштириш, операциянинг шикастлилиги ва операциядан кейинги асоратлар юзага келиш хавфини минимал даражагача

камайтириш мақсадида универсал ускуна ишлаб чиқилган;

трахея-ҳиқилдоқ стенози, мультифокал ва кенг қўламли ТЧСни даволашда Т-симон эндопротезда бўшлиқ ҳосил қилувчи икки босқичли трахея пластикаси амалиётининг самарадорлиги аниқланган;

ларинготрахеостомиядан кейин юзага келувчи трахея ва бўйин юмшоқ тўқимасининг турғун ҳамда катта ўлчамли нуқсонларини бартараф этишнинг пластик усуллари такомиллаштирилган;

кенг қўламли ТЧСни хирургик даволашда ёндош патологияси бўлмаган беморларни даволашнинг бирламчи босқичи ҳамда авваллари даволанган, аммо трахеянинг торайиши қайталанган беморларда кенг ўлчамли резекция бажариш имконияти аниқланган;

ТЧС билан оғриган беморларни хирургик даволаш ва реабилитация жараёнида дифференциацияланган ва мультидисциплинар ёндашувни қўллаш илмий асосланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

«ТЧСни ташхислаш ва даволаш алгоритми ва комплекс хирургик тактикаси» услубий тавсиялари умумамалиёт шифокорлари, торакал хирурглар, эндоскопистлар ва отоларингологлар учун ишлаб чиқилган ва амалий ишига татбиқ этилган. «Трахеяга стент ўрнатиш учун мослама» операция ўтказиш жараёнида шикастланиш даражасини пасайтирадиган ва операциядан кейин асоратлар хавфини камайтирадиган универсал ускуна ишлаб чиқилган ва соғлиқни сақлаш тизими амалиётига, жумладан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази, Республика шошилинич тез тиббий ёрдам илмий марказининг эндоскопик ва торакал хирургия бўлимлари ҳамда Тошкент тиббиёт академиясининг 3-клиникаси қошидаги ЛОР касалликлари бўлими клиник фаолиятига татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 5 майдаги 8н-д/33-сон ҳулосаси). Тадқиқот натижаларига кўра узоқ муддатли даволаш жараёнида 83,7% беморда яхши натижаларга эришилди, мурракаб ва радикал хирургик усулларни кенг қўллаш орқали 60% беморларда реконструктив амалиётлар амалга оширилди ва натижада ҳаётга хавф солувчи асоратлар сони, трахеоканюлярлар деканюляция ҳамда ногиронлик даражаси камайиши кузатилган.

Ибрагимов Азиз Юлдашевич. «Тиббиёт муассасаларининг ҳудудий-тармоқ структурасини такомиллаштириш ва бошқариш самарадорлигини ошириш», 14.00.33–Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/Б2014.5.Tib509.

Илмий маслаҳатчи: Асадов Дамин Абдурахимович, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, 14.07.2016.Tib.19.01.

Расмий оппонентлар: Шарипова Мадина Каримовна, тиббиёт фанлари доктори; Магзумова Шахноза Шахзадэевна, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Хамраев Атаджан Каримович, тиббиёт фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат стоматология институти.

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимининг турли босқичларида ислоҳот натижаларини ўрганиш ҳамда тиббий ёрдамни ҳудудий оптималлашни ва таркибий қайта тузишни, жаҳондаги соғлиқни сақлаш ислоҳотларини, замонавий анъаналарини ҳисобга олган ҳолда истиқболдаги такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

соғлиқни сақлаш тизимини самарали ташкил қилиш ўзбек моделининг тиббий-ижтимоий ва тиббий-ташкилий хусусиятлари очиб берилган ҳамда ўзбек миллий моделининг жаҳон соғлиқни сақлаш амалиётида қўллаш мақсадга мувофиқлиги асосланган;

даволаш-профилактика муассасаларининг таркибий тузилмасини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш ва тиббий хизматни оптималлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

бирламчи тиббий хизмат сифатини янада оширишда аҳоли сонини қишлоқ врачлик пунктлари тури билан ўзаро мувофиқлаштириш ва ЖССТ «географик жойизлик даражаси» ҳақидаги тавсияларини эътиборга олган ҳолда янги қишлоқ врачлик пунктларини жойлаштириш юзасидан таклифлар асосланган;

худудларнинг шифохона ўринлари билан таъминланганлик даражаси ва улардан фойдаланиш самарадорлиги асосида ўринлар фонди тузилишини оптималлаштириш асосланган;

даволаш-профилактика муассасалари томонидан юрак-қон томир тизими касалликлари беморларини қабул қилишни оптималлаштириш ва даволаш-профилактика ишлари самарадорлигини ошириш йўллари асосланган;

даволаш-профилактика муассасаларини замонавий тиббий жиҳозлари билан таъминлаш ва дори-дармонлар харид қилиш механизмини такомиллаштириш бўйича таклифлар асосланган;

тиббиёт соҳасидаги илғор хорижий тажриба асосида миллий соғлиқни сақлаш амалиётини янада такомиллаштириш таклиф қилинган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Соҳанинг худудий-тармоқ таркибини такомиллаштириш ва бошқариш самарадорлигини ошириш юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

аҳолига стационар ёрдам ҳажмларини режалаштириш ва тиббий ёрдам кўрсатишни оптималлаш бўйича ишлаб чиқилган тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 21 апрелдаги 95-сон «Марказий туман шифохоналарида ўринлар фондини аниқлашнинг меъёрий усулига босқичма-босқич ўтиш тўғрисида»ги қарорини тайёрлашда фойдаланилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 21 сентябрдаги 8н-д/56-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш аҳолига стационар ёрдам ҳажмларини янада аниқроқ режалаштириш ва тиббий ёрдам кўрсатишни оптималлаштириш имконини беради;

ишлаб чиқилган «Стационар ёрдам ҳажмини оптимал режалаштириш ва тиббий ёрдам кўрсатишни оптималлаш» методикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи (№23, 23.02.2016) билан тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 26 сентябрдаги 8д-3/77-сон маълумотномаси). Мазкур методика стационар тиббий хизмат ҳажмининг прогноз кўрсаткичлари аниқлигини 5 фоизгача ва тиббий хизмат кўрсатиш оптималлик даражасини 2,5 фоизгача ошириш имконини берган;

тиббиёт муассасаларининг худудий-тармоқ таркибини такомиллаштириш юзасидан олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Бухоро, Наманган, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари фаолиятига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 27 июндаги 83/120-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши Кўқон шаҳри мисолида ўринларни умумий сонини сақлаб қолган ҳолда зўриқиб ишлаётган акушер-гинекологик, педиатрик, неврологик ўринлар сонини жарроҳлик ва терапевтик ўринлар ҳисобига ошириш имконини берди.



Фармацевтика фанлари бўйича докторлик диссертациялари ҳимояси тўғрисида эълонлар

Шарипова Иродахон Шавкатовна. «Ўсимлик ажратмалари асосида яллиғланишга қарши ва тинчлантирувчи таъсирга эга дори воситаларининг технологиясини ишлаб чиқиш»,

15.00.01–Дори технологияси ва фармацевтика ишларини ташкил этиш (фармацевтика фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.Far8.

Илмий маслаҳатчи: Махмуджанова Комила Султановна, фармацевтика фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент фармацевтика институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент фармацевтика институти, 14.07.2016.Far.21.01.

Расмий оппонентлар: Зайнутдинов Умаржон Насрутдинович, кимё фанлари доктори, профессор; Худойбердиев Маъруф Обидович, техника фанлари доктори; Тўхтаев Хаким Рахмонович, фармацевтика фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: Дори воситалари тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: маҳаллий ўсимлик хомашёларидан яллиғланишга қарши ва тинчлантирувчи таъсирга эга бўлган дори воситалари технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Анжабор илдиз ва илдизпоясидан яллиғланишга ва гипоксияга қарши (Анжабор) тиндирмасининг таркиб ва технологияси ишлаб чиқилган;

яллиғланишга қарши, спазмолитик ва капилляр қон томирларни мустаҳкамловчи таъсирга эга бўлган Анжабор қуруқ экстракти, аскорбин кислота ва фитин сақловчи (Герасфит) драже технологияси ишлаб чиқилган;

илк бор яллиғланишга қарши тозаланган мўмиё ва Анжабор қуруқ экстракти асосида (Мумиёколл) драже технологияси ишлаб чиқилган;

Анжабор қуруқ экстракти ва аскорбин кислота сақловчи (Гераск) драже технологияси ишлаб чиқилган;

илк бор тинчлантирувчи таъсирга эга бўлган мураккаб таркибли ўсимликлардан қуруқ экстракт олинган ва у асосида (Леоглицирфлом) драже технологиялари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Оригинал дори препаратларининг таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Леоглицирфлом» қуруқ экстракти (НД 42 Уз-6004-2016) ва «Леоглицирфлом» дражеси меъёрий ҳужжатлари (НД 42 Уз-6005-2016) Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси томонидан тасдиқланган (Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармасининг 2016 йил 19 октябрдаги №29/09- 2871-сон маълумотномаси). Мазкур меъёрий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши неврологик касалликларида тинчлантирувчи дори воситасини ишлаб чиқишнинг норматив асосини яратишга хизмат қилган;

«Леоглицирфлом» дражесига (ОПР 00481330-01-16) тажриба саноат ишлаб чиқариш регламенти ишлаб чиқилган (С.Қ. Исломбеков номли «Ўзкимёфарм» АЖнинг 2016 йил 5 октябрдаги 10-сон маълумотномаси; Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармасининг 2016 йил 19 октябрдаги №29/09-2871-сон маълумотномаси). Мазкур меъёрий ҳужжат тинчлантирувчи дори воситасини ишлаб чиқаришнинг норматив асосини яратишга хизмат қилган.

Юнусходжаева Хамида Ганишеровна. «Гидролизланган пахта лигнини асосида энтеросорбентларни ишлаб чиқиш ва уларнинг фармако-технологик хоссаларини аниқлаш», 15.00.01–Дори технологияси ва фармацевтика ишларини ташкил этиш (фармацевтика фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 28.04.2016/В2016.2.Far33.

Илмий маслаҳатчи: Исмаилова Мохинур Гафуровна, фармацевтика фанлари доктори.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент фармацевтика институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент фармацевтика институти, 14.07.2016.Far.21.01.

Расмий оппонентлар: Махатов Бауыржан Калжанович, фармацевтика фанлари доктори, профессор; Садиков Тургун, техника фанлари доктори; Сағдуллаев Баходир Тахирович, техника фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: Тошкент кимё-технология институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: пахта чигит қобиғининг гидролизланган лигнини асосида тиббиёт амалиётида қўллашга мўлжалланган сорбент олишнинг самарали технологияси ва унинг дори шакллариининг оптимал таркиби, технологияси ҳамда стандартлаш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор пахта чигит қобиғининг гидролизланган лигнинидан «Зеротокс» тиббий сорбентини олиш технологияси ишлаб чиқилган, унинг адсорбцион, физик-кимёвий ва

фармакологик хусусиятлари аниқланган;

сорбентлар самарадорлиги уларнинг ривожланган ғовакли тузилиши ва сорбентнинг юзасида жойлашган функционал гуруҳлар томонидан бажариладиган хемосорбция жараёнлари ҳисобига амалга ошириш исботланган;

саше-пакетлардаги «Зеротокс Нео» энтеросорбент кукунини олишни оптимал технологияси ишлаб чиқилган ва физик-кимёвий кўрсаткичлари аниқланган;

тажрибани математик моделлаштириш усули ёрдамида ҳамда субстанциянинг технологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда «Зеротокс Нео» таблеткаларининг муқобил таркиби ва уни олиш технологияси ишлаб чиқилган;

таблеткалар таркибига лактулоза (синтетик дисахарид) компонентини қўшиш йўли билан ножўя таъсирлари чекланган «Зеротокс-Л» таблеткаларнинг илмий асосланган таркиби танланган ва олишнинг самарали технологияси ишлаб чиқилган;

илк бор «Зеротокс Нео» энтеросорбентнинг капсула дори шакли технологияси ва стандартлаш усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Гидролизланган лигнинли сорбент ва унинг дори шакллари ҳамда сифат назорати ва стандартлаш усуллари ишлаб чиқиш асосида:

тиббийётда қўллашга мўлжалланган сорбент олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти (01.01.2014 й., № IAP 04946) олинган. Илмий тадқиқот натижасида олинган лигнинли энтеросорбент организмнинг интоксикацияси билан кечувчи турли хил патологик ҳолатларни даволаш имконини беради;

«Зеротокс» лигнинли энтеросорбент субстанциясини Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий тадқиқот институти тажриба-саноат участкаси базасида серияли ишлаб чиқариш йўлга қўйилган (ФМ 42 Ўз-2061-2015). Субстанция ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва қўллаш учун қулай бўлган замонавий дори шакллари олиш имконини беради;

қуйидаги препаратлар: «Зеротокс» энтеросорбенти (ФМ 42 Ўз-2061-2015, 12/135/17-сон рўйхатга олиш гувоҳномаси), «Зеротокс Нео» энтеросорбент капсулалари (КФМ 42 Ўз-22175941-2820-2015, 00550/12/15-сон рўйхатга олиш гувоҳномаси), саше-пакетлардаги «Зеротокс Нео» энтеросорбент кукуни (КФМ 42 Ўз-22175941-2821-2015, 00551/12/15-сонли рўйхатга олиш гувоҳномаси) учун Фармакопоя мақолалари ишлаб чиқилган ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси томонидан тасдиқланган. Ушбу препаратларнинг саноат миқёсида ишлаб чиқарилиши импорт ҳажмини қисқартириб, бир қатор тиббий, ижтимоий ва экологик муаммоларни ҳал қилиш имконини беради.

Раҳматуллаева Мавжуда Маматоировна. «Диабенит, диагликон, стибио ва уроконит дори воситаларининг олиниши ва стандартизацияси», 15.00.02–Фармацевтик кимё ва фармакогнозия (фармацевтика фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.Far12.

Илмий маслаҳатчи: Аминов Сабирджан Нигматович, кимё фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент фармацевтика институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент фармацевтика институти, 14.07.2016.Far.21.01.

Расмий оппонентлар: Азизов Умархон Мухтарович, кимё фанлари доктори, профессор; Юлдашев Зокиржон Абидович, фармацевтика фанлари доктори, профессор; Ибрагимов Абдулла Якубович, фармацевтика фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Ўсимлик моддалари кимёси институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: маҳаллий табиий хомашёлар (Семенов ва Хетеродонта родиолази; топинамбур туганаги, мумиё) асосида гипогликемик, адаптоген дори воситаларини яратиш, тукли эрва ўти, газанда барги, маккажўхори оналик гулининг устунчаси ҳамда оғизчаси, наъматак мевасидан уроконит субстанцияси ва дори шаклини олиш ҳамда стандартлаш усуллари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор табиий хомашёлар асосида гипогликемик таъсирга эга гликоразмулин, диабетит ва диагликон, адаптоген таъсир қилувчи стибио ва буйрак-пешоб касаллигига қарши уроко-

нит дори воситалари олишнинг мақбул шароитлари аниқланган;

биринчи марта Семенов родиоласи илдизпоя ва илдизидан салидрозид ва виридозид бирикмалари ажратиб олинган ва тавсифланган;

родиола ўсимликларидан олинган дори воситаларининг сифат назорати салидрозид стандарти орқали исботланган;

диабенит, диагликон, стибио ва уроконит дори шаклларининг сифатини назорат қилиш ва стандартлаш усуллари аниқланган;

биринчи марта родиола илдизпоя ва илдизи, топинамбур туганаги ва мумиё асосида олинган диагликон субстанцияси олишнинг мақбул усули асосланган ва гипогликемик таъсирида синергизм содир бўлиши аниқланган;

гликоразмулин субстанциясининг иммуностимуляторлик ва антиоксидантлик хоссага, жигар, юрак митохондрияси мембранасига стабилловчи таъсирга эга экани аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Диабенит, диагликон, стибио ва уроконит дори воситаларининг олиниши ва стандартизацияси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Диагликон гипогликемик дори воситаси учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти (23.12.2015 й., №IAP 05143) олинган. Илмий тадқиқот натижасида олинган таркиб диабет II тур касалликларини комплекс терапиясида самарали фойда беради;

Семенов родиоласи илдиз ва илдизпоя хомашёси (2008 йил 27 январь №37/01-08), Салидрозид стандарт намунаси, Гликоразмулин субстанцияси, Гликоразмулин – 100 мг капсулалари (2012 йил 23 апрель №110/01-12), Диабенит – 100 мг (2016 йил 10 июнь №29/01-273) Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси рўйхатидан ўтказилган. Ушбу дори воситалари амалиётга татбиқ этилган.

Гликоразмулин субстанцияси ва Диабенит – 100 мг капсулаларининг саноатда ишлаб чиқариш регламенти «Ўзфармсаноат» давлат акционерлик концернининг 2015 йил 15 октябрдаги 12-сон баённомаси билан тасдиқланган ҳамда Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси рўйхатидан ўтказилган (ПР 42-Уз-03873/22175941 - 2186 - 2015; ПР 42-Уз-03873/22175941- 2187 -2015). Ушбу дори препаратларини ишлаб чиқариш импорт ўрнини босади.

Шарипов Аvez Тўймуродович. «Маҳаллий хомашёлар асосидаги олтингугурт сақловчи дори воситаларни ишлаб чиқиш ва стандартлаш», 15.00.02–Фармацевтик кимё ва фармакогнозия (фармацевтика фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/B2014.5.Far26.

Илмий маслаҳатчи: Аминов Сабирджан Нигматович, кимё фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент фармацевтика институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент фармацевтика институти, 14.07.2016.Far.21.01.

Расмий оппонентлар: Дусматов Азиз Файзаматович, фармацевтика фанлари доктори; Урманова Флюра Фаридовна, фармацевтика фанлари доктори, профессор; Рахмонбердиева Раъно Каримовна, кимё фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: маҳаллий ўсимлик хомашёси – ош пиёз (*Allium* сера L.) асосида гемореологик хоссага эга дори субстанцияси ва шаклини яратиш, тозаланган олтингугурт субстанциясини ва дори шаклларини олиш ҳамда стандартлаш усуллари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

биринчи марта Ўзбекистонда ўсадиган пиёз (*Allium* сера L.) навларининг кимёвий таркиби, жумладан олтингугурт сақлаган органик бирикмалари, уларнинг тўпланиш динамикаси аниқланган;

антиагрегант, антикоагулянт препарат «Аллтромбосепин»ни олиш учун пиёзнинг турли навларини ферментациялаш шароити ва усуллари яратилган;

олтингугурт сақловчи хомашё ва дори воситаларининг сифатини назорат қилиш учун спектрофотометрик таҳлил усули ишлаб чиқилган;

биринчи марта техник олтингугуртни тозалашнинг адсорбцион усули ишлаб чиқилган ва унинг механизми назарий асосланган;

тозаланган олтингугуртнинг «меzbон-меҳмон» тизими бўйича β- ва γ-циклодекстринлар билан супрамолекуляр бирикмалари синтезланган;

тозаланган олтингугурт сирт-фаол моддалар таъсирида юқори дисперс ҳолатига келтирилиб, унинг таъсирини ошириш мумкинлиги тажрибаларда аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Таркибида олтингугурт сақловчи дори воситаларини ишлаб чиқиш, сифат назорати ва стандартлаш усуларини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

техник олтингугуртдан тозаланган олтингугурт олишнинг адсорбцион усули учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти (26.11.2008 й. № IAP 03824) олинган.

олтингугуртнинг янги доривор шаклини олишга Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти (20.08.2016 й. № IAP 20120398) олинган. Илмий тадқиқот натижасида олинган супрамолекуляр бирикма яллиғланишни самарали даволаш имконини берди;

ишлаб чиқилган препаратлар Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси рўйхатига олинган («Аллтробосепин» №DV/M 00913/07/16; «Аллтробосепин капсулалари 100 мг» № DV/M 00914/07/16). Илмий тадқиқот натижасида олинган дори воситаси юрак ишемик касалликларининг олдини олиш ва даволаш имконини берган;

дори воситаларининг корхона фармакопоя мақолалари «Аллтробосепин» субстанцияси (КФМ 42 Уз-22175941-2908-2016) ва «Аллтробосепин капсулалари» (КФМ 42 Уз-22175941-2909-2016) тасдиқланган;

«Аллтробосепин» субстанцияси ва капсулалари «Remedy Group» қўшма корхонасида ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. «Аллтробосепин 100 мг капсулалари»ни ишлаб чиқариш хориждан импорт қилинадиган антиагрегант дори препаратларининг ўрнини босади.



Ветеринария фанлари бўйича докторлик диссертациялари ҳимояси тўғрисида эълонлар

Даминов Асадулло Сувонович. «Республиканинг турли биогеоценозларида қорамоллар трематодозларининг эпизоотологик ва иммунологик хусусиятлари», 03.00.06–

Зоология (ветеринария фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/V2014.5.V17.

Илмий маслаҳатчи: Салимов Бўри Салимович, ветеринария фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Самарқанд қишлоқ хўжалик институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ҳамда Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик илмий-тадқиқот институти, 14.07.2016.Qx/V.25 01.

Расмий оппонентлар: Азимов Жалолдин Азимович, биология фанлари доктори, профессор, ЎзР Фанлар академияси академиги; Орипов Анвар Орипович, ветеринария фанлари доктори, профессор; Дадаев Сайдулла Дадаевич, биология фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: М.Исаев номидаги Тиббий паразитология илмий-тадқиқот институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: турли биогеоценозларда қорамоллар трематодозлари – фасциолёз ва парамфистоматозларнинг эпизоотологик ва иммунологик хусусиятлари ва уларда кечадиган морфобиокимёвий, иммунологик ўзгаришларни аниқлаш ҳамда уларга қарши янги замонавий янги такомиллашган даволаш ва олдини олиш чораларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

республиканинг марказий ва ўрта қисмларидаги биогеоценозларда қорамолларнинг жигар ва ошқозон-ичак тизимида паразитлик қилувчи фасциолёз ва парамфистоматоз

қўзғатувчиларнинг тур таркиби, уларнинг биоэкологик хусусиятлари, ушбу касалликларнинг ҳозирги эпизоотологик ҳолати аниқланган;

парамфистоматоз қўзғатувчиларнинг оралиқ хўжайинлари экологияси, уларнинг парте- нитлар билан зарарланганлиги моллюскаларнинг фаоллик даврида ўзгариши аниқланган;

қорамолларда фасциолёз ва парамфистоматозларининг тарқалишига имкон берувчи экологик омиллар таҳлил қилинган;

парамфистоматозларга чалинган қорамолларнинг клиник, гематологик, биокимёвий ҳамда иммунологик кўрсаткичлари аниқланган;

қорамолларнинг фасциолёз ва парамфистоматоз касалликларини даволаш ва олдини олишнинг такомиллашган чора-тадбирлари ишлаб чиқилган;

фасциолёз ва парамфистоматозларнинг турли шакллари – моно ҳамда полиинвазия шаклларида касалликнинг ўткир ва сурункали кечиш давларида қорамоллар организмида ривожланадиган патологик ўзгаришлар аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Қорамолларнинг паразитар касалликларининг олдини олиш ва янги замонавий специфик ҳамда носпецифик даволаш чораларини қўллаш бўйича ишлаб чиқилган натижалар асосида:

«Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг жигар трематодозлари, уларни даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари» мавзусидаги тавсиянома ишлаб чиқилган (Давлат ветеринария бош бошқармасининг 09.11.2016 йилдаги 48/1-1688-сон маълумотномаси). Бунда гельминтоз билан зарарланган чорва молларини даволаш, олдини олиш чора-тадбирлари ўз вақтида олиб борилиши натижасида ҳайвонларнинг ушбу касаллик билан касалланиши сезиларли даражада камайишига эришилган;

қорамолларнинг трематодозларини аниқлаш, ташхислаш, даволаш ва профилактика чо- ралари бўйича тадқиқот натижалари Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ва Бухоро вилоятлари чорва- чилик фермер хўжаликларида жорий этилган (Давлат ветеринария бош бошқармасининг 15.09.2016 йилдаги 48/4-1382-сон маълумотномаси). Бунда чорва молларининг нобуд бўлиши 10–20 фоизга камайган, маҳсулдорлик кўрсаткичи 20–30 фоизга ошган ва иқтисодий самара ҳар бош ҳайвон ҳисобига 400–500 минг сўмни ташкил этган.

Мавланов Сабиржан Ибадуллаевич. «Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини эктопаразитлардан ҳимоя қилишнинг янги усулларини яратиш», 03.00.06–Зоология (ветеринария фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.V.18.

Илмий маслаҳатчи: Рўзимурадов Аҳрор Рўзимурадович, ветеринария фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ветеринария илмий-тадқиқот институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ҳамда Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик илмий-тадқиқот инсти- тути, 14.07.2016. Qx/V.25 01.

Расмий оппонентлар: Азимов Жалолидин Азимович, биология фанлари доктори, профессор, ЎЗР Фанлар академияси академиги; Салимов Бўри Салимович, ветеринария фанлари доктори, профессор; Иззатуллаев Зубайдулла Иззатуллаевич, биология фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: М.Исаев номидаги Тиббий паразитология илмий-тадқиқот институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: чорвачилик хўжаликларида кўп учрайдиган ва соҳа ривожига жиддий зарар келтирадиган зоофил ҳашаротлар ва эктопаразитларга қарши экологияга, табиий флорага ҳамда ҳайвонлар организми учун безарар бўлган янги восита ва усулларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

зоофил ҳашаротларга қарши курашишда қўлланилиши мумкин бўлган янги энтомофаглар турлари аниқланган ва уларнинг сонини 15 тадан 19 тага етказишга эришилган;

самарали энтомофаглардан биоматериал олиш технологияси ишлаб чиқилган;

Bacillus thuringiensis var.thuringiensis «ЎЗВИТИ М №1» маҳаллий бактерия штаммини кўпайтириш усуллари ишлаб чиқилган;

Bacillus thuringiensis гуруҳига мансуб бўлган бактериялар маҳсулоти (продуценти) –

битоксибациллиннинг юқори энтомоцид хусусиятга эгаллиги аниқланган;

«ЎзВИТИ М №1» биоинсектицидини қўйларнинг эктопаразитлари ва эстроз касаллигига қарши самарадорлиги аниқланган;

экспериментал тадқиқотлар натижасида 25 фоизли маҳаллий циперметрин препаратини қўлланиш доираси кенгайтирилган (зоофил ҳашаротларга, эктопаразитларга нисбатан);

25 фоизли маҳаллий циперметрин препаратининг чорва ҳайвонларининг эктопаразитларига нисбатан инсектицид фаоллиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Чорва ҳайвонларининг зоофил ҳашаротлари ва эктопаразитларига қарши кураш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг эктопаразитларига қарши қўллаш учун маҳаллий штамм *Vac.thuringiensis var.thuringiensis* «ЎзВИТИ М №1» биоинсектицидини яратиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№IAP 02942, 2005);

чорва молларининг эктопаразитларига қарши курашиш ва олдини олиш бўйича «Циперметриннинг 25 фоизли концентрат эмульсиясини чорвачиликда экто ва эндопаразитларга қарши қўллаш ҳақида» мавзусидаги чорвачилик фермер хўжаликлари учун тавсиянома ишлаб чиқилган (Давлат ветеринария бош бошқармасининг 16.11.2016 йилдаги №48/4-1714-сон маълумотномаси). Бунда препаратнинг 0,015 фоизли эритмаси эктопаразитларга қарши курашишда 90–92 фоизгача самара бериши аниқланган.

«ЎзВИТИ М №1» бактерия штаммидан биоинсектицид олиш технологияси ишлаб чиқилган ҳамда битоксибациллин препарати Паркент туманидаги «Бойқозон» хўжалигидаги чорвачилик фермасида 300 бош, Сайхунобод туманидаги «Мусо-ота» ва «Бешбулоқ» фермер хўжаликларида 25 бош қўйларда эктопаразитоз ҳамда эстроз касалликларини даволашда жорий этилган (Давлат ветеринария бош бошқармасининг 09.11.2016 йилдаги №18/1-1689-сон маълумотномаси). Бунда битоксибациллин препаратини қўллаш натижасида қўйларнинг эктопаразитоз ва эстроз касалликларига қарши 90–95 фоиз даволаш самарадорлигига эришилган ҳамда ўсиш кўрсаткичи 12–15 фоизга ошганлиги аниқланган.

Бакиров Бахтияр. «Сигирларда оқсил-углевод-липид алмашинувининг бузилиши ва жигар дистрофияси», 16.00.01–Ҳайвонлар диагностикаси, терапияси ва хирургияси (ветеринария фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: №30.09.2014/В2014.5.V.19.

Илмий маслаҳатчи: Норбоев Курбон Норбоевич, ветеринария фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Самарқанд қишлоқ хўжалик институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ҳамда Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик илмий-тадқиқот институти, 14.07.2016.Qx/V.25.01.

Расмий оппонентлар: Элмуродов Бозорбой Ахтамович, ветеринария фанлари доктори; Аралов Нематилла Равшанович, тиббиёт фанлари доктори; Ильясов Азиз Саидмуродович, биология фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: Бухоро тиббиёт институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: республиканинг турли геоэкологик шароитларидаги сигирларда ҳайвон ёши, лактация даврлари ва рацион типларига боғлиқ ҳолдаги оқсил-углевод-липид алмашинувининг бузилиши ва жигар дистрофиясининг эрта ташхислаш, даволаш ҳамда гуруҳли олдини олиш усуллари ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор республиканинг уч геоэкологик ҳудуди (адекват, экстремал ва кескин экстремал) шароитидаги ғуножин ва сигирларда оқсиллар, углеводлар, липидлар алмашинуви даражасининг картограммалари ишлаб чиқилган;

сигирларда оқсил-углевод-липид алмашинуви бузилишларининг жигар дистрофияси билан этиопатогенетик боғлиқлиги сабаблари аниқланган;

сигирларда оқсил-углевод-липид алмашинувининг бузилиши ва жигар дистрофиясининг махсус гепатоклиник ҳамда махсус гепатобиокимёвий ўзгаришларга асосланган эртачи

ташхис тестлари ишлаб чиқилган;

сигирларда оқсил-углевод-липид алмашинувининг бузилиши ва жигар дистрофиясига қарши самарали даволаш-профилактик мажмуа сифатида таркиби асосан маҳаллий воситалардан ташкил топган, осон тайёрланадиган, арзон, экологик тоза, ишлатилиши қулай ва организм учун зарарсиз ҳисобланган «Ультракетост» оқсилли-витамиинли-минералли озиқа аралашмаси, «Гепастимулин» тўқима препарати ва «Фехоселен» муртак экстракти яратилган;

сигирларда оқсил-углевод-липид алмашинувининг бузилиши ва жигар дистрофиясининг янгидан яратилган даволаш-профилактик мажмуани қўллашга асосланган ҳамда юқори самарадорликни таъминлайдиган гуруҳли олдини олиш усули ишлаб чиқилган;

сигирларда оқсил-углевод-липид алмашинувининг бузилиши ва жигар дистрофияси билан ўтадиган ошқозонолди бўлимлари гипо- ва атонияси, алиментар дистрофия, кетоз, алиментар остеодистрофия ва гепатодистрофия касалликларини даволаш усуллари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Сигирларда оқсил-углевод-липид алмашинувининг бузилиши ва жигар дистрофияси бўйича олинган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

«Маҳсулдор қорамолларда метаболизм бузилишлари ва жигар дистрофиясининг олдини олиш бўйича тавсиялар» ишлаб чиқилган (Давлат ветеринария бош бошқармасининг 10.09.2016 й. 48/4-1381-сон маълумотномаси). Бунда сигирларда оқсил-углевод-липид алмашинувининг бузилиши ва жигар дистрофиясининг эрта ташхиси, даволаш ҳамда олдини олиш бўйича қорамолчилик фермер хўжаликларида қўлланма сифатида тавсия этилган;

сигирларда оқсил-углевод-липид алмашинувининг бузилиши ва жигар дистрофиясини «Ультракетост» оқсилли-витамиинли-минералли озиқа аралашмаси, «Гепастимулин» тўқима препарати ва «Фехоселен» муртак экстрактдан иборат даволаш-профилактик мажмуани қўллашга асосланган даволаш ҳамда гуруҳли олдини олиш усуллари Самарқанд вилоятининг Пастдарғом тумани, Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ ва Нишон туманлари, Бухоро вилоятининг Когон тумани чорвачилик фермер хўжаликларида жами 310 бош сигирда жорий қилинган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 16.09.2016 й. 05/09-117-сон маълумотномаси). Бунда сигирларнинг ўртача тана вазни 15,0–15,5 фоиз, сут маҳсулдорлиги 7,0–7,1 фоиз, пуштдорлиги 8–10 фоиз, янги туғилган бузоқларнинг ўртача тирик вазни 8,0–8,4 фоизга ошган ҳамда жигарнинг дистрофия билан зарарланиш даражаси 10–11 фоизга камайган, иқтисодий самара ҳар бош сигир ҳисобига йилига ўртача 410,0–410,8 минг сўмни ташкил этган.

Эшбуриев Бахтияр Маматқулович. «Бўғоз сигирларнинг эндемик микроэлементозлари, уларнинг оқибатлари ва профилактика чора-тадбирлари», 16.00.01–Ҳайвонлар диагностикаси, терапияси ва хирургияси (ветеринария фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: №30.09.2014/V2014.5.V.20.

Илмий маслаҳатчи: Норбоев Курбон Норбоевич, ветеринария фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Самарқанд қишлоқ хўжалик институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ва Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик илмий-тадқиқот институти, 14.07.2016. Qx/V.25.01.

Расмий оппонентлар: Дилмуродов Насриддин Бобоқулович, ветеринария фанлари доктори; Тоиров Эркин Санатович, тиббиёт фанлари доктори; Муртазин Булат Файзирахмонович, ветеринария фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: Бухоро тиббиёт институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: бўғоз сигирлар эндемик микроэлементозларининг этиологияси, касалликларнинг кечиш хусусиятлари ва диагностикаси ҳамда у билан касалланган сигирлардан туғилган бузоқларнинг диспепсия билан касалланиши ҳамда касалликнинг олдини олиш ва даволашнинг самарали усуллари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор қорамолчилик фермер хўжаликларида бўғоз сигирларда эндемик микроэлементозларнинг турлари ва этиологияси, ҳайвонларни йил давомида бир жойда сақлашда уларнинг алиментар-эндемик характердаги мураккаб патология тарзида кечиши

аниқланган;

мазкур патологиянинг ривожланишида модда алмашинуви, микро элементлар алмашинувининг бузилиши, организмда овқат ҳазм қилиш, юрак-қон томир ва ҳаракат аъзолари функциялари, қоннинг морфобиокимёвий кўрсаткичлари ҳамда жигар функционал ҳолатининг издан чиқиши исботланган;

бўғоз сигирларнинг микроэлементозлар билан касалланиши оқибатида улардан нимжон, тана вазни кичик, ҳаётчанлиги ва организм табиий резистентлиги паст бузоқларнинг туғилиши ва ҳаётининг биринчи кунларида диспепсия билан касалланиши аниқланган;

бўғоз сигирларда эндемик микроэлементозларнинг гуруҳ усулида олдини олишда қўлланиладиган микроэлементли-витамишли озиқавий аралашманинг таркиби ишлаб чиқилган, унинг бўғоз сигирлар организмга, увиз сутининг сифати, сигирларнинг маҳсулдорлиги ва улардан туғилган бузоқлар физиологик ҳолатига таъсири аниқланган;

бўғоз сигирларнинг микроэлементозлар билан касалланиши оқибатида кузатиладиган бузоқлар диспепсиясини даволашда организмнинг сувсизланиши, интоксикацияга қарши ва ишқорловчи таъсирга эга бўлган 10% ли бентонит эритмасидаги янтоқ ва аччиқ шувоқ дамламаси, «Электролитли-дегидратацион эритма» (ЭДЭ) ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга эжрий этилган илмий натижалари:

Бўғоз сигирлар эндемик микроэлементозларининг диагностикаси, даволаш ва олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган натижалар асосида:

«Микроэлементозларни олдини олиш учун микроэлементли-витамишли аралашма» ишланмаси учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№ИАР 2013 0179). Бунда бўғоз сигирларнинг эндемик микроэлементозларини олдини олиш учун микроэлементли-витамишли аралашмаларни қўллаш усуллари ишлаб чиқилган;

«Бузоқлар диспепсиясини даволаш учун электролитли-дегидратацион эритма» ишланмаси учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№ИАР 2013 0180). Бунда бузоқлар диспепсиясини даволаш ва олдини олиш учун электролитли-дегидратацион эритмалардан фойдаланиш усуллари ишлаб чиқилган;

бўғоз сигирларнинг микроэлементозларини олдини олиш учун «Микровит» микроэлементли-витамишли аралашмани қўллаш, бузоқлар диспепсиясини даволашни такомиллаштиришда «Электролитли-дегидратацион эритма»ни қўллашга асосланган даволаш ва гуруҳли олдини олиш усуллари Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятлари қорамолчилик фермер хўжаликларида жорий этилган (Давлат ветеринария бош бошқармасининг 15.09.2016 й. №48/4-1380-сон маълумотномаси). Бунда бузоқларни туғилгандаги тана вазни 13,4 фоизга ва тана вазнининг кунлик ўсиши 14,4 фоизга ошган, уларнинг диспепсия билан касалланиши 60 фоизга камайган, соғин сигирлар сут маҳсулдорлиги 38,5 фоизга юқори бўлган ҳамда иқтисодий самара бир бош сигир ҳисобига ўртача 545,8 минг сўмни ташкил этган.

Салимов Юнус. «Ветеринарияда қўлланиладиган замонавий пиретроидлар токсикологияси, ҳайвонларнинг заҳарланишини олдини олиш ва даволаш», 16.00.04–Ветеринария фармакологияси ва токсикологияси. Ветеринария санитарияси, экологияси, зоогигиенаси, ветеринария-санитария экспертизаси (ветеринария фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.V.26.

Илмий маслаҳатчи: Хайтов Владимир Рузиевич, ветеринария фанлари доктори.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Самарқанд қишлоқ хўжалик институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ва Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик илмий-тадқиқот институти, 14.07.2016.Қх/В.25 01.

Расмий оппонентлар: Норбоев Қурбон Норбоевич, ветеринария фанлари доктори, профессор; Избосаров Унгар Қаҳҳорович, ветеринария фанлари доктори, профессор; Юлдошев Зокиржон Абидович, фармацевтика фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: М.Исаев номидаги Тиббий паразитология илмий-тадқиқот институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: ветеринария соҳасида қўлланиладиган замонавий пиретроидларни заҳарлилик ва хавфлилик даражасини аниқлаш, ҳайвон ва паррандаларнинг заҳарланишини олдини олиш чоралари ҳамда даволашнинг такомиллашган усуллари ишлаб

чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандалар учун хорижда тайёрланган бир қатор пиретроидларни, маҳаллий циперметрин, циракс ва суми-альфа препаратларининг ўткир заҳарловчи миқдор кўрсаткичлари аниқланган;

сунъий пиретроидларнинг ҳайвонлар организмида ўткир ва сурункали таъсиридаги токсикодинамикаси ва токсикокинетикасининг ўзига хос хусусиятлари ва улар таъсиридаги бир қатор нишонлари ҳамда препаратлар тўпланадиган асосий органлар аниқланган;

пиретроидлар билан заҳарланган қуён, товуқ ва қоракўл қўйлари гўшт маҳсулотлари сифатига ветеринария-санитария жиҳатидан баҳо берилган ва уларни истеъмолга хавфсиз бўлган гўштга сўйиш муддатлари ишлаб чиқилган;

циперметрин ва эсфенвалерат асосидаги инсектицид дуст шакли тайёрланган ва уни инсектоакарицид воситаси сифатида заҳарлилик ҳамда хавфлилик даражаси аниқланган;

сунъий пиретроидларнинг ҳайвонлар ва паррандалар озуқасидаги рухсат этиш мумкин бўлган энг юқори қолдиқ миқдорлари аниқланган;

қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандаларни сунъий пиретроидлар билан заҳарланишини олдини олиш, заҳарланишларга эрта ташхис қўйиш ва уларни бир қатор фармакологик препаратлар ёрдамида даволашнинг самарали усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Замонавий пиретроидлар токсикологияси бўйича илмий-тадқиқот натижалари асосида:

«Қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандаларни синтетик пиретроидлар билан заҳарланишларига ташхис қўйиш, даволаш ва олдини олиш бўйича услубий тавсиялар» услубий қўлланма ишлаб чиқилган (Давлат ветеринария бош бошқармасининг 31.10.2016 йилдаги 48/4-1621-сон маълумотномаси). Бунда қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандаларни пиретроидли препаратлардан заҳарланишини даволаш ҳамда олдини олиш чоралари ишлаб чиқилган;

пиретроидлардан ўткир ва сурункали заҳарланишларни даволаш мақсадида атропин сульфат, хромосмон, аскорбин кислотаси, димефосфон, поливинилпиролон ҳамда мексидол препаратларидан иборат фармакологик воситаларни қўллашга асосланган даволаш усуллари Самарқанд вилояти Жомбой тумани, Навоий вилояти Хатирчи туманларидаги фермер хўжаликларидаги жами 15 бош маҳаллий қорамол, 55 бош қоракўл қўйлари ҳамда 36 бош товуқларда жорий этилган (Давлат ветеринария бош бошқармасининг 17.11.2016 йилдаги 48/4-1630-сон маълумотномаси). Бунда ҳайвон ва парранда турлари бўйича заҳарланишни даволаш самарадорлиги 50–60 фоизни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати қарори билан 2016 йилда рад жавоби берилган ва Тартиб-қоида комиссияси қарори билан кўриш жараёнидан тўхтатилган аттестация ишлари ҳақида маълумот

Т/р	Аттестация ишини тақдим этган муассаса номи	Кўриш жараёнидан тўхтатилган аттестация ишлари сони	Жумладан	
			Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати қарори асосида	Ўзбекистон Республикаси ОАК Тартиб-қоида комиссияси қарори асосида
1	Банк-молия академияси	1	1	0
2	Биоорганик кимё институти	1	1	0
3	Жиззах давлат педагогика институти	1	0	1
4	Наманган муҳандислик-педагогика институти	1	0	1
5	Сабзавотчилик, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти	1	0	1
6	Самарқанд давлат университети	2	1	1
7	Самарқанд давлат тиббиёт институти	1	1	0
8	Самарқанд давлат чет тиллар инс.	3	0	3
9	Термиз давлат университети	1	0	1
10	Тошкент врачлар малакасини ошириш институти	1	1	0
11	Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» ДУК	1	0	1
12	Тошкент давлат шарқшунослик институти	1	1	0
13	Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети	1	1	0
14	Тошкент ирригация ва мелиорация институти	1	1	0
15	Тошкент педиатрия тиббиёт институти	1	1	0
16	Тошкент тиббиёт академияси	1	0	1
17	Фарғона давлат университети	1	0	1
18	Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия инс.	2	0	2
19	Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти	3	0	3
20	Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти	1	0	1
21	Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти	2	0	2
22	Қўқон давлат педагогика институти	2	0	2
23	Бошқалар	1	1	0
	Жами	31	10	21

Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатида рад жавоби берилган ва кўриш жараёнидан тўхтатилган ишлар

Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатида рад жавоби берилган ва кўриб чиқиш жараёнидан тўхтатилган ишлар ҳақида қуйидаги маълумотлар келтирилмоқда.

1. Биоорганик кимё институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи 14.07.2016.К/В/Т.13.01 рақамли илмий кенгаш томонидан кимё фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган **А.Д.Матчанов**нинг аттестация иши талабгорнинг аризасига кўра кўрилиш жараёнидан тўхтатилди.

2. Банк-молия академияси, Тошкент ирригация ва мелиорация институти ҳамда Тошкент молия институти ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи 14.07.2016.І.31.01 рақамли илмий кенгаш томонидан иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган **Ж.Я.Исаков**нинг аттестация иши талабгорнинг аризасига кўра кўрилиш жараёнидан тўхтатилди.

3. Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи 14.07.2016.Тib.18.01 рақамли илмий кенгаш томонидан тиббиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган **С.М.Шокированин**г аттестация иши талабгорнинг аризасига кўра кўрилиш жараёнидан тўхтатилди.

4. Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи 14.07.2016.Тib.19.01 рақамли илмий кенгаш томонидан тиббиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган **З.Ш.Ашуров**нинг аттестация иши талабгорнинг аризасига кўра кўрилиш жараёнидан тўхтатилди.

5. Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи 14.07.2016.Fil.09.01 рақамли илмий кенгаш томонидан филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган **Н.З.Насруллаеванин**г аттестация иши талабгорнинг аризасига кўра кўрилиш жараёнидан тўхтатилди.

6. Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги 08.06.2016. Fil.33.01 рақамли филология фанлари доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашда **Ш.Х.Норбаеванин**г диссертацияси ва нашр ишларининг илмий экспертизаси бўйича экспертлар гуруҳининг хулосаси ҳамда мазкур масала бўйича ОАК Филология, педагогика ва психология фанлари эксперт кенгашининг қарори асосида филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган талабгорнинг аттестация йиғмажилдига рад жавоби берилди.

7. Самарқанд давлат университети кенгаши томонидан профессор илмий унвонида тасдиқлаш учун тақдим этилган **Д.И.Салоҳий**нинг аттестация иши талабгорнинг аризасига кўра кўрилиш жараёнидан тўхтатилди.

8. Тошкент ирригация ва мелиорация институти кенгаши томонидан профессор илмий унвонида тасдиқлаш учун тақдим этилган **Г.Шадманованин**г аттестация иши талабгорнинг аризасига кўра кўрилиш жараёнидан тўхтатилди.

9. Самарқанд давлат тиббиёт институти кенгаши томонидан доцент илмий унвонида тасдиқлаш учун тақдим этилган **Н.Ходжаев**нинг аттестация ишига талабгорнинг давлат грантидаги иштироки сўралаётган ихтисосликка мос келмаганлиги сабабли рад жавоби берилди.

10. География фанлари номзоди дипломини нострификация қилиш бўйича тақдим этилган **Ш.Т.Рахмонов**нинг аттестация ишига диссертациясининг илмий янгиликлари етарли равишда асосланмаганлиги ва илмий изланишларда тадқиқот объектининг ўзига хос хусусиятлари тегишли равишда эътиборга олинмаганлиги сабабли рад жавоби берилди.

Ўзбекистон Республикаси ОАК Тартиб-қоида комиссияси қарори билан кўриш жараёнидан тўхтатилган ишлар ҳақида

1. Жиззах давлат педагогика институти кенгаши томонидан **М.З.Муртазаев**нинг профессор илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган аттестация иши кўрилиш жараёнидан тўхтатилган (1. «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 2-бандига асосан профессор, доцент ва катта илмий ходим илмий унвонлари ихтисослик бўйича берилади. 2. 13-е (Талабгорнинг диссертация ҳимоясидан кейин илмий ишлар, жумладан нуфузли хорижий илмий журналларда 2 та илмий мақола чоп этилгани тўғрисида маълумот келтирилмаган) банди талаб даражасида бажарилмаган).

2. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти кенгаши томонидан профессор илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **Р.С.Набиуллин**нинг аттестация иши кўрилиш жараёнидан тўхтатилган (1. «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 2-банди ҳамда 13-бандининг «д», «е» ва «ж» кичик бандлари талаб даражасида бажарилмаган: д) талабгорнинг илмий даража олган олий малакали мутахассис тайёрлагани ва камида 2 нафар магистратура талабасига илмий раҳбарлик қилгани ёки 10 нафар магистратура талабаси билан бирга 5 нафар бакалавриатура талабасига илмий раҳбарлик қилгани ёхуд давлат (номли) степендиялари танловлари ёки халқаро, республика олимпиадалари ғолибларини тайёрлагани тўғрисида маълумот келтирилмаган; е) талабгорнинг диссертация ҳимоясидан кейин илмий ишлар, жумладан илмий журналларда камида 5 та илмий мақола, шундан нуфузли хорижий илмий журналларда 2 та илмий мақола ҳамда яқка муаллифликда монография чоп эттиргани тўғрисида маълумот келтирилмаган; ж) педагогик амалиётда фойдаланилаётган ўқув адабиётлари, жумладан диссертация ҳимоясидан кейин таълим турларининг бирида фойдаланилаётган ОТМ ўқув дастурларига мос келадиган яқка муаллифликда 3 та ўқув қўлланма нашр эттиргани тўғрисида маълумот келтирилмаган. 2. «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом»нинг 2-бандига мувофиқ профессор илмий унвони ихтисослик бўйича берилади. 3. Талабгорнинг илмий ва илмий-услубий ишлари бўйича ҳаммуаллифларнинг ёзма розилиги илова қилинмаган).

3. Самарқанд давлат университети кенгаши томонидан доцент илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **Н.Халманов**нинг аттестация иши кўрилиш жараёнидан тўхтатилган («Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 7-бандининг «а» кичик банди талаб даражасида бажарилмаган: а) талабгорнинг давлат грантлари, хўжалик шартномалари ёки бошқа илмий лойиҳалар доирасида илмий изланишлар олиб бораётгани келтирилмаган).

4. Фарғона давлат университети кенгаши томонидан доцент илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **У.Мирзаев**нинг аттестация иши кўрилиш жараёнидан тўхтатилган («Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 2 (Профессор, доцент ва катта илмий ходим унвонлари ихтисослик бўйича берилади.) ва 29 (Талабгорнинг аттестация йиғмажилди мазкур Низомнинг иловасидаги рўйхат бўйича Кенгаш томонидан илмий унвонга тақдим этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан 10 иш куни ичида ОАКга юборилди) -бандлари талаб даражасида бажарилмаган).

5. Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти кенгаши томонидан доцент илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **З.Рўзиева**нинг аттестация иши кўрилиш жараёнидан тўхтатилган («Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 7-бандининг «а», «в» кичик бандлари талаб даражасида бажарилмаган: а) талабгорнинг давлат грантлари, хўжалик шартномалари ёки бошқа илмий лойиҳалар доирасида илмий изланишлар олиб бораётгани келтирилмаган; в) талабгорнинг охириги 2 йил ичида олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимидаги аттестация жараёнида (тақризчи, илмий семинар, фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш, малакавий имтиҳонларни қабул қилиш комиссияси аъзоси, расмий оппонент ва шу каби шаклларда) иштирок этганини аниқлаштириш керак. Шунингдек, 3.4-шакл бўйича рўйхатдаги илмий ишларида талабгорнинг муаллифлик иштироки ҳақида маълумотлар келтирилмаган ҳамда илмий ишлари рўйхатига ҳаммуаллифларнинг

ёзма розилиги илова қилинмаган. 5.4а-шаклда ихтисослик шифри ва номи нотўғри келтирилган. Талабгорнинг паспорт нусхаси илова қилинмаган).

6. Термиз давлат университети кенгаши томонидан доцент илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **А.Хайтмуратов**нинг аттестация иши кўрилиш жараёнидан тўхтатилган (1. «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом»нинг 2 банди талаб даражасида бажарилмаган (Профессор, доцент ва катта илмий ходим унвонлари ихтисослик бўйича берилди). 2. Маълумотномада (1-бет, 7-хатбоши) талабгорнинг лавозими «доцент вазифасини бажарувчи» деб кўрсатилган, лекин меҳнат дафтарчаси нусхасида унинг лавозими «катта ўқитувчи» деб қайд этилган (маълумотнома ва меҳнат дафтарчаси нусхасидан илова қилинади). («Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 19 бандининг «в» кичик банди: камида бир ўқув йили давомида ОТМнинг штатида кафедра мудири, профессор (вазифасини бажарувчи), доцент (вазифасини бажарувчи) ёки олий ҳарбий таълим муассасаларида катта ўқитувчи, кафедра бошлиғи ўринбосари ёки кафедра бошлиғи ёхуд мазкур лавозимларда бир ўқув йили давомида камида 0,25 ставка ўқув юкмасини бажарган ҳолда педагогик фаолият олиб бораётган муассаса ректори (директори, бошлиғи), проректори (директор ўринбосари, бошлиқ ўринбосари), илмий котиби, ОТМнинг ўқув-ташкилий тузилмаси (факультет, бўлим) раҳбари лавозимларининг бирида муваффақиятли ишлаб келаётган (лавозимида ижобий ўзгариш бўлган ҳолларда аввалги лавозимида ишлаш муддати ҳам эътиборга олинади). Шунингдек, 3.4-шакл бўйича расмийлаштирилган рўйхатдаги илмий ишларида талабгорнинг муаллифлик иштироки ҳақида маълумотлар келтирилмаган ҳамда мазкур рўйхатга ҳаммуаллифларнинг ёзма розилиги илова қилинмаган.

7. Тошкент тиббиёт академияси илмий кенгаши (Ш.И.Каримов) томонидан доцент илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **Г.Х.Исканов**нинг аттестация иши кўрилиш жараёнидан тўхтатилган («Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 7-бандининг «в» кичик банди талаб даражасида бажарилмаган (тақдим этилган маълумотнома бўйича): в) талабгорнинг охириги 2 йил ичида олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимидаги аттестация жараёнида иштирок этгани ҳақида маълумотлар келтирилмаган).

8. Қўқон давлат педагогика институти кенгаши томонидан доцент илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **З.Д.Бойтемиров**нинг аттестация иши кўрилиш жараёнидан тўхтатилган («Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 19-бандининг «г» кичик банди талаб даражасида бажарилмаган: г) Талабгор томонидан диссертация ҳимоясидан кейин илмий журналларда камида 3 та илмий мақола чоп эттиргани тўғрисидаги маълумот келтирилмаган).

9. Қўқон давлат педагогика институти кенгаши томонидан доцент илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **Н.М.Бабаева**нинг аттестация иши кўрилиш жараёнидан тўхтатилган («Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 8-банди талаб даражасида бажарилмаган: Талабгор томонидан «Мустақиллик мафкураси ҳамда демократик жамият қуришининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий негизлари ва илмий асослари» фанидан махсус имтиҳон топширилгани тўғрисидаги маълумот келтирилмаган).

10. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти кенгаши томонидан доцент илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **Ш.А.Мирзакулов**нинг аттестация иши кўрилиш жараёнидан тўхтатилган («Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом»нинг 2-бандига мувофиқ доцент илмий унвони ихтисослик бўйича берилди. 2. Талабгорнинг илмий ва илмий-услубий ишлари бўйича ҳаммуаллифларнинг ёзма розилиги илова қилинмаган).

11. Самарқанд давлат университети кенгаши томонидан доцент илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **З.О.Кувандиков**нинг аттестация иши кўрилиш жараёнидан тўхтатилган («Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 19-г (Талабгорнинг диссертация ҳимоясидан кейин илмий ишлар, жумладан журналларда 3 та илмий мақола чоп этилгани тўғрисида маълумот келтирилмаган) банди талаб даражасида бажарилмаган).

12. Самарқанд давлат университети кенгаши томонидан доцент илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **З.Б.Болтаев**нинг аттестация иш кўрилиш жараёнидан тўхтатилган («Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 19-г (Талабгорнинг диссертация ҳимоясидан кейин илмий ишлар, жумладан журналларда 3 та илмий мақола чоп этилгани тўғрисида маълумот келтирилмаган) банди талаб даражасида бажарилмаган).

13. Самарқанд давлат чет тиллар институти кенгаши томонидан доцент илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **С.Д.Джабборов**нинг аттестация иши кўрилиш жараёнидан тўхтатилган (1. «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом»нинг 7-а (Талабгор давлат грантлари, хўжалик шартномалари ёки бошқа илмий лойиҳалар доирасида илмий изланишлар олиб бораётгани тўғрисида маълумот келтирилмаган) банди талаб даражасида бажарилмаган; 2. Талабгорнинг илмий ва илмий-услубий ишлари бўйича ҳаммуаллифларнинг ёзма розилиги илова қилинмаган).

14. Наманган муҳандислик-педагогика институти кенгаши томонидан доцент илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **К.Д.Исманов**нинг аттестация иши кўриш жараёнидан тўхтатилган («Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 2- (Профессор, доцент ва катта илмий ходим унвонлари ихтисослик бўйича берилди), 7- (Давлат грантлари, хўжалик шартномалари ёки бошқа илмий лойиҳалар доирасида илмий изланишлар олиб бораётгани) ва 29- (Талабгорнинг аттестация йиғмажилди мазкур Низомнинг иловасидаги рўйхат бўйича Кенгаш томонидан илмий унвонга тақдим этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан 10 иш куни ичида ОАКга юборилди) бандлари талаб даражасида бажарилмаган).

15. Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» ДУК кенгаши томонидан катта илмий ходим илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **Б.Собиров**нинг аттестация иши кўрилиш жараёнидан тўхтатилган (1. «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 7-бандининг «а», «б» кичик бандлари талаб даражасида бажарилмаган: а) талабгорнинг давлат грантлари, хўжалик шартномалари ёки бошқа илмий лойиҳалар доирасида илмий изланишлар олиб бораётганини аниқлаштириш керак; б) талабгорнинг маънавий-маърифий ишларда самарали иштирок этаётганини аниқлаштириш керак. 2. «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 21-бандининг «г» кичик банди талаб даражасида бажарилмаган: г) талабгорнинг диссертация ҳимоясидан кейин илмий ишлар, жумладан нуфузли хорижий илмий журналда илмий мақола чоп эттиргани келтирилмаган. 3. Талабгорнинг аттестация йиғмажилди мазкур низомнинг 29-бандига асосан ОАКга тақдим этилмаган. Шунингдек, талабгорнинг илмий ишлари рўйхатига ҳаммуаллифларнинг ёзма розилиги илова қилинмаган).

16. Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти кенгаши томонидан катта илмий ходим илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **Ю.Ғаффоров**нинг аттестация иши кўрилиш жараёнидан тўхтатилган («Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 7-бандининг «в» кичик банди талаб даражасида бажарилмаган: в) талабгорнинг охириги 2 йил ичида олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимидаги аттестация жараёнида (тақризчи, илмий семинар, фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш, малакавий имтиҳонларни қабул қилиш комиссияси аъзоси, расмий оппонент ва шу каби шаклларда) иштирок этгани келтирилмаган. Шунингдек, талабгорнинг илмий ишлари рўйхатига ҳаммуаллифларнинг ёзма розилиги илова қилинмаган).

17. Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти кенгаши томонидан катта илмий ходим илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **Н.Рахимов**нинг аттестация иши кўрилиш жараёнидан тўхтатилган («Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 7-бандининг «в» кичик банди талаб даражасида бажарилмаган: в) талабгорнинг охириги 2 йил ичида олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимидаги аттестация жараёнида (тақризчи, илмий семинар, фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш, малакавий имтиҳонларни қабул қилиш комиссияси аъзоси, расмий оппонент ва шу каби шаклларда)

иштирок этгани келтирилмаган. Шунингдек, талабгорнинг илмий ишлари рўйхатига ҳаммуаллифларнинг ёзма розилиги илова қилинмаган).

18. Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти кенгаши томонидан катта илмий ходим илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **Д.Юсупованинг** аттестация иши кўрилиш жараёнидан тўхтатилган («Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 7-бандининг «в» кичик банди талаб даражасида бажарилмаган: в) талабгорнинг охирги 2 йил ичида олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимидаги аттестация жараёнида (тақризчи, илмий семинар, фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш, малакавий имтиҳонларни қабул қилиш комиссияси аъзоси, расмий оппонент ва шу каби шаклларда) иштирок этгани келтирилмаган. Шунингдек, талабгорнинг илмий ишлари рўйхатига ҳаммуаллифларнинг ёзма розилиги илова қилинмаган).

19. Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти кенгаши томонидан катта илмий ходим илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **Б.Тлеумуратованинг** аттестация иши кўрилиш жараёнидан тўхтатилган («Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 7-бандининг «а», «б», «в» кичик бандлари талаб даражасида бажарилмаган: а) талабгорнинг давлат грантлари, хўжалик шартномалари ёки бошқа илмий лойиҳалар доирасида илмий изланишлар олиб бораётганини аниқлаштириш керак; б) талабгорнинг маънавий-маърифий ишларда самарали иштирок этаётгани келтирилмаган; в) талабгорнинг охирги 2 йил ичида олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимидаги аттестация жараёнида (тақризчи, илмий семинар, фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш, малакавий имтиҳонларни қабул қилиш комиссияси аъзоси, расмий оппонент ва шу каби шаклларда) иштирок этгани келтирилмаган. Шунингдек, 3.4-шакл бўйича расмийлаштирилган рўйхатдаги илмий ишларида талабгорнинг муаллифлик иштироки ҳақида маълумотлар келтирилмаган ҳамда мазкур рўйхатга ҳаммуаллифларнинг ёзма розилиги илова қилинмаган).

20. Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти кенгаши томонидан катта илмий ходим илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **Ш.Туремуратовнинг** аттестация иши кўрилиш жараёнидан тўхтатилган («Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 7-бандининг «б», «в» кичик бандлари талаб даражасида бажарилмаган: б) талабгорнинг маънавий-маърифий ишларда самарали иштирок этаётгани келтирилмаган; в) талабгорнинг охирги 2 йил ичида олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимидаги аттестация жараёнида (тақризчи, илмий семинар, фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш, малакавий имтиҳонларни қабул қилиш комиссияси аъзоси, расмий оппонент ва шу каби шаклларда) иштирок этганини аниқлаштириш керак. Шунингдек, талабгорнинг илмий ишлари рўйхатига ҳаммуаллифларнинг ёзма розилиги илова қилинмаган).

21. Сабзавотчилик, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти кенгаши томонидан катта илмий ходим илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **Ж.Наджиёвнинг** аттестация иши кўрилиш жараёнидан тўхтатилган (1. «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 7-бандининг б) талабгорнинг маънавий-маърифий ишларда самарали иштирок этаётгани келтирилмаган; в) талабгорнинг охирги 2 йил ичида олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимидаги аттестация жараёнида (тақризчи, илмий семинар, фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш, малакавий имтиҳонларни қабул қилиш комиссияси аъзоси, расмий оппонент ва шу каби шаклларда) иштирок этгани келтирилмаган. 2. «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 21-бандининг «г» кичик банди талаб даражасида бажарилмаган: г) диссертация ҳимоясидан кейин нуфузли хорижий илмий журналда мақола чоп эттирмаган. Шунингдек, илмий унвон талабгори тўғрисидаги объектив-маълумотнома талаб даражасида расмийлаштирилмаган ҳамда илмий ва илмий-услубий ишларида ҳаммуаллифларнинг ёзма розилиги илова қилинмаган).

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар раҳбарлари диққатига!

Докторлик диссертацияси ҳимояси ҳақида Ўзбекистон Республикаси ОАК веб-сайти ва Ўзбекистон Республикаси ОАК Бюллетенида эълон қилиш учун диссертация ҳимояга қабул қилиниб, расмий оппонентлар ва етакчи ташкилот тасдиқлангандан сўнг, 5 иш куни ичида диссертация автореферати чоп этилишидан аввал қуйидаги ҳужжатлар илмий кенгаш илмий котиби томонидан Ўзбекистон Республикаси ОАКга тақдим этилади:

- а) илмий кенгаш раиси имзолаган йўлланма хат¹;
- б) илмий даража талабгори тўғрисидаги объектив-маълумотнома;
- в) диссертация илмий натижаларининг амалиётга жорий этилгани тўғрисида берилган ҳужжатларнинг нусхалари;
- г) докторлик диссертацияси автореферати қўлёзмаси².
- д) қуйида келтирилган шакл асосида тайёрланган эълон матни.

Докторлик диссертацияси ҳимояси ҳақида ОАК веб-сайти ва Ўзбекистон Республикаси ОАК Бюллетенида эълон қилиш бўйича эълон матни шакли:

I. Умумий маълумотлар.

Диссертация мавзуси, ихтисослик шифри (илмий даража бериладиган фан тармоғи номи).
Талабгорнинг илмий ва илмий-педагогик фаолият олиб боришга лаёқати бўйича тест синовидан ўтгани ҳақида маълумот.

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам.

Илмий маслаҳатчининг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони.

Диссертация бажарилган муассаса номи.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами.

Расмий оппонентларнинг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони.

Етакчи ташкилот номи.

Диссертация йўналиши (*назарий ёки амалий аҳамиятга молик*).

II. Тадқиқотнинг мақсади.

III. Тадқиқотнинг илмий янгилиги (диссертациянинг ҳар бир илмий янгилигининг моҳияти тавсифланган ҳолда қисқа, лўнда ва тушунарли таҳрирда берилади).

IV. Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши (диссертациянинг амалиётга жорий этилган ҳар бир илмий натижаси келтирилган, моҳияти тавсифланган ва қиёсий самараси кўрсатилган ҳолда баён қилинади. Унда амалиётга жорий қилинганини тасдиқловчи ҳужжатни берган ташкилот номи ва ҳужжатнинг санаси келтирилади).

ИК раиси Ф.И.Ш
ИК илмий котиби Ф.И.Ш
Илмий маслаҳатчи Ф.И.Ш
Талабгор Ф.И.Ш

Сана муҳр

Изоҳ: Эълон матни 1–2-саҳифада компьютернинг Times New Roman шрифтида, 12 кегль катталиқда бир интервалда берилади.

Эълон матнининг электрон версияси ҳам топширилиши керак.

Эълон матни таҳририй жиҳатдан аниқ ва рағон берилиши керак.

Эълонга қабул қилинган ҳужжатларнинг меъёрий-техник экспертизаси натижалари асосида эълон матни 10 иш куни ичида ОАК веб-сайтига жойлаштирилади ёки илмий кенгашлар электрон манзилларига (E-mail ёки E-xat) юборилади.

¹ Йўлланма хатда аттестация тадбирларининг бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳам санаси кўрсатилган ҳолда келтирилади (талабгорнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатлилиги бўйича тест синови натижаси (илмий даражаси) ҳамда хорижий мамлакатнинг тегишли муассасаси етакчи ташкилот ва таниқли мутахассис-олими расмий оппонент сифатида жалб этилганда, ушбу жараёнга тегишли барча сарф-харажатларни муайян ташкилот томонидан белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилган ҳолда амалга оширилиши бўйича ахборот берилади).

² ИК раиси, илмий котиби, илмий маслаҳатчи ва илмий даража талабгори томонидан имзоланган ҳамда автореферат матнининг (ўзбек, рус ва инглиз тиллари) тегишли таҳририят томонидан таҳрирдан ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссияси Бюллетенининг мазкур сони нашри учун масъуллар:

А. Юсупов
С. Зулунов
Ю. Иноятова
М. Саипова
А. Расулов
А. Саримсаков
П. Усманов
А. Ҳасанов

Н. Самигов
Л.Гафурова
Т. Аҳмедов
У. Бегимқулов
А. Маврулов
Ф. Алиджанов
Э. Бозоров
О.Махманов (компьютер таъминоти)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Олий аттестация комиссияси Бюллетени, 2016 йил 4-сон.

Босишга 2017 йил 10 январда рухсат этилди. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}.
Офсет усулида босилди. Босма табағи –13,1
Нашриёт-ҳисоб табағи – 12,6. Адади 1500 нусха. Буюртма № ____ .
Сотувда келишилган нарҳда.

Таҳририят манзили: 100047, Тошкент, Академик Яҳё Ғуломов кўчаси,
70-уй. e-mail: info@oak.uz

босмаҳонасида чоп этилди.